

R-440.

# Шарқ юлдузу

- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN'AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK
- SAN'ATSHUNOSLIK



# Sharq yulduzi

# Унутилмас лаҳзалар



Ўзбекистон халқ шоири  
Барот БОЙҚОБИЛОВ  
(1937 – 2006)

**J**Alisher Navoiy  
nomidagi  
O'zbekiston MK

# Шарқ юлдузи

Адабий-бадний, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

## ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

№ 2

Муҳаммад Али  
Кенгесбой Каримов  
Энахон Сиддикова  
Икбол Мирзо  
Қаҳрамон Куронбоев  
Жумакул Курбонов  
Фармон Тошев  
Ислом Ёқубов  
Умарали Норматов

Хайриддин Султонов  
Сирожиддин Саййид  
Меҳрибон Абдурахмонова  
Йўлдош Солижонов  
Тоштемир Турдиев  
Шухрат Маткаримов  
Адхамбек Алимбеков  
Жамолиддин Муслим

Бош муҳаррир в.б. — Сирожиддин Рауф

Масъул котиб — Бахтиёр Олломурад

Наср бўлими мудир — Рисолат Ҳайдарова

Назм бўлими мудир — Икром Отамурод

Адабиётшунослик бўлими мудир — Аъзамхон Қозихўжа

6

2017

MAJBURIY NUSXA

"12" 10 2017

**УШБУ СОНДА:**

*НАЗМ*

*Саъдулла ҲАКИМ*



*ИЗИМДА ИЗ ҚОЛМАС  
ИЗИННДАН ЎЗГА*

*Булутлар оралаб боққан қуёшдай  
Ҳар кўйга соласан, эй кўзи қийиқ,  
Куйдирсанг куйдириб қўя қолмайсан,  
Ёниб кетмаганим менинг ҳам қизиқ.*

*НАСР*

*Асад ДИЛМУРОД*



*БРОНЗА БҮРИ*

*Эссе*

*Муҳташам ёруғ бўлмадаги  
мармар шоҳсупада тирикдай қад ростлаган  
Эна Кўкбўри – Бронза бўри  
жозибаси ва салобати  
ҳар қандай дилни ишғол қилиши муқаррар...*

*АДАБИЁТШУНОСЛИК*

*Дилором САЛОҲИЙ*



*НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА  
МУҲАББАТНИ МАҚОМИ*

Бу дунё бир гўзал боғ сингари бўлса ҳам, унда фароғат истама, дейди шоир. Чунки, унинг гуллари ҳам шуълалари, ғунчалари жонга озор берувчи тиканлардир. Бу боғдаги сумбуллар инсонни ўзига ром этиш учун қўйилган тузоқлардир.

Хосият БОБОМУРОВА

НАЗМ

...САМАРҚАНДНИНГ АРДОҚЛИ  
БҒЛБҒЛИМАН

Ўзимга айтдимки, борақол, сен ҳам,  
Лоақал, чақмоқдай бир лаҳзага бор.  
Қалбим шивирлайди, кўзларимда нам:  
Мен сенинг ёнингга боролмайман ёр...



Абдуқайюм ЙЎЛДОШ

НАСР

БОЗОР

Ҳикоя

Бир ярим йилча бўлиб қолди, ўша фожиада ўзини айбдор санаб, “Мақтабига ўзим бориб олиб келсам нетарди-и...” деган изтиробли, оғули армон исканжасида ич-этини еяверганидан озиб-гўзиб кетган хотини Даврон қайларгадир яшириб ташлаган суратларни барибир топиб олади, уларни бағрига босганча хонадан хонага шарпадай сассиз ўтиб юраверади, юраверади.



Дамин ТЎРАЕВ

ЭҲТИРОМ

ШИНЧИЛИК, БҒНЁДКОРЛИК ВА ХАЛҚЛАР  
ДЎСЛИГИНИ ҚИЙЧИСИ

Шароф Рашидов собиқ шўро тузими давридаги жуда мураккаб ва оғир йилларда республикага раҳбарлик қилган чоғларида Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида танилувида ва маданиятимиз ривожига, айниқса, унинг халқаро майдонда шуҳрат қозонишига катта хисса қўшди.



ШАВҚИЙ  
(1785–1861)

## **Агар юз минг жафо кўрсам манга мақсад висолингдур**

\* \* \*

Тун сахар жавлон ила оламини кездурган сабо,  
Ёрнинг пайғомини ёрига еткурган сабо.

Субҳ вақтида табоҳи гунчадин очиб гирих,  
Булбули бедилни минг афғона келтурган сабо.

Ҳажр дардидан бўлан ранжурларни ҳар сахар,  
Бўйи зулфи ёрдин бир лаҳза тиргузган сабо.

Шўр ила булбул фиғондин нағма айлаб зеру бам,  
Шавкидин сарву суманни ракс килдурган сабо.

Арғувони лолау насрин юракин чок этиб,  
Савсан узра жомаи мотамни кийдурган сабо.

Шамъи рухсоридин ул парвонани айлаб жудо,  
Бенаво айлаб фано мулкига еткурган сабо.

Шавқиё, ёр истасанг ҳар тун сабоҳ бедор бўл,  
Бир нафас ушшоқлар корини еткурган сабо.

\* \* \*

Дўстлар, ҳеч ким менингдек зору хайрон ўлмасун,  
Бир пари савдосидин бесабру сомон ўлмасун.

Дам-бадам Юсуфваши хижронидин кон йиғлабон,  
Кулбаи аҳзон аро чун пири Канъон ўлмасун.

Соз этиб шўри алоло кўчау бозор аро  
Мен каби саргашгаи расвои даврон ўлмасун.

Найлайн, эй хурваш, сенсиз жаҳон ишратларин,  
Сен бўлуб, бу даҳр ҳаргиз роҳати жон ўлмасун.

Ваъдаи дийдор эди ишк аҳлини найранг этиб,  
Сен каби маккор ваъзи сустпаймон ўлмасун.

Зумраи ушшоқ аро мен янгли бир зору залил,  
Хуш гирифтори хами зулфи паришон ўлмасун.

Бир бути номехрибон тийри ғамидин мен каби  
Жисми бемори саросар захми пайкон ўлмасун.

Кўзларидин тинмайин бир соате селоби ашк,  
Шавқий янглиғ бир ғариби кўнгли вайрон ўлмасун.

\* \* \*

Жамолинг фурқатидин, дилрабо, кўп зор йиғлармен,  
Ғаҳе дар масжиду ғаҳ кўчау бозор йиғлармен.

Ало, эй Лайлийи олам, сенинг ёдинг билан доим  
Жунун саҳросида ошуфта мажнунвор йиғлармен.

Басони гирдибодде дашту ҳомун ичра саргардон  
Бошимға гул сочиб болойи санги хор йиғлармен.

Муҳаббат лашкари шамшири ғам тезлаб манга етти,  
Қолибон ёлғузин бечора дил афкор йиғлармен.

Бўлубмен бесару сомон, ўз аҳволимға ҳайронман,  
Ғаҳе дар хонақаҳ, ғаҳ бар дари хаммор йиғлармен.

Кўнгулни дардини бир соате ёзмокка маҳрам йўк,  
Иложим топмайин бағрим, қуёуб, бисёр йиғлармен.

Жаҳондин ўтти бу Шавқий висолинг орзу айлаб,  
Қиёмат даштида бо ҳазрати жаббор йиғлармен.

\* \* \*

То келибмен олами фонига аз мулки адам,  
Топмадим жуз ҳасрат узра ҳасрату ғам узра ғам.

Ёр савдосию, хижрон дардию жаври ракиб  
Солди бошимға туман дарду алам узра алам.

Қоши ёси бирла киприқлар ўқи новақлари  
Айлади мажруҳ сийнамни қалам узра қалам.

Ул киби сайёд домидин қутулмас ҳеч сайд,  
Бўлса доми ҳалка узра ҳалқау хам узра хам.

Келса ҳаргоҳ хотиримға ул парирў жилваси,  
Кўзларимдин тинмағай ашким суйи нам узра нам.

Куйдурусан, дилбаро жонимни ҳажрингдин яна,  
Сийнаи доғ узра этма кўп ситам узра ситам.

Дарғаҳингда бевасила бир гадодурмен ҳакир,  
Шоҳи олам бир назар сендин карам узра карам.

Носихо, пандингни зойи айлама ушшоқ аро,  
Жуз ҳикоеџи нигор ул қавм эрмишлар аҷам.

Шавкиё, ҳар на жафо кўрсанг фалакдин сабр кил,  
Ишк эли лойи қорилмишлар бало бирлан баҳам.

\* \* \*

На ерда бўлсам, эй дилбар, кўнгул ичра ҳаёлингдур,  
Юракда доғу дардинг тил уза зикри жамолингдур.

Шиои афтобу моҳи нав дийдамға равшан йўк,  
Шаби дайжура солған гесуйи мушқин мисолингдур.

Эмас тоғ узра унган лолау сунбул фироқингда,  
Куубон доғи дардингдин асири хатту холингдур.

Дедим ўлдим, аё дилбар, ғамингдин сўрмадинг холим,  
Кулуб айди менинг ишқимда ўлмоғлик камолингдур.

Яна айдим, надур мақсуд санга ошиқни куйдурмоқ,  
Дедиким, борғохимға етурға парра болингдур.

Яна айдим, на суд, эй жон, менинг оху фиғонимдин,  
Деди, дарғохима хуш келгучи ширин мақолингдур.

Дедим, эй бедили зорам, манга кимхобу атласдин  
Юз ончи хўброқ илгинга солғон эски шолингдур.

Дедим, эй бедили раъно, йўлунгда Шавқийи мисқин,  
Агар юз минг жафо кўрсам манга мақсад висолингдур.

## МАЪРИФАТГА ЙЎЛ ОЧГАН ЗАМИН



Туробжон ЖЎРАЕВ

Қадим юнон солномачиси Истахри Самарқандни шундай таърифлаган: “Мароканд Суғди шундай жойки, у мен кўрган бошқа ҳеч қайси шаҳарларга ўхшамайди. Бирорта тепаликдан туриб атрофга қаралса, кўз фақат яшилликка тушади. Ҳар бир қалъа ва шаҳар ям-яшил дарахтлар кўйнида кўринади. Гўё яшил парчадан тикилган либоснинг ҳар қаерида ярқираб кўринган безаклардек, ариклар, ховузлар ва чиройли қалъалар бор...” Қадим солномада ёзилган таърифлар асрлар ўтгани сайин янги-янги ифодалар билан бойиб бормоқда. Бугунги Самарқанд, бир сўз билан айтганда, илғор ўлкага айланган.

Биламизки, жаҳон жамоатчилиги Ўзбекистонда тараққиётнинг шиддатли, янги босқичи бошланганини эътироф этмоқда. Дарҳақиқат, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси ва ғояси билан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегияси мамлакатни ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаётий дастур эканлигини кўрсатмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ва саноатда ишлаб чиқариш, экспорт ҳажмининг ошиши, халқаро шартномаларнинг кўпайиши янги иш ўринлари яратиш баробарида мамлакат қудратини ҳам мустаҳкамламоқда, тизимли ўзгаришлар, янги фармонлар асосида бошқарув тизими такомиллашмоқда, “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури асосида аҳоли билан бўлаётган мулоқотлар жамиятга ўзига хос жўшқинлик бағишляпти. Одамларнинг ҳаётга муносабати ўзгармоқда.

Бу ўзгаришлар вилоятимиз ҳаётида ҳам кўзга яққол ташланмоқда. Ўтган йили 19 та қўшма корхона ташкил этилган бўлиб, вилоят бўйича уларнинг сони 263 тага етди. 2016 йилда вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 1 миллиард 195 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Экспорт ҳажми 2015 йилга нисбатан қарийб 1,5 баробар ошди. Бугунги кунда сабзавотнинг 33 фоизи, меванинг 38 фоизи, сутнинг 34 фоизи, гўштнинг 27 фоизи вилоятдаги маҳаллий корхоналарда қайта ишланмоқда. Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик соҳасининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 78 фоиздан юқори. Меҳнат билан банд аҳолининг қарийб 84 фоизи шу соҳада фаолият кўрсатмоқда. Бу ютуқлар билан чекланиб қолмасдан ана шу кўрсаткичларни икки-уч бараварга ошириш ва халқ фаровонлигини таъминлаш олдимизда турган энг муҳим вазифадир.

Тўғри, йил бошида тасдиқланган вилоятнинг иқтисодий дастурлари ижроси бўйича жорий йилнинг ўтган беш оyi давомида 263,2 миллиард сўмлик 537 та лойиҳа амалга оширилди ва бунинг натижасида 3869 та янги иш ўринлари яратилди. Бу яхши, албатта. Аммо олдимизда бундан-да жиддийроқ вазифалар турибди. Аввало, Президентимизнинг 14-15 апрель кунлари Самарқанд вилоятига ташрифи давомида белгилаб берилган вазифалар ва шу асосида ишлаб чиқилган дастур бўйича жорий йилнинг ўзида қиймати 1 триллион 882 миллиард сўмлик 2312 та лойиҳа амалга оширилиши ва 22 минг 589 та янги иш ўрни яратилиши лозим.

Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги “Ургут, Гиждувон, Қўқон, Хазорасп эркин

*Туробжон ЖЎРАЕВ – Иқтисод фанлари номзоди. Самарқанд вилояти ҳоқими вазифасини бажарувчи. 1966 йилда туғилган. Тошкент халқ хўжалиги институтини (ҳозирги ТДИУ) тамомлаган. Бир қатор монография ва илмий мақолалар муаллифи.*

иктисодий зоналарини ташкил қилиш тўғрисида”ги фармонига асосан Ургут эркин иктисодий зонаси фаолият бошламоқда. Бунинг учун Ургут, Пастдарғом, Нуробод туманлари худудидан 816 гектар ер майдони ажратилди. Бу ерда умумий қиймати 250,2 миллион долларга тенг бўлган 83 та лойиҳа амалга оширилди. Иктисодий зона ишга туширилиши билан 6 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилади. Ҳозир мазкур эркин иктисодий зонада “Самарқанд синов ва сертификатлаштириш маркази” давлат корхонаси Ургут илмий ишлаб чиқариш маркази фаолият бошлаган. Марказ эркин иктисодий худудда тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш, сифат менежменти тизимини жорий этиш, юридик ва жисмоний шахсларга метрология хизмати кўрсатиш каби вазифаларни бажаради. Тадбиркорларга тезкор ва замонавий хизмат кўрсатиш мақсадида марказга зарур шталлар бирлиги ажратилди, лаборатория ускуналари ва техник жиҳозлар берилди. Энди ишбилармонлар ишлаб чиқараётган маҳсулотларини стандартлаштириш, сертификат олиш учун вақт йўқотиб Самарқанд ёки Тошкентга мурожаат қилишларига ҳожат йўқ. Бу борадаги барча хизматлар Ургутдаги марказ томонидан кўрсатилади. Қисқа вақт ичида тумандаги 20 га яқин корхона марказ хизматидан фойдаланди. Бир қатор саноат корхоналари мутахассислари сифат тизимини бошқариш бўйича ўқитилди.

Ургут эркин иктисодий зонаси худудда фаолият юритаётган “Ахмад-Исроил текс” Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида 30 турдаги пайпоқ ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган йили фаолият бошлаган корхона йилига бир ярим миллион жуфт пайпоқ ишлаб чиқариш қувватига эга. Айни пайтда 50 ишчи меҳнат қилаётган корхонада жорий йилнинг учинчи чорагидан маҳсулотлар турини ошириш режалаштирилган. Маҳсулотнинг 40 фоизи экспортга йўналтирилади.

Аграр соҳада амалга ошираётган ишларимиз ҳам бутунги кун талабларига бериладиган жавоб бўлишига интиломдамиз. Бошқоқчи дон экинларидан бўшлаган 102 минг гектар майдонда такрорий экин етиштирилади. Шунда йил охиригача хорижга 48 минг 725 тонна мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари экспорт қилинади. Шунинг ўзидан фермер хўжаликлари 140 миллиард сўмдан зиёд соф фойда олишлари кутилмоқда. Вилоят бўйича 10 минг 300 гектар майдонда интенсив боғ мавжуд. 2017 йилда Жомбой, Иштихон, Каттақўрғон, Пастдарғом, Пайарик, Самарқанд, Ургут ва Қўшработ туманларининг дашт, чўл ва тоғолди худудларида 2 минг 166 гектар майдонда ёнғоқ, 174 гектар ерда писта, 546 гектар ерда унаби, 154 гектар майдонда бодом кўчатлари экилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 29 мартдаги “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳада амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтариб, пиллачилик корхоналари ва пилла етиштирувчилар учун кенг имкониятлар яратди.

Мазкур ҳужжатта мувофиқ, “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси ва худудларда пиллачилик тармоғи корхоналари фаолиятини мувофиқлаштирадиган бешта минтақавий жамият, туманларда эса “Агропилла” маъсулияти чекланган жамиятлари ташкил этилди. Ушбу корхоналарга бир қатор солиқ имтиёзлари берилди. Шунингдек, ипак курти парвариши билан машғул бўладиган касаначилар, фермерлар ва бошқа фуқароларга ҳам кўшлаб энгиллик ва имтиёзлар тақдим этилди. Уй шароитида пилла етиштириш билан шуғулланадиган фуқаролар даромад солигидан озод қилинди. Бир пилла мавсуми пиллачиларга пенсия тайинлашда бир йиллик иш стажы сифатида ҳисобланадиган бўлди. Айни дамда Самарқанд вилояти пиллакорлари жорий йилда Хитойдан келтирилган ҳамда маҳаллий пилла уруғчилиги корхоналарида тайёрланган 50 минг 700 кути ипак куртини парваришлаб, юкори пилла ҳосили кўтардилар. Вилоятдаги “Агропилла” жамиятларида жорий йил кишлоқ хўжалик мавсумининг илк ҳосилини қабул қилиш ва қайта ишлаш корхоналарига етказиб бериш учун барча шароитлар яратиб берилди.

Шу ўринда Самарқандда “Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспортини кенгайтириш ва рақобатини кучайтириш” мавзусида бўлиб ўтган бизнес форум ҳақида ҳам тўхталиш жоиз. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги (USAID), Германия халқаро ҳамкорлик ташкилоти (GIZ) ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан ташкил этилган форумда Афғонистон, Бельгия, Германия, Франция, Исроил, Латвия, Литва, Туркия, Украина ва Марказий Осиё давлатларидан келган тадбиркорлар, халқаро ташкилотлар экспертлари, юртимизда кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи корхоналар вакиллари, фермерлар қатнашдилар.

Бизнес-форум мамлакатимиз кишлоқ хўжалик тармоғида маҳсулот етиштириш, уларни сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилишда халқаро бозор талабларини ўрганиш, хорижий ком-

паниялар билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва янги ҳамкорлар топишга хизмат қилди. Тадбирда эркин иқтисодий зоналар – рақобатни ривожлантиришнинг асосий омили, мева-сабзавотни қайта ишлаш, агро-логистика тармоғида монополияни қисқартириш ва рақобат муҳитини мустаҳкамлаш, Марказий Осиё мамлакатларидан кишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилишни кенгайтириш ва диверсификациялаш йўналишлари бўйича маърузалар тингланди, тақдимотлар ўтказилди. Бу борада Ўзбекистон амалиёти ва халқаро тажриба таҳлил этилди. Форум доирасида Самарқанд вилоятида тайёрланаётган мева-сабзавот маҳсулотлари кўргазмаси ўтказилди ҳамда вилоятнинг инвестициявий салоҳияти, хорижий ва хусусий сармоядорларга яратилган имкониятлар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Тадбирнинг иккинчи куни бизнес-форум иштирокчилари “Ургут” эркин иқтисодий зонасида бўлиб, бу ердаги корхоналарда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, замонавий музлаткичларда сақлаш ва хорижга экспорт қилиш жараёнлари билан танишдилар. Худуддаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намойиш этилди.

Вилоят туризмни янада ривожлантириш масаласига алоҳида тўхталиш лозим. Чунки бу соҳани тараккий эгитириш учун бекиёс имкониятлар мавжуд. Айни кунда Самарқандда юздан ортиқ мехмонхона ва 80 дан ортиқ сайёҳлик фирмаси фаолият кўрсатмоқда. Аммо бу етарли эмас. Шунинг учун вилоят марказида “Samarkand city” эркин сайёҳлик худудини барпо этиш бугуннинг кечиктириб бўлмас вазифасидир. Лойиҳага кўра, худудда тўрт ва беш юлдузли бешта янги мехмонхона, ресторанлар, истироҳат боғлари, павильонлар, савдо марказлари ва турли кўнгилочар масканлари қурилади, натижада яна 600 та иш ўрни яратилади.

Туризм соҳаси унга ёндош бошқа тармоқларнинг ривожланишига ҳам туртки беради. Бунга Самарқанд шаҳридаги “Net Product Lux” масъулияти чекланган жамияти фаолиятидаги ўзгаришларни мисол қилиб келтириш мумкин. Замонавий технологиялар асосида кир ювиш кукуни, совун, идиш ва ойна тозалаш воситалари ишлаб чиқаришга мўлжалланган ҳамда кимёвий тозалаш шохобчаси фаолияти йўлга қўйилган мазкур корхонада жорий йилнинг иккинчи чорагидан мехмонхоналарда фойдаланиладиган пойфазал ва халатлар ишлаб чиқариш цехи ҳам иш бошлади. Юртимизда туризм соҳаси ривожланиб бораётган бугунги кунда мехмонхоналарда санитария-гигиена талабларидан келиб чиққан ҳолда бир марта фойдаланиладиган нарсабуюмларга талаб ортмоқда. Бундай маҳсулотлар асосан хориждан келтирилири эди. Корхонада янги йўналиш ташкил этишдан мақсад импорт ўринни босувчи маҳсулотларни буюртмачиларга етказишдир. “Net Product Lux” масъулияти чекланган жамиятида келгусида мехмонхоналар учун чойшаб ва сочик ҳам ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Мазкур корхона фаолияти юртимиз тадбиркорларининг бугунги кун талабларига қанчалик ҳозиржавоб эканликларини тасдиқлайди.

Яқинда вилоят ёшлари билан учрашдим. Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар ижросини таъминлаш, ислохотлар мазмун-моҳиятини ёшларга етказиш, уларнинг бу борадаги фикрларини эшитиш ҳамда жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган тадбир туман ва шаҳар студиялари билан видеомулоқот тарзида ўтказилди. Учрашувда ёшларга оид давлат сиёсати доирасида вилоятда амалга оширилаётган лойиҳалар, ёшларнинг интилиши ва истеъдодини рўёбга чиқариш, ташаббус ва ғояларни қўллаб-қувватлаш борасидаги сазй-ҳаракатларга, галдаги вазифаларга эътибор қаратилди, барча туман ва шаҳарлардан ёшлар турли масалалар юзасидан бевосита менга ва бошқа мутасадди раҳбарларга мурожаат қилишди. Ҳар бир савол, масалага аниқ ва атрофлича жавоб берилиши билан бирга, ёшларни қийнаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланди. Айниқса, коллеж ва олий ўқув юрти битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, ёш оилалар ва ёш тадбиркорларга қадларини тиклаб олишларига қўмаклашиш масалалари атрофида қўллаб мулоҳазалар айтилди, фикрлар алмашилди. Ёшларимиз жуда фаол, ўзларининг кўп ижобий ишларга қодир эканликларини кўрсатишга интиладилар. Биз мана шу интилишларни қўллаб-қувватласак, келажагимиз учун пишиқ пойдевор қўйган бўламиз.

Вилоят ижодкорлари Самарқандда амалга оширилаётган ана шу ишлар мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш, тарғиб-ташвиқ қилишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни содда тилда аҳолига тушунтирмоқдалар. Бу янгиланишларни ўз асарлари ва оммавий ахборот воситалари орқали тараннум этмоқдалар. Шундай мақсадларда тузилган тарғибот гуруҳларининг жойлардаги учрашувлари чинакам ижодий фестивалга айланиб кетмоқда.

Самарқанд азалдан дунёга маърифат таратган юрт. Устод Абулайс Самарқандий хузурда

икки йил тахсил олган Алишер Навоий Самарқандда гўзал асарлар ёзган, Бобур Мирзо ҳам ана шу кўхна заминда ўзининг оташин мисраларини яратган. Ўтган аср бошида Махмудхўжа Бехбудий ва Саид Ризо Ализода миллий матбуот тамал тошини айнан шу кўхна кенда кўйган эдилар. Бугун воҳа ахли шу заминда яшаб ижод қилган Мирий, Шавкий, Вола, Мамарасул Бобоев, Душан Файзий, Ҳайдар Яхёев, Машраб Бобоев, Барот Бойқобилов каби адиблар меросига хурмат билан ёндашади. “Самарқанд ижодкорлари” библиографик альманахининг “Чўлпон” нашриётида чоп этилиши Ўзбекистон мустақиллигининг 26 йиллигига муносиб тўхфа бўлди.

Самарқанд адабий муҳити бугун ҳам фаоллиги билан ажралиб турибди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Хосият Бобомуродова ўтган йили “Ватан мадҳи” кўрик-танловининг республика босқичида совриндор бўлди. Кейинги йилларда “Юртни севмоқ саодати” номли икки жилдли альманах, “Зарафшон мавжлари”, “Ижод – кўнгил таскини”, “Ифтихоримсан, Ватан!” тўпламларининг босилиши вилоят адабий муҳити самарадорлигидан далолатдир. Шу кунларда эса Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими “Самарқанд журналистлари” библиографик рисоласини нашрга тайёрламоқда. Кейинги икки йилда Уюшма аъзолари Фармон Тошев, Худойберди Комилов, Хуршид Нуруллаев, Зухра Бегим, Хўроз Абдусаломов, Ёрмухаммад Рустамовларнинг янги китоблари, меҳнат фахрийлари Нафас Дўсанов ва Гайрат Бобоқуловларнинг тўпламлари, Ислоҳ Шоир тўғрисидаги хотира китоби чоп этилди.

Самарқанд адабий муҳити ўзининг тарихий илдизларига эга. Абдураззоқ Самарқандийнинг ўз даврида яшаган уч юзга яқин ижодкор ҳақида ёзган “Тазкират ул-шуаро” китоби ҳозирги кунгача ўзбек адабиёти тарихининг ноёб дурдонаси ҳисобланади. Академиклар Воҳид Абдуллаев Алишер Навоийнинг, Ботурхон Валихўжаев эса Бедил ва Хўжа Ахрор Валийнинг илмий-адабий меросини тадқиқ этишда эътиборга молик ишлар қилдилар. Профессорлар Нуриддин Шукуров, Саъдулла Мирзаев, Исроил Мирзаев, Ҳотам Умуров ўзбек адабиётшунослигига муносиб ҳисса қўшдилар.

Бир пайтлар Пошали Усмон Гётенинг “Фауст” асарини немисчадан ўзбек тилига таржима қилгани адабиётда катта воқеа бўлганди. Эндиликда кўплаб хорижий адабиётлар Самарқанд давлат чет тиллар институтида шаклланган таржима мактабида беш тилда таржима қилинмоқда. Ўзбек адиблари асарлари ҳам рус, инглиз, хитой, корейс ва бошқа тилларга ўтирилмоқда.

Адабиёт ҳақида гап кетар экан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши адабий муҳитни янги поғонага олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этаётганини айтиш жоиз. Ўтган йили “Самарқанд китоб олами” мажмуасининг очилиши кўхна шаҳарда янги маърифат ўчоғига асос бўлди. Бу ерда ҳар ҳафтада китобхонлар ва кенг жамоатчилик иштирокида китоблар тақдими ўтказилади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари ҳар йили икки марта туманларда ёш ижодкорлар билан амалий семинарлар уюштирамоқда. Қуни-кеча мазкур мажмуада “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” шиори остида китоб байрами бўлиб ўтди. Тадбир доирасида юртимиз нашриётларида чоп этилган адабий, илмий, ижтимоий-сиёсий ва энциклопедик йўналишдаги китоблар тақдими, ноширлар, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар, мушоиралар ўтказилди.

Ташкентда очилган “Ўзбекистон маданий мероси – халқлар ва давлатлар ўртасидаги мулоқотга йўл” мавзuidaги халқаро илмий-маданий конгресснинг Самарқандда давом этгани ҳам рамзий маънога эга деб биламан. Анжуманда хорижий ва маҳаллий олимлар, халқаро экпертлар ўзбек халқ амалий санъати анъаналари, Шарқ ва Ғарб ўртасида маданий алоқаларни йўлга қўйишда Буюк ипак йўлининг ўрни, Мовароуннаҳр китобат санъати бўйича маъруза ва тақдимотлари билан иштирок этишди. “Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида” лойиҳаси доирасида чоп этилган китоб-альбомларни нашрга тайёрлаш жараёни ҳақида сўз юритишди. “Кониғил мерос” корхонасида Самарқанд ипак қоғозини қадимий анъаналар асосида тайёрлаш жараёни билан танишишди, хаттот ва миниатюрочи расомлар кўрғазмасини томоша қилишди. “Боғишамол”да ташкил этилган миллий мусика кечаси, “Ўзбекистон мусиқий мероси” китоб-альбоми тақдими ҳам меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Халқаро анжуман Самарқанд окшомида Регистон майдонида намойиш этилган “Ўзбекистон маданий мероси – умумбашарият ҳазинаси” номли мусиқий томоша билан яқунланди.

Булар – Самарқанднинг бугунги кўни. Вилоятнинг эртанги кўни эса айни дамда амалга оширилаётган ишлардан қутилаётган ижобий натижаларда кўринади. Зеро, вилоятимиз меҳнаткашларининг интилишлари ҳам ижобий натижаларга қаратилган.

## Изимда из қолмас изингдан ўзга



Саъдулла ҲАКИМ

### Муножот

Сендан ўзга сиғмагай кўнглимга, бас,  
Ҳар замон, ҳар лаҳза, ҳар он, ҳар нафас.

На учун курсовдадир, ким англатар,  
У қуёшу бу юрак – гирди қафас?

Ки, ипак курти каби топди шараф,  
Чулганиб ёдинг ила ҳар ишқлараст.

То товонига тикон кирмай бола  
Ота айтган сўз баҳосин англамас.

Дод солиб ёмғир каби қочганни кўр,  
Оҳ уриб багрингга ўрлар басма-бас!

Ер ёриб, сенга гиёҳ чўзмиш кўлин,  
Пойида зилдай заминни юк демас.

Сен, ахир, бўлгаймидинг кадрни баланд,  
Бўлмасам, мен хокисору қадди паст.

Не ғарибман, сен менингсиз сен эмас,  
Не улуғман, мен сенингсиз мен эмас!

*Саъдулла ҲАКИМ – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. 1951 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини тугатган. Ижодкорнинг “Ҳамал тонглари”, “Сен кутган баҳор”, “Ёз оқишми”, “Кўнгли юзи”, “Кўҳна нақл” каби ўндан зиёд шеърӣ тўпламлари нашр этилган. Гёте, Пушкин, Лермонтов, Есенин, Юнус Эмро каби шоирларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган.*

## Яхши одам

Бир замонлар беришган баҳо  
 Ҳар кишининг донғига қараб.  
 Яхши номи чикса эл аро  
 Ўша бўлган энг юксак шараф.

Ўз ишида кимки саъй этиб,  
 Нафи тегса кексаю ёшга.  
 Эл ҳам унинг кадрига етиб:  
 “Уста”, дея кўтарган бошга.

Кимки гурзи қилиб муштини  
 Душманининг додини берган,  
 Яқин олиб етти пуштини  
 Халк: “Ботирим авлоди!” деган.

Кечмиш не-не ибратга тўла,  
 Не-не ҳикмат қолдириб кетмиш.  
 Қахрамонга кўшиб, бир йўла  
 Нокасни ҳам тарбият этмиш.

Не тонг, ҳаёт йўриғи турфа,  
 Ҳар юмушнинг ўз замони бор.  
 Инсон этар инсонга тухфа,  
 Танлагани – қахрамони бор.

Ўз номига мосдир ҳар наво,  
 Ўзгача ҳеч қачон аташмас.  
 Дарахт гуллар бир хил доимо,  
 Сайроғидан булбул адашмас.

То бор экан жисму танда жон,  
 То бор экан жилвагар ҳаёт,  
 Энг олий бахт, энг юксак унвон:  
 “Яхши одам!” деган шу бир от!

## Шажара

Ҳар ким ўз юртида бекдир, султондир,  
 Ўзбекни бек қилган – Ўзбекистондир.

Юрагим “жизз” этиб кетар, дейман: “Ах!”  
 Кўксимга чўғ солган шу замин – Жиззах!

Соғинсам от солиб боришим яхши,  
 Хушҳаво, узумзор Форишим яхши!

Туккан юртга бўлгай меҳр яраша,  
 Меҳрзорим менинг – тоғли Гараша!

## Кўрганларим

Бу бир қисмат, Гарашанинг тошли-кумок  
Кўргонида биғиллаб кўз очганларим.  
Жандахори ота – қутли чағот булок  
Сувларидан ховуч-ховуч ичганларим.

Ўсмир эдим. Тушларимда тун сим-сиё,  
Тубсиз қудук. Шўнғир эдим жоним адо.  
Сўнг бир туйнук, тўкиларди сарғиш зиё,  
Самоларда сайрон-сайрон учганларим.

“Ёсин” ўқиб, мулло бобом солдилар дам,  
Қай кун меҳмон бўлиб келди бир уй одам.  
Қўл кўксимда, останада кўйиб кадам:  
“Бисмилло!” деб саломга сўз очганларим<sup>1</sup>.

Боғлар бўлик сой ёқаси – ёнғок, узум,  
Тоғ қизлари – бўйларидай сочи узун,  
Одам ато ва Ҳаводан мерос удум –  
Ойдан тушган ой қизини кучганларим.

Баландман деб, кибр этмадим пасти кўрсам,  
Гул вақтини алқаб ўтдим хасни кўрсам,  
Қайда нодон, хода ютган касни кўрсам,  
Этак силкиб, тўрт кир нари кочганларим.

Ер хўкизнинг шоҳида деб, ким афтидан  
Айтган бўлса, айтган чиқар рух тафтидан,  
Ер курраси одамзоднинг қўл кафтида,  
Шундай бўлди “Алжабр”ни ечганларим.

Гўзалликнинг сири яшар гул баргида,  
Муҳаббатнинг сири яшар дил баргида,  
Мангуликнинг сири яшар эл бағрида,  
Элга қўшди дилга-дилдан кўчганларим.

Мен ҳам тўти бўлиб ёлгон тўкиб келдим,  
Элим билан сариқ девни йиқиб келдим,  
Оқ тонларга қора тундан чиқиб келдим,  
Ёдимдадир, ўт-оловлар кечганларим.

Тошдан-тошга сакраб сувдай пишдим, десам,  
Сўз текканда чавандоздай жўшдим, десам,  
Икки сарвар назарига тушдим, десам,  
Йўқдир гапни-гапга қўшиб бичганларим.

Бу дунёдан изсиз кетган – бахти қора,  
Ҳар унсурда эгасига чин ишора,  
Майса каби униб чикса бир кун зора,  
Эзгу сўзни ҳар юракка сочганларим!

<sup>1</sup> Бу воқеа “Бола Ботир” дostonида батафсил тасвирланган.

## Изимда из

Аё, яхшироқ йўқ ўзингдан ўзга,  
Кўнгилга чироқ йўқ кўзингдан ўзга.

Сендан юз бурганнинг юзи тескари,  
Юз кўрмоқ юзсизлик юзингдан ўзга.

Ким ашъор, ким лашкар тузиб юрт тузди,  
Туз тузук тотмади тузингдан ўзга.

Озига кўнмаган озди Ҳақ йўлдан,  
Асло, буюрмади озингдан ўзга.

Дил розин сочганлар зор бўлди охир,  
Зори дил қолмади розингдан ўзга.

Маккора кўрмади одам зурёди  
Дунё деган танноз кизингдан ўзга.

Бўзлаб қолаверди кимса ортида,  
Бир вафо қилмади бўзингдан ўзга.

Тилга келган ҳар сўз тушмади тилга,  
Сўзга жон бермади сўзингдан ўзга.

Ҳар сўзинг қалбимга из солиб ўтди,  
Изимда из қолмас изингдан ўзга.

## Абдулла Ориповнинг айтмаган гапи

Неча кунки, яна ёдга оламан уни,  
Неча кунки, ўша гапга тагин қайтаман.  
Ўйчан боқиб деган эди устоз бир куни:  
“Бир гапим бор, ҳозир эмас, кейин айтаман!”

Аён, оппоқ қоғоз узра тиз чўкиб шоир  
Сўзни инжу каби териб, “Ўгирар тасбех”.  
Балки у бир гўзал шеър ё дostonга доир  
Ривоятдир ё чакмоқдай чакнаган ташбех.

Муҳим бир гап экани рост, юракда изи,  
Нима сабаб бўлди экан истиҳолога?  
У ўтмишдан мерос дардми, чуқур илдизи,  
Қўшиқ унга торлик қилар, сиғмас нолага.

Армон бўлиб қолар экан, хайҳот, бир нидо –  
 Етук фикр, юрт кайғуси, кўнгилнинг зори.  
 Дилда не бор – барчасини этдимиз адо,  
 Озод юртнинг беҳаловат буюк меъмори?

Ким десаки, бу ҳаётнинг тубига етдим,  
 Шунчаки бир алаҳсираш, туш каби рўё.  
 Айтилмаган сўз туфайли муҳаббат – етим,  
 Айтилмаган дард туфайли хастадир дунё.

Булут каби босиб келар ўйларим оғир,  
 Хаёлимдан яна қанча сиймолар ўтар.  
 ...Ерга музлаб тўкилади тулпор кишноғи,  
 Қадим Ўтрор оппоқ қорга кўмилиб ётар.

Шу манзилда шонли умр тинди бўрондай,  
 Буюк бўлар буюқларнинг дарди ҳам, ахир.  
 Не гап эди Соҳибкирон асраган жондай,  
 Не гап эди ўзи билан олиб кетган сир?

Қани энди, билсак эди, “Хамса”дек бокий,  
 Беш жавоҳир тақдим этиб она халкига,  
 Бако сари кетар экан хазрат Навоий,  
 Не дард эди юрагида титраб қалқиган?

Ажаб, ҳаёт саҳнасида яна ўша тун,  
 Ўша қуёш яшнаб чиқар тағин қайтадан.  
 ...Кел, эй шогирд, раҳмат сенга ташрифинг учун:  
 “Бир гапим бор, хозир эмас, кейин айтаман!”

## Одам анатомияси

Олим айтар: “Одам зоти ҳам  
 Олам ичра ажиб иморат.  
 Саксон фоиз танаси сувдан,  
 Ва қолгани “лой”дан иборат!”

Оқил айтар: “Тўғри тушунинг,  
 Ҳар не келса келар кишидан.  
 Ёлғони кўп ростидан унинг,  
 Хатоси кўп дуруст ишидан!”

Ошиқ айтар: “Чечак чаманда  
 Чиройлидир нур сеҳри боис.  
 Ҳар инсон юз фоиз меҳр ва  
 Соғинчдан иборат юз фоиз!”

## Оппоқ тонглар

Кун чарчамас тунни супуриб,  
Ўчган чирок кайтадан ёнар.  
Эшитилар отлар дупури,  
Мудраб ётган йўллар уйғонар.  
Оппоқ тонглар отаверади,  
Умр эса ўтаверади!

Ўзни солиб ой кўзгусига,  
Гилос тақар исирга ёкут.  
Учар юлдуз – тун ёноғидан  
Томчи ёшдай тушади оқиб.  
Оппоқ тонглар отаверади,  
Умр эса ўтаверади!

Сен борлигим, боғим, баҳорим,  
Бор ҳаётим, юртим, сен учун!  
Билакларим икки дарёдай  
Ҳеч толмасин бўйнингдан кучиб.  
Оппоқ тонглар отаверади,  
Умр эса ўтаверади!

Эй гул, яшнаб, яшашни ўргат,  
Ўргат, ёниб куйлашни, булбул.  
Булбул, нўнок тилимни тебрат,  
Жой бер жаннат соянгдан, эй гул!  
Оппоқ тонглар отаверади,  
Умр эса ўтаверади!

## Май бомдоди

Панжа уриб тут шохларига  
Адо этгач, таяммум шартин,  
Яшил барғни билиб жойнамоз,  
Ҳамд айтурлар қушлар саф тортиб.

Имом булбул бошлар кироат,  
Тушар етти фалакка ларза.  
Қушлар шодон коқарлар қанот,  
Такбир айтиб, мусулмонлардай.

Ошиқ булбул, масту мард булбул,  
Қон юрагин уфққа отар...  
Оппоқ туллар – ситилган тасбех  
Доналари, сочилиб ётар!

**Кеча***Халқона*


Кеча бўзани ича-ича,  
 Кеча кўзани куча-куча,  
 Кеча кечани кеча-кеча,  
 Кеча қўнглимни оча-оча,  
 Кеча қўнглини еча-еча,  
 Кеча қўчимга кўча-кўча,  
 Кеча кўкларда уча-уча,  
 Кеча ўзимдан кеча неча,  
 Кеча кеча кеча!..

**Нолон***“Нодон” эса...**Барибир “нодон” лигича қолди.**Икром ИСКАНДАР*

Булутлар оралаб бокқан куёшдай  
 Ҳар кўйга соласан, эй кўзи кийик.  
 Куйдирсанг, куйдириб қўя колмайсан,  
 Ёниб кетмаганим менинг ҳам қизик.

Феълинг айни баҳор ҳавоси киёс,  
 Бир сенга ярашар юз нозу килик.  
 Тўрт фаслни этган битта қалбга хос  
 Яратган Эгамга минг бора қуллук.

Қўрқаман, тушунмас одамлар мени,  
 Шундан тилим тугик, юрагим нолон.  
 “Хушкилик, шўх”, деса, дегайлар сени,  
 Ўнгдан ҳам, чапдан ҳам дер мени: “Нодон!”



Асад ДИЛМУРОД

## БРОНЗА БЎРИ

Эссе

### 1

Кўхна дунё аслида афсонаю асотир...  
 Бир тарафи эзгулигу бир тарафи ёвузлик...  
 Рост билан ёлғони мўл-кўлу  
 қувончию қайғуси қават-қават ва  
 аламино армони бисёр...  
 Оқиллар ҳамиша икрорки,  
 афсона ҳақиқатга  
 сирдош ва ҳамнафас ука бўлур,  
 фақат акасига караганда ўта хаёлпараст,  
 донишу исёнкор эрур ва  
 у билан бир он юзма-юз дардлашмаса,  
 кечмиш, бугун ва эрта тақдирини  
 биргаликда кўзгуга солмаса  
 фароғати тамом йўқолур...  
 Ҳақиқатга суяниш асносида  
 афсона  
 фақирни ҳам яқин ҳамхона ҳисоблаб,  
 азалу абад фахру ифтихори саналган  
 беадад сиру синоатга тўла  
 бўрилар оламига чорлайди доим...  
 Мангу ҳамдаму маслақдош каби  
 ҳар гал ўша олам сари имлаганда  
 сувга тушган олмадай қалқиб кетар юрагим.  
 Сўнг нимагадир муштокланиб,  
 бурчакда турган бахмал ёпкили мизда тахланган  
 турфа жилдлар қаърига шўнғийман.

*Асад ДИЛМУРОД – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. 1947 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. “Тош бургут”, “Шердор”, “Мулк”, “Гирих”, “Мезон буржи” каби қиссалари, “Афросиёб сукунати”, “Кўчки” каби китоблари нашр этилган. “Маҳмуд Торобий”, “Фано даштидаги қуи”, “Паҳлавон Муҳаммад”, “Ранг ва меҳвар”, “Заррадаги олам” сингари романлар муаллифи.*

Мутолаа марокли эрмагимга айланур  
ва кечалари тушимда  
мўлтирок кўзларида  
илинжу сурур аралаш кайғу ёнган  
Тошчайнар ва Акбара<sup>1</sup>  
ажабтовур ўртаниб ҳамда  
тўлиқиб махзун-махзун бўзлайди:  
наслу насабимиз пайини қирқиш,  
хақу ҳуқуқимиз офтобини сўндириш ва  
умидимиз наҳрини қуритиш пайида  
қаҳру ғазабга минган Қандалов бошлиқ  
бовурларида қават-қават тош ўрнашган  
хунтачи гумроҳлар галасидан дод!..  
Биров бўккан каби чўчиб уйғонаман-да,  
аранг хушимни ўнглаб,  
ўша икки жонни Қандалов чангалидан  
бир умрга қутқаришни тилайман.  
Хамирдек бўшашиб аста фиғон чеккан онимда  
пароканда хаёлим беихтиёр “Чўл бўриси”<sup>2</sup> ҳамда  
“Бўри ўғли” ва “Шиддаткор бўри”<sup>3</sup>  
саҳифаларида ғоят теран ёритилган  
мудҳиш хунтачилик жабру жафоси сари оғиб,  
кўксимга тиғ санчилгандай баттар эсанқирайман.  
Рухимда ажиб оғриқ кўзғалар экан,  
бирон меъёрий рағбат ва юпанч истаб,  
катларида эзулигу ёвузлик ўртасида мавжуд  
азалий ва абадий талашув сабаблари пинҳон  
қадимий бобомерос манбаларни  
жону дилдан варақлашга киришаман.  
Ана сизга чинакам ғаройибот:  
дафъатан “Чингизнома” ва “Дилдаги ривоятлар”  
хаёлимни олиб қочар йироқ мозийга ва  
Шарку Ғарб узра мўғул туғини тиккан  
Чингизхон наъраси чалинар қулоғимга:  
мен бўри ва қуёш ўғлиман!..  
Сал кейинроқ туркий тафаккур хосиласи  
табаррук “Ўғузнома” билан ошна тутиниб,  
буткул ипсиз боғландим антик дунё меҳварига ва  
тақдир шарҳловчиси ғайб асирига эврилдим.  
Мана бугун асотирга яна бир содиқ ука бўлмиш  
ғайб овозини тинглаб,  
ҳаловатимдан айрилиб,  
хаёлим тизгинин буткул бўш қўйиб,  
бир неча минг йил нарида,  
ота маконим Турон тупроғида

<sup>1</sup> Чингиз Айтматовнинг “Қиёмат” романидаги бўри образлари.

<sup>2</sup> Херман Хессе романи, унга “Бўри” хикояси асос бўлган.

<sup>3</sup> Жек Лондон қаламига мансуб хикоялар.

ялангтўш дарвешдай кезиб юрибман.  
 Совуту дубулға кийиб,  
 бўри терисини ёпинган ботирлар  
 туя ва бия сўйишади оёқларим остида...  
 Буюк сафар арафасидаги  
 зиёфатга ташриф буюрган алш қоматли  
 Ўғузхон чехрасига зимдан қарайман ёқа ушлаб ва  
 аллатовур юксалган дийдам ғалаги долғаланиб...  
 Туркийлар чин дилдан суйган Ўғузхон  
 бўри киёфали беҳад нафис кумуш туморни  
 ифтихор ила орзикиб кўз-кўз қилгач,  
 бафуржа бўйнига осиб қўяди-да,  
 ўткир нигоҳи юлдуз каби чараклаб,  
 ўмовини адл тутганча дўриллаб сўйланади:  
 мен Эна Кўкбўрини эмганим учун  
 довқурлигу садоқат ҳаётимни зийнатлади ва  
 хоконлик либосин кийишга эришдим.  
 Янаям дангали,  
 аймоқдошларим Эна Кўкбўридан тарқалгани боис  
 тоабад мағрур – тиз чўкиш нималигин билмаслар.  
 Жасорат ва матонат тимсоли бўлган  
 ўша ҳабиб доим дилимизга умид уругин қадаб,  
 руҳимизни машъала янглиғ ёритади.  
 Бугун бошланадиган сафарда ҳам ҳомий сифатида  
 бизни қўллағай ва шаксиз ғалаба майин ичурмиз...  
 Ҳаргиз шижоату катъиятга тўлуғ Ўғузхон  
 нутқи поёнига етган ҳамоно  
 тепасида бўри тасвирланган туғ хилпираётган  
 оқ ўтов узра тиник нур товланиб,  
 айрича жилоланди борлиқ ва ҳарир ёруғлик бағридан

### ИСМ ИЗИДАН БОРИБ

*Ҳикмат айтади: Одам Атоға Исмларни ўргатди.*

*Исмлр борлиқ сир-синоати калити эди...*

*Бўри – Исм.*

*Барча Исмлр қатори унда ҳам Сир яширин...*

*Ўғуз қогон Эна Кўкбўрини кўрди, Сирга етишиди.*

*Эна Кўкбўри Ўғуз лашкарини зафарларга элтди.*

*Ўғуз авлодлари Эна Кўкбўрини илк аждод деб англашди.*

*Ашина уруги Она бўри зурриёдимиз деб фахрланишиди.*

*Оврупо халқларида ҳам шу тушунча кенг ёйилди.*

*Авлодлар аждодлар илк англаган Исм сувратига маҳлиё бўлдилар.*

*Исм афсоналар тўнини кийди: тимсол, рамз ва оддий сўзга эврилди.*

*Натижада уни топинч, яъни тотем деб таърифлай бошладик.*

*Лугат ва қомусий китобларда таъкидланишича, тотем сўзи Шимолий Америкада яшовчи қабилалардан бирининг тилида унинг уруги маъносини ифодалайди. Инсоният билан ҳайвон ва ўсимликлар ўртасида қардошлиқ бор деган дунёқараш ҳосиласи ҳисобланади. Ана шу ҳосила самараси бўлган тотемизм, анимизм, фетишизм, магия, шомонийлик каби ибтидоий динлар ҳозир амал қилиб турган замонавий динлар асосидир.*

кўнғирга мойил кўзларида сурур чайқалаётган  
 Эна Кўкбўри шахт ила ўқдек отила чиқади.  
 Сўнг ортда қолманг маъносида улий-улий  
 арғумоклар белига бургутдек кўнган  
 матонатли баҳодирлар пешида  
 қуюндек олға йўртади.  
 Чиндан ҳам Эна Кўкбўри феълу атвори ғаройиб:  
 доим хавфу хатарда яшагай ва  
 охири шону шуҳратда жон таслим қилгай!<sup>4</sup>  
 Камина шу ўйга бориб,  
 зафарёр Ўғузхон қўшини сафида,  
 зийрак йўлбошловчи изидан қолмадим ва  
 тез орада кўриниб турадиган кўхна олам ичра  
 кўринмас минглаб ва ҳатто миллионлаб  
 жумбокли олам борлигини англадим.  
 Оғир жангу жадалдан кейин Ўғузхон хузурида  
 букилиб ер ўпган қанчадан қанча шоҳу султонлар  
 қаламравида бўлган элу элатларда ҳам  
 бўри терисини ёпиниш,  
 бўри хурмати учун қурбонлик қилмоқ ва  
 сайилу томоша уюштирмоқ русум саналмиш...  
 Шодликка йўғрилган байрам авжига минганда  
 ҳар ёқни биз кучу қудрат бобида тенгсиз,  
 ҳурлик яловбардори бўри авлодидан деган  
 ҳайкириқлар тутарди.  
 Саховатли ҳомий дилбанди Ўғузхон  
 кетма-кет эришган ғалабалар шоҳиди бўлиб,  
 кўнглим иклимида гўё куёш порлаб,

<sup>4</sup> Фридрих Ницше.

*Муҳими шундаки, барча элату халқлар ўтмишида топинч ҳайвон доим эъзозланган: ўлдирилмаган ва гўшти ейилмаган. Теран мажозий маъно касб этувчи бу кўхна эътиқод излари бугунги кунгача сақланиб қолгани катта қизиқиш уйғотади.*

*Ёзувчи Асад Дилмурод “Бронза бўри” эссесига Бўри исмига дахлдор ана шу қадимий тасаввур нафақат туркийлар, балки бошқа халқлар ҳаёти, дунёқараши ва тарихида муҳим халқа сифатида бўй кўрсатганини ишончли манбаларга таяниб бадий шаклда тасвирлаган. Эссе катта маърифий ва тарбиявий қимматга эга бўлиб, дунё тамаддуни илдизлари ягона манбага уланиши, ҳар бир халқ ўз қуввати даражасида бу манбадан илҳомланиб ижод қилгани, маънавий яратқиқлари ва бойликларини келажак учун маданий мерос сифатида қолдирганини кўрсатишига хизмат қилади.*

*Ёзувчи илмий тадқиқотга даъвогар эмас, аммо эссени илмий асосда яратгани, Бўри топинчига тегишли манбаларни имкон қадар қамраб олиш ва яхлитлаштириб бадий мушоҳада қилишига интилгани сезилади.*

*Турли халқлар шажаралари аввалини Бўри топинчи ва унинг табиатида муқаррар довуқлик, озод рух, эркинликка ташналик сингари одатларга боғлашлари этногенез шаклланишини белгиловчи жуда катта маърифий тимсол ва омиддир. Фольклор, бадий ижод, тасвирий санъат ва кинода у чиндан ҳам шу хислатларига кўра таққин топади ҳамда эссе туб маънода аввало шу мақсад турибди. Мазкур асарни журналхонлар илиқ қутиб олишади деб умид қиламиз.*

**Шомирза ТУРДИМОВ,**  
 филология фанлари доктори

яна хаёлан сафарга отланаман.  
 Лахза кечмай,  
 мудом ҳарбу зарб бобида  
 Турон билан мурасасиз беллашган  
 Эрон ерига кадам босаман-да,  
 вақтни ғанимат билиб,  
 мунаккаш тахтда виқор тўкиб ўтирган  
 Буюк Кир<sup>5</sup> қошида қўл ковуштираман.  
 Кучу кудратда Искандар Макдунийдан қолишмас  
 Буюк Кир эроний илтифот билан  
 мени тўкин дастурхон ёнига чорлагач,  
 беихтиёр тилидан бол тома-тома  
 дангал кутилмаган илохий сирни очади:  
 ёруғ дунёга келганим ҳамоно  
 Эна Кўкбўрини волидам килиб тайинлаган  
 Қодир Эгамга шукроналар бўлсин.  
 Қаровсиз қолган беҳосият онларимда  
 ўша ҳомий кучоғида эркаланиб исинганим,  
 очлик азобидан кутулганим ва  
 ажални енгганим улусга аёндир.  
 Ўшанда вужудидан жисму жонимга  
 илик-илик тотли сути орқали  
 шижоату довюраклик кўчиб,  
 пешанамга бахт тамғаси босилмиш ва  
 натижада соҳибкирон сифатида  
 Шарқ оламининг катта бўлаги,  
 жумладан,  
 Лидия, Мидия ва Вавилонни эгаллаб,  
 мислсиз доврук қозондим...  
 Буюк Кир эътирофидан кейин  
 Эна Кўкбўрига ҳурматим янаям ортиб,  
 тагин хаёлий сафарга шошилдим.  
 Эзгулигу ёвузлик ўртасида овора  
 кўхна дунёда  
 Ўғузхон ва Буюк Кир  
 кўқалдошлари беҳад бисёрлигини,  
 қолаверса,  
 фақат туркий қавмлар эмас,  
 ўрису поляк, украину белорус,  
 герману юнон, итальяну булғор  
 жисмини ҳам бўри қони иситиб туришини  
 ўйлаганча қурраи арз ўзаги ва  
 бутун Оврупо гавҳари саналган  
 қадимий Италия сари юз бурдим ва  
 бу диёр тарихи менга янада ғаройиб  
 ҳикматлар маржонини ҳады қилди...

<sup>5</sup> Милоддан аввалги 558-529 йиллар.

Заковату жаҳолат тўқнашувларини  
 жуда эрта бошдан кечирган  
 Италия қоқ киндигида  
 подшоҳ Энейнинг ўғли Аксаний<sup>6</sup>  
 асос солган Альба-Лонга шахри  
 чинакам меъморий жавоҳир эди.  
 Тахтга дасти узун Аксаний авлодидан бўлган  
 назокатли ва кўнгилчан Нумитор Сильвий ўтиргач,  
 Альба-Лонга яна ҳам гўзаллашиб,  
 ҳаётига файзу барака энди.  
 Хайрли ислохлар қилган тadbирли ва дониш  
 Нумитор тобора эхтиром козонаётгани  
 ақли қалта ука Амулий конини қайнатди.  
 Тез орада у тиш қайраб бошлаган исён  
 мудҳиш довулдай бутун шахарни қоплагач,  
 чорасиз Нумитор тожу тахтга қўл силтаб,  
 ноилож гариблик дунёсига чекинди.  
 Амулий тезда Нумитор ўғлини дорга тортириб,  
 бутун Альба-Лонгани мотам дудига буркади.  
 Кейин баттар жаҳлнинг асов отига миниб,  
 бағрида ҳасад уруги нишлаб,  
 Нумитор меҳр бериб парваришлаган  
 соҳибжамол Рея Сильвия  
 ҳаётини барбод қилишга қасдланди.  
 Беўйлов имзолаган фармойишига кўра,  
 Рея Сильвия кўзларидан ҳалқа-ҳалқа ёш тўкиб,  
 ҳеч бир никоҳдан ўтмаслик хусусида онт ичиб,  
 мажбуран қохинлик либосин кийди ва  
 чекка ибодатхонага равона бўлди.  
 Алал-оқибат ўзи ва ҳаётдан йироқлашиб,  
 охират сари жўнашни дилига тугиб,  
 бўйнига ажал сиртмоғин соларкан,  
 кимдир ларзон-ларзон сочларини силади-ю,  
 қулогига шивирлади мулойим:  
 эй мазлума жонон, сен ўз қисматинг эгасисан,  
 не-не мусибату андуҳга чидаб,  
 мудҳиш кулфатда тобланиб,  
 қалбингни мен учун авайлаб асрабсан,  
 қани кел тортинмай қўйнимга!..  
 Жангари ва жасур уруш худоси Марс  
 даъвати ва эътирофи баҳона  
 Рея Сильвия ичида чўкиб ётган  
 залвар ғаму ҳижрон, надомату ҳасрат,  
 аламу армон тоғи қулади ва ўрнида

<sup>6</sup> Эрамиздан аввалги 1176-1138 йилларда Альба Лонганинг ҳукмдори бўлган.

улуғвор муҳаббат қасри қарор топди.  
 Ана-мана ҳомила орттирган Рея Сильвия  
 Марс ва ўзи ўртасида муқаррар севги  
 Амулия тожу тахти, шухрати ва кибру ҳавосини  
 бир тутам хас ёки бир ҳовуч тупрок янглиф  
 тамомила зеру забар қилишига  
 тобора каттиқроқ ишонарди.  
 Ниҳоят ой-қуни етгач, шу ишончга суяниб,  
 Марс йўллаган тажрибақор доялар кўмагида,  
 энгилгина кўзи ёриди.  
 Қачондир шанғиллаётган қулоқларига  
 кўшалок ўғил ингалаши чалингач,  
 бениҳоя шодлангани ва орзиққани туфайли  
 сизмай кетди поёнсиз оламга...  
 Аммо қаттол тақдир яна йўлига ғов ўрнатиши,  
 ширин ҳаётига оғу кўшажаги ва  
 муаззам бахту тахти жаҳаннам ўти эритган  
 муз эҳромдай қулаши  
 етти ухлаб тушига кирибдими дейсиз.  
 Сирли таваллуддан хабар топган ва  
 ҳўл ўтиндай тутаган нобакор Амулий йўллаган  
 иблис сиёкли гумашта ва пак-пакана қул  
 ибодатхона ҳовлисига бостириб кирганда  
 шаррос ёмғир қуяётган бўлиб,  
 Рея Сильвия пахтадай оқ лўппи ёноқлари ва  
 мунчоқ-мунчоқ кўзларини маъсумлик қоплаган  
 эгизакларни астойдил эркалаганча  
 иссиқ бўлмада чўмилтириш ташвишида эди.  
 Гумашта мийиғида истехзоли кула-кула,  
 Амулий ҳукмини ошкор айлади-да,  
 қилич урди хангу манг алфозда қалт-қалт учаётган ва  
 кўнгли чучмал тортган Рея Сильвия бўйнига!..  
 Шўрлик охиста чайқалиб, нигоҳида талваса қотиб,  
 оҳ дегани ярамай типирчилаб узилган фурсатда  
 ҳар бир мўйидан захар томаётган пак-пакана қул  
 эгизакларни арзимас матоҳдай ғижимлаб ва  
 юмалок-ёстик қилиб, хивчин саватга тикди-да,  
 этакда пишқириб оқаётган Тибр дарёси сари  
 този мисоли йўрғалай кетди.  
 Лойқа селдан тўйиниб қутурган  
 дарё тезда гўдақларни нобуд қилишига имон ўгириб  
 ва ўзини ҳам ямламай ютишидан чўчиб,  
 саватни соҳилда,  
 Палантин тепалиғида қолдирди ва  
 қор аралаш савалаётган ёмғирда ивий-ивий  
 илдам жуфттак ростлади...

Ўткир майга тўйиб сархушланган Амулий  
 қоқ пешинда тиш қайраб,  
 қаҳру ғазабини жиловлашни эпламай,  
 қаттол ҳукми имзолаган фурсатда  
 ажиб қониқишга ғарк ва  
 кўнгли аллатовур чарагон  
 Эна Кўкбўри жимжит қоронғи ғорда  
 ҳафта бурун туғилган уч нафар дуркун  
 ва ёкимтой севикли жигаргўшаларин  
 бағрига босганча мудраб ётарди ва  
 камина тепасида жимгина бўйлаганча  
 эрк бераётган эдим ўйларимга...  
 Тақдир тақозосига кўра,  
 айрим қавмлар Эна Кўкбўри билан  
 дўстона битим тузишни истамай,  
 ҳасад ўчоғига олов қалашади.  
 Мудом улар жониворни оғзи қон йирткич ва  
 нодир унсурларни топтагувчи иблис  
 ноғорасига ўйнайдиган Фабос ва Деймос<sup>7</sup>  
 одамзод қатли учун тарбиялаган  
 ёхуд залолат ва жаҳолат ташувчи Архиман<sup>8</sup>  
 малайликка ёллаган  
 муғамбир ва ебтўймас олғир вакил дебон  
 оғиз кўпиртиришга ишқибоз...  
 Надоматли бу мантқиққа афсус қилиш ноқоиз,  
 негаки,  
 ҳаёт азалдан зиддиятли қарашлар,  
 мусбат ва манфий талотумлар узра қурилган.  
 Шу асосда алоҳида таъкидлаш жоизки,  
 кенг ёйилган ҳаётий талқинга кўра,  
 Эна Кўкбўри  
 фалак султонию маликаси Қуёш билан Ой,  
 адолат суянчлари Ахурамазда<sup>9</sup> ва  
 Аполлону Эрот<sup>10</sup> жигарбанди саналур.  
 Ўша маъбудлар Эна Кўкбўрини дилдан суйишиб,  
 башар умри жони ва бахту тахтини химояловчи  
 иродали ва жасур нажоткор сифатида  
 мушфиқ Ер бағрига жўнатишган.  
 Ана шу самовий ҳиммат қудратини  
 эъзозлаб ва ардоқлаб улуғловчи ва  
 бундан чексиз ифтихор туйғувчи  
 имони бутун златлар саноғига етиш амри маҳол...  
 Эна Кўкбўри дилларга сурур бағишлайдиган

<sup>7</sup> Юнон афсонасида ваҳима ва кўркув худолари.

<sup>8</sup> Оташпарастлик динида ёвузлик худоси.

<sup>9</sup> Оташпарастлик динида яхшилик худоси.

<sup>10</sup> Юнон афсонасида қуёш нури, бадий гўзаллик, рухий поклик ва муҳаббат худолари.

хайрли дуо, таҳсин ва таърифга нақадар лойик ва бундай шараф асло бежиз эмас.

Тақдири мислсиз риёзату таҳликадан иборат, жисмини аямай отар довулга ва шу сабаб қалби доим қийноқлар комида: келиштириб ёвлар пўстагини қоккан ва Турон элини бирлаштирган Ўғузхон, тулпори туёқлари замин кўксига ботган ва билаги ҳеч қайрилмаган Чингизхон, қарийб бутун Шарқни титратган Буюк Қирни гўдак онларида ажал чангалидан хамирдан қил суғургандай осон тортиб олганми?!

Африка қумликлари,

Мексика ва Америка ялангликлари,

Шимол музликлари,

тайга ва тундра ўнгирилари,

Хитой ва Ҳиндистон тўқайларида

қанчадан қанча мауглилар

жонига оро кирганда

беадад азобу укубат ютгани шубҳасиз.

Ва умуман табиат ва одамзод бирлигини

чуқур англаган ҳолис ниятли кимсалар учун

таваллуд онларида қатнашувчи,

оғир йўлда йўлдош бўлувчи,

тупроқ ва ҳосилга барака эндирувчи,

дилларга жасорат ва шижоат олиб кирувчи,

борлиқдан ёвуз руҳларни қувлагувчи,

илҳом учқунини аланга олдирувчи

омилқор ва собит қадамли илоҳий тимсол...

Мана шу боис турли ижод жабҳаси ва

хусусан тасвирий санъатда

шижоати, Ҳиммати ва садоқатини мадҳ этиш

ҳақиқий маънавий эҳтиёжга айланмиш...

Фақир билган ва

моҳирона чизилган жозибадор сувратлардан

бирида учқур тулпор минган паривашни

улутвор мақсадлар томон олға етаклаётир;

бирида Олимп худолари Марс ва Аполлон

минган аравани ўқтамога жадал судраб бормоқда;

яна бирида оловдек ёнаётган бўлса,

бирида сокол қўйган

барваста чол билан қизгин суҳбат қилаётир;

бошқасида эса ҳинду йигити ва аёли ёнида

бўйлаганча ойга қараб улимоқда ва

кейингисида қанот пайдо қилган илоҳа...

Бутун борлиғида жам сеҳр ва қатъият

не-не довруқли сулолалар тамғасиё байроқлари,

деворларни безайдиган шоҳи сўзаналар,

нозанинлар ардоқлайдиган тилла билакузуклар ва  
 ботирлар белига кувват эндирган  
 нақшли камарларга кўчган...  
 Камина шу хил мулоҳазаларга чўмганимда  
 қандайдир парда жимирлаб,  
 ортида хушрўй мусаввиру чевару хунарманд  
 элас-элас нурланиб кўринади ва Эна Кўкбўри  
 буни сезгандек беихтиёр шишиниб уйғонади.  
 Сўнг думларини лик-лик ўйнатиб,  
 охиста ғингшиётган дилбандларини эмизаркан,  
 ногаҳон кулоқлари динг бўлади:  
 ақлу хуши ва хаёлини  
 чексиз ғуссага йўғрилган ингроқ чирмайди.  
 Ўтинчга мойил нолаи афғон жону жаҳонига  
 тириклик сеҳридай бениҳоя яқин ҳамда  
 доим барҳаёт забардаст умид дарахти  
 томирлари каби мулойим туташиб бормоқда эди.  
 Айни шу афсуний ҳолат баҳона  
 аллақачон тинчиган ва ҳаргиз Амулийни  
 қарғаётган Тибр қирғоғи ва  
 Палантин тепалиги томон ўқдай отилди...

## 4

Ҳали толиққандай элан-қоран тўхтаган ёмғир  
 куч йиғиб олган каби шаррос куя бошлаганда  
 Эна Кўкбўри ортга қайтишни ўйламай  
 тепалик сари шамол мисоли елмоқда эди.  
 Ўтиборини ажал билан аранг олишаётган  
 беозору бегуноҳ нозик ниҳол эгизаклар тортгач,  
 бирдан телбаланиб кўкка сапчиди-ю,  
 томоғи йиртилар даражада  
 аччиқ-аччиқ увлади маҳзун...  
 Сўнг шилта лойга ботиб эмакляётган эгизакларни  
 навбати билан тишида авайлаб тишлаганча  
 ғор сари олиб келди ва уч боласи қаторида  
 жисму жонида исита-исита сутга тўйғазди.  
 Энди у қалби уммон каби тошадиган,  
 нияти шабнамда чайилган япроқдай покиза,  
 босган қадамидан мамнун беш болали  
 волида эди ва ҳар лаҳза уларни ялаб-юлкаб,  
 ҳароратли сийнасига чорлаб овунарди.  
 Такдир инояти туфайли  
 ажал човутини қайирган эгизаклар  
 жувонмарг кетган Рея Сильвия  
 ўрнини босувчи меҳрибон ҳомий паноҳида  
 эмин-эркин гуркираб ўса бошлашди.  
 Тирсиллаган юмшоқ эмчақлардаги  
 боқий ҳаёт ўзидек азизу мўътабар

мазали оқ шарбат салоҳият шовваси бўлиб,  
 айрича шиддат билан сезимлари оша  
 гусурлаб тепаётган юракларига куйиларди.  
 Балки олти, балки еттига тўлишганда  
 ғайрати зўр темирқанот палапондай кувнаб,  
 анча-мунча назарга тушиб қолишди.  
 Чайир соябон Эна Кўкбўри оиласида  
 аҳилу иноқ ва шоду хуррам яшаб юришгани  
 ҳангоматалаб эл орасига ёйилди-ю,  
 Палантин тепалиги этакларида  
 ёлғиз қўй-эчки боқувчи чўпон Фаустул  
 пайтавасига дафъатан қурт тушди.  
 Гордан сал наридаги қоя панасида  
 бир неча кун пойлоқчилик қилгач,  
 овозалар ростлигига ишонди-да,  
 амаллаб Эна Кўкбўри кўнглини овлади.  
 Қора меҳнатда суяги қотган Фаустул  
 узокни кўришга кодир хушфёъл ва  
 савобга ўч оқил инсон эди.  
 Эгизаклар билан топишгандан кейин  
 руҳи янаям юксалиб,  
 дилида ажиб орзу-умидлар майсалаб,  
 ёру ошналари орасида обрўси кучайди.  
 Ўзидек севинган хотинига маслаҳат солгач,  
 тўнғич ўғлонни Ромулу  
 кенжатоини Рем деб атади.  
 Кароматгўй Марс ва Эна Кўкбўридан  
 илохий қувват ўзлаштирган ака-укалар  
 салоҳият ва комиллик бобида  
 тенгқурларидан ўзиб кетишганди.  
 Атрофларида билаклари чўнг  
 чапдаст тарафкашлар парвона эди ва  
 зимдан етилаётган фалокатни пайқаган  
 тулкимижоз хуфиялар улар хусусида  
 саройга мунтазам ғийбат таший бошлашди.  
 Охири Ромул ва Рем тахтдан қувилгани ва  
 мислсиз айриликка йўлиққани сабабли  
 ҳаргиз ғусса исқанжасида чийралаётган  
 Нумитор набиралари экани ойдинлашгач,  
 айшу ишрат оғушида масту масрур  
 Амулий ўк егандай инганиб қалқинди.  
 Сўнг томоқ йиртиб ўқирди-да,  
 телбавор депсинганча сочларини юлди:  
 кечалари ухламай кабиҳона режалар тузаётган  
 бузукбошлар пайи қирқилсин.  
 Кўзлари сокқасини ёғ босган Амулий  
 ўқирганча шундай ҳукм битди-ю,  
 хотиржам тортиш ўрнига баттар эзилди.  
 Кўрқувга кўмилганча дағ-дағ қалтираётгани

бежис эмасди, ахир, жисмини қабрга тикувчи  
 ҳалокат онлари яқинлашиб келарди.  
 Чиндан ҳам тезда адолат даъватига кўра,  
 мардона қурол тутган Ромул ва Рем  
 ўша нобакор йўллаган қўшинни тору мор айлаб,  
 ғалаба нашидасини суришди ҳамда  
 боболари Нумитор бошига  
 бошкатдан кийгазишди олтин тож...

## 5

Улкан зафар шарафига берилган зиёфат  
 поёнига етгандан кейин  
 Ромул ва Рем бир вақтлар ўзлари улоқтирилган  
 Тибр дарёси бўйида,  
 Палантин тепалигида  
 боқийлик сари юз тутадиган  
 муаззам шаҳар пойдеворини қўйиш истагида  
 Нумитордан оқ фотиҳа сўрашди.  
 Ҳар ёқдан олқишлар ёғилиб,  
 оламшумул лойиҳа амалиётга кўчаётганда,  
 эҳтиётсизлик важдан панд еб қоқилган Рем  
 илдизи қирқилган ниҳолдай бемаврид сўлиб,  
 оғир армон орқалаб кетди охиратга.  
 Маълум муддат аза тутган Ромул эса,  
 бўш келмай, белига ғайрат камарин боғлаб,  
 Палантин тепалигида бошланган  
 қурилишда бошу қош бўлди.  
 Сўнг жадал битиб, қадим юрт чехрасига  
 тилла узукка гавҳар кўздай ярашган  
 навкирон шаҳарни исмига монанд равишда  
 италянча Рома, яъни Рим деб атади ва  
 биринчи подшоси сифатида  
 масъулият юклади зиммасига.  
 Бутун Ғарб аро доврुक таратган Ромул  
 дашт кироли Эна Кўкбўри  
 ёдини унутмокни гуноҳ санарди.  
 Ўша жонивор куйинчаклиги туфайли  
 тирик қолиб омади чопгани ва  
 Палантин тепалигини  
 Рим бешигига айлантиргани  
 шуурида муттасил чарх урарди.  
 Охири бир кун нуфузли арбоблар йиғинида  
 маърузасин атай шу мавзуга бағишлаб,  
 томирларида Эна Кўкбўри кони  
 гуркираб оқишини айрича тўликиб таъкидлагач,  
 бемалол уни Мангу Рим онаси деб атади.  
 Айни пайтда Эна Кўкбўри образи  
 санъат оркали

боқийлик касб этиши ва авлодлар калбидан  
 чуқур жой олишини таъминлаш учун  
 маблағ ажратишни лозим топди.  
 Тезда кўли гул усталар енг шимариб,  
 илҳом париси ёрдамига суяниб,  
 тинмай иштиёқ-ла тер тўкишди-ю,  
 Ромул тинчини бузган хайрли ният ушалди:  
 кун сайин камолга етаётган Рим  
 коқ марказидаги Латерин саройига  
 нафис ишланган Бронза бўри<sup>11</sup> қадами етди.  
 Нафосатга тўлуғ мазкур ҳайкал  
 ботинида недир афсун яширгани боис  
 узок йиллар калбларни ром айлади.  
 Ашаддий мухлислар мудом хузурига  
 гурас-гурас оқиб келишар,  
 шаклу шамойилига лолу хайрон боқишар ва  
 бетакрор дурдона деб таърифлашар эди.  
 Фақат ёшлигидан башар тарихи,  
 зеро Ромул ва Рем тақдирига астойдил кизиққан  
 ноёб истеъдод соҳиби – Антонио<sup>12</sup> деган  
 кувваи ҳофизаси кенг, тафаккури учкур  
 оташнафас йигит  
 сал бошқача мулоҳаза юритарди.  
 Ҳайкалга нигоҳ қадаганда коникмай хўрсинар ва  
 курилмасида нимадир,  
 аниқроғи, норасида Ромул ва Рем  
 етишмаслигини эътироф қилиб ачинар эди.  
 Охири қатъий тўхтамага келган Антонио  
 машаққатли изланиш жараёнида  
 номатлуб кемтикни бартараф қилиб,  
 Мангу Рим онасининг  
 дилни янада ошифта этувчи,  
 хаёлга чинакам илоҳий канот берувчи ва  
 гўзаллик моҳиятини теран англаувчи  
 янгича мукаммал бадий қиёфасини яратди ва  
 чинакам шуҳрат тожини кийди.  
 Бронза бўрини бутлаш баробарида  
 Ромул ва Ремга иккинчи умр бағишлаган ва  
 ақл бовар қилмас даражада  
 улкан савобга етишган Атониодан  
 ажодлар ва авлодлар беадад миннатдор...  
 Бугун кимки Ромул ва Ремни эмизаётган  
 Бронза бўрини кўришни тиласа,  
 Рим ифтихори саналмиш  
 маълум ва машҳур Капитолия майдони,  
 яъни қадимий тамаддун ўчоғига  
 ташриф буюриши лозим.

<sup>11</sup> Милоддан аввалги V аср.

<sup>12</sup> Ҳайкалгарош Антонио дель Поллайоло (XV аср).

Негаки,  
хукмдор Сикст IV 1473 йилда Бронза бўрини  
Латерин саройидан ўша майдондаги  
Плаццо-дей-консерваторияси залига  
кўчиртиришни лозим топган...  
Афсоналар замирида пинҳон  
орзу-умидлар романтикасини  
юктирган мазкур залга кирган киши  
ажиб сеҳр оғушида туйқус эсанкираб қолади.  
Мухташам ёруғ бўлмадаги  
мармар шохсупада тирикдай кад ростлаган  
Эна Кўкбўри – Бронза бўри  
жозибаси ва салобати  
ҳар қандай дилни ишғол қилиши мукаррар...  
Жонкуяр хомий ёвузлик чангалига тушган  
Ромул ва Ремни кутқариш мақсадида  
ўнқиру чўнқир дашту далалар,  
пурвикор тоғу тош ва калин ўрмонлар оша  
тинмай югуриб келган-да,  
ҳар жиҳатдан ўнғай шу гўшада тўхтаган...  
Ана, кадду бастини адл тутиб,  
оёқларини ерга қаттиқ тираб,  
сергак назар солаётир чор атрофга.  
Туйғун кўзларидан яшин сачратган қўйи  
мен Мангу Рим онасиман ва  
Фарбу Шарқ тақдирига  
тоабад бирдек қайғурувчи хомийман дебон  
узлуксиз наъра тортмоқда.  
Бутун жисми ва бокишида  
нурланган мушфиклик ва эхтиром  
Рея Сильвиядан ёдгорлик қолган  
мурғак чакалоқларга  
илоҳий қудрат, илоҳий шафоат ва мурувват  
бағишлаётганини яққол англатади.  
Антонио чеккан захмат маҳсули бўлган ва  
обиҳаёт билан лим-лим сийналарга талпинаётган  
Ромул ва Рем сиймосидаги маъсум шуъла  
мардликка йўғрилган бардавом ҳаёт,  
яхшиликка ундовчи умидбахш келажак ва  
жаҳолатни мағлуб этувчи эзгулик тимсолидир.  
Воажаб,  
Бронза бўри кўп ўтмай  
Плаццо-дей-консерваторияси зали орқали  
мушфик Ер сайёраси бўйлаб  
мардона юриш бошлади.  
Эндиликда у нафақат Италия,  
ҳатто Америка ва Бразилия, Франция ва Руминия,  
Испания ва Япония шаҳарларида ҳам учрайди ва  
сайёҳларни тирикдай мамнун кутиб олади...



**Хосият  
БОБОМУРОДОВА**

## **...Самарқанднинг ардоқли булбулиман**

\* \* \*

Ватан десам,  
Қалбда гуллайди баҳор,  
Ғунчалар қикирлаб оча бошлар кўз.  
Қуёшга кўшилиб ҳар тонг, ҳар наҳор,  
Уйғотар кўнгилни бир умидбахш сўз.

Ватан десам,  
Кўркмай югургим келар,  
Гуллар экиб чикким келар боғимга.  
Энг гўзал хисларни буюргим келар,  
Мени суяб турган собит тоғимга.

Ватан десам,  
Дилнинг туб-тубин титиб,  
Тоғ каби сўзларни топгим келади.  
Қуйлагим келади ҳаммадан ўтиб,  
Эгнига меҳримни ёпгим келади.

Ватан десам,  
Баргдай титраб турар жон,  
Қучлиман, бедорман, тамом бошқаман.  
Киприк билан исминг ёзаман Ватан,  
Энг баланд, энг қаттиқ харсангтошга ман.

Ватан десам,  
Қонда тошар сурурим,  
Бахтли бўлгим келар, яшагим келар.  
Ҳам таянчим, ҳам кадрим, ҳам ғурурим,  
Йўлингга қалбимни тўшагим келар.

Ватан десам...

*Хосият БОБОМУРОДОВА – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. 1950 йилда туғилган. Тошкент давлат педагогика институтининг (ҳозирги ТДПУ) математика факультетини тамомлаган. Шоиранинг “Қалб титроғи”, “Турналарим”, “Мен узган гуллар”, “Мурод қасри” каби қатор шеърий тўпламлари нашр этилган.*

## Қолиб кетманг қиз юртида

...Шундай килиб, Алпомиш йўлга отланди. Барчинни излаб бормаса бўлмас. Унга етказмаса, бу йўллар йўлмас, уни тутказмаса бу қўллар қўлмас. Ҳуши бошидан учиб, Барчинсиз кундан кечиб, уйни айланиб, йўлга шайланиб турган эди, учибми, кўнибми, бир куш ўтгандай бўлди. Қараса, ёлғиз синглиси – Қалдирғоч. У акасига бир сўз деб турган экан:

Борар бўлсангиз чечамга,  
Йўлларингиз оқ бўлсин.  
Барчиной деб юрганлар кўп,  
Алпомиши тоқ, бўлсин.

Муштипарман, эртаю кеч,  
Йўлингизга қарайман.  
Боболардан мерос орни,  
Ака, сиздан сўрайман.

Ғолиб чокда кўлингизни  
Яловчилар кўп бўлар.  
Борса хатар йўлингизда  
Таловчилар кўп бўлар.

Ақлингизга кўз тилайман,  
Кўрсин яхши-ёмонни.  
Сабрингизнинг чўнг тоши  
Айирсин дон-сомонни.

Аёл сизни жоним деса,  
Жонни беринг жон ака.  
Бор меҳрингиз, сўнгги бурда  
Нонни беринг жон ака.

У бошида ардоқласа,  
Оёғига бош қўйинг.  
Ул ўзини бағишласа,  
Ундан ортиқроқ суйинг.

Суяверинг жон қадар,  
Аммо иймон қадармас.  
Қалбни беринг, берманг эркни,  
Иймонсиз ошиқ ёрмас.

Барчиной деб ўздан кечинг,  
Кечманг биров, юрт, элдан.  
Кўлингизни беринг қўлга,  
Номусни берманг қўлдан.

Зар тиласа бераверинг,  
Етмаса тунни сотинг.  
Мол-мулк, кўй-кўзидан  
Тўққизмас, ўнни сотинг.

Йигит деган чарчамайди,  
Кундузга тунни сотинг.  
Етмай қолса, пули кўпга  
Розиман, мени сотинг.

Сотманг, аммо еримизни,  
Қувонч, сурурни сотманг.  
Яланғоч қолсангиз ҳам,  
Ака, ғурурни сотманг.

Ишк йўлида ғаним кўпдир,  
Баридан ғолиб келинг.  
Қолиб кетманг қиз юртида  
Янгамни олиб келинг.

### Хайрли тун

Шамолларга айтдим, сочингни силаб,  
Юзу кўзларингга секин қўяр лаб.  
Юлдузларга айтдим, сенга бахт тилаб,  
Майин нурлар билан қўяр эркалаб.

Ҳаволарга айтдим, билдирмай кучиб,  
Нафасларинггача қоришиб кетар.  
Оймомога айтдим, ўзидан кечиб,  
Тонггача уйқунгни кўриқлаб ётар.

Ўзимга айтдимки, борақол сен ҳам,  
Лоақал, чакмоқдай бир лаҳзага бор.  
Қалбим шивирлайди, кўзларимда нам,  
Мен сенинг ёнингга боролмайман, ёр...

\* \* \*

Куз. Бунча шошасан, бунча шошасан,  
Бунча ҳар нарсага сиғади хаддинг?  
Баланд дарахтларга сиғмай тошасан,  
Бунча осмондан ҳам баландда қаддинг?

Шунчалар тоқатинг тоқми, сенинг куз,  
Бунча тез юбординг, элчиларингни?  
Сариқ рангларингдан камашади кўз,  
Енголмай ҳалакман, йўлчиларингни.

Яшил япроқларни юлдинг битталаб,  
Қайдан келар сенга бунча қудрат, куч?  
Илтимос, елкамга қўйма кафтингни,  
Юрагим гулларга келган чоқда дуч.

\* \* \*

Кимсанки, умримга чақмоқдай кириб,  
Туну кунларимни айладинг пора.  
Кимсанки, умримда бир бора кўриб,  
Кетай деб, яқининг бўлдим тобора.

Кимсанки, бир боқсанг ёришгай кунлар,  
Куйласам булбуллар қолади тилдан.  
Меҳрга айланиб боради хунлар,  
Фақат бахт ва омад чиқади йўлдан.

Кимсанки, боқмасанг ўгиради юз,  
Майсалар, лолалар, шодликлар буткул.  
Тилларимдан қочиб кетар ўтли сўз,  
Орзуларим зумда бўлади чил-чил.

Гоҳ шодман, гоҳ ғамда ютадирман кон,  
Тунлар оқ қоғозга тизадирман байт.  
Дўстмисан ё рақиб, ё олғувчи жон,  
Кимимсан, мухаббат, кимлигингни айт?

## Илҳом

Уйқуни ҳам унутдим,  
Телба бўлдим бу кеча,  
Бир дунё туғёнларга  
Қулба бўлдим бу кеча.

Атрофимда қор базми,  
Олов бўлдим ловиллаб.  
Сўзларнинг қарвонида  
Ялов бўлдим ловиллаб.

Қайга кетди беморлик,  
Ожизлик қайда қолди?  
Қирқ жонимнинг ҳаммаси  
Шеър деган жойда қолди.

Танимадим ўзимни,  
Энди тамом бошқаман.  
Майсаларнинг исмини  
Ёзиб чиқдим тошга ман.

Қанот қокиб бемалол,  
Юракларга кираман.  
Ўз-ўзимча ҳақ бўлиб,  
Сўроқларга кираман.

Гиналарни унутдим,  
Ҳасадларга мен ётман.  
Дийдорингизга ташна  
Шоира Хосиятман!

Кимки ишқда кул бўлса,  
Мен ўшанинг кулиман.  
Жаннат юрт Самарқанднинг  
Ардокли булбулиман.

Кимдир ғам чекиб ўтар,  
Кимдир яйраб ўтади.  
Мен кулсам, йиғласам ҳам,  
Тилим сайраб ўтади.

Саждагоҳим – Ватаним,  
Бор бисотим шеъримдир.  
Самарқанд деган диёр  
Кўзимдаги нуриmdir.



**Сўз сўйлашда ва улардан  
Жумла тузишда узоқ ангушча  
керак.**

**Абдулла ҚОДИРИЙ**

## Миноралар оламини қилур томоша



Тошпўлат ЎРХУН

### Орзулар

Кўкнинг кўламини кенг, каромати мўл,  
Устунсиз осмону пиликсиз чирок,  
Ҳайратга солади, одамини буткул,  
Замин фарзандига шунчами ардоқ?

Муаттар орзулар, о, Сомон йўли,  
Ошиқлар кўзида сузади хиллол.  
Бир гулга бошпана – боланинг кўли,  
Осмонда учади кўнгли бемалол.

Хаёлнинг бекатсиз боғларида ишқ,  
Умр йўлларида ҳаёт – чамбарак.  
Жонга жон улайди мохитобон мушқ,  
Фасллар насиби тутувчи малак.

Парку булутлардан ёғилар поклик,  
Шоҳиста ниятлар бус-бутун давлат.  
Зарраси зар юрғда бахт яшамоклик,  
Ғайрат арғумоғин, эй йигит, замлат.

Уфқлар қизарар, куёшга талаш,  
Юлдузлар учади миниб отини.  
Керакдир қорға-да ўтинлар қалаш,  
Тотмоқлик учун ҳам зафар тотини.

*Тошпўлат ЎРХУН – 1964 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетининг ўзбек ва тожик филологияси факультетини битирган. Ижодкорнинг “Мужда”, “Кечиккан жавзо”, “Қаламини қадрлаб” номли тўпламлари нашр этилган.*

## Самарқанд хаёли

Замин оғушида асрлар оша,  
Шууримга сира сиғмай келбати,  
Минорлар оламни қилур томоша,  
Давру давронларнинг кўрки, хилкати.

Кезиниб, тун маҳал гузарлар аро  
Ўтмишнинг уникқан рангу рўйидан,  
Кўраман, тарихни дониш, фуқаро  
Хиргойи тўқийди кўнглин куйидан.

Карвон қўнғироғи тинган кўчада,  
Туялар тиз чўкиб кавшин қайтарар.  
Хужралар ёришиб ойдин кечадан,  
Толиби илмлар ҳикмат ахтарар.

Қарангки, гумбазлар асрлар оша,  
Улашар майсага осмон рангидан.  
Эрк берар Оллох ҳам элга яраша,  
Самарқанд уйғонар иқбол тонгидан.

Илму нужум шунда фалакиёт ҳам,  
Навоий навоси, Хайём дармони.  
Амир Темур боғларида хушбўй таъм,  
Кўзларни кувнатар пўлоди нони.

Боғи дилкушодан эсган ҳар насим,  
Етган иқлимга йўллайди нома.  
Шаҳримга тикилиб келар хавасим,  
Бу – Шарқнинг сурати – ориф аллома.

Келиб-кетаверар, зиёратга минг,  
Мовий салтанатга маҳлиё дунё.  
Асрий таронага Регистонми, ринг,  
Самарқанд хайратнинг ҳайкалими ё?!

## Муҳаббат бекатида

Муҳаббат бекати – шаҳар боғлари,  
Иккимиз тонглари муштарақ, дуркун.  
Беибо оймомо кетмасдан нари –  
Кузатар бизларни – каттакон дурбин.

Ўзингни кўзимда кўриб колдингми,  
Ҳайрон қарадинг хилолга бир қур.  
Суюклим, табиат тилсимидир бу –  
Қамар бизлар учун тўкаётир нур.

Бетизгин шаббода ўғирлаб туйгу,  
Тўлдиран боғларга сочинг хидини.  
Ошиқлар васлидан олам бутунму,  
Муҳаббат, кўзларим кетяпти тиниб?

Оразинг тафтидан ёниб япроқлар –  
Шитирлаб куйлашга тушар – халинчак.  
Бастингга ҳаяжон ё ҳадик инар,  
Сен бунча охуваш, бунча куюнчак?

Муҳаббат бекати – шаҳар боғлари,  
Баргларда бўсанинг, юракнинг изи.  
Ўзингни кетишга нега чоғладинг,  
Сокинлик, жим бўлиб гаплашмоқ кези?

### Саратонда

Кўкда офтоб ёниб кун санар,  
Шайдо диёр дала-даштига,  
Чайқаллашиб турар чайлалар,  
Жилов солиб шамол шаштига.

Саратоннинг силласи куриб,  
Мизғир баъзан толлар шоҳида.  
Полиз пайкал болини сўриб,  
Оташ пурқар юртга гоҳида.

Силкиб тушар пешона тери,  
Юз кўрсатар умид ва паймон.  
Ҳа, бу танти ўзбекнинг ери,  
Неъмат тутар қарвон ва қарвон.

Қуёш кўкда ёниб кун санар,  
Айланаркан бу чархи фалак.  
Товус мисол замин, ҳусни зар,  
Нур тўқилар осмондан лак-лак.

Шундай тафтли, марҳаматли эл,  
Эртасини чулғар зиёга.  
Мен тоғлардан хабарчи вакил,  
Юрт доврўгин ёйгум дунёга.

Елкасида юки оламнинг  
Қувончлари қалбида беҳад,  
Умидлари унган одамнинг  
Манглайдан томчилар роҳат.

## Инсон

Эй инсон, ўзингни баландрок кўтар,  
Дўппингни тоғларнинг чўккисига ил.  
Заковат туфайли яшнар эл-юртлар,  
Қанот ёз калдирғоч базмига кўшил.

Осмон тўлиб борар рангга, охангга,  
Субҳидам сеҳридан қувон, ҳаволан.  
Салом де, нурафшон яна бир тонгга,  
Яшашга шошилгин, йўлга раволан.

## Кўнглим гулшани

Эй, кўнглиминг гули, гулшани  
Келтир кўшик айтиб кўзани.  
Ишкимиздай тўлиб-тошибди  
Дарёларнинг суви, ўзани.

Куйлар тўлқин, яйрар чакиртош,  
Кўкда офтоб чиройига лол.  
Келгин жоним, қораймайин кош,  
Ўғирламай хушимни хилол.

Қирғоқ бўйи салқин қўналга,  
Қумлар асрар сиримиз мангу.  
Туширмасин кўнглимга долға  
Сувда оксин хижронлар занги.

Қучоқлайман икки тиззамни,  
Йўлларингга интизор бокиб.  
Ёзолмасман сенсиз қиссамни,  
Куйламансанг, дилга ўт ёқиб.

Гумонларим ниш уради гоҳ,  
Мен қирғоқда, маҳзун, иззали.  
Кел, хаддимдан бўлгани огоҳ,  
Эй, кўнглимининг эрка гўзали.

Ургутсойнинг шовқини дилгир,  
Абр кутиб яшар даралар.  
Гулим, висол сайрига улгур,  
Йўқса дилга ҳадик оралар.

Эй, кўнглиминг гули, гулшани,  
Келтир кўшик айтиб кўзани.  
Ишкимиздай тўлиб тошибди  
Дарёларнинг суви, ўзани.

## БОЗОР

Хикоя



Абдукаюм ЙЎЛДОШ

Камол акага

“...Элнинг қандай яшаётганини билмоқчи бўлсанг, аввало, унинг бозорларига кара”, дейди донишманд халқимиз. Дарҳақиқат, бугун вилоятимизда фаолият кўрсатаётган деҳқон бозорларида сотувчи ва харидорлар учун яратилган қулай шарт-шароитларни, пештахталардаги тўкин-сочинликни кўриб, дилинг равшан тортади...”

Давроннинг дили равшан тортмади, бильякс, пешонаси тиришганча матндаги “фаолият кўрсатаётган” сўзлари тагига калин чизик чизди, қоғоз четига сўрок белгиси кўйди. Қандайдир қовушмаганрок, газетийрок сўз бирикмасими-ей. Ўзгартириш керак. Наҳотки бозор “фаолият кўрсатса?”

Кейинги жумлани ўкиб Давроннинг дили баттар хуфтон бўлди. Нима эмиш, вилоятимизда “11 нафар бозорлар” яна “фаолият кўрсатаётган”миш... Ўзи ўн битгаллиги аниқ бўлса, “нафар”игаю кўплик қўшимчасига бало борми? “Фаолият”ингга ўт тушгур мухбир бисотидаги тўртта сўзни айлантиравераркан-да...

Сўнгги жумла таниш туюлди, муаллифини ҳам эслагандай бўлди, бироқ ўзини чалғитиш учун “Буюклар бир хил фикрлайди”, деб мингирлаб кўйди-да, папкани шартга ёпди: аввал тасвирга олиб келсин, тахрир кейин.

Ўзи уч-тўртта фотосуратни бирин-кетин экранга чиқариб, шу сабил қолгур маттни дикторга ўқитворсаям бўларди. Аммо Даврон ишига ижодийроқ ёндашди: ҳеч бўлмаса “пештахталардаги тўкин-сочинлик” томошабинни ўзига жалб этар. Устига-устак, кўрсатувни бу аҳволда, қуруқкина ўтказворса, душанба кунги “пятиминутка”да Обидалининг қакаги очилиши аниқ; ўзиям “Ўтган ҳафтада ҳукуматимиз томонидан амалга оширилган кенг қўламли ишлар ва халқаро ҳаётнинг муҳим масалалари”га бағишланган уч соатлик йиғилишининг камида сўнгги эллик-олтмиш дақиқасини – исмини айтмасдан туриб, албатта – Давронни дўппослаш билан ўтказади; “эришилган ютуқлар билан бир қаторда, афсуски, айрим ўз ишига масъулиятсиз, дангаса, лоқайд режиссёрларимиз томошабинни бизнинг каналимизга жалб этишга эмас, аксинча, ундан бездиришга хизмат қилмоқда. Буни ўтган ҳафта эфирга узатилган баъзи бир кўрсатувлар шундоқкина

*Абдукаюм ЙЎЛДОШ – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. 1962 йилда туғилган. Токикет Политехника институтини (ҳозирги ТДТУ) битирган. “Сунбуланинг илк шанбаси”, “Тимсоҳнинг кўзёшилари”, “Парвоз”, “Бир тун ва бир умр”, “Алидо, гўзаллик”, “Банқир” каби қатор китоблари чоп этилган. “Кичкина одамлар”, “Уқубат”, “Иқтидор” бадиий фильмларининг, “Ҳаёт жисгалари”, “Синов”, “Одамлар орасида”, “Она дарё” сериалларининг сценарий муаллифи.*

кўрсатиб турибди... Ахир, каранглар, Яқин Шарқда нималар бўляпти! Араб мамлакатларида нималар бўляпти? Бизда эса, Худога минг қатла шукр, тинчлик-ку..." Хой банда, халқаро вазиятни қўйиб турайлик, ўзимизнинг каналда қайси кўрсатув нимани кўрсатиб турибди экан, деб сўрайдиган мард йўқ; ваҳоланки, вазият ажабтовур: ҳамма бу тагдор шаъмалар қайси кўрсатув ва кимнинг шаънига ёғдирилаётганини яхши билиб туради... Кейинги пайтлари бир-икки юкорирок идораларда жиддий танқид эшитиб, соясидан ҳам чўчиб қолган, юмшоқ курсисининг омонатлиги хусусидаги миш-мишлардан баттар ваҳимага тушган бу амал гадоси нечукдир ўзининг тагини зимдан қавлаётганлар бошида айнан мана шу Даврон турибди деб ишонади, шу хавотири боис янада эҳтиёткорлик қилади, "турух боши"ни танқид қила-қила ишдан бездириб, "ўз ихтиёрига қўра..." деган аризасини олишни чандон орзу қилади, тўғридан-тўғри думини тугиб юборишга эса яна қўрқади: ким билади, неча йиллардан буён сабр билан бир жойда ишлаб келаётган бу доғули, кўрс режиссёр ортида кимлар турибди, балки улар атай раҳбарнинг хато қилишини кутишаётгандир, кейин "Ҳа, мана, охири қўлга тушдинг-ку. Энг тажрибали режиссёрни статъясиз ишдан бўшатдинг-а!" деб судма-суд сургашар...

Бунақа юраксикар йўғилиш пайти кимга қийин, Давронга қийин: эътироз билдирайин деса, исми ёнги кўрсатув номи аниқ айтилмади, инчунун, Обидалининг бир-икки хайбарақаллачиси "Гап эгасини топибди-да", дея пичинг қилишлари аниқ; "бетимнинг калини – жонимнинг хузури" деб жим ўтираверайин деса, беш-олтита ҳамкасбининг "биз ҳаммасини тушундик" дегандай ер остидан бир-бирларига маънодор қараб, "ихм-м"лаб қўйишлари, жонини бўғзига келтиради...

Хуллас, шунақанги майда-чуйда гапларда-ей...

Авжи ёз. Одамни лоҳас қиладиган иссиқ.

Амортизатор деган матоҳи йўқ аравадай ҳар чуқурга тушганда сакраб-ғирчиллаб кетаётган "Дамас"да телевидениега энг яқин жойлашган бозорга келишди.

Даврон операторга ишора қилди:

– Музап, кўрсат хунарингни.

– Менга вазифа аниқ қўйилмади, – тўнғиллади Музаффар. Сўнг, Давроннинг энсаси қотганини кўргач, изоҳ берди: – Салбий пландами, ижобий?

Даврон эслади: яқин келажакда бозори роса чаққон бўлиб кетиб, не-не фильмларни сахналаштиришини башорат қилиб юрадиган бу оператор, дейлик, "салбий планда" деб кўрсатма берилса, ёндан, тепадан, пастдан камерасини яқинлаштириб-узоклаштириб, ёритгич чирокларини факат ўзи биладиган тарзда жойлаштириб суратга олар, натижада, дейлик, энг хурлиқо киз ҳам экранда олабўжи бўлиб кўринар ва аксинча, "ижобий план"га ўтганида, лофи билан айтадиган бўлсак, кампирни сулув кизга айлантириб юборарди.

Даврон ҳафсаласиз қўл силтади:

– Ижобий. Умумий план кўпроқ бўлсин.

– Ярим соатда гатоп бўлади, ака.

Даврон соя жой излаб атрофга аланглади. Дарвоза ёнига қадар сотувчилар эгаллаб олишган. Кун тигида, маҳсулотини шундоқ ерга қўйган, ўтган-кетган харидорларни бақириб-чақириб ўзларига қоралаётган хотин-халажга қараркан, Даврон беихтиёр мийғида илжайиб қўйди: мана тараққиёт деганлари – бир эмас, бир неча сотувчи ёнида электрон тарози турарди... Ҳа, ана, бозорнинг усти ёпилган қисми қўланкали кўринди. Кўрсатув матнини хаёлида пиштаётган Даврон шу томонга юрди.

Бозор... Ўзбек бозори... Доимий ғала-ғовур, тўлиб-тошган пештахталар, маҳсулотларнинг ўзига хос қоришиқ иси... Узлуксиз мулозамат: "Келинг, ака, кел-

линг... татиб кўринг..." Савдоси пишган иккала томоннинг фавкулудда мамнунлиги: сотувчи қимматроққа сотганидан, харидор арзонроққа олганидан...

Тан олиш керак, мухбир кизча бир балони биларкан: димоғига "гуп" этиб урилган кўкатлар аралаш райхоннинг ўткир иси Давроннинг дилини равшан торттирди. Беихтиёр оғзининг таноби кочган Даврон чеккароққа ўтди.

– Амаки, зира оласизми? Ургутники...

Елкасига халтача осиб олган йигитча унинг бурни тагига бир кафт зирани яқинлаштириб турарди. Ҳақиқий зиранинг ҳақиқий хушбўйи... Боши айланиб кетган Даврон аранг бош чайкади:

– Раҳмат, ука.

Моли ёққанини сезган йигитча тирғалишини кўймади:

– Сизга арзон қилиб бераман, амаки.

Даврон бош чайкади:

– Ҳали ишга боришим керак. – Сўнг, йигитчанинг ажабланиб қараб қолганини кўриб, тушунтиришга уринди: – Бунингдан озгина оборсам, иси бутун студияни тутиб кетади-ку.

Чакқон йигитча фаросатлигина ҳам экан, дарҳол халтасидан жимитдай салафан халтача чиқарди:

– Бунинг йўли бор. Мана бунга соламиз, иси ўзида туради. Кечкурун уйга борганда очасиз...

Даврон бунга ўзича тасаввур қилди: ошхонага киради, салафан халтачани очади ва... зора... Зора аёли табассум қилса... Дунёда энг бахтсиз ота-она – фарзандни тупроққа топширган ота-она экан. Ахир... бир ярим йилча бўлиб қолди, ўша фожида ўзини айбдор санаб, "Мақтабига ўзим бориб олиб келсам нетарди-и..." деган изтиробли, оғули армон исқанжасида ич-этини еяверганидан озиб-тўзиб кетган хотини Даврон қайларгадир яшириб ташлаган суратларни барибир топиб олади, уларни бағрига босганча хонадан хонага шарпадай сассиз ўтиб юраверади, юраверади. Бир ярим йил бўлиб қолди, муздай уйда кабристон сукунати ҳукмрон... Зора...

Харидорда мойиллик уйғонганини англаган йигитча овозини пасайтирди:

– Бошқаларга учдан бераётгандим, майли, сизга иккига розиман, амаки...

– Кўймадинг-кўймадинг-да.

"Амаки" чўнтагига қўл солди.

Давроннинг аниқ эсида: пулни берди, салафан халтачага тугилган зирани шими чўнтагига солди, ҳатто шошиб бурилиб кетаётган йигитчанинг "Омон бўлинг, амаки" деганини ҳам эшитгандай бўлди ва... худди шу сонияда қулоғи тагида:

– Бу сизга тегишлими? – деган савол жаранглади.

Гап оҳанги... У ҳаммасини фош этиб кўяди... Савол оҳангида ҳам ижирғаниш аралаш пўписа ва ҳаттоки андаккина... менсимаслик бордай эди. Даврон ёнига қаради. Камерасини елкасига кўйиб олган Музаффар бақувват, қалта сочли, мушакдор икки йигит ўртасида бўрилар қўлига тушган қуёндай шалвирабгина турарди. Қизиги, кун иссиқлигига қарамасдан бир хилда қора футболка кийиб олган йигитларнинг башаралари ҳам икки томчи сувдай бир хил эди: афтидан, Ҳасан-Хусан бўлишса керак.

– Яъни? – саволга савол билан жавоб қайтарди бунақанги муомаладан бирдан қайфияти тушган Даврон.

Ҳасаними-Хусанними бармоғини операторнинг бурни тагига олиб бориб, саволини такрорлади:

– Бу киши сизга тегишлими, деяпман?

Азалдан жаҳли тез, сиркаси сув кўтармайдиган Даврон бир амаллаб ўзини босди, одатига кўра вазиятни юмшатиш учун ҳазил қилишга уринди:

– Бу киши менга тегишли эмас... Агар менга тегишли бўлганида эди, камерасини олиб қолиб, ўзини кўтарасига сотиб юборардим-кўярдим. Шундаям агар буни оладиган мард топилганида.

Йигитлар бир-бирига қарашди: афтидан, гап мазмунини англашмади.

Музаффар ёрдамга келди:

– Даврон ака. Булар сѐмкага рухсатларинг борми, деб сўрашяпти?

– Рухсат? Бор! – Даврон чўнтагидан хизмат гувоҳномасини олиб кўрсатди. – Бўлдимми?

Ҳасаними-Хусаними гувоҳномани кўлига олди, Давроннинг асабини баттар ўйнаган кўйи бир ундаги суратга, бир режиссѐрга қаради, қараганда ҳам шубҳаланиб, ишонкирамай қаради, кейин, бироз ўйлашиб тургач, мутлақо қутилмаган саволни берди:

– Бу ерда бозорда сѐмка қилиш мумкин, деб ёзилмаган-ку?

Даврон қулишини ҳам, йиғлашини ҳам билмай қолди. Кейин, тишини тишига босган кўйи, тушунтирди:

– Мен вилоят телевидениесининг режиссѐри бўламан. Телевидение! Бу йигит эса операторим. Биз истаган пайтимиз, истаган жойда, нимани хоҳласак ўшани суратга олишга ҳақлимиз. Энди ҳаммаси тушунарлими?

Даврон ўзича “икки қарра икки тўрт” бўлишини исботлаб қўйгандай, гувоҳномасига қўл чўзди. Аммо ўйлайверганидан пешонаси терлаб кетган йигит бошқача фикрда экан шекилли, гувоҳномани қайтариб бермасдан:

– Хўжайинга учрашинглар бўлмаса, – деди.

Ким билади, “телевидение” сўзи таъсир қилдимми, йигит бу гал сал шаштидан тушиб гапирди.

Даврон пичинг қилди:

– Хўжайинсиз иш битмайдими?

Йигит бош чайқади:

– Битмайди. Тартиб шунақа.

Кўкрак чўнтагидан ручка билан ёндафтарчасини чиқараётган Даврон навбатдаги зарбани берди:

– Биз-ку, ўзимизни таништирдик. А, сизлар кимсизлар? Энди марҳамат қилиб сизлар ўзларингизни таништирсангизлар. – Гапнинг давоми пишак дўкига ўтиб кетди: – Бизда ҳам тартиб шунақа. Ким ишимизга халақит берса, бу ҳақда ўз хўжайинимизга ёзма ҳисобот беришимиз керак. У киши эса ўз навбатида юқорига... Адашмасам, сизнинг исмингиз Хусанжон эди, а? Фамилиянгиз нимайди?

Ҳасанми-Хусанми сал сергак тортиди, Давронга баттар шубҳаланиб тикилди:

– Отимни... отимни қаердан биласиз?

Бу қадар гўлликдан таъби тирриқ бўлса-да, Даврон иложи борича маънодор оҳангда жавоб қайтаришга уринди, ҳатто молини арзонга бераётган зира сотувчиси каби овозини пасайтирди:

– Бизга ҳаммаси маълум, жигитлар...

“Жигитлар” яна бир-бирларига қараб қўйишди.

– Кетдик, – деди улардан бири ва йўл бошлади.

Иккинчиси орқага ўтиб олди: важоҳатидан жиноятчиларнинг қочиб кетишига йўл қўймайдигандек...

Вазият ғалати эди. Даврон билан оператор шу алфозда бутун бозорни кесиб ўтишди ва эшиги тепасига “Маъмурият” деб ёзилган бир қаватли бинога киришди.

Бозорқўм деганлари оромкурсисида ўтираверганидан бўйи пасайиб, қорни қаппайиб қолган биткўз, тепакал киши экан. Аммо қарашим жуда ўткир деб ишонса керак ёки биров уни шунга ишонтирган, ишқилиб, худди “Ичингда нима бор-

лигини биламан” ёинки “...билиб оламан” дегандай қаттиқ тикилиб туравераркан. Буни Даврон салом-алиқдан кейиноқ ҳис қилди.

– Ҳизмат?

Даврон ўзини таништириб, хизмат гувоҳномасини кўрсатди. Киприк қокмай тикилиб турган бозорқўм саволини сал кенгайтириб такроқлади:

– Биздан нима хизмат?

Даврон изоҳ берди:

– Ҳеч қанақа хизмат йўқ. Шу, бозорлар ҳақида кўрсатув таёрлаётгандик. Шунга...

– Бизнинг бозор ҳақидами?

“Ғалча!” деган фикр Давроннинг миясига қакмоқдай урилди. Ахир ўз оғзи билан “бозорлар” деб турибди-ку.

Режиссёр ўзини мажбурлаб қулимсиради:

– Йўғ-э, ака. Бу умуман бозорларимиз ҳақида. Улардаги тўқинлик-сочинлик, дегандай. Маъмурчилик...

Йўқ, ҳамон ўшшайиб, киприк қокмай туришига қараганда бу “ғалча” ё ўзбекчани тушунмайди, ё эшитган гапининг мазмунини англаб ололмайди... Йигирма йиллик журналистга ҳаттоки ўзини танитишни раво кўрмаган мана шундай довдир қаршисида ҳисобот бераётгани учун Даврон ўзини ўзи ёмон кўриб кетди. Шу боис гапини кескироқ оҳангда тугатди:

– Қисқаси, ишдамиз-да, ака. Давлат ишида.

– Шунақа... шунақа дардларинг бор экан, бир оғиз рухсат сўрасаларинг нима қиларди?

Бозорқўм ўпкалаяптими ё дўқ уряптими – тушуниб бўлмади. Шундай бўлса-да, Даврон ҳар эҳтимолга қарши паст тушди:

– Узр, ҳато биздан ўтипти. Кейинги сафар албатта рухсат сўраймиз.

– Юристан сўрадим, мен рухсат беришим учун расмий бланкаларингга расмий хат олиб келишларинг керак экан.

Давроннинг бир тили қичиди, бир тили қичиди: “Ахборот эркинлиги принциплари ва қафолатлари тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”, “Телекоммуникациялар тўғрисида” ва ҳаттоки “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунлардан ўзи биладиган бандларни қалаштириб келтириб ташлаб, суҳбатдошини мот қилмоқчи бўлди, аммо бозорқўмнинг бўзрайиб ўтиришиданок бундай сўзамолликнинг бефойдалигини сездю, тишини тишига босди:

– Албатта. Расмий бланқада, раҳбаримизнинг имзоси ва юмалоқ муҳри билан.

Шу билан гап-сўз тугагандай, бозорқўмнинг исми шарифи махфий қолган учрашув яқунлангандай туюлди. Режиссёр хайр-хўш учун оғиз жуфтлаган маҳал эшик очилганини сезиб, беихтиёр ортига ўгирилди.

Остонада оппоқ қалта сочига мутаносиб тарзда оппоқ қўйлагу оппоқ шим кийган, ҳатто оппоқ қайиш таққан, бироқ бу окликлар унинг қорамтир юзини баттар қорароқ қилиб кўрсатаётган олтмиш ёшлардаги лўмбиллаган бир киши оппоқ тишларини намоёиш этаётгандай илжайганча қучоқ очиб турарди:

– Ассалому алайкум, салом-ассалом, Давронжон акажон!

Даврон ёши ўздан анчагина қатта эканлиги шундоқ кўриниб турган “укажон”ини танимади, бунинг устига қиёфалар борасида ўзининг хотираси сустроқ эканини тан олади: бир кўрган одамнинг юзини аниқ эслаб қололмайди, шу боис, ҳар эҳтимолга қарши ўрнидан турди, осмондан тушгандай пайдо бўлиб қолган бу одамга ноқулай бўлмаслик учун қучоғини очди.

Дарҳақиқат, “укажон” яқин таниш-билишлардан шекилли, астойдил ачомлашиб кўришди, Давроннинг белини қаттиқ сиқиб ҳам қўйди.

– Учрашадиган кунимиз ҳам бор экан-ку, акажон! Фақат кўрсатувларингизни томоша қиламиз, охирида фамилиянгизни ўқиймиз. Тўй-маъракаларда узокдан кўриб колардим-у, “Шу одам билан бир гурунглашсам”, деб юардим, қаранг, бу-гун уйдан Худо деб чиккан эканман...

Мақтов... кимга ёкмайди. Айникса ўзингга халқ душманига қарагандай ўкрайиб қараб турган бозоркўмнинг ёнида бундай гапларни эшитиш... Давроннинг ҳам етмиш икки томири бўшашгандай бўлди, лаб-лунжини йиғиштириб олишга уринганча:

– Ҳа, энди... – дея олди.

Ҳамон кутилмаган бу учрашув ҳаяжонидан кўзлари чакнаб турган ок либос мухлис ҳаммасини тушунгандай режиссёрнинг елкасига қокиб кўйди:

– Камтарсиз-да, акажон, камтарсиз. Қани, ўтирайлик.

Ўтирдилар. Янги меҳмон узундан-узок дуо қилди, сўнг ҳол-аҳвол сўрашишга ўтилди.

– ...Тўғриси, Давронжон акажон, сизни кўриб бошим осмонга етди. Туя сўйиб чақирсақ ҳам келишга фурсати йўқ одам, ўз оёғи билан келиб ўтирса-я. Хўш, биздан нима хизмат, акажон?

Туя сўйиб чақиринса ҳам келолмайдиган одам вазиятни тушунолмай, бироз гаранг бўлди: бу ок либосли одамнинг бозорга бирон алоқаси бормикан? Умуман, бу ерда ўзини таништирмаслик урф шекилли. Шунгами, режиссёр мужмалрок жавоб қайтарди:

– Шу... хизматчилик. – Сўнг ҳар эҳтимолга қарши қўшиб қўйди: – Ўзингиз тушунасиз-ку.

Ок либосли одам телевидениенинг бутун сир-асорини биладиган мардумдай ишонч билан бош ирғади:

– Тушунамиз, албатта тушунамиз!

Хонага сукунат чўкди. Икки бирдай одам ўзига “Мақсадга ўтавер” дегандай синчков қараб турганини кўрган Даврон ўнғайсиз аҳволда қолди: баайни, ниманидир билади-ю, шуни яшираётгандай.

Ахийри бозоркўм пўнғиллади:

– Бу киши бизнинг юрист.

– Раҳбаровман, – дарҳол ўзини таништирди ҳуқуқшунос. Сўнг режиссёрга синовчан тикилиб, такрорлади: – Раҳбаров.

– Яхши, – деди Даврон. Сўнг, ҳар эҳтимолга қарши, одоб юзасидан қўшиб қўйди: – Эшитгандайман.

Мамнунликдан ҳуқуқшуноснинг юзи ёришиб кетгандай бўлди.

– Эшитгансиз, акажон, эшитгансиз. Албатта эшитгансиз. Ҳозирам менга кизиқиб қараб турганингиздан бунини биламан. – Раҳбаров гурур ила кўкрагини керди: – Адашмадингиз, мен ўша судьяман.

Даврон ҳарчанд уришиб кўрди, бироқ “ўша судья”ни эслолмади. Ким билади, балки бирон мафия-пафияни суд қилиб тилга тушгандир-у, журналистлар телевидениеда кўкка кўтариб мақташгандир, иши билан банд Даврон эса бундай оламшумул воқеадан беҳабар қолгандир.

Режиссёрнинг пешонаси тиришаётганини кўрган бозоркўм кўмакка келди, аммо оdatига кўра яланғоч беписандлик билан гўдраниб қўйди:

– Қозилигида бир қоп буғдойга ўн икки йил берган бу...

– Ҳечам бир қоп эмас-да, ҳечам бир қоп эмас-да! – кизгин эътироз билдирди Раҳбаров. Бозоркўм саховат кўрсатди:

– Ҳа, ана, икки қоп.

Бироқ бу миқдор ҳам Раҳбаровни қаноатлантирмади:

– Ҳечам икки қоп эмас-да. Ўта қатта миқдорда эди.

Бозорқўм энди ҳуқушуносини майна қилишга ўтди:

– Ол-а...

Тайёр турган эканми, чўнтагидан қоғоз-ручка олган Раҳбаров бутун эътиборини гап нима ҳақида кетаётганини тушунмасдан, гарангсиб турган режиссёрга қаратди:

– Давронжон акажон! Сизга ҳозир ҳаммасини тушунтириб бераман. Бошидан бошлайман. “Зийнат” жамоа хўжалигида истикомат қиладиган, вақтинча ишсиз фуқаро Маҳмадалиев июль ойи тунларидан бирида хўжалик ҳудудида жойлашган элеваторга, яъни ғалла омборига дон олиб кетаётган, эътибор беринг, юриб кетаётган тракторнинг тиркама воситаси, яъни тележжасига ғараз мақсадда, қасддан, олдиндан белгиланган босқинчилик режаси асосида чиқиб олиб, қўйнидаги қопни ғаллага тўлдириб, пастга ташлаган маҳал ҳушёр милиция ходимлари томонидан далилий ашё билан қўлга олинади. Камина раислик қилган суд жараёнида айбланувчи маҳалласидан ижобий тавсифнома келтирди, ўзини оппоқ қилиб кўрсатишга уринди. Нима эмиш, болачакаси оч қолганлиги учун шундай йўл тутишга мажбур бўлган эмиш, ўғирликка биринчи марта чиққан эмиш, бор-йўғи бир қоп буғдой олмоқчи бўлган эмиш... Хуллас, шунақа гаплар-да. Шартга ўрнимда турдим-у, “Бунақа чўпчакларингни энангга айт, Маҳмадалиев! Сен давлат мулкани катта миқдорда ўғирлаган ашаддий рецидивистсан!” дедим. Адвокати эътироз билдирмоқчийди, тўрт сонияда гапимни исботлаб ташладим... Мана бундай. Қаранг, бир қоп буғдой етмиш кило келади.

Бозорқўм пичинг қилди:

– Нима, у қопни шошмасдан тўлдириб, эринмасдан оғзини бойлаб, кейин ташлабдими? Солса ўн кило солгандиру пастга отган...

– Йўк, йўк, – айёрона бош чайқади собиқ қози. – Сиз амалиётни гапираяпсиз. Назарияга кўра эса бир қопга шунча буғдой кетади. Хўш, айбланувчи ҳар куни бир қопдан ғалла ўғирлаган деб ҳисоблаймиз-да, етмишни уч юз олтмиш бешга кўпайтирамиз. Демак, бир йилда у камида йигирма беш минг беш юз эллик кило буғдойни ўғирлаб, ўз шахсий эҳтиёжлари йўлида ишлатиб юборган бўлиб чиқади.

Бозорқўм пихиллаб қулди:

– Ғалла бир ярим ой, нари борса икки ой ташилади.

– Сиз амалиётни гапиряпсиз-да, акагинам, – қизгин эътироз билдирди ўз-ўзидан завкланиб кетаётган Раҳбаров. – Мен эса масаланинг назарий жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратаман... Демак, айбланувчи бир йилда йигирма беш тоннадан кўпроқ ғаллани гум қилган бўлиб чиқяптими? Энди бу миқдорни бешга кўпайтирамиз.

Маърузадаги чуқур мантикни илғаб олишга ҳаракат қилаётган режиссёр хайрон бўлди, беихтиёр:

– Нега? – деб юборди.

Собиқ қози бажонидил ҳуқуқий тушунча берди:

– Чунки хўжалик ҳудудидаги элеватор беш йилдан бери ишлаб келаётганди-да.

Режиссёр ниманидир тушунгандай бўлди:

– Демак фуқаро...

Унинг чайналиб қолганини кўрган Раҳбаров қўмакка келди:

– Фуқаро Маҳмадалиев.

– ...ўша одам... элеватор очилганидан бери ҳар куни ўғирликка борган бўлиб чиқадими?

– Ҳа, ҳар куни, бирор кун қанда қилмасдан! Айтдим-ку, мен масалага назарий жиҳатдан қарайман. Хуллас, менинг ҳисобларимга кўра беш йил ичида у жами бир юз йигирма етти минг етти юз эллик минг кило буғдой ўғирлаган бўлиб чиқди. Бунга, табиийки, аниқлик учун яна етмиш кило қўшдим.

– Униси нега? – ажабланиб сўради Даврон.

– Қанақасига нега? – режиссёрдан баттар хайрон қолди Раҳбаров. – Ахир биз қамраб олган беш йилнинг ичида биттаси кабиса йили-ку. Яъни 29 февраль, йил уч юз олтмиш беш эмас, уч юз олтмиш олти кун.

– Ха...

– Шунақа. Ишкилиб, жами ўғирлик бир юз йигирма етти тоннаю саккиз юз йигирма кило чиқди. Рақам аниқ эсимда. Бу нима дегани? Бу икки йирик фермер хўжалигининг йиллик хосили, баланд хирмони. Ўзингиз айтинг, бу қатта миқдордаги ўғирлик эмасми? Давлат мулкани, халқ мулкани талон-тарож қилиш эмасми? Ахир шундай кўриниб турибди-ку... Бу ҳали фақат битта айбланувчининг жинояти. Мен унинг камида яна иккита шериги бўлган деб ишонаман. Булар жиноий гуруҳ бўлиб, олдиндан тил бириктириб қилишган бу ишларни. Ҳалиям майдалашиб ўтирмадим, терговда шахси аниқланмаган шерикларингни айт, деб айбланувчини кисти-бастига олмадим, ишни қайта терговга юбормадим, етказилган зарарни учга кўпайтирмадим. Ваҳоланки, шеригинг учта эмас, камида бешта бўлган деб туриб олишим ҳам мумкин эди-ку. Бешта-я! Хайрон қолишингиз мумкин, лекин қора курсида ўтирган бандога раҳм қилдим... Ўшанда буларнинг ҳаммасини ҳисоблаб кўрсатгандим, айбланувчининг кўзи пешонасига чиқиб кетиб, гапиролмаям қолди. Адвокати ундан баттар... Хулласи калом, Давронжон акажон, – собиқ қози кафтларини бир-бирига қарсиллатиб урди, – мен ўғирликнинг ўта қатта миқдорда эканлигини ҳисобга олган ҳолда айбдорга ўн икки йил бердим, бир юз йигирма етти тоннаю саккиз юз йигирма кило олий нав бугдўйнинг хақини давлат ғазнасига тўлаш шарти билан, албатта. Буни эшитиб атиги уч йил сўраб турган прокурорам тилдан қолди денг... Хуллас, энг асосийси, Давронжон акажон, ҳисоб-китобларим тўғри эканки, прокурор протест келтирмади, жиноятчининг ўзи апелляцияга ариза бермади. Эшитишимча, махбусимиз ўша ёқларда касалга чалиниб, олти ой ичида ўлиб кетибди. Ўзи суддаям ранги сарғайиб ўтирганди. Уч-тўрт йил чидаб турганида амнистияга илиниб қолармиди... Майли, бу менинг ишим эмас. Мен ўз вазифамни бажардим. Лекин, шундан кейин денг, акажон, бир-икки ҳамкасбларим менга ола қарайдиган бўлиб қолишди. Биласиз-ку, бизнинг соҳада ким кўп – муваффақиятингни кўролмайдиганлар кўп. Шунақалар у қилишди, бу қилишди, охири ёшим етганлигини рўқач қилиб, мени пенсияга чиқишга мажбур этишди. Бўлмаса яна анча йиллар халққа хизмат қилишга қурбим етарди... Ҳалиям, шукрки, билими, тажрибаси бор одам кўчада қолмас экан, мана, неча йилки, – қўлини кўксига қўйган собиқ қози қисик кўзлари баттар қисилганча, биров арпасини хом ўргандай ўшшайиб ўтирган бозорқўмга эҳтиром ила ним эгилди, – акамининг шарофати билан бозорчада оддийгина ҳуқуқшунос сифатида ризкимизни териб еб юрибмиз. Минг қатла шукр. Шундай буюқ қалбли инсонларнинг бориға шукр.

“Буюқ қалбли инсон”нинг бир туки ҳам қилт этмаганига, ҳатто йўлига мактовни рад этиб қўймаганига қараганда, бундай хушомадларни кўп эшитган, эшитавериб, эти ҳам ўлиб бўлган.

– Ўшандан кейин, – дея гапида давом этди Раҳбаров, – ўшандан кейин, хафа бўлманг-у, Давронжон акажон, сизга ўхшаган зиёлилардан анча-мунчаси худди мен еб, улар қуруқ қолгандай менга олайиб қарайдиган бўлишди. Ваҳоланки, аслини олганда мен ўша ҳукм билан жамиятга, давлатга жуда қатта фойда келтирдим, Давронжон акажон, жуда қатта фойда! Ҳатто бунинг учун менга орден беришсаям арзирди!

Ҳалидан буён бир қоп ғалла учун шунча йилга қамалиб кетган шўрликни ўйлаб, ичида собиқ қозини ёмон кўриб ўтирган Даврон беихтиёр:

– Йўғ-э, – деб юборди.

– Ҳа-да! – ховликди собиқ қози. – Атай текшириб кўрдим, менинг ҳукмимдан кейинги беш йил ичида наинки “Зийнат” жамоа хўжалигидан, балки ён-атрофдаги хўжаликлардан ҳам бирон фуқаро, эътибор беринг, бирон фуқаро дон ўғирлашга бормаган! Бор-ма-ган! Хўш, нима учун?

– Кўркишгандир-да, – тахмин қилди режиссёр.

– Бу иккинчи сабаб. Биринчи сабаб хўжаликлар аҳли ҳар қандай жиноят учун жазонинг муқаррарлигини, жиноятнинг қатта-кичиги бўлмаслигини тушуниб етганида. Онгли равишда тушуниб етганида!

– Кўз олдларида жонли мисол турганидан кейин, албатта тушуниб етишади-да...

Раҳбаров баттар жўшди:

– Пичинг қилманг, Давронжон акажон, пичинг қилманг! Ундан қўра очик тан олинг: мен галаба қилдим! Мен, яққа ўзим, битта ҳукм билан қатта ҳудуддаги ўғирликни таг-туғи билан, илдизи билан йўқ қилдим. Мен шунга эришдим! Тўғри, қаттиққўллик қилдим, аммо бундан бошқа иложим йўқ эди, ярани ҳам кесиб даволайдилар, акажон, кўзёши тўкиб эмас. Мен ҳам сизлар сингари ўша бандга ачинсам, қўшилишиб хўнграб ўтирсам, суд залидан озод қилиб юборсам бўларди. Аммо мен бундай қилмадим, чунки бу билан ўша яранинг газак олишига сабабчи бўлардим, маълум маънода бўлғуси ўғриланинг шеригига айланардим! Мен, қайтариб айтаман, яққа ўзим, қўксимни қалқон қилиб жамиятда қонун устуворлигини таъминлашдек бурчимга содиқ қолдим!

Давроннинг тили қичиди:

– Ниманинг эвазига?

Собиқ қозининг кўзлари чакнаб кетди.

– Ҳа, яшанг, мана энди дилингиздаги тилингизга чикди! Тўғри, қурбонлик келтирилди, лекин бу ўнлаб, юзлаб, балки минглаб қурбонларнинг олдини олди. Аслида шундай-ку, Давронжон акажон, мард бўлиб тан олинг-да! Сизлар бўлса – кўр ҳассага ёпишгандай – мени ёмонотлик қилиш учун фақат иккинчи сабабга ёпишиб олгансизлар. Тўғри, одамлар чўчиб қолишди. Лекин бусиз ҳам мумкин эмас-да. – Раҳбаров столни қарсиллатиб урди: – Жамиятда шундай тушунчалар борки, улар фуқаро миясига фақат кўркув орқали, мажбурлаб киритилади, бошқа йўл йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас! Кўркмаган одам – хавfli одам. Кўркқан одам – қонунга итоат қиладиган одам. Мана асл ҳақиқат!.. Бунга эътироз билдириб кўринг-чи...

Режиссёр қаршисида ўзининг мутлақо ҳақлигига юз фоиз ишониб турган Раҳбаровга эътироз билдириш фойдасиз эканлигини англаб, минғирлаб қўя қолди:

– Бу масалада ҳар кимнинг ўз ҳақиқати бор...

Собиқ қози кизғин эътироз билдирди:

– Асло бундай эмас! Ҳақиқат битта ва у мен томонда!

Шундан кейин яна нима дейиш мумкин. Даврон ҳам тилини тишлади.

Хонага яна сукунат чўқди. Яна икки жуфт кўз ўзига бақрайиб тикилиб турганини кўрган Даврон бу ўхшовсиз томошага барҳам беришга қарор қилиб, ўрнидан кўзғалиб қўйди:

– Раҳмат, акалар. Энди руҳсатларингиз билан биз турсак.

Режиссёрнинг назарида раҳбар билан ҳуқуқшунос кўз уриштириб олишгандай бўлди, аммо қўлларини кенг ёйганча ўрнидан турган Раҳбаровнинг гап оханги самимий эди:

– Давронжон акажон! Бу нима деганингиз? Бир баҳонаи сабаб кеп қопсиз-у, ҳали икки оғиз чақчақлашиб улгурмасимиздан кетаманга тушасизми? Асло ва асло! Ўзбекчилигимиз қайда қолди? Бир пиёлагина чойимизни ичмасингиздан бурун сизга жавоб йўқ, акажон! Айтиб қўяй, шундай кетиб қоладиган бўлсангиз, биз ўзимизни кечирмаймиз!

Даврон чин дилдан қарорини асослашга уринди:

– Раҳмат. Лекин иш... Ҳали монтаж бор, диктор матнини ўқитиш...

– Э, – бепарво қўл силтади собиқ кози, – иш қочиб кетармиди? Керак бўлса Обидали акамнинг ўзларини шу ерга чақирамиз, бўладими? Бир оғиз таклиф қилсак бас, етиб келадилар.

Раҳбарининг исмини эшитган Даврон сесканиб кетди. Қачондан бери Обидали бу ҳуқуқшуноснинг “акаси”га айлланиб қолди? Хотиржам тилга олишига қараганда бир балоси борга ўхшайди... Демак, эртaroқ кетиш керак. Агар бу баччагарнинг айтгани чин бўлиб, Обидали кириб келсами, тамом, ана кейин кўринг томошани: иш пайтида кўрсатув қахрамонлари билан чойлашиб ўтирган Давроннинг шўрига шўрва тўкилиши аниқ.

Режиссёрнинг безовталаниб қолганини ўзича тушундими, Раҳбаров кейинги саваolini сал гумонсираган оҳангда берди:

– Ўзи бу ерга келишингиздан Обидали акамларнинг хабарлари бормиди?

Даврон аниқ жавобдан ўзини олиб қочди:

– Умуман олганда, у киши бизга умумий раҳбарлик қиладилар... Шу маънода ҳар бир ижодий ходим съёмкага бориш учун у кишидан руҳсат олиши шарт эмас...

– Шарт эмас бўлса шарт эмас-да, акажон! – кўтаринки кайфиятда яна қафтларини бир-бирига урди собиқ кози. – Келинг энди, қирқ йилда бир эшак ўйин, дейдилар-ку, бизам бир яйраб ўтирайлик...

Эшик очилиб, Ҳасан-Ҳусанлар егулик-ичимликлар, газаклар тўла икки патнис кўтариб киришганди, хонани иштаҳа кўзгар қабоб иси тутди. Эгизаклар патнисларни столга қўяётган маҳал шишалар шиқирлаб кетди. Терлабгина турган хориж арокларини кўрган Давроннинг пешонасига совуқ тер тошди.

– Мен ростданам кетмасам бўлмайди, ака, – дея ўрнидан туриш асносида энди у бозорқўмга мурожаат қилди.

Жавобни эса яна Раҳбаровдан эшитди:

– Вақти соати етиб, ҳаммамизам кетамиз, шунинг учун шошилишнинг ҳожати йўқ, акажон. Ваҳ-ҳаҳ-ҳа!

Собиқ кози ўзи гапириб ўзи қулди, бозорқўм ҳатто тишининг оқини ҳам кўрсатиб қўймади. Бирдан жиддий тортган собиқ кози режиссёрни аврай бошлади:

– Йигитларингиз қўшни хонада. Келинг, ҳеч бўлмаса ўшаларнинг бир пиёла чойни ҳалоллаб ичишига, аниқроғи заказ сомса еб олишига халакит бермайлик, акажон. Ундан кейин, қайси ўзбекнинг уйига келган кўноқ ҳеч бўлмаса бир бурда нон емасдан кетади, а? Где мусулмончилик?

Даврон ноилож жойига қайтиб ўтирди. Шунини кутиб тургандай бозорқўм ўрнидан турди:

– Қўл ювиб келай...

– Бемалол, – дея раҳбарига изн берди ҳуқуқшунос. – Биз бу ерда акамиз билан бошлаб турамыз. Сиз кейин етиб оласиз.

– Хўп, – дея тўнғиллаб қўйди кабинетдан чиқаётган маҳал бозорқўм.

Шунда Даврон кўрди: чинданам раҳбар қалтабақай эди, кўпчиб турган қорни уни баттар пастак кўрсатарди, баайни полдан ўсиб чиққан мавжудот...

Раҳбаров шошиб чой қайтарди, нон ушатди, бир пиёла чой узатди, тинмай “олинг-олинг”лаб манзират қилиш асносида шишалардан бирига қўл чўзганди, Даврон уни тўхтатди.

– Ишдаман, ака.

Бу залворли дастак собиқ козини ажаблантирди:

– Нима кипти? Бизам давлат ишида ишлаганмыз, лекин бу зормандани ҳеч хафа қилдириб қўймасдик.

– Энди бизда талаб бошқачарок...

Хукукшунос яна бепарво қўл силтади:

– Талабни ким қўяди? Обидали акамми? Ё, бир оғиз айтиб қўяйми?

– Шарт эмас! – жон холатда эътироз билдирди Раҳбаровнинг оқ қайишига осилган телефон ғилофига қўл чўзаётганини кўрган Даврон.

– Зоримиз бор, зўримиз йўқ, укажон. Унда, мана, кабобга қаранг. Рухсатингиз билан, Давронжон акажон, – хукукшунос шишага ишора қилди, – ўзимга озгина, а, йигирма грамм...

– Э, сиз бемалол, ака, менга қараманг.

– Раҳмат-э. Сиз борсиз – биз бормиз-да...

Собиқ кози негадир иккита қадахга тўлдириб ароқ қуйди ва бирин-кетин иккаласини ҳам “оқ” қилиб ичгач, кўзлари ёшланганча “оҳ-оҳ”лаб газакка ёпишди ва ногоҳ, чапиллатиб сабзи чайнашдан тўхтади-да, режиссёрга бир кулгум ҳам ичмаган одамдай ўта жиддий, хаттоки синовчан тикилди:

– Давронжон акажон, биз кап-катта одамлармиз, “сичқон-мушук” ўйини бизга тўғри келмайди. Келинг, эркакча гаплашиб оламиз. Ваъда бераман, гап шу ерда қолади, кўчага чиқмайди.

Даврон энди қўлига олган сихни ликопчага қайтариб қўйиб, хукукшуносга ажабланиб қаради:

– Тушунмадим.

– Кабинетда камера йўқ, текшириб қўришингиз мумкин, – агрофга аланглади Раҳбаров. – Йўқ. Овозингизни эзиб ҳам олмаяпман. Ишонмасангиз, телефонимни ўзингизга бериб қўяман. Буларни айтаётганимнинг сабаби, бизга тўла ишонсангиз бўлади. Биз ўз гапига жавоб берадиган одамлармиз. Сиздан биттагина ўтинчимиз: ҳақиқатни айтинг.

Давроннинг назарида собиқ кози қандайдир ўйин ўйнаётгандай эди, ҳозир имо-ишораларга тўла, сирли гапларини тугатади-да, “Аха, боппладимми!” дея “вах-хах-ха”лаб кулиб юборади. Режиссёр ўзини бу масхарабозликка қўшилгандай тутди:

– Яъни, ака?

Раҳбаров овозини пасайтирди:

– Яъни бизга ўша одамнинг отини айтсангиз етарли.

– Қайси одамнинг?

– Буюртмачининг.

– Қайси буюртмачининг?

Меҳмон ўзини майна қилаётганидан озор чеккан мезбондай, хукукшуноснинг юзи қайғули тус олди:

– Давронжон акажон, ўзингиздан катта одамни аҳмоқ қилиш яхши эмас.

– Лекин мен ростданам кимни айтаётганингизни билмаяпман, ака? Қанақа буюртмачи? У нимани менга буюртма қилган? Бундай тушунтириб гапиринг-да, Раҳбаров ака.

Хукукшунос илжайди:

– Мен ўйлагандан кўра анча айёр экансиз... Ҳа, майли, очиқ савдога ўтамиз. У қанча бермоқчи? Биз икки баробар тўлаймиз.

Режиссёр ўзи ҳазил-хузил деб ўйлаган нарса жиддийлашиб бораётганлигини тахмин қилиб, хушёр тортиди:

– Ростини айтсам, ака, нима деяётганингизни умуман англамадим. Лекин барибир яхши ўтирдик. Энди турсам. Меҳмондорчилик учун раҳмат.

Раҳбаров меҳмонга синчков тикилди:

– Демак, айтмайсиз?

Ғазабдан Давроннинг “дод” деб юборишига бир баҳя қолди:

– Нимани айтишим керак эди?

Мезбон “ўйин”ни бошидан бошлади:

– Буюртмачини.

Калта-калта нафас ола бошлаган, бўйин томири ўқлогдай бўртиб чиккан Даврон бир амаллаб ўзини босди, сўнг, иложи борича хотиржамлик билан гапиришга уринди:

– Энди... энди кетсам дегандим.

Хуқуқшунос эшик томонга қаради, худди шуни кутиб тургандай, эшик сассиз очилди ва хонага семиз ғозга ўхшаб лапанглаб кириб келган бозорқўм кўлидаги жажжи телефон аппаратини режиссёрга тутди:

– Сўрашяпти.

Бир пайтлар “унинг магнит тўлқинлари касалликлар манбаи... мия функцияларини ишдан чиқаради” деб ўқигани учунми, ўзи сира қўл телефони олиб юрмайдиган, уйдаям ундан фойдаланмайдиган Даврон хайрон бўлиб аппаратни кўлига олди, кулогига яқинлаштирди:

– Эшитаман.

У тарафдан... Обидалининг дарғазаб овози эшитилди:

– Даврон?!

– Ҳа, мен... – дея олди негадир юраги увишиб кетган режиссёр.

– Пишириб қўйибдимиз сизга у ерда? Нега ўзбошимчалик қилиб, ҳар жойга бурнингизни сукаверасиз, а? Ё нима, мени кўмиб келганмисиз?

– Йўғ-э...

– Бўлмаса бир оғиз рухсат сўрасангиз, нима, ўлиб коласизми? Менам бу ерда пашша кўриб ўтирмагандирман, қаерга бориш, қаерга бормаслик кераклигини билсам керак...

– Обидали ака, – тушунтиришга уринди Даврон, – мен шунчаки бозорни сёмка қилдириб кетмоқчийдим, холос.

– Нега?

– Кўрсатувга-да. Матн ўқиладганида...

Обидали жажл билан унинг гапини бўлди:

– Бошқа бозор қуриб қолганмиди сенларга? Тағларингга машина бериб қўйган бўлсам...

Бозорқўмнинг Обидалига яқинлигини тахмин қилган Даврон ҳаммасини бошидан тушунтирмоқчи бўлди, яъники бу бозор студияга энг яқин бўлганлиги учун танланди, ижодий гуруҳда ҳам, шахсан ўзида ҳам бошқа мақсад йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Аммо улгуролмади.

– Энди ўзингиз пиширган ошини ўзингиз ичинг! – бўкирди Обидали. – Узр сўранг, дискни беринг, энг муҳими, ҳеч кимни хафа қилмасдан, ишхонамизнинг обрўсини туширмасдан чиқиб кетинг. Кейин олдимга келиб, тушунтириш хати ёзиб берасиз: ким сизни у ёққа юборди ва нима мақсадда? Уриб беришингиз учун қанча ваъда қилишди?.. Тамом!

Обидали гўшакни “тақ” этказиб қўйди ҳамки, Даврон гарангсиган аҳволда телефонни кулогига тутиб тураверди. Илло у бир нарсани сира англаб етмаётганди: кимдан узр сўраши керак, қайси гуноҳи учун? У ўзи нима нотўғри иш қилди? Айби кўрсатув чиройли чиқсин дея қуйиб-пишиб ишлаётганими. Йўқса зарилмиди унга шу ёшида иссиқда терга кўмилиб лўкиллаб юриш...

Бозорқўм анчайин такаллуфсизлик билан телефон аппаратини Давроннинг кўлидан олди ва индамасдан чиқиб кетди. Дарди дунёси қоронғи режиссёр номаълум нуктага тикилиб қолаверди.

Собиқ кози оҳиста йўталди. Ана шунда... ана шунда куппа-кундузи тухматга колган Давроннинг ичида бир ғалаён уйғониб кела бошлади: бу нима деган гап ахир, қачон, қай маҳал бировнинг буюртмаси билан кўрсатув тайёрлабди; қачон, кимни “уриб берибди”; қачон, кимдан бу хизмати учун ҳақ, яъни пора олибди?.. Тўғри, телевидение катта даргоҳ, элчилик дегандай, Даврон шунақанги учар ҳамкасблари ҳақида бир-икки эшитгани бор, аммо Худо шохид, мана, неча йилдан бери ишлаб келаяпти, бирон марта бировнинг қўлига қарамаган, бировдан бир сўм олмаган. Тан олади, суратга туширишга чиққан маҳаллари гуруҳи билан бир пиёла чой ичган жойлари бор, акс ҳолда мезбонлар астойдил хафа бўлиб қолишарди, аммо... аммо бировнинг ногорасига ўйнамаган, оиласига ҳаром пул егизмаган... Ё раб, каммиди ўзи аввалги йилнинг фожиаси, энди бошига бундай тухмат тошларини ёғдиришдан муродлари не буларнинг? Устига-устак, айбловнинг нақадар мантуксизлиги шундоқкина кўриниб турибди-ку: бозорлар макталган кўрсатув учун манзилсиз намоёйиш бўлса...

Кўз олди қоронғилашиб кетаётган Давроннинг юраги хаприкиб, кўксига сиғмай қолаётгандек эди. У оғзини каппа-каппа очиб, оғир нафас олар, вужудидаги титрокни сира тўхтатолмасди.

Ҳуқушунос ҳаммасини тушунгандай ачиниб бош чайқаб қўйди ва ҳали-ҳамон терлабгина турган, сув томчилари кўзёшлари каби оқаётган шишага ишора қилди.

– Ку... куйинг-э! – деб юборди Даврон.

Раҳбаров одатига кўра иккита қадахни тўлдириб қуйди ва уларни режиссёрнинг олдига сурди.

...Биринчи қадах томоқдан бошлаб ичакларни ловуллашиб ўтиб кетган бўлса, иккинчи қадах миясидан то оёғининг учига қадар жимирлатиб юборди. Таъмиям ғалатирик... Бир ярим йилдан буён ичмай юрган Даврон тили қарахтлашаётганини сездди.

– Раҳбаров ака... узр... биз билмасдан... эгаси бор ҳудудга келиб қолибмиз... Айб биздан ўтди. Дискни олиб қолишларинг мумкин. Узр... Энди бизга жавоб.

Режиссёрга масхаромуз қараб турган ҳуқуқшунос сўради:

– Бўлдимми?

– Агар бу етмаса, шахсан бозорқўмингиздан ҳам узр сўрашим мумкин.

– Шарт эмас. Фақат эслатиб қўймоқчийдимки, хўжайин сиздан узр эмас, исм-фамилия талаб қилганди.

Даврон негадир бунақа талаб бўлганлигини эслолмади:

– Қанақа исм? Қанақа фамилия?

Ҳуқуқшунос сўзларни дона-дона қилиб такрорлади:

– Буюртмачининг исм-фамилияси.

– Э-эй, яна шу мағзава гапми? – тутакиб кетди Даврон. – Бўлди-да энди. Ҳаммангиз тентак-пентак бўлмагансизларми мабодо?

Раҳбаров илжайди:

– Худди шу гапни ўзингизга нисбатан ишлатиб кўрсангиз яхши бўларди, ака-жон. Чунки сиз ишингиз, келажагингиз, обрўйингиз – ҳамма-ҳаммасидан бир буюртмачининг уч-тўрт тангасини авло кўряписиз.

Давроннинг кўзларига қон тўлди:

– Ўзимни ўзим сўйиб ташласам, гапим чинлигига ишонасизларми, а?

Ҳуқуқшунос пинак бузмади:

– Харакири сизнинг айбдор эканлигингизни билвосита исботлайди, холос.

Шу сўзларни айтгач, Раҳбаров янги шишани очди, яна иккита қадахга тўлдириб қуйди, бу сафар бирини ўзи олди, иккинчисини меҳмон томон сурди.

– Қани, олдик, ака.

- Даврон бош чайқади:
- Менга етади. Ҳали ишга боришим, раҳбаримга тушунтириш хати ёзиб беришим керак.
  - Ўзингиз биласиз. Майли, ака, кетишингиз олдиан охирги марта сўрайман: ким у?
  - Уф-ф... – Режиссёр ярок излагандай атрофга аланглади. – Ўзимни ўлдиришим айбдорлигимни билвосита исботласа, яхшиси, сизни бўғизлаб қўйиб қўя қолай.
- Хукукшунос яна пинак бузмади:
- Бу айбдорлигингизни бевосита исботлайди.
- Режиссёр уф торгди:
- Унда ўзим билан бирга битта бомба олиб келсам яхши бўларкан. Бевосита, билвосита деб ўтирмасдан, бира тўла...
- Раҳбаров бош ирғади:
- Бу яхши фикр, аммо энди иложи йўқ-да. Хуллас, Давронжон акажон, ҳаётда шунақанги ғалати вазиятлар бўладики, унда сизнинг айбдор ёки айбдор эмаслигингизнинг уч пуллик аҳамияти қолмайди: жавоб беришингиз шарт! Бошка йўл йўқ!
- Режиссёр хукукшуносга ўқрайиб қаради:
- Мени кўрkitмоқчимисиз?
  - Асло ва асло, акажон! Мен ўзингиз тушиб қолган вазиятни тушунтиришга уриняпман, холос.
  - Мен ҳеч қанақанги вазиятга тушиб қолганим йўқ, ишимни ҳалол бажаряпман. Ўзларингизнинг айбларингиз бор бўлса керакки, ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ, элдан бурун ваҳима кўтариб, оёқларингиз қалтираяпти.
  - Ана энди тилингиз счиляпти. Тўғри, айбимиз бор, буни яширмайман. Аммо яна бир нарсани унутманг, кадрли Давронжон акажон, биз кунлик патта тушумининг эллик фозини ўзимизда қолдираётган бўлсак, ўша сизга буюртма берганлар камида саксон фозини олиб қолишяпти. Бу бир. Иккинчидан, ўтган йилги ёнғин, дўқонларнинг қайта сотилишига келсак...
  - Буларнинг менга кизиғи йўқ!
  - Шунақами? Бўпти, бўлмаса асосий гапга ўтамиз. Уларнинг асл мақсади бир амаллаб бизнинг хўжайинни ишдан бўшатиб, бу бозорниям эгаллаб олиш. Ана ундан кейин уларнинг айтгани айтган, дегани деган бўлади, оқиб келиб ётган пулни ўзлари бўлишиб олаверишади. Энди кимларнинг ногорасига ўйнаётганингизни тушунгандирсиз?
  - Ўтиборингиз учун, Раҳбаров ака, мен ўйинчи эмасман, режиссёрман.
  - Унда нега ходимларимизга “Бизга ҳаммаси маълум, йингитлар”, деб дўқ урдингиз. Нархингизни оширмоқчи бўлгансиз, тўғрими? Шундай бўлгач, энди очик айтинг-да баҳойингизни, нозга бало борми?
- Ғазабдан қалтираб кетган Даврон эгизаклардан бирига шундай деганини эслагандай бўлди, аммо...
- Ахир... мен... ҳазиллашгандим, – дея олди у ниҳоят.
- Хукукшунос афсусланиб бош чайқади.
- Бунақа масалаларда ҳазиллашилмайди, бунақа масалаларда тағдор ишора қилинади... Гапнинг бўлари, жонингизга жабр қилманг, акажон. Барибир бир ўзингиз қоласиз, орқангизда яшириниб турганлар тиркираб қочиб қолишади, ҳатто сиз билан танишлигини тан олмай туриб олишади. Яна бир гап. – Раҳбаров бозорқўмининг бўш курсисига ишора қилди: – Бунақалар бир излашга киришмасин, киришса, топмай қўймайди. Чунки ҳаётнинг қонуни шунақа ўзи, акажон: излаган – топади-да; ҳагто у аслида йўқ бўлган тақдирдаям. Тўғриси, бизники холва, бунақалар майдалашиб, учга, бешга кўпайтириб ўтиришмайди, бирдан оч бикинингизга ғарчиллатиб пичоқ

санчиб, камига бураб-бураб олишади... Бунакалардан қочиб қутулиб ҳам бўлмайди, ҳатто вилоятдан кўчиб кетсангиз ҳам топиб олишади. Ҳалиги, айтишади-ку, ерга кирсанг кулоғингдан, осмонга учсанг оёғингдан...

Давроннинг жони бўғзига келди:

– Бўлдида-эй, ака! Ҳадеб бир пластинкани айлантираверасизми? Гапларингиз мана бу еримга келди... Бўпти, мен кетдим. Омин...

– Майли, қарорингиз шу бўлса, зоримиз бор, зўримиз йўқ. Фақат омин айтишга шошмай туринг. Хўжайинни чақирай, сизга бесўроқ рухсат берворсам гап эшитиб қоламан, ахир.

– Унда чақиринг тез!

– Шесть секунд, акажон!

Ажабки, ҳуқуқшуноснинг гап-сўзида ачиниш оҳанги сезилгандай бўлди, аммо асабий Даврон бунга эътибор бериб ўтирадиган аҳволда эмасди.

Эшик сассиз очилиб, Ҳасан-Хусан кўринди. Уларнинг важоҳат билан кириб келишларидан недир хатарни сезган Даврон учиб ўрнидан турди, бироқ эгизаклар осонлик билан режиссёрни йиқитиб, қўл-оёғини нам арконда боғлашди, ортда пайдо бўлган Раҳбаров тўғридан-тўғри шишадан унинг оғзига арок қуя бошлади...

Воқеаларнинг кейинги ривожини анчайин чалқаш, уларнинг талқини ҳам шунга яраша бир-биридан кескин фарқ қилади. Бозор маъмуриятида тузилган, маъмурият ходимларидан ташқари бир неча ҳолис гувоҳ, яъни расталарда савдо қиладиган сотувчилар имзолаган баённомада қайд этилишича, ўзини вилоят телевидениесининг режиссёри Даврон Шамсиевман деб таништирган бу кимса аввалига хизмат гувоҳномасини ҳам кўрсатмасдан “Съёмкам бор. Ҳаммангни телевизорга чиқариб, шарманда қиламан, ишдан ҳайдатаман!” деб бақириб-чақирган, ўзини тартибга чақирган ходимларни уят сўзлар билан сўккан, гап орасида “Бизга ҳаммаси маълум! Яхшиликча атаганларингни чиқараверинглар”, деб таҳдид қилган, сўнг, алоҳида кабинетда ўзига алоҳида дастурхон тузашларини буюрган. Табиийки, доимо оммавий ахборот воситаларига, хусусан, телевиденига ҳурмат билан муносабатда бўладиган ходимлар бу талабни ортиғи билан адо этишган. Режиссёр Даврон Шамсиев тўқин дастурхон устида тинмай арок ичган. Терговчиларнинг бахтига кабинетга кузатув камераси ўрнатилган экан, афсуски, Шамсиев тўполон қилган пайти зарар етганми, ёзув унинг ҳуқуқшунос Раҳбаров каршисида бир йўла икки қадах арокни кетма-кет бўшатаётгани тасвирдан сўнг ўчиб қолган... Хуллас, режиссёр бўқиб қолганича арок симиради, кейин “Ҳаммангни каматиб юбораман!” деб қўрқитади, камоқдан сақлаб қолиш учун эса уч минг АҚШ доллари миқдорида пора талаб қилади. Ана шундан сўнггина тоқатлари тоқ бўлган бечора ходимлар милицияга қўнғироқ қилишга мажбур бўлишган. То милиция ходимлари етиб келгунга қадар эса ҳолислар иштирокида баённома тузилади. Ҳаддан ортиқ кўп ичиб юборганидан бўлса керак, милиция ходимлари етиб келишидан икки-уч дақиқа олдин Даврон Шамсиев оғзидан боди кириб-шоди чиқиб сўқиниб турган жойида хушидан кетиб йиқилади.

Бироқ дастлабки суриштирув-текширув чоғида вилоят телевидениесининг режиссёри Даврон Шамсиев жамоат жойида амалга оширган безорилик айбосининг сувдан чиқиб турган юза қисми эканлиги аниқланди. Зеро, ҳолислар иштирокида тинтув ўтказилганида ғирт маст, оёғида туролмайдиган Шамсиев шимининг чап чўнтагидан олти юз АҚШ доллари, ўнг чўнтагидан эса салафан халтачага ўралган кукун топилди. Экспертиза текшируви чоғида бу кукуннинг гиёҳванд моддаси эканлиги аниқланди, салафан халтачада ҳамда юз АҚШ доллари купюрасида топилган

бармоқ излари ҳам айнан Шамсиевга тегишли эканлиги ўз исботини топди. Тиббий таҳлил эса вилоят телевидениеси режиссёри кони таркибида катта микдорда алкоголь билан бир қаторда гиёҳванд модда унсурлари ҳам мавжудлигини кўрсатди.

Дастлабки суриштирув-тергов жараёнида, ҳолисларнинг гувоҳликлари ва бозор қузатув камераси ёзувларига кўра, гумондор Даврон Шамсиев бозор ҳудудида ўз шериги, зира сотувчиси никоби остида юрган курьер билан учрашгани, салафан халтачадаги гиёҳванд моддани ундан олгани ҳам аниқланди. Афсуски, дастлабки суриштирув-тергов жараёнида зира сотувчи шахсини аниқлашнинг имкони бўлмади.

Телевидениеда гап ётармиди. Буюртмачидан “фало-о-он” доллар – микдорни эшитган одамнинг лабига учук тошарди – олган Даврон ака поранинг ярмини, ҳеч бўлмаса ярмининг ярмини, жудаям бўлмаса ярмининг ярмининг ярмини бўлишмагани учун жиғибийрон бўлиб юрган ижодий гуруҳ аъзолари режиссёрнинг гўрига ғишт қалашни бошлади: “Ҳа, юриши қандайдир ғалати эди... кўзлари аланг-жаланг эди... бозорга жуда шошди... худди биров билан учрашмоқчидай эди...” ва ҳоказо. Аламзада оператор Музаффар эса режиссёр бозорда ўзидан тезроқ кутулишга уринганига эътибор қаратди: тўғри-да, ортиқча гувоҳнинг нима кераги бор?

Бўлиб ўтган воқеа қаттиқ таъсир қилганми, қон босими ошиб, шифохонага тушиб қолган, у ерда бир неча марта ошқозонини ювдирган бозор ҳуқуқшуноси Раҳбаров порахўр, “шантажчи” режиссёрни бемисл нафрат билан “Жамият илди-зига тушган қурт” деб атаган ва уни қош этишда ҳам собиқ қози, ҳам фаол фуқаро сифатида ҳар томонлама кўмаклашишга тайёрлигини билдирган.

Гумондор Даврон Шамсиев тергов изоляторида ҳушига келганидан сўнг ўзига қўйилган айбларнинг ҳаммасини инкор этди, лекин мавжуд далил-исботларни рад этадиган бирон далолат келтиролмади. Аксинча, “уюшган гуруҳ... буюртмачини аниқлашмоқчи бўлишди... менга ичиришди... киссамга солиб қўйишган...” каби пойинтар-сойинтар сўзлар, асоссиз даъволар билан терговчининг шубҳасини баттар оширди. Натижада терговчи гумондорни тиббий экспертизага йўллади. Экспертиза гумондорнинг руҳий ҳолати мўътадил эмас, балки бунга бир ярим йил олдин оиласида рўй берган фожиа сабабдир, деган хулосага келди. Гумондорнинг ишхонасидан ҳам “У кейинги пайтлари, айниқса, бундан бир ярим йилча бурун ўн бир яшар ёлғиз кизини машина босиб кетганидан сўнг жиззаки, асабий, сиркаси сув кўтармайдиган жанжалкаш бўлиб қолгани” қабилидаги тавсифнома олган терговчи ҳаммасини тушунгандай бўлди ва Даврон Шамсиевни мажбурий даволашга юбориш ҳақида қарор қабул қилди. Аввал даволаниб келаверсин-чи, суд кейин...

## Нигоҳимда унган ҳақиқат



Жумагул СУВОНОВА

### Вақт қанотида

Кушлар сармаст сайрайвереди,  
 Боғлар хушбўй таратар яна.  
 Денгизлар шод гупириб окар,  
 Қирғоқларни кучар пўртана.  
 Тонг саҳардан йўлга чиқар кун,  
 Яна олам кучар куёшни.  
 Манзилига етгунича то  
 Пойабзали тўзитиб тошни.  
 Толиб, қоши қораяр кеча,  
 Дардлашади хижрон-ла тўйиб.  
 Ок либосин тўғрилар оқшом,  
 Елкасини деворга қўйиб.  
 Яна шундай такрорланар кун,  
 Не бўлишин шаксиз биламиз.  
 Фақат сира бўлмаган каби  
 Бир кун келиб унутиламиз.  
 Бу ҳаётми ё у ҳаётда  
 Қўйиб хузур кўшига қадам,  
 Топиларми вақт қанотида,  
 Шу сўзларни хотирлар одам.  
 Кушлар сармаст сайрайвереди,  
 Боғлар хушбўй таратар яна.

Жумагул СУВОНОВА – филология фанлари номзоди. 1961 йилда тугилган. Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини битирган. Шоиранинг “Бинафша” эсдалик гулдастаси, “Тиллақош”, “Йиғлаётган оҳу”, “Мен сизмаган дунё”, “Оловли фасл”, “Одамқуш қўшиғи”, “Тупроқ иси”, “Жонимдаги из” номли шеърый ҳамда “Умр қарвони”, “Қирмиз қизнинг қиссаси” номли нарий тўпламлари чоп этилган.

## Шукрона

Ойдин тунлар сокин,  
 Тонглар дилафрўз.  
 Қумрилар булбулдек,  
 Чакчаклар бугун.  
 Сўзласам тилимдан  
 Тўкилар шаън сўз.  
 Онам ёпган нондай,  
 Тилагим бутун.  
 Ризку рўз, шаънимиз  
 Юксалар баланд,  
 Шодумон кунларга  
 Етишдик ақлим.  
 Зафар қутлуг энди,  
 Офтобда чанкаб,  
 Пешона терини  
 Сидирган халким.  
 Кувонч қутлуг сизга  
 Ойдайн тўлиб,  
 Ором осмонини  
 Уйғотган сойлар.  
 Аввал кучоғини  
 Қуёшга очиб,  
 Кейин ерни ўпиб,  
 Ўсган буғдойлар.  
 Сизларга таъзимлар  
 Қиламан бугун,  
 Қирларда порпираб  
 Ўйнаган ҳадик.  
 Бобомнинг кафтидан,  
 Момом лабидан,  
 Дуо бўлиб учган  
 Табаррук тинчлик!  
 Энг буюк мақсади,  
 Энг улуғ аҳди,  
 Халол меҳнатига  
 Йўғрилган ғурур.  
 Ҳаёти, фарзанди  
 Ҳурмати ҳаққи,  
 Бугун ҳар ўзбекнинг  
 Тилида шукр!  
 Ойдин тунлар сокин,  
 Тонглар дилафрўз...

## Сизни энди

Қалдирғочлар келар қувончлар олиб,  
 Бағри кемтик кўнгил бахтга тўлмайди.  
 Оппок орзуларим қафасга солиб,  
 Сизни энди бундай севиб бўлмайди!  
 Майсалар уйғонар, замин уйғонар,  
 Олчазорлар кулар, кўнгил кулмайди.  
 Аёзда музлаган харсангга дўниб,  
 Сизни энди бундай севиб бўлмайди!  
 Қайғунинг қувончли лозорида  
 Ток умрлар сўлар, вафо сўлмайди.  
 Баҳор пойингизга бош уриб бўзлар,  
 Сизни энди бундай севиб бўлмайди!  
 Япроқлар шивирлар, буток шивирлар,  
 Муҳаббат азоби мангу, ўлмайди!  
 Оламни кўшиққа тўлдирмоқ керак,  
 Сизни энди жимжит севиб бўлмайди!

## Боғ

Ҳаёт лашкар тортди боғнинг устига,  
 Хазон довул бўлди, еллар бўлди тиг.  
 Изгирин пуркаган ҳар бир нафаси,  
 Тундек қаро бўлди, заҳардек аччик.  
 Шафқат кутмади боғ, йиқилмади боғ,  
 Қадини тик тутди куч топиб янги.  
 Зарбага юзини тутиб бермоқлик  
 Ҳақнинг иши деди, ҳақиқат жанги!  
 Фақат ҳушёр боқди, огоҳ боқди у,  
 Ҳаёт лашкарига тутиб қўлини.  
 Ўйлаб-ўйлаб топди, тигсиз, яроксиз,  
 Курашиб яшашнинг одил йўлини.  
 Ҳаёт лашкар тортди боғнинг устига:  
 Мен тирикман! – деди, тилга кирди боғ.  
 Ҳаётнинг шафқатсиз зарбига қарши  
 Шоҳларини ёзиб, гулга кирди боғ.

## Мажнунтолга

Бу ерда йўқ, мен сочин ўйнаб,  
 Шокиласин ўпган мажнунтол.  
 Бўлса эди пойига чўкиб,  
 Узун-узун сурардим хаёл.  
 Ва кўнглимни тўқардим унга,  
 У ҳам дардга тирик бир тимсол.  
 Йиғласанг ҳам, юлқиласанг ҳам,  
 Сира-сира келмайди малол.

Ватан, таърифингни билмайман,  
 Афсус!  
 Севгими, оташми, ҳаётми чаман?  
 Билганим кун келиб,  
 Бир куни мен ҳам  
 Сенинг вужудингга  
 Либос бўламан.  
 Атиргулдан бўлар  
 Кўйлагинг нақши,  
 Майсаларинг  
 Шамол мавжини ўпар.  
 Бошларини баланд кўтариб,  
 Кўкка  
 Юрагимдан  
 Улкан денгизлар ўтар.  
 Ватан, таърифингни билмайман,  
 Афсус!  
 Билганим, ҳаётим туташган хилқат.  
 Сенинг кўкрагингда  
 Илдиз отади,  
 Менинг нигоҳимда  
 Унган ҳақиқат!  
 Ахир, отам бўлиб силайсан бошим,  
 Ахир, эркалайсан ёмғирларингда.  
 Сабр саботила  
 Курашмоқ учун  
 Меҳримни жойлайман  
 Томирларингга.

## Сени уйғотдим чақинлар зарби?



Нуруллох ОСТОН

### Лолақизғалдоқ

Бу сенмисан, синглим – лолақизғалдоқ,  
сени уйғотдим чакинлар зарби?

Сен – беш кун умрини хушнуд этолган,  
сахронинг ловиллаб уйғонган калби.

Қара, осмонда ой кезиб юрибди,  
бу ой умримизга тиркалган сўроқ.  
Тақдир иккимизни бир ўтга отди,  
бу ўт биз севмаган каслардан йироқ.

Қара, ялангоёк, жажжи майсалар  
севинчдан чопкиллаб тўкар шудрингни.  
Бахор йўргаклаган шаббода – гўдак  
ўпар лабларингга қўнган кулгингни.

Мени бошла алвон поёндозингдан,  
куёш бошоқлари ситилган қирга.  
Кел, синглим, беш кунлик умр байтини  
бепоён сахрога битайлик бирга.

Кўмсама боғдаги гул оромини,  
бор бўлсин заминнинг чўл-биёбонлари.  
Майлига, санчилсин боғларнинг эмас,  
сахронинг кадрон гул-тиконлари.

*Нуруллох ОСТОН – 1955 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини битирган. Унинг “Юлдузлар чақнаган тун”, “Тонга пезивоз чиқайлик”, “Юрагимнинг безовта гули”, “Қадим йўлларда”, “Фасли ишқ”, “Ҳидоят чароғи” номли шеърый тўпламлари нашр этилган.*

## Қодирийнинг кўзлари

Сунбула сувининг сокин мавжлари  
икки қорачўғда қалқиб турибди.  
Юракнинг азобга айланган умри  
киприклар остида балқиб турибди.

Бу кўзлар умрининг яловлигини,  
баралла қуйлаган исёнкор ялов.  
Бу кўзлар номаълум тақдир олдида,  
чақинсиз ўт олган абадий олов.

Бу кўзлар тубида сўзлар – панжара,  
юрак – кенг самодан қулаб тушган қуш.  
Сўйламай йиғлатар энди элини  
кўзларга айланган бу мунгли товуш.

Бу кўзлар баҳорни қаттиқ соғинган,  
соғинган қуёшли юртнинг кузини.  
Боғларнинг қирмизи анорларию  
деҳқоннинг бир чимдим нону тузини.

Бу кўзлар қаърида Ватан қўшиғи,  
титрайди бир номсиз япроғи билан.  
Бу кўзлар юракка қўмди ўзини,  
юртнинг бир сиким тупроғи билан.

Аламли лабларда қотган ҳайқирик,  
сенинг бўғизингда портлайди ҳозир.  
Бу кўзлар даврнинг садоларини  
дардли юрагинга қон билан ёзур.

Юрак, тўғригўй бўл, қайда бўлсанг ҳам,  
она-Ватан учун аяма жонни.  
Унинг кўзларига бир лаҳза тикил,  
кўрмоқчи бўлсанг гар Ўзбекистонни!

## Ташриф

Охулиги шахлога қиёс,  
Жодулиги Лайлога қиёс,  
Ярашади ҳар қандай либос,  
Оразлари ризвонга ўхшар.

Бу не хайрат, бу не тароват,  
Юракларга қўнди ҳарорат,  
Гиёҳларда унди жасорат,  
Ифорлари райҳонга ўхшар.

Чакин чакнар шарор васлида,  
 Дала-даштлар гулзор каслида,  
 Бир киз келар дийдор фаслида,  
 Инжулари найсонга ўхшар.

Ёноклари уфқдан ял-ял,  
 Ҳар гиёҳга беради сайкал.  
 Қизғалдоқлар пойида машъал,  
 Нигоҳлари уммонга ўхшар.

Оғочларда тиркирар япроқ,  
 Ишқ тафтидан гуллайди тупроқ,  
 Қалдирғочлар парвози шўхроқ,  
 Қанотлари исёнга ўхшар.

Беҳуд кунлар аркони рўё,  
 Чўмилади шодликка дунё,  
 Бир киз келар тийнати раъно,  
 Қоматлари ғилмонга ўхшар.

### Сўз жабри

Тушуна бошладим ёмғир тилини,  
 исидан гуркираб тўлганда хонам.  
 Тушундим тонгларнинг ажиб мунгини,  
 тушларимга кириб чиққанда онам.

Туйдим қахратонда баҳор исини,  
 тинмай вижирлаган гўдак тилидан.  
 Тасаллилар олдим, таъналар олдим,  
 кўнглимни ёритган ҳаёт гулидан.

Тушуна бошладим офтоб тилини,  
 кўрдим, кўзларингга жоним ўт боғлик.  
 Тегрангда кўп кездим офтоб янглиғ,  
 кошинг камонига жоним ўқдоғлик.

Мен гапирмай қўйдим севги ҳақида,  
 кушларга чанқовуз бўлгандан лабим.  
 Атиргулда кўриб булбул жабрини,  
 юракда қонади айтажак гапим.

Мингта рух ичинда кезинган вужуд,  
 фанолик йўлини танлади, нетай?  
 Бу ширин ҳаётдан, оғу ҳаётдан,  
 кўксинг меҳробига бош қўйиб ўтай.

Энди мен ўзликдан кечмоғим аён:  
 эшитганим рўё, кўрганим ёлғон.  
 Юракда тортаман сўзнинг жабрини,  
 тилларим қавариб кетгандан буён.

## Аёл бор бўлсин

Замин тинчи барқарор бўлсин,  
Чечаклари беғубор бўлсин.  
Ўн саккиз минг олам айланса  
Меҳварида аёл бор бўлсин!

Жилдираса жилғалар шошиб,  
Вижирласа қалдирғоч тошиб,  
Токқа чикса бир оху қочиб,  
Кўзларида аёл бор бўлсин!

Иши олчи бўлса эркакнинг,  
Бешиклари тўлса эртакнинг,  
Бир Алпомиш келбат гўдакнинг  
Сўзларида аёл бор бўлсин!

Ишқ насими тугёна солса,  
Ошиқ Ғариб уйғона қолса,  
Бир қамишни най қилиб қалса,  
Бўзларида аёл бор бўлсин!

Лолалар ранг олса рўйидан,  
Ёр либоси бўлса шойидан,  
Сархуш бўлса ялпиз бўйидан  
Розларида аёл бор бўлсин!

Дехқон чикса кетмонни қайраб,  
Юрагида чирилдоқ сайраб,  
Боласини бешикка бойлаб  
Рўзларида аёл бор бўлсин!

Ул бегуноҳ тўкилган қондан,  
Қизғалдоқлар афғонда ёнган,  
Қўрпалари тахмонда қолган  
Рухларида аёл бор бўлсин!

Ғайирларнинг қўркма кинидан,  
Огоҳ бўлгил ёлғон, чинидан,  
Айирмасин оға-инидан,  
Сулхларида аёл бор бўлсин!

Тўмарис шон топди қиличдан,  
Ишқ дардини тингланг Қумушдан,  
Вақт орттириб барча юмушдан  
Бахтимизга аёл бор бўлсин!

Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги олдидан

# ТИНЧЛИК, БУНЁДКОРЛИК ВА ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ КУЙЧИСИ



Дамин ТЎРАЕВ

Умуминсоният учун сув ва ҳаводек кадрли бўлган бу ғоялар таваллудига юз йил тўлаётган атоқли давлат арбоби, адиб Шароф Рашидов ҳаёти ва ижодининг асо-си-лейтмотивини ташкил этади. У кундалик ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ана шу олий идеалларга содиқ инсон эди.

Шароф Рашидов 1941 йилда Ўзбекистон (ҳозирги Самарқанд) давлат уни-верситетида олий тахсилни битиргач, журналист сифатида вилоят газетасида ўз фаолиятини бошлайди. 1941 йилнинг август ойида ўз хоҳиши билан Иккинчи жаҳон урушига йўл олади. Фронт газеталарида фашизмга қарши қаҳрамонларча жанг қилаётган ватанпарварлар ҳақида мақола, очерклар ва шеърлар ёзади. Унинг жангтоҳларда ёзган шеърлари 1945 йилда нашр этилган “Қаҳрим” номи тўпламида эълон қилинди. Урушда оғир жароҳатланган жангчи-шоир ўз юртига қайтади ва вилоят газетасининг муҳаррири, кейинчалик Самарқанд вилояти партия кўмитасининг котиби вазифаларида фаолият олиб боради.

Шароф Рашидов 1947-1949 йилларда республиканинг етакчи газетаси ҳисобланган “Кизил Ўзбекистон”да бош муҳаррир бўлиб ишлаган кезлари мам-лакат маданий ҳаётида фаол иштирок этди. Бу газета саҳифаларида ўша вақтларда фаол ижод қилган Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғуллом, Шухрат, Шайхзода, Иброҳим Раҳим ўз асарлари билан катнашар эдилар. Маълумки, мустабид шўролар тузуми вақтида собиқ республикалар ва вилоятлар раҳбарларидан тортиб, етакчи газета ва журналларнинг муҳаррирлари вазифаларига тайинлов ҳам марказ назоратида эди. Шароф Рашидов ўша вақтларда ўз ижодида давр талабадаги халқлар дўстлигини, меҳнат аҳли бунёдкорлигини яхши ёритгани, амалий хизмат вазифасида ҳам ўз даври ғояларига содиқлиги сабабли, юксак мартабаларга тез-тез кўтарила борди. У 1949-1950 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси, 1950-1959 йилларда Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг раиси, 1959-1983 йилларда Ўзкомпартия Марказий комитетининг биринчи котиби вазифаларида ишлади.

Шуни эътироф этиш керакки, Шароф Рашидов собиқ шўро тузуми даврида-

*Дамин ТЎРАЕВ – 1946 йилда туғилган. Қарши давлат педагогика институтининг ўзбек филология-си факультетини тугатган. “Ҳаёт ва сюжет”, “Ўзбек адабиётида реализм масалалари”, “Ба-дий тилқин йўлларида”, “Ўзбек романларида бадиий тафаккур ва маҳорат муаммоси”, “Давр ва ижод масъулияти”, “Рағбат тасвирлар жилоси”, “Янги ўзбек адабиёти”, “Муштовз ижод сабоқлари”, “Ҳаёт манзаралари” каби монография, рисола ва эсселар тўпламлари нашр этилган.*

ги жуда мураккаб ва оғир йилларда республикага раҳбарлик қилган чоғларида Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида танилувида ва маданиятимиз ривожига, айниқса, унинг халқаро майдонда шуҳрат қозонишига катта ҳисса қўшди. Бунга мисол тарикасида Ўзбекистоннинг Осиё ва Африка, Лотин Америкаси, Куба ва бошқа кўплаб мамлакатларга кишлоқ хўжалиги машиналарини етказиб берувчи, адабиёт ва санъат соҳаларида халқаро анжуманлар ўтказиладиган тинчлик ва дўстлик марказига айланганини эслаш жониз. Хусусан, 1958-1959 йилларда Тошкентда Осиё ва Африка ёзувчилари фестивалида жаҳонга машҳур адиблар – Абдурахмон ал Хомисий, Юсуф ас-Сибойй, Файз Аҳмад Файз, Азиз Несин, Яшар Камол, Прем Чанд, Кришан Чандр, Раж Капур, Хожа Аҳмад Аббослар катнашиб, ўзбек халқининг бунёдкорлик салоҳиятини, меҳнатсевар ва меҳмондўстлигини чин дилдан эътироф этишган эди.

Шароф Рашидовнинг республикамиз илм-фани, маданият, адабиёт ва санъатининг ривожига учун фидойилик қилганини, ижод аҳлини, ёрқин истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлаганини катта авлод вакиллари яхши эшлашади. Мирзачўл ва Қарши даштларининг ўзлаштирилишида, ўлкамизда йирик иншоотлар, завод ва фабрикалар, янги шаҳарларнинг юзага келиши, Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Тошкент метрополитенининг қурилишидаги раҳбарлик ва ташкилотчилик салоҳияти хали-хануз халқимиз қалбидан мустаҳкам жой олиб келмоқда.

Таъкидлаш жонизки, Шароф Рашидов атоқли давлат ва жамоат арбоби бўлиши билан бирга XX аср ўзбек адабиёти таракқиётига, айниқса, романчилигимиз ривожига катта ҳисса қўшган истеъдодли ёзувчи, адабиётшунос ва танқидчи, эътиросли публицист ҳам эди. Ободлик ва фаровонлик келтирувчи бунёдкор меҳнат аҳлини улуғлаш атоқли адиб ижодининг аввалию охирини ташкил этади. Бу хусусият унинг дастлабки ижод намуналари – шеърларида ҳам кўзга ташланиб туради. Она юртга шайдолик, Ватанга муҳаббат, яратувчан меҳнатдан завқланиш шоир лирик қахрамонининг муқаддас туйғусига айланади:

*Сен билан очдим кўзимни, сен билан бўлдим азиз,  
Сен билан қулди диёрим, сен билан турмуш лазиз.  
Сен билан олам ёруғ, сен бердинг менга нону туз,  
Ҳам ғурурим, ҳам сурурим, ҳам ҳузурим, меҳнатим.*

“Меҳнатим” мадҳиясидаги бу туйғулар “Ватан қасидаси”, “Гул диёрим бор”, “Ўлкам”, “Ватан ишки” каби шеърларида ҳам замон руҳи ва ўз даврининг муҳим муаммоларини ҳис этган лирик қаҳрамон кифоаси китобхон кўз ўнгида янада ёрқинроқ намоён бўлади.

Кези келганда шуни айтиш керакки, Шароф Рашидовнинг бунёдкор меҳнатни улуғловчи бу шеърлари 1937-1939 йилларда миллий истиқлолчи Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирийлар катагон қилинган даврда ёзилган ва бунёдкор меҳнат мавзуи ҳали ёш шоир ва унинг тенгқурларини Қизил империя катагонларидан асраб қолгани рост.

Шароф Рашидовнинг Иккинчи жаҳон уруши йилларида ёзган шеърларида маълум даражада Гафур Гулом шеърларига ҳамоҳанглик бор. Унинг бу даврда ёзган шеърларида фашизм келтирган уруш офатларига қарши ўзбек халқининг жаҳоннинг кўп халқлари қаторида қаҳрамонлик кўрсатаётгани, бу уруш фашизм учун босқинчилик, собиқ совет халқлари учун адолат ва озодлик кураши эканлиги, замон ҳам, тарих ҳам фашизмни қоралашини, Гитлер ва унинг малайлари “тарих-

нинг қаҳрига” учраши жўшқин сўзлар билан ифодаланади. Шоир босқинчиларга қарата “Тарихнинг қаҳри-ла қайрадим қилич” шеърисида Ватан озодлиги учун жангга киришни виждон бурчи деб билган эл-юрт ботирлари албатта ғалаба қозонажасига қомил ишонч билдиради. Дарҳақиқат, шоир Ватан озодлиги учун жанг қилаётган фидокор аскарларни руҳлантириш учун Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Иброҳим Раҳим, Илёс Муслим, Назармат, Асқад Мухтор, Шухрат, Мели Жўра каби замондош ижодкорлар қатори қилич ва қалам билан жанг қилди. Шароф Рашидов ўша кунларда ёзган “Жанг қил”, “Дўстимга мактуб”, “Лочинлар”, “Она насиҳати”, “Белград кизи”, “Қасос ол”, “Яшасин севги!” каби жўшқин шеърлари билан фашизм босқинчиларига қарши жанг қилаётган аскарлар қалбида ғалабага ишонч уйғотишни ўз бурчи, ижодкорнинг асосий вазифаси деб билди. Бу шеърларда ватанпарварлик ғоялари бадиий жиҳатдан анча пишиқ, халқона жонли тилда, мақол ва ҳикматли сўзлар асосида берилиши билан ўқувчи қалбига бориб етади:

*Ғалаба қиличида элим қаҳри бор,  
Ғазаб қиличининг кескин захри бор.  
Юракда қасоснинг тошқин наҳри бор,  
Қиличим – қаҳримсан, ёвга бўлгин ёв!*

Таниқли адабиётшунос Ўрол Носиров ўзининг анча салмоқдор “Шароф Рашидов – давр фарзанди” номли китобида адибнинг Ватан ҳақидаги шеърларида Ҳамид Олимжоннинг ижодий таъсири борлигини алоҳида таъкидлайди. Дарҳақиқат, Ҳамид Олимжон шеърини ўттизинчи йиллардаёқ кенг шухрат қозонган эди. Ҳамид Олимжон шеърини бадиий, лиризм ва нафосат, жўшқинлик ҳозирги давр учун ҳам кадрлидир. Шу маънода Шароф Рашидовнинг устоз Ҳамид Олимжон ижодидан таъсирланиши табиий ҳол эди.

Шоирнинг “Белград кизи” шеърисида гўзаллик ва ёвузлик ўртасидаги аёвсиз кураш тасвирланади. Асарда ота ва онанинг қувончи, бахти бўлган гўзал кизнинг фожиали тақдири тасвирланади. Бу манзумани профессор Ўрол Носиров баллада талабларига жавоб беради, деган хулосага келиши ҳам илмий жиҳатдан асослидир. Чунки ушбу шеърда баллада жанрига хос воқеабандлик, оҳангдорлик, эпик тасвир билан лиризм соҳибжамол кизнинг ўз эрки ва ватани учун душман билан олишувини тасвирлашга имкон яратган.

Шароф Рашидов ижодида драматург Исмоил Акрам билан ҳамкорликда яратган “Равшан” драмаси ҳам муҳим ўрин тутди. Асар Жиззах кўзғолони ҳақида ҳикоя қилади. Аммо драма ёзилган кезларда чор Россияси ва маҳаллий бойларнинг зулмига қарши халқ кўзғолони мавзусидаги асарни саҳнага қўйиш миллатчилик деб баҳоланар, шу сабабли бу асар саҳна юзидан кўрмади. Чунки у замонда чоризм босқинчилигини қоралаш мумкин эмасди, аксинча, Ўрта Осиёнинг ўз ихтиёри билан 1865 йилда Россияга қўшилиши прогрессив, ижобий ҳодиса, деб талқин қилинар эди. Драмада Жиззах кўзғолони етакчиларидан бири Жамол отанинг нутқида мустақиллик орзусида кураш олиб борган маҳаллий халқ нидолари, миллий-озодлик ҳаракати акс этган эди.

Шароф Рашидовнинг очеркларида, публицистик асарларида мадҳ этилган бунёдкор кишилар – чўлқуварлар, қурувчилар, чорвадорлар кейинчалик йирик жанрдаги бадиий асарларига, хусусан, қиссалари ва романларига кўчиб ўтди.

Таниқли адабиётшунос Асил Рашидов “Ўзбек қиссаларида меҳнат тасвири” номли монографиясида адиблар – Иброҳим Раҳим, Ҳаким Назир, Раҳмат Файзий

киссалари қаторида Шароф Рашидовнинг ҳам бунёдкорлик мавзуидаги “Ғолиблар” киссаси ҳақида фикр юритиб, асар муаллифининг қуйидаги хотираларини келтиради: “... Самарқандда ишлаб юрган кезларимда, Олий Совет депутатлигига кандидат қилиб кўрсатилишим муносабати билан сайловчилар билан учрашганимда айрим колхозларда булоқларнинг кўзини очиб, тоғ этакларидаги қакроқ ерларни шу булоқ сувлари билан суғораётганликлари ҳақида менга сўзлаб беришган эди. Уларнинг бу ҳақдаги хикоялари мени ҳаяжонга солди ва мен ўзимнинг илк киссамни шу мавзуда ёзишга аҳд қилдим”. Бу сўзлардан кўринадики, Шароф Рашидов ёзувчи сифатида замонамиз қахрамонларини бунёдкор халқ орасидан топа олган. “Ғолиблар” киссаси қахрамонлари – Ойқиз, Олимжон, Лолахон, Бекбўта, Умрзоқ ота меҳнатсеварлиги, серғайратлиги билан кўрик ва бўз ерларни ўзлаштириш йўлида жонбозлик намунасини кўрсатдилар. “Ғолиблар” киссасида муаллифнинг ўзбек халқи менталитетига, табиатига хос гўзал фазилатларни яхши билиши сезилади. Қисса қахрамонлари оддий меҳнат аҳли – тўғри сўз, очиқкўнгил, самимий, ориятли, ғурурли, бир-бирига меҳрибон бўлганликлари сабабли, уларнинг ҳаёти ҳам мазмунли, қизиқарли ўтади. Улар машаққатли, кийин ишларни ҳам кўпчилик бўлиб бартараф этадилар. Қиссанинг бош қахрамонларидан Ойқизда одамлар қалбига йўл топа билиш, ташкилотчилик, раҳбарлик қобилияти аста-секин очила боради. Реалист адиб шайнига эътироф сифатида шуни айтиш керакки, бунёдкор меҳнати, ғайрати, ташкилотчилик қобилиятлари билан юксак мартабаларга кўтарилган Ойқиз каби аёллар образи ҳаводан олинмаган, балки реал ҳаётда бор эди. Водийлик Турсуной Каримова, Зухра Раҳимбобоева, Ёдгорхон Насриддинова каби раҳбар аёллар фаолияти адибнинг ғояси ҳаётийлигини тасдиқлайди. Кейинроқ буюк адибимиз Абдулла Қаҳхорнинг “Синчалак” киссасида тасвирланган жамоа хўжалиги парткомининг секретари Саида ҳам ана шу Ойқизлардан бири эди. Бу икки адибнинг киссаларидаги ғайратли аёлларнинг ўхшашлиги ва фарқларини тадқиқ этиш адабиётшуносларимиз зиммасидадир. “Ғолиблар” киссасида ва шу номдаги роман ҳақида баъзилар: “Ойқиз фақат ижтимоий ҳаётда фаол, шахсий ҳаёти, характери, руҳий олами етарли очилмаган...” деган фикрни айтган эдиларки, бу адолатдан эмас. “Ғолиблар” асарида, тадқиқотчи ўрол Носиров таъкидлаганидай, Ойқиз серғайрат, ишчан ташкилотчигина эмас, балки балоғат ёшида шахсий кечинмалари, бой туйғулари билан ёниқ қалб эгаси ҳамдир. Шунга карамай, Шароф Рашидов адабий танқидчиликда “Ғолиблар” киссасининг ютуқ ва камчиликлари ҳақида айтилган фикрларга эътибор билан қаради. У киссани қайта ишлаб, айрим камчиликларини тузатиб, бош қахрамонларнинг шахсий ҳаётини, руҳий олами тасвирини чуқурлаштирди.

Ўзбекистон ҳали мустақилликка эришмаган, Қизил империяга мустамлака, хомашё базаси бўлиб турган вақтларда ҳам сабр-бардошли халқимиз кўрик ерларни ўзлаштириб, чўллارни боғу бўстонларга айлантирган эди. Халқимизнинг ана шундай бунёдкорлик ишлари Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Раҳмат Файзий, Саид Аҳмад, Ҳамид Гулом, Ҳаким Назир каби ижодкорларни ҳам илҳомлантирди ва улар чўллارни боғу бўстонларга айланттириш мавзуида киссалар, драмалар, романлар ёзиб, ҳаётини воқеликни бадий акс эттирдилар. Зотан, юкоридан буйруқлар, ўз даври қақирлиқларига нисбатан бадий адабиёт ўзининг ҳаётийлиги, эстетик таъсир кучи билан халқимизни бунёдкорликка, фаровон ҳаётга руҳлантирар эди. Чунки, янги ерларни ўзлаштириш жараёнида бир томондан давр талабига кўра пахтачилик ривожлантирилса, иккинчи томондан халқнинг ўз ижтимоий аҳволи, яшаш шароити ўнгланиши кўзда тутилган эди. Халқимизнинг бундай бунёдкорлик фазилати,

меҳнатсеварлиги, ғайрат-шижоати мамлакат раҳбари ва ижодкор Шароф Рашидовни ҳам янги асарлар ёзишга илҳомлантирди.

Атоқли адабиётшуносларимиздан бири Очил Тоғаев “Қураш ва қахрамон” номли китобда бадий асар сюжетини куришда конфликт, ғоялар ва харақерлар тўқнашуви ҳақида фикрлаб, Шухратнинг “Олтин зангламас”, Пиримкул Қодировнинг “Қора кўзлар”, Ҳаким Назирнинг “Сув гадоси окпадар денгизни бошлаб қайтди” асарлари каторида Шароф Рашидовнинг “Ғолиблар”, “Бўрондан кучли” романларига ҳам кенг тўхталади. “Атоқли ёзувчи Шароф Рашидов ижодида янги ерларни очиш мавзуи, айниқса кучли пафос билан тараннум этилган”, деб ёзади Очил Тоғаев. – “Тараққиётимизнинг бош йўлини белгиловчи илғор тенденцияларни бадий акс эттириш асарнинг замонавийлигини белгиловчи асосий хусусиятдир. Юксак замонавийлик билан суғорилган “Ғолиблар”, “Бўрондан кучли” асарларида сув ва ер муаммоси ана шундай руҳда акс эттирилган”. Ўз ўрнида Очил Тоғаев “Ғолиблар” романи қахрамонларининг бунёдкорлик ишларини ҳаққоний акс эттирганини мақташ билан бирга асарнинг баъзи жиддий камчиликларини ҳам кўрсатган ва муаллиф бу танқидий фикрларни мардона қабул қилган эди. “Лекин, – дейди танқидчи, – асарда булоқларни тозалаш, канал ва ҳовуз қовлаш, янги ер очиб, пахта экиш каби бу муҳим масалалар асар бошидан охиригача давом этувчи ягона конфликт асосида жойлаштирилмаган...” Танқидчи ўз сўзида бу мавзу – янги ерларни очиш “Бўрондан кучли” романида ҳам давом эттирилганини, янги асарда юқорида айтилган камчиликлар бартараф этилганлигини айтади. Ҳақиқатдан ҳам “Бўрондан кучли” романида илғор, халқчил раҳбарлик билан бюрократлик-маъмурий раҳбарлик ўртасидаги зиддият асар сюжетини харақатга келтиради, шу тўқнашуларда бош қахрамоннинг характери, рухий олами очилади.

Элу юртга фаровонлик келтирувчи бунёдкор меҳнатни, тинчликни, халқлар дўстлиги ғояларини ўз асарларида завк билан қуйлашни Шароф Рашидов ҳам инсоний, ҳам ижодий бурчи деб билди. Унинг асарларида жўшқинлик билан тасвирланган ижобий қахрамонлар – Ойқизни, Олимжонни, Умрзоқ отани, Ҳалим бобони, Холбибини баъзи адабий танқидчилар идеал қахрамонлар, бошқалари романтик қахрамонлар, яна бирлари ҳаётда учраб турган реалистик образлар-қиёфалар деб таърифлашди. Бизнингча, бундай баҳолар, таърифларнинг барчасида ҳақиқат бор. Эътибор қилинг: адиб “Ғолиблар” кассасини ҳам, шу номдаги романини ҳам тоғларда, тоғ кишлоғида тонг отиш манзараси билан бошлайди: “Водий яшнаб кетди. Эрталаб қуёш чикқан пайт тоғлар нақадар гўзал, нақадар нашъали, нақадар ажойиб ва улуғвор! Олтинсой-чи! Қуёш чиқиши билан Олтинсой нур билан ясениб, тенги йўқ чирой касб этди... Эндигина гулга кирган наъматак эса шабнам сувларида ювиниб, келинчаклар мисоли ясениб, ўзига зеб беради...” Бу – тириклик завқи, ҳаёт завқи тасвирини романтика деймиз, ҳатто айтиш мумкин, романтизмга ҳам алоқаси бор. Бош қахрамон Ойқиз характерида ҳаёт романтикаси жилоланади.

Асар қахрамони Ойқизнинг жазирамадаги бўз ерларни боғларга, экинзорларга айлантириш учун бир замонлар кўмилиб кетган булоқларнинг кўзини очиш ҳақида орзу қилиши ҳаёлпарастлик эмас, балки ҳаётий асосга эга. Қариялар бир вақтлар бу қирлар бағрида булоқлар ва жилғалар бўлгани, агар илмини билиб қазилса, булоқлар яна юзага чиқиши ҳақида гапирар эдилар. Хўжалик раиси Қодиров эса Ойқиз ва Олимжоннинг бу ташаббуслари билан ўзининг ўрнини олиш мақсадлари бор деб тўсқинлик қилади. Ёзувчи ҳаётий тажрибасида бундай ҳолатларга кўп марта дуч келгани учун ҳам ўзи бундай дадил ташаббусларни қўллаб-қувватлаб келга-

ни учун Ойқиз ва Олимжон каби ташаббускор ёшларга ҳўжалик раиси Қодиров ҳам тўскинлик килолмай колганини ҳаққоқий тасвирлайди.

“Ғолиблар” романида Ойқизнинг идеал қахрамон эмаслиги, реал қахрамон эканлигини тасдиқловчи ҳолатлардан бири унинг қишлоқ кенгаши (ҳозирда МФЙ) раиси сифатида шошқалоқлик қилиб, ҳали техника соҳасида имконият бор-йўқлигини билмай, тўғон қурилиши ҳақида буйруқ чиқариши – унинг хатоси эканлиги ҳам билдирилади. Романда деҳқон, пахтакорнинг меҳнати гўзал самаралар бериши, меҳнат аҳлига, деҳқон маҳоратига чуқур ҳурмат, меҳр билан тасвирланади. Роман Ойқиз ва Олимжоннинг тўйи билан якунланади. “Ғолиблар” романидаги воқеалар тасвири, қахрамонлар киёфаси ҳаётгийлиги билан асар ва унинг муаллифи халқимиз қалбидан чуқур жой олишига сабаб бўлган. Бу эътирофни адиб ҳаётлиги даврида Сурхон воҳасининг қир-адирларида жойлашган серунум гўшаларидан бири Олтин-сой тумани деб номланиши ҳам тасдиқлайди...

Адиб “Қудратли тўлқин” романида ҳам ўз даври тараққиёти масалалари билан боғлиқ муаммоларни тасвирга олиб, ижод соҳасида ўзининг янги сўзини айта олди. Роман Иккинчи жаҳон урушидаги муҳим бурилиш даври – 1943 йил воқеаларига боғлиқ фронт орти ҳаётини тасвирлашга бағишланган. Ватан мудофааси учун сафарбарлик жанг майдонларида ҳам, фронт орқасида ҳам ҳақиқий одамлар ҳаётининг асоси эканлиги Пўлат ва Баҳор каби ёшлар образи мисолида очиб берилади. Асарда тасвирланган воқеалар реал воқеалардир. Жумладан, асар қахрамонлари фаолият олиб борган Ғалаба ГЭСи, Республика ҳукуматининг 1942 йил 18 майда қабул қилган қарори асосида Сирдарё ўзанида қурилган энг йирик гидроиншоот – Фарход ГЭСи қурилиши воқеалари асосида тасвирланган. Кўринадики, муаллиф бадий асар учун танлаган ҳаёт воқелиги нафақат Ўзбекистон учун, балки собиқ совет халқлари учун ҳам Ватан озодлиги ва мустақиллигини сақлаб қолиш учун муҳим эди. Асарнинг реал воқеалар – халқимизнинг фронт ортидаги Фарход ГЭСи қурилишидаги ватанпарварлигини тасвирлаш мақсадида юзага келганини адиб “Дружба народов” журнали муҳбирининг саволларига берган жавобларида айтиб ўтган эди. Айтиш мумкинки, ёзувчи халқимизнинг фронт ортидаги жасоратини тасвирлар экан, бу билан у Ўзбекистон бадий тарихининг муҳим саҳифаларидан бирини яратади. Хуллас, адибнинг романлари ўз даврининг долзарб муаммоларини бадий тадқиқ этиши ва ўзлигини умумхалқ манфаати учун курашга бағишлаган жасоратли замондошларининг образларини гавдалантирганлиги билан ҳам эътиборлидир.

Бугунги мустақиллик юксаклигидан қараганимизда, Қизил империяга қарамлик даврида янги ерларни ўзлаштириш, пахтазорларни кўпайтириш эвазига арзон хомашёни мўл-кўл олиб, хорижга сотишда ёки Россия тўқимачилик комбинатлари учун манфаатли эди. Аммо, юқорида қайта-қайта таъкидлаганимиздай, доно ва андишали, меҳнатсевар ва бунёдкор халқимиз ўз юрти равнақи ва турмуш фаровонлигини кўзлаб янги ерларни ўзлаштириш, обод шаҳарлар, боғ-роғлар яратиш, мактаблар ва уй-жойлар қуриш йўлида сидкидилдан меҳнат қилди. Адиб асарларида тасвирланган халқлар дўстлиги ғоялари, Россиядан келган муҳандисларнинг ёрдами ҳам реал ҳаётда бўлгани бор гап эди. Турли миллат вакиллари ўзбеклар билан елкама-елка бўлиб Республикада металлургия ва оғир саноатнинг ривожланишига ҳисса қўшган эдилар. Албатта, халқимизнинг бу бунёдкорлик ишларига раҳбарлик қилиш атоқли давлат арбоби ва таниқли ёзувчи зиммасида бўлганлиги ҳам тарих саҳифаларида муҳрланиб қолди. Шароф Рашидовнинг собиқ Иттифоқ марказида ва халқаро миқёсда мавқеи ҳам, нуфузи ҳам анча баян эди. Бизнингча, шу сабабли, Шароф Рашидов ва унинг сафдошлари раҳбарлик қилган йилларда Москва

Ўзбекистонга Гдлян ва Иванов каби жаллодларни юборишга журъат килолмаган бўлар эди. Халқимизнинг ана шундай фидойи фарзанди вафотидан сўнг мустамлакачилар маркази 25 минг “десантчи” юбориб, Ўзбекистонда янги катағон даврини бошлади. Айни пайтда Марказ қўғирчоқлари уларнинг топшириқлари билан “десантчи”лар юборилишини конунлаштириш мақсадида Шароф Рашидов номини ва фаолиятини қоралашни бошлади. Шукрлар бўлсинким, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов кўп хайрли ишлар қатори Шароф Рашидовнинг давлатимиз равнаки ва халқимиз фаровонлиги йўлидаги кўп йиллик хизматларини кадрлаб, адолатни тиклади, унинг номини оклади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 мартда қабул қилган “Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори кўп миллатли ўзбек халқининг қалбини қувончларга тўлдирди.

Шароф Рашидов узок йиллар раҳбарлик фаолиятида ҳам, ижодий соҳада ҳам доимо меҳнатсевар, оккўнгил, меҳр-оқибатли халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятига ишонч билан қаради, эл-юрт равнаки йўлидаги халқ ташаббусларини қўллаб-қувватлади. Шу жиҳатдан, Шароф Рашидовнинг “Ғолиблар”, “Бўрондан кучли”, “Қудратли тўлқин” романларида ва “Дил амри” киссасида ўз биографиясига алоқадор ўринлар, воқеалар кўп учрайди. У сўнгги романини “Қудратли тўлқин” деб атагани замирида ҳам чуқур маъно бор. Шароф Рашидовнинг раҳбарлик йилларида Қизил империя, собиқ Иттифок маркази, тоталитар тузум, истибдод, сиёсий мафкура миллий истиқлолчиларимиз Мунаввар Қори, Фитрат, Чўлпонлар ижодини юзага чиқаришга йўл бермасди. Аммо, у раҳбарлик йилларида нафақат халқимиз миллий онгини уйғотувчи жасоратли бадий адабиётни қўллаб-қувватлади, балки унинг ўзи ҳам фаол ижоди билан миллий адабиётимиз равнақига салмоқли ҳисса қўшди.



**Виждон амри нимада? Бу – кишиларнинг ўзларига юқлатилган вазифа ва мажбуриятларини ҳар замон ва ҳоўга қарамай виждонан ва сизқудилдан баҳарлашларидир.**

**ФИТРАТ**



**ОЙДИНИСО**

## Сен қайларда эдинг, бахт қуши?..

\*\*\*

Мен сени соғиндим!  
Сен кимсан ўзи –  
Кўнгилни муттасил зориктирганим?  
Мен сени севаман!  
Сен кимсан ўзи –  
Эй, мени ўзимга йўликтирганим?

Сен кимсан?  
Ҳар лаҳза кутаман сени,  
Қамишман – най бўлмоқ менга қаноат.  
Сен эса кифтимга ортиб дунёни,  
Дунёлар устида коктирдинг қанот!

Юрсам, сенга юрдим шахдам одимлаб,  
Дилимда хиргойи, кўзда ҳайкирик.  
Ҳар лаҳза бир орзу чорлади имлаб,  
Ҳар лаҳза ўртади мумтоз айрилик.

Чорласам, ёнимга доvonлар келди,  
Нафасим дунёни тебратди, эссам.  
Яна сени эслаб, борлигим билдим,  
Яна сени кўмсаб йиғладим –  
Кимсан?!

---

*ОЙДИНИСО – 1980 йилда тугилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини битирган. Шоиранинг “Менсизлик”, “Номсиз”, “Қайтиш”, “Ховур”, “Қоралама”, “Серенада” номли шеърый тўпламлари нашр этилган.*

\* \* \*

Ибгидонинг интихоси бор,  
Тугайди-ку бошланган ҳар не.  
Нега менинг кўнглимда баҳор  
Давом этаверар, тинмайди.

Деразани ёпиб ташлайман,  
Бекинаман парда ортига.  
“Эй ҳис, бир зум тин!” деб чидайман,  
Димиккан уй зарда-додига.

Бир жарангдор куй янглиғ офтоб  
Юрагимга ботар яркираб.  
Гуллайверар қайтадан истак,  
Оқаверар ҳислар шаркираб.

Ураётган юрак эмас, йўқ,  
Кўксим тўла қушлар сайроғи.  
Вужудимга кирар бостириб,  
Баҳорларнинг беором боғи.

Кўзни юмиб санайман, минглар,  
Миллионлар қуволмас ўйни.  
Гўё олам узлуксиз тинглар  
Шовиллаган баҳорий куйни.

Гулбаргларни узаман бир-бир,  
Санайман: “Севади, севмайди”.  
Дунёда бир шу буюк иш бор,  
Қолган бари туюлар майда.

Яшаш эмас, севиш бор мудом,  
Ҳар толаму ҳар заррам сезги.  
Ҳечам севиб тугатолмадим,  
Тугатарми ё мени севги?

\* \* \*

Қуртаклар кўз очди кишки уйқудан,  
Баҳор ҳар заррани уйғотди осон.  
Олам ҳаприқмоқда соҳир туйғудан,  
Сен қачон уйғонасан?

Ахир ҳаддан ошиб эсмоқда сабо,  
Юрагимни майин сийпалаб ўтди.  
Кўзларингни очгин, бер унга сазо –  
Сенга ўхшагани журъати етди.

Соҳилларни ювди озод тўлқинлар –  
 Покиза ҳақиқат кўшигин айтди.  
 Қирғоқларда мудраб ётган ўйларим  
 Яна ўз манзили – сен томон қайтди.

Боряпман ёдинга кирмокқа, уйғон,  
 Кўксимга дилёмғир ёғмоқда кўқдан.  
 Уйғоқликдан ором олсин дилу тан,  
 Таскин топсин безовталиқдан.

\* \* \*

Зулматини йўқотган чирок,  
 Жимиридан айрилган мавждай.  
 Кўзёшини бой берган фирок,  
 Пардалари узилган авждай.

Кўзда ёш – унутган ғамини,  
 Кувончлари йитган табассум.  
 Хаёл – чобуклиги, таъмини,  
 Ҳисларини бой берган кўнглим.

Таниш мумкин ўзингни лекин,  
 Яшаш мумкин ҳатто бир ажиб –  
 Ҳайронлик бор эски ғам берган,  
 Эски кувонч берган таажжуб.

## Алла

Куёшни уйғотдим, болам,  
 Дилинга нур инсин деб.  
 Саратонда ёғди жолам,  
 Дилинг ўсиб-унсин деб.  
 Бўйинг ўссин, дилинг ўссин,  
 Алла болам, алла-ё!  
 Сенинг билан элинг ўссин,  
 Дашту далам, алла-ё!

Томчидирсан, тилаб олдим,  
 Соҳили йўқ денгиз бўл.  
 Тубсизликда, теранликда  
 Охири йўқ тенгсиз бўл.  
 Тошқин болам, тўлқин болам,  
 Дур-гавҳарим, алла-ё!  
 Куну тунни мавжлантирган  
 Нур-жавҳарим, алла-ё!

Менинг энг рост ёлғонимсан,  
Тасаллисан дунёга.  
Авж пардали фигонимсан,  
Ўрлагайсан самога.  
Дунё болам, зиё болам,  
Йўғу борим, алла-ё!  
Халол хисдан халол бунёд,  
Номус-орим, алла-ё!

Ўсгин, болам, меҳр эмиб,  
Сеҳр эмиб завққа тўл.  
Сен девларни ўлдирмагин,  
Меҳринг билан таслим қил.  
Меҳр болам, сеҳр болам,  
Эр султоним, алла-ё!  
Икки дунни эртақ айлар  
Қаҳрамоним, алла-ё!

Назар сўрдим Яратгандан,  
Солих бўлу Комрон бўл.  
Юрагимга қўнган икки  
Бахт қушларим, омон бўл.  
Бўйинг ўссин, дилинг ўссин,  
Тоғ-довоним, алла-ё!  
Сенинг билан элинг ўссин,  
Кенг жаҳоним, алла-ё!

\* \* \*

Сен қайларда эдинг, бахт қуши,  
Ахтардингми иссиқ ўлкани?  
Иссиқ-совук коришиқ тушди –  
Титрадингми бунга келгани?

Дон тердингми, қўнгил йиғдингми,  
Овландингми бирор сайёдга?  
Орзуларга кириб-чиқдингми,  
Қамалдингми бирор-бир ёдга?

Шунча узок учдингми, ғариб,  
Шунча узок кечиккунингча?  
Келгунингча мени ахтариб,  
Ямоқ юрагимга қўнгунча.

Сен қайларда эдинг, бахт қуши?..



Зухра БЕГИМ

## Ногаҳон топишдик ушбу очунда

### Эсингдами

Ана, кўкни кучиб учмоқда қушлар,  
Боғни безаётир биз қутган баҳор.  
Бир кучоқ қип-қизил тоғ лоласидан  
Ҳады этган эдинг, эсингдами, ёр?

Эсингдами, илк бор учрашганимиз,  
Майдалаб охиста ёғарди ёмғир?  
Соябон остида ҳаяжон босиб,  
Уялиб турардик бой бермасдан сир.

Эсингдами, ўша орзули онлар,  
Дилни аллалаган ишк, висол куйи?  
Оғушига олиб эркалаган тун,  
Тонгда қаршилаган райхонлар бўйи.

Эсингдами, ёшлик шўхликларимиз,  
Муҳаббат касрига етаклаган йўл?  
У кунлар ёдимдан чикмайди зинҳор,  
Ҳали ҳам ҳаётдан умидларим мўл.

Менга ҳады этган лолаларингни  
Юрагимдан сира ўчмайди ранги.  
Севгига йўғрилган дил сўзларингни  
Қулоғим остидан кетмас жаранги.

Эсингдами, жоним, бахтиёр дамлар?

---

*Зухра БЕГИМ – 1975 йилда тугилган. Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини битирган. Унинг “Умид баҳори”, “Севгимга битилган номалар”, “Кўклам нафаси”, “Болаларга бахшида олам”, “Кўнгиш фасли”, “Юрагимга айланар Ватан”, “Юртимиз ниҳоллари” шеърый тўпламлари чоп этилган.*

## Соғиниш

Соғиниш...

Заминнинг кўксидан отилиб чикиб  
Осмон этагига осилган кўёш.  
Кутишдан чарчаган ўпкаси тўлиб  
Булутнинг кўзидан томчилаган ёш.

Соғиниш...

Тил билан ўк отар, саволлар жанги  
Қанотлари синиб яраланган куш.  
Висол деб бағирда бонг урган юрак  
Васлга етмоқни ҳаёя этган туш.

Соғиниш...

Энтикиб жисмига сиғмаган қалбнинг  
Қароғида қотиб қолган нигоҳи.  
Унсиз фарёд уриб чопган кўнгилнинг  
Ишкнинг саҳросида инграган охи.

Соғиниш...

Жиловин тутқазмас саркаш хаёллар  
Биринчи бўсадек ўтли ҳаяжон.  
Жаннат лаззатидан бол тотган каби  
Оловсиз қайнайди томирларда қон.

Соғиниш...

## Муқаддас туйғу

Гоҳо кўкни тўсганда булут  
Кўнгилда руҳ маъюслик сезар.  
Тушкунликдан безовта вужуд  
Бебош хислар бағирни эзар.

Бу не савдо, муҳаббатмикан,  
Хотиралар бўлади овунч?  
Атиргулнинг кўксидан тикан  
Йироклашсак қийнайди соғинч.

Йўлларимга боқиб интизор,  
Менга бўлган мехрингиз ортар.  
Сиз ҳеч кимга ўхшамайсиз ёр,  
Шу феълингиз ўзига тортар.

Юрагимдан чекинар қайғу  
Мен сўзингиз болига хумор.  
Чунки қалба муқаддас туйғу  
Садоқатга тўла севги бор.

## Гулнинг яроғи

Чирт этиб узилди гулнинг яроғи,  
Бехосдан бостириб келганда тўзон.  
Аччиқ ёшга тўлди кўзим қароғи  
Юзлари сарғайиб сўлганда хазон.

Кўкси тилинса-да ярадор бутоқ,  
Мажруҳ вужуд ила гулламоғи шарт.  
Ёкса ёришмайди кўнглимга чирок,  
Азоб бераверар дилга кўҳна дард.

Нахот, умрида бир яшнолмаса гул,  
Яримга жон билан кечирса ҳаёт?  
Хониш килолмаса тил ютиб булбул,  
Ўкинчлар қалбимни тирнайди, хайхот!

Бехосдан бостириб келганда тўзон,  
Чирт этиб узилди гулнинг яроғи.  
Жонда ҳаловат йўқ ўшандан буён,  
Яна қайталади ишқнинг фироғи.

## Муҳаббат бўстонида

Муҳаббатга суяниб, ором олсин кўнгиллар,  
Бу бевафо дунёнинг ғам ташвишин унутиб.  
Нилий осмон токидай чароғон бўлсин диллар,  
Севишганлар бахт топсин, севги сеҳрини битиб.

Саррин сабо еллари юракларга югурсин,  
Ишқ саросар этмасин ғарибнинг дилин доғлаб.  
Кўзларимиз ғам эмас, ёруғ кунларни кўрсин,  
Умид билан яшайлик меҳр ришгасин боғлаб.

Ошиқ қалбнинг орзуси ёр васлига етсам, дер,  
Ҳижрон тушиб бемаврид айирмасин жафоси.  
Покиза ният билан қўлларидан тутсам, дер,  
Ҳар недан азизроқдир унинг асл вафоси.

Боғлар чаманзор бўлмай гуллар юз очса қайта,  
Ота-она, фарзандга борлигимиз бойланар.  
Муҳаббат борлигига минг бор таҳсинлар айта,  
Вужудимиз бирлашиб, бир Ваганга айланар!

Муҳаббат бўстонида бўй берса нафис гуллар,  
Жону жаҳон бирла у йўғрилар нафосатга.  
Муҳаббатдан куйласин, куйласа шўх булбуллар,  
Юракларга жо бўлиб, йўлласин саодатга.

**Ҳаёт**

Меҳр-муҳаббатдан яшнагай олам,  
Инсон қалби билан гўзалдир ҳаёт.  
Азизим, ганимат бу кунимиз ҳам  
Эзгулик – мангуга элтгувчи қанот.

Мусаффо осмонда куёш нур сочар,  
Заминни уйғотган тонглари суюк.  
Келажак авлоднинг йўлини очар,  
Бу элнинг хамиша имкони буюк.

Юртимиз тинчлиги энг катта бойлик,  
Шукуҳи дилларга ҳаяжон солар.  
Бахтимиз эмасми, тандаги соғлик.  
Яхшидан абадий хотира қолар?!

**Эски туйғуларнинг  
янги овози**

Инсонга синовлар йўллайди ҳаёт,  
Муҳаббат бўлмаса қиёмат қойим.  
Севги самосида бахш этиб қанот  
Бизни учраштирди Ўзи Худойим!

Толе юлдузимиз юлдузимизга  
Тўғри келганини кўрсатди йиллар.  
Меҳрлар улашди чўғ дилимизга,  
Яқин бўлиб қолди олис манзиллар.

Ногаҳон топишдик ушбу очунда  
Ижобат айлади тилаklarимиз.  
Ой ширин висолга етказган тунда  
Шивирлаб сўзлашди юракларимиз.

Сирларин сочади тубсиз коинот,  
Қалбларга ишк берар кўнгилнинг сози.  
Маржондек тизилиб, жаранглр бот-бот,  
Эски туйғуларнинг янги овози.



Дилором САЛОҲИЙ

## НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА МУҲАББАТ МАҚОМИ

Алишер Навоий шеърияти чуқур рамзий маъно, мазмун ва ишоралардан иборат бўлиб, ирфоний моҳият касб этади. Унинг ҳар бир ғазали, ҳар бир байти орифонадир. Буюк шоирнинг ўзи буни эътироф этар экан, инсоннинг йўқликдан бор этилиб, яратилишидан мақсад – унинг маърифатга эришмоғидир, дейди:

*Ғараз ирфон экандурким, адамдин  
Сени мавжуд айлабтур худованд.*

Худди шу жиҳат билан, яъни ирфон касби камол этиш, Худони танишга интилиш билан одам бошқа махлуқот, жумладан, фаришталардан ҳам афзал саналади (Қуръони Карим, “Бақара” сураси, 30-34-оятлар).<sup>1</sup> Ҳақ таоло уни мукаррам этиб, қалбини Ўзининг сирлари хазинасига айлантирди. Бундай хазинанинг ўзида пинҳонлигини билган, уни очишга интилган инсон – аҳли ирфондир.

Аҳли ирфон ўлароқ, Алишер Навоий ўз шеъриятида кўнгли сирларини пардалаб, ишоралар билан баён этишга интилади. Агар пардалаб беркитилмаса, сирлар хазинаси ошкор бўлади. Шоир кўнгли аҳволини сўзламай ҳам туролмайди. Чунки, кўнгил ўзи билган илохий сиру синоат, мўъжиза ва ҳикматдан ҳайратга тушиб, унда сирлар эгасига нисбатан бўлган муҳаббат олови ёлқинлана бошлаган. Оташни эса яшириб бўлмайди. Оддий сўз билан баён этишнинг ҳам имкони йўқ. Шу боис аҳли ирфон учун шеърият илохий сирларни пардаловчи мавзун либос вазифасини бажарди.

Бани башар фарзанди бўлмиш гўзал мавжудотга бағишланган:

*Ёр кеттию, кўнглимда анинг нози қолибдур,  
Андоқки, қулогимга хуш овози қолибдур, –*

Ёки:

*Кел-кел, эй қурбон кўнгул, ул қоши ё меҳрин унут,  
Чун вафодин тортилур, сен ҳам бориб бир гўша тут,*

<sup>1</sup> Қуръони Карим. – Тошкент: “Маънавият”, 2002.

Дилором САЛОҲИЙ – филология фанлари доктори, профессор. 1959 йилда туғилган. Самарқанд давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини битирган. Олиманинг “Бадоеъ ул-бидоя” малаҳати”, “Навоийнинг шеърий услуби масалалари”, “Хуррият ҳарорати” номли монографиялари, “Навоий назмиёти” номли ўқув қўлланмаси босилган, юздан ортиқ илмий мақолалари республика ва хорижий нашрларда эълон қилинган.

мазмунидаги ғазаллар ҳам ирфон ҳикматиани англаш йўлида хали биринчи поғонада бўлган ошиқ идрокига мос ёзилган бўлиб, сўфиянинг илм-ал-якин даражасига тўғри келади. Чунки, пок ниятли ошиқ маърифат йўлидаги йўлчидир.

Давр маънавий эҳтиёжи бўлган нақшбандия тариқатининг етук намоёндаларидан бири Алишер Навоий ўз шеърлятида ваҳдат ул-вужуд таълимотини ҳам сўфия, ҳам тасаввуф нуқтаи назаридан талқин этади.<sup>2</sup> Бошқача айтганда, шоир баъзи шеърлярида Ҳақ ошиғи – солиқ сифатида ўз шарҳи холи ва маърифат йўлидаги изтиробларини баён этса, бошқа орифона асарлярида тасаввуф синоатляридан таълим берувчи маънавий муршид сифатида намоён бўлади. Куйидаги байтлар билан бошланувчи ғазалларда шоир тасаввуфнинг назариётчи олими каби фикр юритади:

*Даҳр боғи аро кўп истамагил айшу тараб,  
Ким, гули шуълайи ғам гунчасидур хори тааб.*

*Сумбули ришталарин риштаи мақсуд дема,  
Ким, кўнгуллар қуши домига эрур барча сабаб.*

Бу дунё бир гўзал боғ сингари бўлса ҳам, унда фароғат истама, дейди шоир. Чунки, унинг гуллари ғам шуълалари, гунчалари жонга озор берувчи тиканлардир. Бу боғдаги сумбуллар инсонни ўзига ром этиш учун қўйилган тузоқлардир. Кейинги байтларда шоир фикрлярини янги ташбеҳлар ва поэтик тимсоллар орқали янада кенгайтиради. Яъни, дунё бир ариқ, унинг тубидаги майда тошлар инжу бўлса-да, инсон ҳаёти учун бир дон ва сув каби қадрга эга, ундан ортик эмас. Аммо шу дон ва сув ҳам тузоқ. “Сен зийрак қуш бўл, тузоқ атрофида парвона бўлма”, дея ўғит беради шоир:

*Ариги ичра ушоқ тоши агар инжу эрур,  
Тойири умрунг учун донаву су топти лақаб.*

*Англа зийрак қуш аниким, кўрубон мундоқ дом,  
Бўлмагай теграсида обхўру донаталаб.*

Аммо Навоий девонляридан шундай ғазаллар ҳам ўрин олганки, уларда шоир тасаввуф рамзляридан фойдаланиб ранг-баранг мажозий тимсоллар яратади. Бу мавзунни чуқурроқ тушунтирган адабиётшунос олим Нажмиддин Комилов шундай ёзади: “Мажозий олам тасвиридан мақсад Ҳақиқатни чуқурроқ англаш. Уни инсонга яқинроқ қилиб тасаввур этиш кўзда тутилган... Бундай қараш ваҳдат ул-вужуд таълимоти моҳиятидан келиб чиққан. Негаки, бу таълимотга кўра, Мутлақ рух (Парвардигор) ҳамма ерда мавжуд. Олам гўзаллиги, ҳаётнинг нашъу намоси, жумладан, инсон зоҳирий ва ботиний гўзаллиги, камолоти ҳам шу Мутлақ рух туфайли ва унинг ҳикмати, файзу таровати натижасидир. Шу боис инсон гўзалга (у чиройли аёл, навқирон йигит, қалби дониш ва кароматга лиммо-лим мўйсафид бўлиши мумкин) муҳаббат орқали илоҳий қудрат кашф этилади”.<sup>3</sup>

Эътибор қилинса, олим мулоҳазаларидан “мазҳар муҳаббати” ва “манба муҳаббати” тарзида икки тушунча идрок этилади. Навоийнинг машҳур байтида бу икки тушунча ўртасидаги уйғунлик шундай англатилади:

*Гар Навоий йиғласа ишиқинг мажозийдур, дема  
Ким, назар пок айласанг айни ҳақиқатдур мажоз.*

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Валихўжаев Б. Сўфия ва тасаввуф // Зарафшон, 1997 йил 9 август. 4-бет.; Яна қаранг: Абулмахофир Бохарзий. Аврод ул аҳбоб ва фусус ал-одоб. Ганж ва ганжина. – Техрон, 1363 х.ш. – 1985 м. Саҳ. 390 – 394.

<sup>3</sup> Н.Комилов. Маънолар оламига сафар. – Тошкент: Tamaddun, 2012. 28-бет.

“Накшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти” номли китобида адабиётшунос олим Ёқубжон Исоқов “...покийнат ва покравииш ошиқ учун мажоз – ҳақиқатга эришиш воситаси, ўша йўлдаги кўприк”, дея таълим берар экан, пайғамбарнинг (с.а.в.) “мажоз ҳақиқатнинг кўпригидир”, деган машҳур ҳадисларига таянади ва Ҳазрати Баҳоуддин Балогардоннинг мазкур ҳадис ҳақидаги фикрларини келтиради: “Айтар эдилар: “Ал-мажозу қантарату-л-ҳақиқат” шу нарсага ишораки, барча зохирий ва ботиний амаллар, сўз ва феъл сен учун хижобдир, то бу йўлда юрувчи булардан кечиб ўтмаса, ҳақиқатга ета олмайдир”.<sup>4</sup>

Шарқ орифона шеърятда бўлгани каби Алишер Навоий ижодида ҳам “мазҳар ишқи” (“ишқи мажозий”) ва “манба муҳаббати” (“муҳаббати ҳақиқий”) бир-бирини такозо этади, уйғунлашади, аммо улар орасидаги фарқ инкор этилмайди. Шоирнинг куйидаги ғазали бунга мисол бўла олади:

*Менда бир ўтдирки, гар дам урсам афлок ўртанур,  
Асрасам кўнгулда жону жисми ғамнок ўртанур.*

*Меҳр эмас оҳим ўтидин кўкка етмиш бир шарар,  
Айб эмастур гар десам, дам урсам афлок ўртанур.*

*Бас таним ўртарга қонлиг новакинг ҳижрони кўй,  
Барқ не ҳожат, бир учқун бирла хошок ўртанур.*

*Шамъ ўтин моҳиятин англай деган парвонадек,  
Оразинг меҳрини фаҳм айларда идрок ўртанур.*

Ғазал ишқий мавзуда ёзилган. Унда ошиқнинг маҳбуба соғинчи, ҳижрони изтироблари тасвирланади. Учинчи байтга етгач, ошиқнинг “жону жисмидаги ғам” сабабларидан бири маҳбубанинг чиройли киприклари эканлиги аён бўлади. Ошиқ ўзининг ожиз танини хас-хашакка, маъшуканинг узун киприклари ва бир назарини хашакни бир чакнаш билан куйдириб юборувчи чакмоққа ўхшатади.

Ғазалнинг тўртинчи байти эса моҳиятни аён этади. Шоир бу байтда бевосита тасаввуф рамз ва тимсолларидан сўз очади. Биринчи мисрада онгсиз парвона мўъжиза кўринган Шамъ ҳақиқатини хис этмоқ учун ўзини унга уриб, унинг танида куйиб, эриб кетганлиги ва мақсадга етганлигига ишора этилса, иккинчи мисрада бевосита Яратувчи тимсоли пайдо бўлади. Шоир ошиқнинг Мутлақ Гўзаллик соҳиби бўлмиш Холиққа меҳрини шу тимсоллар ва улар тақдирига ташбех этади. Ишқ ҳақиқатини англаш йўлида машаққат чекаётган ошиқ учун ақл-идрок ҳам ожиз эканлигини баён этади. Бу тасаввуфнинг ўзак масалаларидан бири. Тангрини тоат билан ҳам, ақл-идрок билан ҳам топиб бўлмайди. Яратувчини илм билан, ақл кучи билан таниб оламан, дейиш метафизика тарафдорлари ақидаси. Тасаввуфда эса Тангрини топиш учун тоат, ақл-идрок билан бирга пок, равшан ва куюк кўнгул керак. Ҳаққа ошиқнинг ёки маърифатгалаб орифнинг қалби маҳбуба жилва қилувчи макон ва уни муҳаббат оташи ёритади. Тасаввуф билимдони буни шундай тушунтиради: “...ориф қалбининг маърифати ва у орқали илоҳий рух манбаининг бекиёс гўзаллигини идрок этишга фақат қалб ва рух қодирдир; ақлий мушоҳада, мантикий-тафаккурый билиш усули бунга қодир эмас”. Олимнинг яна таъкидлашича, “Навоий ибора-тимсолларида ҳар доим икки маъно – ориф қалби ва руҳи мутлақ биргаликда кўзда тутилади, зеро ориф қалби олий зот манбаига олиб борадиган бир восита, кўприк деб қаралган”.<sup>5</sup>

<sup>4</sup> Исоқов Ё. Накшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. 21-бет.

<sup>5</sup> Н.Комилов. Ўша манба., 164-бет.

Кейинги байт Навоний қалами бадиий қудратини бекиёс тарзда намоён этган. Тасаввурингизга келтиринг, кўнгиш шахслантирилишти: Кўнгиш – телба, у оловга йиқилиб тушди. Куяр экан, у қанча кўп типирчиласа, гулхан ўти шуъласи шунча зиёда бўлади:

*Ишқ аро кўнглум неча толпинса ортар шуъласи,  
Ўтқа тушқон телба қилган сойи топок ўртанур.*

Кейинги байт яна Ҳақ йўлига юрувчига кўрсатма – Ҳақ ошиғи ўз жисмини кўзёшлари билан ювиб покламоғи, кўп “оҳ” тортаверганидан унинг жисми қуриб, чакмоқдан бир учкун тушиши билан куйиб кул бўлмоғи лозим. Чакмоқ – байтда маҳбуба (Холик) тимсоли. Ошиқнинг талаб йўлида тинимсиз кўзёши тўқмоғи лозимлиги тариқатда қалб покланишининг асосий воситаси ҳисобланади. Нақшбандия тариқатининг XIX аср охири XX аср бошларидаги йирик муршидларидан бири Шайх Муҳиддинхон Ургутий (қ.с.) ўзининг “Мактубот” асарида маърифатгалабнинг дили куоқ, кўзи мудом ёшли, тани изтироб ичида бўлмоғи лозим эканлигини таъкидлайди.<sup>6</sup> Сўз юритилган байт:

*Ашқ юб жисмим қудуратдин, қурутмиш оҳ ўти,  
Ламъае тушгач, узоринг барқидин пок ўртанур.*

Навоний кўп ғазалларида кўзёшлари тимсолини ранг-баранг мазмун ифодаси учун истифода этади. Чунончи, бир ғазалида у кўзёшларини бебаҳо дурга қиёслайди ва фавқулодда кизик бир лавҳа яратади. Бу лавҳадан шундай маъно англонади: кўзёшларимни, гарчи улар дурларга ўхшасалар-да, ишқимга маҳрам қила олмайман. Бунинг сабаби шуки, уларнинг асли яратилишлари кўзёши, жавоҳиротдан эмас. Яна бир сабаби, улар ишққа маҳрамликка ҳали ёшлик қиладилар. “Ёш” сўздан шоир ийҳом санъатини яратади. Шарҳланган байт:

*Кўзёшим дурри ятимин маҳрами ишқ айламон,  
Ҳар нечаким пок гавҳардур, валекин ёш эрур.*

Ўрганаётган асосий ғазалга қайтсак. Ғазал мақтаъида шоир “менинг хасталикдан терга ботиб, ҳўл, нам бўлиб (рутаб) ётган кўнглим маъшуқамнинг оловдай ёниб турган лабларига тушти, олов барча нарсани куйдириб кул қилгани каби, кўнглимни ҳам куйдириб, тупрок қилиб юборди”, деган мазмундаги фикрни аён этади. “Хок”, “тупрок”, “адам” сўзлари маъносини “йўқлик” эканига ишора этар экан, шоир мақсад йўлида ошиқ ўзлигини маҳв этмоқлиги лозимлигини ҳам айтгандай бўлади:

*Эй Навоний, чун рутабдек оташин лаъли аро  
Хаста кўнглум тушти, тонг йўқ, гар бўлиб хок ўртанур.*

Маълум бўлганидек, ушбу ғазалда зоҳиран дунёвий ишқ қуйланган. Аммо ундаги зоҳирий маъно-мазмун ижодкор асосий мақсадини очиб берувчи калитдир. Модомики, “реал дунё Мутлак руҳ инъикоси экан, демак уни севиш ва ундан баҳра олиш мумкин. Шу асосда инсоннинг инсонга муҳаббати ҳам табиий ва зарурий деб топилган, яъни мажозий ишқ орқали илоҳий ишққа қараб бориш. Навоний ўзини ана шу “ишқи мажозий” куйчилари сирасига киритади”.<sup>7</sup>

Алишер Навоний шеърятга фақатгина кишига эстетик завқ берувчи восита бўлмай, инсоннинг онги, шуурини уйғотувчи, тафаккурини чархловчи, илми ва дунёқарашини бойитувчи, эътиқодини оширувчи ноёб манбадир.

<sup>6</sup> Қаранг: Шайх Муҳиддинхон Ургутий. Мактубот. – Тошкент: Мовароуннахр, 2006.

<sup>7</sup> Н.Комилов. Ўша манба., 171-бет.



Исмаг САНАЕВ

## ЗАРАФШОН ВОДИЙСИ АДАБИЙ МУҲИТИДАН ЛАВҲАЛАР

Зарафшон водийси қадимий маскан. Водийнинг ўрта қисмида жойлашган Зиёвуддин, Кармина воҳалари узоқ ўтмишга эга бўлган кўркам манзиллар ҳисобланади. Салтанат соҳиби Амир Абдулаҳадхоннинг (1893-1910) Миёнкол маркази бўлмиш Карминада яшаб мамлакатни бошқариши Миёнкол ҳудудининг ҳар жиҳатдан ривож топишида бениҳоя катта аҳамиятга эгадир.

Миёнкол ҳудудининг Зарафшон соҳилида бир-бирига яқин жойлашган Каттакўрғон, Зиёвуддин, Кармина адабий муҳити бу даврга келиб бирмунча шаклланган. Айниқса, Каттакўрғонда Шавкий, Янгикўрғонда Вола, Зиёвуддинда Нодим каби истеъдодли, улуғ зотларнинг адабиёт майдонида пайдо бўлиши Миёнколда адабий ҳаётнинг юкори босқичга кўтариллиши учун имконият яратган. Уларнинг ўзаро дўстона муносабатлари туфайли адабий жараён ривож топган ва ўзига хос анъаналарга эга бўлган адабий муҳит юзага келган.

Зарафшон водийси адабий муҳитининг қамрови кенг, манбалари бисёр. Шу боис ана шу муҳит вакилларидан эътиборга лойиқ ҳисобланган Мирзо Салимий ва Таржимон ижодиёти мисолида фикр юритишни маъқул кўрдик.

*Мирзо Салимбек Муҳаммад Раҳим ўгли Салимий* 1850 йилда Бухоро шаҳрида бадавлат ва нуфузли хонадонда туғилган.

Мадрасада илмини такомилга етказган Мирзо Салимбек 1871 йилда Зиёвуддин вилояти ҳокими ҳузурида мирзоликдан ўз меҳнат фаолиятини бошлаган. Дастлаб Амирнинг Тошкентдаги кузатувчиси, кейин Туркистон генерал-губернатори ҳузурида Бухоро вакили бўлиб хизмат қилган. Бир неча йил амлоқдор, Бухоро шаҳар миршабларининг бошлиғи бўлиб ишлаган. Йигирма йилдан ортик давр жараёнида Нурота, Бойсун, Шеробод, Шаҳрисабз, Чоржўй вилоятларининг ҳокими лавозимида фаолият кўрсатган.

Тақдир Мирзо Салимбекни бир неча бор сийлаган: оддий мирзоликдан амирликнинг бош закотчиси лавозимигача кўтарилган. Мартабаси канча баланд бўлиб, давлат ишлари банд қилмасин, ижодни тарк этмаган.

Октябрь тўнтариши Мирзо Салимбек ҳаётида аянчли саҳифаларнинг очилиши-

---

*Исмаг САНАЕВ – филология фанлари номзоди. 1942 йилда туғилган. Самарқанд давлат университети филология факультетини битирган. “Армонли дунё”, “Қанот қоққан оппоқ орзулар”, “Тог гули”, “Зиёвуддин тарихи”, “Бу кўҳна дунё”, “Нодим Зиёвуддиний”, “Мирзо Салимий” каби бадий, илмий-тарихий асарлари эълон қилинган.*

га сабаб бўлган. Кечаги ҳоким Сибирга сургун қилиниб, азоб-уқубатларга гирифтор этилган. Умрининг сўнгги олти йили мобайнида оғир хасталикка дучор бўлган: олим ва шоирнинг кўзлари ожиз бўлиб қолган. Мирзо Салимбек 1930 йилнинг мартида Бухоро шаҳрида оламдан ўтган ва Ҳазрати Имло қабристонига дафн этилган.

Мирзо Салимбек серкирра ижод соҳиби. Унинг бир қатор тарихий ва адабий асарлари мавжуд. Истеъдодли олим, шоир, етук таржимон Мирзо Салимбек араб, рус тилларини яхши билган, ўзбек ва форс-тожик тилларида ижод қилган. “Кашкули Салимий”, “Тарихи Салимий” унинг тарихий мавзудаги асарларидир. “Жомий ул-гулзор”, “Дуррат ул-воизин”, “Мухбир ул-хикоят”, “Гулшани роз”, “Аҳодис ал-аъмол” каби асарларни араб тилидан тожик, ўзбек тилларига ўгирган мутаржим бу асарларни таржима қилиш жараёнида ижодий муносабат билдириб, уларга жойини топиб қўшимчалар киритган. Бу эса ҳар бир хикояга хулоса бўлиб хизмат қилади.

Мирзо Салимбек Иноқ Салим, Салимий тахаллуси билан кўплаб асарлар яратган. Салимий қаламига мансуб асарлар унинг ўзи томонидан қўшимчалар билан қайта нашр этилган Вожеҳ тазкираси сўнггида киритилган “Мажмуаи шеърҳои Салимий”да, Мухтарамнинг тазкирасида шоирнинг (фарзандлари қўлида сақланаётган 33 саҳифалик) мусаввадасида ва бошқа бир қатор баёзларда мавжуд.

Шоирнинг анъанавий ишқий мавзудаги ғазалларида муҳаббат улуғланади. Севги, вафо, ҳижрон салимиёна руҳда ўзига хос оҳангда талқин этилади. Салимийнинг ишқий мавзудаги асарларида эъзозланган муҳаббат занжири ғазалларни ғоявий жиҳатдан бир-бирига боғлаб тургандай, бири бирини тўлдиргандай туюлади.

Турмуш ташвишлари билан банд бўлган ёш йигитнинг қалбида севги ниҳоли куртак беради. Муҳаббат савдоси бошига тушиб сабру қарорини йўқотади. Қалб тугёнларини шоир шундай ифодалайди:

*Нозанин маҳваш мани ақлимни олди ноздан,  
Ақл йўқ, балки мани жонимни олди ноздан.*

Салимий йигирма йилдан ортиқ давр жараёнида Бухоро вилоятларида ҳокимлик қилган. Бу даврда шахру кишлокларда яшаётган аҳолининг ҳаёти, турмуш тарзини ўз кўзи билан кўриб, меҳнаткаш омманинг чеккан азоб-уқубатларидан қалби ўртанган, мамлакатдаги ижтимоий тенгсизликлардан изтироб чеккан шоир бу ҳол кучайиб анча палак ёзганлигидан ўқинади:

*Ағниёлар ҳама дам ҳоли рибо бирла хароб,  
Тоат ўрнида ҳисоби пули жалдур-жулдур.*

Мол-дунёга ҳирс кўйиб, инсофу диёнатни унутиш – бедаво дард. Бунинг илдизлари ўша даврдаги бошқариш тизимининг иллатли нукталарига бориб тақалади. Шоирнинг ёзишича, Бухоро амири ҳар йили “фасли баҳор” ва “тирамоҳ” вақтларида одамларни тўғри йўлга бошлаш мақсадида жойларга масъул кишилар жўнатади. Аммо улар топшириқни талаб даражасида уйдлаш ўрнига халқнинг бор-йўғини шиладилар:

*Амри шоҳ бирла ҳар вилоятқа,  
Муҳтасиблар борур ҳидоятқа.  
Ҳар йили икки марта иктисоб қилур,  
Масъиду мактабни хароб қилур.*

Халқнинг озор чекаётганлигини кўриб ич-ичидан эзилган шоир замондан норози бўлиб, ҳаётдаги ижтимоий тенгсизликнинг асосий сабабларини очиб ташлайди:

*Догдурман, яхишлар ноошино бўлди, дариг,  
Хубби дунё бирла бир-бирдан жудо бўлди, дариг.  
Бовафолик дўстлар, кўр, бевафо бўлди, дариг,  
Золиму саффоқ элга кадхудо бўлди, дариг.  
Кадхудои ҳар вилоят пуржафо бўлди, дариг,  
Беваю бечора, мискин тахтино бўлди, дариг,  
Омию бебок элга пешиво бўлди, дариг,  
Ришвахўр муфсид элга муқтадо бўлди, дариг.*

Тарихнинг гувоҳлик беришича, 1920 йилнинг мартада Салимий Чоржўй вилояти ҳокими этиб тайинланган. Большевиклар ташкилоти кизгин фаолият кўрсатаётган бу вилоятда муҳит бениҳоя носоғлом бўлиб, сиёсий вазият анча таранглашганлиги туфайли мамлакатдаги нотинчлик кучаяди. 1920 йилнинг 29 августида вилоят ҳокими Мирзо Салимий ва унинг амалдорларидан иборат 56 киши камокка олинади. Орадан кўп ўтмай улар Сибирга жўнатилади. Шоир ўз бошига тушган қора кунлардан қайғуриб, дарду алам билан шундай ёзади:

*Оҳким, солди фалак бошимга мунча можаро,  
Қулфату, андуҳу меҳнатларга этди мубтало.  
Ғамни тирноғи билан бағримни этди поралар,  
Қилмайин раҳме, мани бошимга соли юз бало.*

Мирзо Салимийнинг ҳижрий 1327 (милодий 1909) йилда ёзилган “Қаъб ал-Аҳбор хикоялари” бир-бири билан узвий боғланган бир неча хикоялардан таркиб топган бўлиб, назмий йўл билан битилган. Олти юз олтмиш олти байтдан иборат бўлган бу асарда бутпараст Қаъб ал-Аҳборнинг ислом динини ихтиёр этиши, ўзининг бутун ҳаётини ислом динига бағишлаганлиги қизиқарли ва ишонарли тарзда баён қилинган.

Салимий – зулласонайн ижодкор. Форс-тожик ва ўзбек адабиётига ихлос қўйган, мумтоз адабиётда машхур ва манзур устоз шоирларнинг ижодий оламига хурмати бениҳоя баланд бўлган шоирдир. Унинг тожик тилида ёзилган асарлари Салимийнинг истеъдодли қалам соҳиби эканлигини исботлайди. Салимийнинг ўзбек ва тожик тилларида ёзилган мусаммати ҳам бор. Бу усулда асар яратиш бирмунча мураккаб бўлиб, ижодкордан машаққатли меҳнат, юксак маҳорат талаб қилади ва шу билан бирга унинг зиммасига юксак масъулият юклайди.

Ҳарф ёки китобат санъати, деб номланадиган усулнинг ўз қонуниятлари бор. Салимий мусамматнинг мазкур хилини яратишда араб алифбосидаги деярли барча ҳарфларни ва уч ҳаракат белгисини қўллаган. Алифбо ҳарфларининг ҳар бири алоҳида маъно касб этган. Мўължалланган мақсадни амалга ошириш учун ҳарфларни тимсоллар орқали берган шоирнинг ўтли фикри сатрлар бағрига сингдирилган. Зиммасига юкланган вазифаларни удалаган ҳарфлар номларининг тизимидан таркиб топган қуйидаги мисралар ижодкорнинг юксак бадиий маҳорат соҳиби эканлигини кўрсатади:

*“Алиф”дек қоматим сарв эрди умрим жўйборида,  
Букулди “бе” каби тушиди қарилуқ раҳгузорида,  
Таним “те”дек тавоно эрди айёми баҳорида,  
Санову ҳамд этардим “се” каби тасбеҳ торида,  
Ки эмди “жим” каби жисмим йиқилмоқдур мозорида.*

Ҳар банддаги мисрада қўлланган ҳижо-ҳарф ўша мисра руҳига мос ҳолда жойлаштирилган. Бунда сохталик йўқ, аксинча табиийлик мақсадга эш бўлган.

“Алиф”дек коматнинг “ё” ҳолатига қадар тушиши ишонарли тарзда васф қилинган. Кибру ҳаводан йирок, камтарликни ўзига шараф ҳисоблаган Салимий ўз номини эъозланган алифбо ҳарфларининг ёнига қўйишдан ийманади, ўзини кўз-кўз қилишдан тортинади. Шу боис ўз номини ҳарфлар хизмати учун маҳкум этилган ҳаракат белгилари қаторига қўйишни маъқул кўради. Олти бандлик мусамматнинг сўнгги бандини шоир камтарона тарзда шундай яқунлайди:

*Видо иста, бу умри бевафодин зор, эй кўнгул,  
 Ҳавоу кибрни қилма юракка ёр, эй кўнгул,  
 Букулки “лом алиф”дек қоматинг ночор, эй кўнгул,  
 Бўлибсан ё киби ҳам қилма кирдор, эй кўнгул,  
 “Мад” у “ташдид,” “сокин”нинг Салимийдур қаторида.*

Салимийнинг бу асари мусамматнинг энг яхши намуналаридан биридир.

“Тарихий Салимий” асарининг тадқиқотчиси, тарих фаълари номзоди Наим Норкуловнинг ёзишича, “Тарихи Салимийнинг” ёзилиш услубини Мирзо Салимбекнинг Ўрта Осиёлик бошқа тарихчи замондошлари услуби билан солиштирганда услубда ҳам, тилда ҳам катта фарқ кузатилади. Агар бошқа муаллифларда турли сифатлаш ва киноя кўп бўлса, Мирзо Салимбекнинг услуби ғоят соддадир. У одадаги Бухоро сўзлашув шеvasи руҳида ёздаи, бухороча иборалар, жумлалар унинг тилига хосдир.

Салимий ғазалларида ўринли ишлатилган чиройли ташбеҳлар, бири-бирдан жозибадор сўз ўйинлари шоирнинг юксак маҳоратидан далолат беради.

Давлат арбоби, зукко олим, синчков муаррих, қалама ўтқир адиб, истеъдодли шоир Мирзо Салимий тарихий, бадний асарлар яратиб мумтоз адабиёт бўстонини янада гуллаб-яшнаши учун муносиб улуш қўшди. Унинг таржимонлиги алоҳида, бадний маҳорати алоҳида ўрганилиши лозим бўлган долзарб мавзудир.

**Баҳромбек Давлатшоҳ ўғли – Таржимон XIX асрнинг сўнггида Зарафшон воқийсида камолга етган забардаст шоирлардан биридир.**

Баҳромбек Давлатшоҳ ўғли 1873 йида Каттакўрғон шаҳрида туғилган. Даствлаб маълумотни отасидан олган Баҳромбек Бухоро мадрасасида ўз билимини такомилга етказган. У форс-тожик, араб ва Европанинг бир неча тилларини мукамал билган. Мамлакат ҳукмдорининг назарига тушиб, бир неча йиллар давомида Бухоро амири Саййид Абдулахадхоннинг таржимони бўлиб хизмат қилган. У ижод билан шуғулланган, турли мавзуда ажойиб асарлар яратган, ўз вазифасига нисбат бериб Таржимон тахаллусини танлаган. Жадид адабиётининг кўзга кўринган вакилларида хисобланган шоирнинг “Миллий ашъори Таржимон” тўплами 1910 йида чоп этилган.

Туркистон истило этилгандан кейин босқинчилар томонидан қилинган зулм ва таъйик халқни анча оғир аҳволга солиб қўйган. Маҳаллий аҳолининг турли номлар билан аталиб таҳқирланиши халқнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлган. Айниқса Николай Остроумов ўзининг катта бир китобини “Сартлар” деб аташи норозиликни яна ҳам кучайтирган. Натияжада бу хусусда анча “шов-шув”лар бўлиб, қизгин мунозаралар узок давом этган.

Миллат тақдири учун қайғурган ватанпарвар Таржимон ҳақида Маҳмудхўжа Бехбудий шундай деб ёзган: “Ул зоти анвар амири Бухоро хазратларининг хузури ҳумоюн русча таржимони муҳтарам Баҳромбек қоровулбеги жаноблари “Биз Туркистон ва Бухоро халқининг турклиги маълум бўлиб туруб... на учун сарт атайдулар?” деб мўътабар “Шўро” мажалласининг 1911 йил 16-адаинда савол этиб эдилар”.

Бундан ташқари Бехбудий таъкидлаганидек, у муҳаррирлик қилган “Ойна” саҳифасида ҳам “яна ушбу тўғридан жаноб Баҳромбек қоровулбеги сўз кўзготиб эдилар”.

Баҳромбек Давлатшоҳ ўғли бошлаб берган баҳс тўғрисида Исмоилбек Ғаспирали,

Ахмад Заки Валидий, Бехбудий сингари ўз замонасининг улуғлари бу борада ўз илмий қарашларини билдиришган.

Таржимон қаламига мансуб асарлар қўлёзма, тошбосма тазкира, баёзлар ҳамда ўша даврдаги мутбуот орқали бизгача етиб келган.

Ҳожи Нёмагулло Муҳтарам “Тазкират уш-шуаро”сида, Пўлат Қаюмов ўз тазкирасида Миёнқолнинг Каттакўрғон мавзесида камолга етган Баҳромбек тўғрисида қисқача маълумот беришган ва унинг асарларидан намуналар келтиришган.

“Шўро” мажалласининг қатор сонларида ҳам Таржимон қаламига мансуб мақола ва шеърлар босилган.

Жадидлар миллатни жаҳолатдан қутқазмасдан, аҳолининг маърифатлилик даражасини оширмасдан туриб истиклолга эришиш мумкин эмас, деб билар эдилар. Жадидлар Туркистоннинг катта шаҳарларида матбаа соҳасида талай ишларни амалга ошириб, ўзбек миллий матбуотига асос солишган, бадий ташвиқ этишни янги босқичга кўтаришган. Ҳамиша янгилик тарафдори бўлган жадидларнинг хизмати туфайли халқ шеърлятида қадимдан ишлатилган бармоқ вазини ёзма адабиётда ҳам кенг қўламда қўллаш одат бўлди. Ғани Абдурахмонов ёзганидек, жадидлар оддий халқнинг жонли сўзлашув нутқида яқин бўлган янги адабий тил яратдилар.

Маслакдошлари сингари Таржимон ҳам маърифатпарварликка алоҳида эътибор берган. Шоир миллатни ғафлат уйқусидан уйғонишга даъват этади:

*Сен эй миллат, уён, кўп ётма, тур, уйқу канориндин,  
Очиб кўз бир йўла боқ, қолдиму дониш баҳордин.*

Илмсизлик, лоқайдлик кишини мутеликка маҳкум, онгини ривожланишдан маҳрум этади, деб ҳисоблаган шоир саводсиз инсон миллатни жаҳолатдан қутқазолмайди, дея ич-ичидан ўқинади, ғафлатда қолган халқ тақдирини ўйлаб куйинади:

*Бу Туркистон эли ичмиш жаҳолат оғусидин, вой, вой,  
Кетурмас бирда ёдига бу алам қайғусидин, вой, вой,  
Уйғонмас тефсалар бошига ғафлат уйқусидин, вой, вой,  
Эшитмайдуր қулоғи бул жаҳон қуқусидин, вой, вой,*

Инсоният тараққиётининг турли босқичларида миллатимизнинг буюк фарзандлари бўлмиш улуғ аждодларимизнинг оламшумул аҳамиятга молик хизматлари борлигидан шоир ғурурланади. Аждодлар ютуғини бирма-бир санаб, кибр-ҳаво қўланкасида беҳуда депсиниб мактанишдан тамоман йироқ. Аксинча, ўтмиши улуғ саналган миллатнинг келажакини буюк қилиш учун аждодлар сулоласига муносиб авлод бўлиб, баракали фаолият кўрсатиш мақсадида ақл билан баҳслашишга, мардона курашишга чорлайди.

1920 йилда Бухоро большевиклар томонидан босиб олингандан кейин Баҳромбек ҳаётида қора кунлар бошланди: халқ орасида иззати катта, мавқеи баланд бўлган Таржимон сарсон-саргардонликка маҳкум этилди, бошидан кулфат булутлари аримади. Тақдири таҳқир таъқибига тушган шоир машаққатлар гирдобиди қолди, кундалиқ турмуш ташвишларини бартараф этиш мақсадида астойдил меҳнат қилди: турли идораларда ишлади, кун кўриш илинжида слиб-югурди, аммо пешонасига битилмаган – асли тақдир китобида номи ҳам ёзилмаган ўша бахт унга юз очмади. Баҳромбек Давлатшоҳ ўғлидай истезодли ва маърифатли инсон ғолибликнинг омонат шохсупасига кўтарилган шўролар сиёсатининг миллий қадриятлардан йироқ мафқураси талабларига мослаша олмади, тазйиқлар исканжасида азоб-укубат тортиб яшади. Баҳромбек Давлатшоҳ ўғли Таржимон 1933 йилда вафот этди.

Каттақўрғон ва унинг яқин атрофларида яшаган шоирларнинг асарларини тўплаган Абдулхамид Мажидий аҳоли орасида Таржимон, шунингдек, ҳали шухрати элга ёйилмаган шоирларнинг қаламига мансуб ижод маҳсуллари ҳам сакланиб қолганлиги тўғрисида маълумот берган.

Масалан, Таржимоннинг 1905 йилда туғилган Ойша исмли қизи ота изидан бориб, Ойшабону, Масрур тахаллуслари остида ғазаллар битган.

Шўролар сиёсати туфайли 70 йил давомида шоирнинг юртида ўз ватандошлари унинг шеърларидан бебаҳра қолишди. Таржимоннинг ҳаёти ва ижодий фаолияти чуқур ўрганилиб, адабиётшуносликда ўз илмий баҳосини олган эмас. Ҳолбуки, унинг адабий мероси тадқиқ ва тарғиб қилишга муносибдир.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошлари бирмунча мураккаб ва зиддиятли даврдир. Ўзаро ички низолар туфайли машаққатли ҳаёт кечирган халқнинг аҳолиси Чор Россияси босқинидан кейин янада оғирлашган. Зарафшон водийси аҳолисининг қувончли кунлари ҳам, кайғули дамлари ҳам Мирзо Салимий, Ожиз, Таржимон, Олим Девона, Нодим Зиёвуддиний ва уларга замондош шоирлар ижодида ўз аксини топганки, бу XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошлари Зарафшон водийси адабий муҳити ҳамда шу ҳудуддаги ижодкорлар тўғрисидаги тасаввур доирасини кенгайтиради.



**Уламолар дунё тургунча туради, зарчи  
ўзлари бўлмасалар-га, қалбларга сиймола-  
ри яшайверади. Чунки амалнинг фойдаси  
қарат кишининг ўзига, илмнинг манфаати  
эса ўзига ва бошқаларга.**

**Абу Лайс САМАРҚАНДИЙ**



**Фармон ТОШЕВ**

## **Асл ошиқ сурур топгай синовлардан сафо истаб**

\*\*\*

Дейдилар кўнгилда ўлмас ҳеч қачон орзу-умид,  
Солмагай дилга сира васваса, кутку умид.

Сўнг казо онида ҳам қўймагай кўз юмгали,  
Бўлса гар қалб тўрида бир илинж – инжу умид.

Кибр ила ҳаддин зиёд орзу-ниятни айлама,  
Билъакс, етмай қўлинг бўлмасин кулгу умид.

Аслида ўтгай наслдан: ҳам ота, ҳам онадан,  
Фикрату шуурга зеб – завқу сурур, туйғу умид.

Иштиёқ фурқатда ҳам, узлатда ҳам куч бергуси,  
Танда жўшган шавк ўти, ботиний кўзгу умид.

Ташласа гардун магар ногаҳон ғам ичраким,  
Сабр ила тоқат учун куч йиғар урду умид.

Алдагай гоҳи сароб янглиғ кўзинг хою хавас,  
Бермагил ҳирсинга эрк, алдамчи у жоду умид.

Қишда қор, ёмғирни кўклам қизғанур баъзи киши,  
Этмагил хотирни жам, сўнмасин ўтру умид.

Фармоно, юргил хаётингда ишонч бирла мудом,  
Толеинг ойдин қилур шамс каби мангу умид.

---

*Фармон ТОШЕВ – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. 1954 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетининг ўзбек ва тожик филологияси факультетини битирган. Унинг “Қарнабчўл кўшиғи”, “Умрнинг ўртаси”, “Отамнинг сабоқлари”, “Бедаво кўнгли”, “Мен англаган ҳақиқат” номли китоблари нашр этилган.*

\* \* \*

Эй фалак, асло менга нодонни ҳамдам айлама,  
Кўп эмас, улфат этиб бир лаҳза, бир дам айлама.

Бермасанг майли амал, тожу тахт қилмас вафо,  
Мартаба, иззат ва обрў иқболидин кам айлама.

Ҳар не топгаймиз нуфуз, билгилки, халқнинг меҳридур,  
Эл-улус олдида, асло, бошим эгиб ҳам айлама.

Гоҳида яхшида ғам, нокаса ишрат кўрмишам,  
Яхшиларни йиғлатиб, нокасни хуррам айлама.

Бахт келур, давлат келур чопса йигитнинг омади,  
Бошима андуҳларинг кўш айлама, жам айлама.

Ошиқ аҳли ўртанур ёрнинг висоли ҳажрида,  
Ишқ яросига соғинчни боз малҳам айлама.

Ҳар кишининг бағри бут дўсту қадронлар билан,  
Сухбатларига етказу кўзларим нам айлама.

Фармоно, шавк сўнмасин, тарк этмасин зинҳор ният,  
Лаҳзалик мушкулни минбаъд бир умр ғам айлама.

\* \* \*

Санам, не кўрди бу кўнгил сенингдек дилрабо истаб,  
Наҳот умрим бўлар охир самарсиз муддао истаб?

Бани ошиқки кўргаймен, жунун янглиғ дили хаста,  
Қабир саҳросида кезгай висол истаб, вафо истаб.

Муруватни дариг тутқайму тақдир бедаволардан,  
Кўзи гирён ошиқ маъюс, ки, дардига даво истаб.

Кўриб гардун томошасин бўлиб хайрона тургаймен:  
Бировларга бақодин наф, биров сарсон фано истаб.

Наволар истаюр кўнгил, саболар истаюр кўнгил,  
Муҳаббат истаюр кўнгил саболардин наво истаб.

Баланд тут кадрина ишқнинг, сен, эй Фармони фархунда,  
Асл ошиқ сурур топгай синовлардан сафо истаб.

\* \* \*

Ишқ недур, ёр кўйида девонавор бўлмасанг,  
Интизор васлин кутиб, соғиниб, зор бўлмасанг.

Кенга кенг дунё аён, этмагил феълни ғариб,  
Завку шавк бўлгай хабиб кўнгли тангу тор бўлмасанг.

Яхшига қалбингни оч, оч дилинг мардлар учун,  
Дўст бўлур хатто ғаним сенки маккор бўлмасанг.

Бул ҳаёт завқи ширин, шавқию гашти билан,  
Занг босур туйғуларинг лаҳза бедор бўлмасанг.

Чоғлагил дилни мудом, боғлагил белни мудом,  
Эл сира фарзанд демас, элга дастёр бўлмасанг.

Ҳар не ростни ҳам дема, аҳли мажлис ичра сен,  
Панд егайсан оқибат, гапга тайёр бўлмасанг.

Фармоно, умринг абас, ҳеч киши ёд айламас,  
Сен магар ушбу Ватан, юртга даркор бўлмасанг.

\* \* \*

Хўп ярашмишдур гўзалга шундайин коп-қора соч,  
Ё фалак инъомидурму, ҳаёму дилдора соч?

Бир ўрим туйғу каби титроқ солодур жисмима,  
Ром этиб кўзни, кўнгилни айлади садпора соч.

Бир силаб қўймоқ умидида ўтиб бўлди умр,  
Васлига соғинтириб, кўп килди, вох, овора соч!

Ошиқ аҳли таърифин хўб бетиним этди, ва лек,  
Қадрига маъшуқадек ҳеч етмади бир бора соч.

Бир замон дарё эди, ох, кўрк эди, зебо эди,  
Энди-чи, ошиқ деди: – О, ғарибу бечора соч!

Фармоно, ростин дегил сен зулфизар кизларгаким,  
Ҳеч ярашмайди бино қўймоқ солиб бозора соч.

\* \* \*

Тақдирингга бер жило инсонга хос,  
Маънисиз кечган умр нодонга хос.

Гоҳида боёнда ҳам кўзёши кўп,  
Ўйлама бекам умр шоёнга хос.

Гар фаромуш бўлса ҳар не эзгулик,  
Оқибат дилда қолур армонга хос.

Учраган ҳар бир гўзални ёр дема,  
Ишқи ботин оқила жононга хос.

Сарбаланд эт шу Ватан туфроғини,  
Юртни севмак, дейдилар, иймонга хос.

Ҳар йигит қадрин топар лафзи ила,  
Тантилик, бир сўзлилик мардонга хос.

Юрт-улус шаъни улуғ мақсад эрур,  
Жонфидолик эл аро виждонга хос.

Шоиро, сатрингга сол қалбни мудом,  
Эл десин, ушбу калом Фармонга хос.

\* \* \*

Барча хислатлар аро нодир ҳаё,  
Беҳаёда бўлмағай зоҳир ҳаё.

Ботиний қудратда у офтоб гўё,  
Аҳли дониш қалбида ҳозир ҳаё.

Маъшуқа андишаю одобида  
Беназир, ноёб сеҳр, соҳир ҳаё.

Хулқи покларда баланд кадри унинг,  
Бахш этишга элга шаън қодир ҳаё.

Гарчи ишқ ботинда дилга ўт солур,  
Сабр ила соғинчда моҳтобдир ҳаё.

Оташи сирли нигоҳлар ичра, о,  
Туйғуким, монанди йўқ – сойир ҳаё.

Етти иқлимда элимга эътироф,  
Бағрикенглик ҳам лутф ёрдир ҳаё.

Фармоно, арзир магар фаҳр айласанг,  
Ўзбегимга ному имзодир ҳаё.



Азим СУЮН

## “МЕН ҲЕЧ КИМ ЭМАСМАН ЎЗИМДАН БЎЛАК...”

Ўтган асрнинг 70-йиллари ўрталарида адабиётимизга гулдурас овоз билан кириб келган шоир Азим СУЮН ўзининг илк китобини “Менинг осмоним” деб номлаганди. Бу ном ўз вақтида кимларнинг ҳайратига сабаб бўлган: қанақасига “Менинг осмоним?..” Осмон битта бўлса...

Азим Суюннинг ижод қилиши тартиби жуда қизиқ. У кичкинагина ҳужрада яшайди. Қўнғир айиқ териси – пўстак кўрпача устида дам олади. Оқ бўри териси пўстаги устида ўтириб ижод қилади. Хоббиси – ов. Ўрта Осиё тоғларини, ўрмонларини, дашту саҳроларини кўп кезган. Аслида ов баҳона. Шоир овни ўлжа – гўшти учун эмас, гашти учун яхши кўради. Яқин дўстлари айтганидек, Азим Суюн овчи, аммо кўнгил овчиси. Севган қуши – бургут. Азим Суюн Ватан, табиат ва муҳаббат шоири. У заминни, инсониятни бир бутун ҳолатда кўради. Замин тақдирини ўзининг тақдири деб билади.

*Эй дўст!*

*Ёлғиз турна юлдузларга дўнмоқ истайди,*

*Афсус, унинг қанотлари ярадор.*

*Ёлғиз турна Она Ерга қўнмоқ истайди,*

*Лекин унда яралаган кимса бор...*

Шоирнинг дунё юзини кўрган йигирмадан ортиқ шеърый китоблари, публицистик асарларида бир руҳ устувор бўлиб қолди. Ва бу руҳ асрлар дарёсида тишиб этилган, халқона донишмандликнинг гўзал намуналари бўлган, илдиздан япроққача миллий мағизга тўқ шеърый асарлар бўлиб, китобхонлар қалбига қўчди. Бугун ҳам ишдат билан ижод қилаётган устоз шоиримизга адабиёт, ижод, шахс, жамият, табиат хусусида саволлар билан мурожаат қилдик.

**Башорат ОТАЖОНОВА:** – Устоз, шеърларингиз билан яқиндан таниш бўлган мухлисларингиз болалигингиз ҳақида ёруғ хотираларга эга бўлади.

Азим СУЮН – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. 1948 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Шоирнинг “Менинг осмоним”, “Зарб”, “Замин тақдири”, “Хаёлот”, “Зиё йўли”, “Жавзо”, “Олис тонглар”, “Қуйганим-суйганим”, “Сарбадорлар”, “Қора кўзинг сенинг”, “Сайланма”, “Ўзлик”, “Шарқ ҳикмати”, “Эй дўст”, “Ватан фасллари”, “Муҳаббат ҳайратлари” китоблари нашр этилган.

Тоғ табиатига хос бўлган чизгилар кишини энтиктиради. Сухбатимиз аввалида болалигингиз, болалигингиз ўтган жойлар, хотираларингизда қолган воқеалар тўғрисида гаплашсак.

**Азим СУЮН:** – Ёшим ўтган сайин болалигим менга яқинлашиб келмоқда. Кўпинча унинг хаёллари билан яшайман. Сийратимни-да, суратимни-да ёлқинлантириб юборади хотиралар.

Жанубдан Зарафшон водийси билан, шарқдан Сангзор дарёси водийси ва шимолдан Қизилкум чўллари билан чегаралаган Нурота тизма тоғлари икки силсиладан иборат: Оқтоғ тизмалари ва Қоратоғ тизмалари. Қоратоғ тизмаларининг энг баланд нуқтаси Заргар чўккиси. У Ҳаётбоши ҳам дейилади. Унга ёндош Паррандоз ва Бешбармоқ қояларининг Самарқанд тарафидаги сув оқими бўйлаб жойлашган Накурт кишлоғида – биринчи ва ягона овлоқ Тошқўрғонда – Мирзақўрғонда ўсиб улғайганман. Ота кишлоғим ҳам, она кишлоғим ҳам – Накурт!

Киндик қоним эса Накуртнинг шундоқ тугашидаги Кўлтўсиннинг бикинида жойлашган Қудуқча кишлоғида тўкилган. Ота-онам кенг адирларда кўкламги бўғдой экиш ишларига тайёргарлик кўриш учун Накуртдан у ерга бир-икки ойга кўчиб энишган ва мен вақтинчалик мақонимиз ертўла-уйимизда дунёга келгач – қирқ қулниқ чақалоқлигимда тагин Накуртта қайтишган.

Исмимни бобом Суённинг қудуқчаллик тожик ошнаси Мирзаҳамдамнинг кизи Маърифат “қатта бой” бўлсин деб, Азимбой қўйган экан.

Бешбармоқ ва Паррандоз булоқлари Қарисой ва Қоранғулсойни ҳосила қилиб, Қўшилиш деган ерда қўшилишиб, Накуртсойни ташкил қилади. Накуртсой эса йўл-йўлакай бир қанча қатта-кичик дара-камарлар ҳамда Гарашасой суви ила қўпайиб, Тўсинсойга қўйилади. Кўлтўсиндан “Тошкент – Маржонбулоқ – Самарқанд – Челак – Пайарик – Зармитан – Қўшрабат – Нурота” йўли ўтади. Ана шу йўл Накуртни дунё билан боғлайди.

Накурт кишлоғи тарихига оид бир ҳужжат билан танишганман. 1888 йил бухоролик шоир Жоний Накурт орқали Ухум кишлоғига (Бешбармоқ ва Паррандоз қоялари ўртасида уловийўл бор) ўтади. У йўл харитасини чизиб қолдирган. Накуртни Наҳрруд, Наҳғруд шаклларида ёзган ҳамда кишлоқ ҳокимини (у пайтлари кишлоқ оқсоқолини ҳоким деб аташган, шекилли) тилга олган. Шоир Жоний Накуртта келган йили отам Олимнинг отаси Суёнбой, яъни менинг бобом туғилган.

Мирзақўрғонда боболарим Суён, Ирзоқул, Юсуф, Қозоқбой, Мустафо, Расул, Қодир, Дехқонбой, Жумабойлар ҳаёт кечирган. Битта тоғ камарида – дарасида – битта қўрғонда – битта оила бўлиб яшаш... ҳозир буни тасаввур қилиш қийин. Бу қатта оилага отам Олим Суён ўғли ҳам уйланиб, алоҳида оила бўлиб қўшилган. Мен боболаримнинг фарзандлари билан бўй талашиб ўсдим. Қун кечириш оғир эди. Аммо шундай қатта оилани менинг ота тоғларим неъматлари асраб қолган бўлса не ажаб?!



**Башорат  
ОТАЖОНОВА**

*Башорат ОТАЖОНОВА – 1986 йили туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетини тамомлаган. 2003 йили республика ёш ижодкорларининг Зомин семинарида “Юксак бадиий тасвир воситалари учун” номинацияси қолиби бўлган.*

Суюн бобом 1959 йилнинг олча пишигида дунёдан ўтди. У отамга аждодлари шажарасини ёзиб қолдирди. Отам ўз навбатида менга ва тўрт укамга узатди. Мен ким, Азимбой (Азим Суюн), Азимбойнинг отаси мулла Олим (1907-1983, 15 январь), Олимнинг отаси мулла Суюн (1888-1959), Суюннинг отаси Мирзабой, Мирзабойнинг отаси Норбой, Норбойнинг отаси Қўйгелди, Қўйгелдининг отаси Оллоёр, Оллоёрнинг отаси Акад, Акаднинг отаси Аширмат, Аширматнинг отаси Суюшхўжа, Суюшхўжанинг отаси Чурагаймирза, Чурагаймирзанинг отаси Шомонмирза, Шомонмирзанинг отаси Бегихийро, Бегихийронинг отаси Холмат, Холматнинг отаси Чўянқалтак, Чўянқалтакнинг отаси Қирошар! Туб бобомизни Ўзгон деган туркий авлиё дейишаркан.

Асли боболаримиз Туркистон томонлардан бўлиб, улар Қашқадарё томонларга хижрат қилишади. Қашқадарёдан Хатирчининг Олтинсойга кўчишади. Олтинсойдан Мойбулоқнинг Ёнбош кишлоғига, ундан Қўшработнинг этагидаги Октепа деган жойга ўтишади. Октепадан Накуртга биринчи бўлиб Оллоёр бобомиз кўчиб чиққан. У момомиз Турсун бойбича билан бу жойларни макон тутишганда чангалзорларни ўроқ ва қиличлар ила зўрға очиб йўл топиб юришган экан.

Хуллас, отамнинг қирқ ёшида тилаб олинган фарзанди камина беш-олти ёшимданок унинг инжиқ ҳамроҳига айланганман. Гап шундаки, отам катта саводхон бўлишига қарамай “қулоқнинг ўғли” бўлганлиги учун мажбурий равишда унга чўпонлик таёғи судратилган эди. У пода боқарди. Кечаю кундуз мол орқасидан юрарди, мен эса ундан ажралмасдим. Бирга тоғу тош, дала-дашт, қир-адир кезардим. Ана энди, ўша беш-олти ёшимданок бахшиларнинг, сўзонларнинг, чўпон-чўликларнинг, йилкичиларнинг, овчиларнинг, гўяндларнинг, мўлтониларнинг, йўловчиларнинг, тоғ ишкибозларининг афсунлар тўла ғаройиб турли-туман хикояларидан, суҳбатларидан, гурунгларида баҳраманд бўлганман.

Менга бора-бора отам билан пода – қорамол орқасидан юравериш малол келиб, Суюн бобомнинг паноҳига ўтиб кетдим. Унинг хикояларини эшитиш мароқли кечарди. Бобом Бухорода Мирараб мадрасасини битирган, “қулоқ, диндор унсур” бўлиб, гоҳ қочиб, гоҳ тутилиб сургунда юрган ва не-не савдоларни бошидан кечириб, Накуртга қайтиб келганди.

Мулла Суюн ўрта бўйли, елкалари кенг, бармоқлари йўғон-йўғон, кўкиш соқолдор, бақувват киши бўлиб, қалин қошлари остидан ўткир кўзлари одамга тика боқарди. Отамнинг онаси – знам аллақачон вафот этган, бобом ундан кейин ҳам уйланган, аммо у ҳам бир ўғил, яъни отамга ука қолдириб дунёдан ўтганди. Бобом ана шу Тиловқобил билан бирга турарди.

Бобомнинг овуноғи турли-туман арабий, форсий ва туркий китоблар, ов ва мен эдим. Унинг ўн иккинчи кўшоғиз ов милтиғи бўларди. Унга Кондрат деган ўрис мен билмаган олис юртлардан ўқ-дори, замча, патрон ва бошқа керакли нарсаларни ойда, йилда олиб келиб берарди. Кондрат, чамамда, овчи эди. Аниқ эсимда, бобом унинг олиб келган нарсаларидан фойдаланарди-ю, аммо у билан на чой-пой ичарди, на бирга овга чикарди.

Ў, у йиллар... Шом тушиши билан бобомнинг қорайиб кетган уйига (уйнинг ўртасида тош ўчоқ бор эди) суҳбатталаб кексаю ёш йиғиларди. Лампачирок липиллар, киш кечалари ўчоқда тараша чўғи ловуларди. У Аҳмад Яссавий “Ҳикмат”ини ўқиганда бутун олам унутиларди. Китобхонликлар, суҳбатлар, гурунглар гоҳида тонггача давом этарди. Эҳ-хе... бу кечаларда нималар сўзланмасди, нималар эсланмасди.

Бобом вафот этганда худойисини ўтказмоқчи бўлдик. Сўйиш учун бир чоғроқ серкани топдик. Одам тумонат. Мен тенгдош амаким, жўрам Олтибой билан уч-тўрт эчкимизни қайтариб келмоқчи бўлиб, Жайловча деган камарга кетдик. Не кўз билан кўрайликки, бир алкор чивин қўриб ётган экан, узокдан кўрдик. Иккаламиз ҳам Дехқонбой бобомни –

мулла Суюннинг укасини – кирағай мерганни чакириб келиш учун югурдик. Дехконбой бобом тезда милтиқни ўқлаб чикди. Бордик. Алқор бизни кўриб югуришга тушди... Ўқ еган, оксоқ экан. Уни Олтибой билан уй-кўрғон тарафга қувдик. Хуллас, оксоқ алқорни чорбоғ тарафга хайдаб келдик. Алқор отилди. Худойини ўтказдик. Одамлар “Бу алқорни ҳам катта илм эгаси, ҳам имонли овчи Суюннинг худойисига Худонинг ўзи буюрган”, дейишди. Ким билади, балки бу гапларда жон бордир...

Хуллас, менинг болалигим, ўсмирлигим, ёшлигимнинг кўп қисми Нурота тизма тоғларини гоҳ пиёда, гоҳ уловда, гоҳ милтиқ кўтариб, гоҳ салтанг ишқибозлик ила кезишда ўтди.

Шуни айтишим керакки, Нурота тизма тоғларининг, айниқса Қоратоғ хайвонот олами ғоят турфа, ўсимликлар дунёсига бой, жонзотлари, парранда-даррандалари, газандаларию чаррандалари мўл-кўл. Бу тоғларда мўъжиза аталмиш кўзойнакли илонларгача оёғинг остидан ё бир дарада дафъатан ёнингда пайдо бўлиши мумкин.

Бундай кезишлар, ишқибозликлар мени хануз тарк этган эмас. Кўриб-кўриб кўзчил бўласан. Ўйлаб қарасам, жуда кўп ғаройиб воқеаларни, саргузаштларни бошдан кечирган эканман. Кўзларим кўриб, қулоқларим эшитган экан. Кейинчалик булар жуда-жуда асқотди.

...Тўққиз ёшимгача қайлардадир мактаб борлигини, уларда болалар ўқишларини билмаганман. Тўғри, китобни билганман, кўрганман, лекин китоб фақат мулла Суюннинг уйидагина бўлади, уни фақат катта отам ва отамгина ўқий олади, деб ўйлаганман. Бу китоблар Қуръони Карим, Яссавийнинг “Ҳикмати”, “Чор китоб”, Навоий, Бедил, Хувайдо, Машраб, Сўфи Оллоёр, қандайдир “Муаммо”, пайгамбарлар, жангномалар ҳақидаги китоблар эканлигини кейинроқ билганман.

## ТОШКУЛБА ТОКЧАСИДАГИ КИТОБЛАР

*Бобом тошқулбасининг  
токчасида доимо  
китоблар бўлар эди:  
“Ҳикмат”, Машраб, Хувайдо.  
Навоийу “Чор китоб”,  
Бедил, Сўфи Оллоёр,  
“Қуръон”нинг елкасини  
силаб турарди девор.  
Ўқимасдим уларни,  
чунки ўқий олмасдим.  
Лекин бобом, отамни  
ўқитмасдан қолмасдим.  
Бобом “эски” эди-да,  
Отам ҳам эди “эски”.  
Қалбимга кўр берарди  
аммо шу “эски-туски”.  
О, қишки кечалар...  
Чўғ –  
бозиллар тошўчоқда.  
Қориннинг қайғуси ҳам  
унутилар бу чоғда.*

Қулогим қирқта бўлиб  
 тинглар эдим, тинглардим.  
 Тогдан ҳам олисларда  
 бир дунё бор – англардим.  
 Оҳанглар тараларди  
 қандайдир осмонлардан,  
 ўзига чорлар эди  
 қайси бир маконлардан.  
 Инига дуд кўйилган  
 тулкидай ҳолда эдим,  
 инидан қандай бўлса  
 чиққудайин юрагим...  
 Онаминг китоби ҳам  
 бўлар эди уч-тўртта,  
 уларни сақлар эди  
 бўғчасида – бир четда.  
 “Алпомиш”, “Гўрўгли”ни  
 онамга ўқитардим,  
 гоҳида қаҳ-қаҳ уриб,  
 гоҳида йиғлар эдим...  
 кейин кетдим мактабга,  
 Кейин кетдим бош олиб...  
 Бугун ўзимни баъзан  
 урсудайман тош олиб.  
 Ўтди-кетди ҳаммаси,  
 ўтди-кетди “ялт” этиб.  
 Уларнинг хизматини  
 қилолмадим ялчитиб.  
 Юрагим тўла армон,  
 ўзим ёзаман китоб.  
 Чин – ёлгонин билолмай  
 қалб ипи ташлаган тоб.  
 Уйқу элитар тез-тез,  
 хаёл тез-тез опқочар,  
 Фирқўқлар қайда экан,  
 Қайда экан Бойчибор?..  
 Тилим-тилим тоғ бағри,  
 бир четида тошқулба,  
 Тошқулба ҳам деб бўлмас,  
 шундоқ ётган хароба.  
 Бунда йўқ тошўчоқ ҳам,  
 бозилламас бодомчўғ.  
 Бари бўларди, аммо,  
 Азимбой... ҳў... бола йўқ.

МАКТАБГА БОРИШИМ КИЗИҚ БЎЛГАН. Бизнинг Мирзақўргондан ўн беш километр чоғли этакда етти йиллик мактаб бўлган. Ўқитувчилар орасида шундай суҳбат кечган: “...мулла Олимнинг бир ўғли бор, катта отаси мулла Суюн билан

тоғма-тоғ юради, деб эшитганмиз. Ёши нечада экан?.. Катта йигитча бўлиб қолган дейишади...”

Бир куни бир киши уйимизга келди. Бир тўп бола қағати (ғалвир) ёнғок дарахти устида ўйнаб юрардик. У киши бизга яқинлаб келди, салом бердик. Қайсингнинг отинг Азимбой, деди. Мен ёнғокдан тушиб, унга яқинлаб бордим. Ёшинг нечада, деди. Тўккизда, дедим. Мактабга бормайсанми, сенинг тенгдошларинг ўқишяпти, ўқишинг керак. Истасанг ҳозирок олиб бораман, деди.

Хуллас мен мактабга бордим. Янги ҳаёт бошланди...

Ўша киши – биринчи ўқитувчим Қирқийигит Абдулҳакимов эди. Ундан бир умр миннатдорман. Овлоқ тоғларда юраверганимда нима бўлар эди?..

**ҲАЁТ ЙЎЛИМ ОСОН, РАВОН КЕЧГАН ЭМАС.** Тўртинчи синфда мактабдан ҳайдалганман. Бу пайтга келиб отам мактабга унча узоқ бўлмаган жойда икки хонали кулба қуриб, оиламизни Мирзақўрғондан олиб чиқиб кетган ва Исломохун бобом билан кўшни яшар эдик. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг раиси, муфти Усмонхон Алимов ҳазратларининг отаси машҳур Темурхон эшон ҳам Исломохунникига тез-тез келиб меҳмон бўларди, тонготар суҳбатлар қуришарди. Мен уларнинг қўлбола дастёри эдим.

Исломохун ва отам Рамазон оғи келиши билан рўза тутишар, таробех намози ўқишарди. Мен ва менга тенгдош икки-уч яқинларим билан биргаликда биз ҳам рўза тутардик, намоз ўқиб, таробехга ҳам кўшилар эдик. Бу ҳолат ўқитувчиларимиз кулонида етибди ва “Совет ўқувчиси рўза тутиши, намоз ўқиши мумкин эмас”, дея каминани мактабдан ҳайдашди. Бир ҳафта отам мактаб директорию ўқитувчиларга ёлворди... Йўқ, бўлмади! Лекин ўқишим керак! Мактабни севаман! Район (туман) газетасида шеърларим чиқиб туради. Нима қилмоқ керак? Маслаҳатчилар ҳам топилди: Рўзани ёмонлаб чиқиш керак. Уни район газетасида босиб чиқарсанг олам гулистон!..” Шу билан қутуламанми?.. қутула қолай... Мана шеър ҳам тайёр:

### РЎЗА

*О, рўза, тутдим сени, аммо мени хор айладиң,  
Кечалар уйқум бузиб, тунимни бедор айладиң.  
Баъзи гапларга учиб, куни билан юрдим оч,  
Чуриллатиб ичакларим мисли дўтор айладиң...*

Ва ҳоказо.

Шеър район газетасида дарҳол чоп этилди. Чунки ҳали Рамазон оғи тугамаган эди... Шов-шув бўлиб кетди. Мулла Олимнинг ўғли, мулла Суюндек, Исломохундек... кишиларнинг невараси Азимбой рўзани ёмонлабди. Нима қилай? Юзим шувит бўлди. Аммо ўқишим шарт эди. Мени кечирдилар, мактабга қайтдим. Аълочи эдим, синфком (сардор) эдим.

**БУНДАЙ ВОҚЕАЛАР ҲАЛИ ТУГАМАГАН ЭКАН.** Олтинчи синф ўқувчисиман. Мактабда обрўйим баланд. Бетиним шеърлар, мақолалар ёзаман, улардан намуналар ҳатто вилоят газеталаридан ташқари, “Гулхан”, “Ғунча” журналларида ҳам босилиб турарди. Шундай кунларнинг бирида бир синфдошим – кичик жуссали, кўзлари доим ўйнаб турадиган бола қишлоқнинг яккаю ягона чоғроқкина магазинидан ручка, қалам, дафтар, ўчирғич ва яна қандайдир майда-чуйдаларни деразадан кириб ўғирлабди. Ўғрининг бола эканлигини билган магазинчи тўғри мактабга келибди. Ўша бола ўғирлаган нарсаларни аллақачон ҳаммага кўрсатиб улгурган, отам олиб

берди, дея мактанган. Магазинчи ва ўқитувчилар уни билиб, тутиб олган... сен бир ўзинг ўғирламагансан, шеригинг бўлган, айт, дея кийнаб-костаган... У синфкомни – каминани “шеригим” деган. “Шоир” лигимни калкон қилмоқчи бўлган... Мени дарсдан чакириб, директорнинг хонасига олиб борди. Хонага киришим билан кучли зарбдан ағанаб тушдим... тепкилаб кетишди. Аммо ким бундай қилаётганини англамадим. Турғизишди. Қарасам, ўқитувчиларнинг бари томошабин, кўзларини менга қадаган. Бир бурчакда ҳалиги бола. Билагимни маҳкам сиқиб турган одамни ҳам танидим – Турсункул деган магазинчи. Сўроқ бошланди. Кимга нимани исботлайсан... Дунёнинг адолатсиз ўйинларини мен ўша пайтлардаёқ кўрганман.

*Қўй, ифлос сўзларга солмагил қулоқ,  
Ҳар хил изволарга бермагил қулоқ,  
Мабодо тўхматга йўлиқсанг агар,  
Ўз жойида қарор топқусидир ҳақ, –*

деб ёзганман ўшанда.

Хуллас “Ўғри” ҳам бўлдим. Мактабни йиғиштирдим. Номусга чидай олмай, одамови ҳолатига тушдим. Отам мендан хавотирланиб, тагин директору ўқитувчиларга ялиниб-ёлворишга тушди...

КЕЙИН ҲАМ... омадсизлик исканжасидан қутулишим осон кечмади. Ўқийман деб Тошкентга йўл олдим.

ТошДунинг (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) журналистика факультетига 1967 йили хужжат топширдим. Ўша пайтлар қандайдир қарор бўлган: бошқа факультетларни билмадим, журналистика факультетига Самарқанд вилоятидан битта талаба қабул қилинарди. Иккита беш ва иккита тўрт баҳо олганимга қарамасдан мандатдан ўтолмадим. Қишлоққа қайтиб кетдим. Совхозда матлубот жамияти деган ташкилот бўларди. Ўша ерга тоғам Эсонбек Мамадалиев орқали бош ҳисобчининг кичик ёрдамчиси деган ишга қабул қилиндим.

Қаранг, энди бу ерда ҳам... раисимиз бу ерга қўл қўй, у ерга қўл қўй, деб қандайдир қоғозларга имзо чектирар эди. Сенга ҳеч нарса бўлмайди, шоирсан-ку, деб кўярди. Имзо чекаверибман. Бир куни раисимиз ишдан кетди. Текширув бошланди. Қарасам, катта сумма бўйнимда. Охири яна тоғам жонимга оро кирди мени бир бало қилиб асраб қолди.

1968 ЙИЛ ТАГИН ТОШКЕНТГА КЕЛДИМ. Университетга хужжат топширдим. Фақат журналист бўламан дейман. Журналистика факультети шоирлар тайёрлайди, деб ўйлаганман. Чунки Абдулла Орипов ҳам журналистикани битирган-да. Тагин бултурги ҳол. Мандатдан ўтолмадим. Ноилож, энди уят кучидан қишлоққа бормай, Пайарик райони марказига йўл олдим. Бу ерда накуртлик Омонхон эшон бобомиз – отамнинг кадрдони яшар эди. Бундан ташқари Накуртда у кишининг ўғли Бахтиёрхон билан тўртинчи синфгача бирга ўқиган эдик (ҳозир Бахтиёрхон Тўраев фалсафа фанлари доктори, профессор).

Омонхон бобом мени ўз ўғиллари сафига қўшди. Ўғиллари нима еб-ичса, мен ҳам шуни еб-ичдим. У киши шеърлар ҳам ёзар эди. Бир сўз билан айтганда, кўнгилдош эдик. Кейинчалик район газетаси “Коммунизм байроғи” масъул ходими Омон Қувватов деган журналист ёрдами билан район маданият уйига безакчи-рассом вазифасига ишга ўтдим.

1969 ЙИЛ. ҚИШ ҚАТТИҚ КЕЛДИ. Мартнинг бошлари эди. Паспорт олиш учун Наримон посёлкасидан паспорт столи идораси жойлашган Челак посёлкасига келдим. Паспортни олиб қайтаётсам... Челак билан Наримон оралигида жойлашган Қорасув бутун бир дарёга айланибди. Эшитдим. Тожикистонда зилзила бўлган, улкан бир қоя қулаб тушган ва

Зарафшон дарёси йўлини тўсиб қўйган, шунда дарё Қорасув ўзанига йўл солган.

Ҳамма тарафда ваҳима, миш-миш. Бундай дамда қўркмай бўладими, ахир. Сойдай оқиб ётган бир ирмоқ ваҳимали, кемалар ўтиши мумкин бўлган дарёга айланса. Устига-устак, кора ёмғир ҳам шаппат уряпти...

Ўша куни бир танишимникида колдим. Иккинчи куни дарё қирғоғига чиқдим. Наримон посёлкаси томонга ўтмоқчи бўлган тумонат одам.

Кўп ўтмай битта танксимон техника, машиналар, моторли икки пором-кема, аскарлар пайдо бўлишди. Йўлнинг, аини пайтдаги дарёнинг юқорирок тарафига моторли қайиқ шатакка олган пором-кемани олиб боришиб, қирғоқдан туширишди. Йўловчиларнинг бир қисмини унга чиқармоқчи бўлишди. Одамлар ўлар-тириларига қарамай, ўзларини унга уришди. Пором-кема тўлди. Камина – чаккон тоғ бола-си аллақачон уларнинг орасида. Икки аскар моторни тариллатди. Сузиб кетдик. Тошқин – дарё ўртасига етиб келганда қўққисдан мотор ўчиб қолди. Пишқирган дарё паром-кемани лопиллатиб оқизиб кетди. Тезлиги қўрқинчли даражада ошди. Эрқагу хотин-халажни ҳаммани бирдек ваҳима, даҳшат босди. Барча талвасада, бир-бирига ёпишади. Қий-чув бошланди. Пальтолар сувга отила бошланди. Менга ҳам кимдир... пальтонгни ечиб от, деб бақирди. Камбағаллик курсин, мен пальтомни ечмадим. Уни икки йил танга йиғиб сотиб олган эдим. Ўлгим ҳам келмасди...

Ақлимни йиғиб олдим. Бу вазиятда бировга ёпишгандан ортиқ хатар йўқ. Ўзингни ҳам, уни ҳам ҳалок этасан. Биладан, йўлда кўприк бор. Кема тўғри ўша ёққа – катта қувур тарафга лопиллаб кетаяпти. Аммо кўприкнинг устидан ҳам дарё тошиб оқаяпти. Кема ўша кўприкка бориб урилиши тайин. Шу асно кўприк устига сакрайман деб ўйладим. Шундай қилдим ҳам. Одамлар фарёд қилиб, бир-бирига ёпишиб кеманинг бир четига тўшланиб қолди. Ва бу фожиага олиб келди. Кема бир ёнга оға бошлади. Кўприкка эллик метрлар чамаси қолди... Мана, зарб... кема урилди! Кема тўнқарила бошлади. Кеманинг баландлаётган жойига чиқдим узимни отдим. Кўприк устига тушдим. Кўприк четигаги темир панжарага ёпишдим. Ва тағин ўн бешга яқин киши менинг орқамдан ўзларини отиб улгурган экан, бир-биримизга қўл бердик. Бу пайтда кема бағамом тўнқарилиб бўлган эди. Қувурнинг иккинчи тарафидан ўликлар, чала жонлар қалқиб-қалқиб чиқа бошлади. Улар томон қирғоқдаги аскарлар ечинишиб, ўзларини сувга отаётган эди. Кейин... кейин вертолётлар келди. Бир ҳафта оқиб кетганларни излашди. Йигирмадан ортиқ жасад топилди.

#### 1969 ЙИЛНИНГ МАЙ ОЙИДА АРМИЯ САФИГА КЕТДИМ.

Кетмасдим. “Отсрочкам” бор эди. Ёзишди. “Азимбой ўқишга кираман, деб Совет армиясидан қочиб юрибди. Тоғаси военком, военный билет тўғрилаб берган” деб ёзишибди. Бу гаплар тўғри. Лекин нима қилай, тезроқ ўқишга кириб, шоир бўлмоқчи эдим. Ёзишганидан хафа бўлмадим. Аммо қалин синфдош дўстим отаси билан бирга ёзганидан хафа бўлдим. Тағин денг, жаннатмонанд бир тоғда ўсган қарчиғайдай йигитча, Раббим лаънатлаган бийдай чўл – саҳродаги қурувчи қўшинлари сафига тушиб ўтирса-я...

ҚИСҚАСИ, ЯНА ИККИ ЙИЛ ЎТДИ. Мактабга 7 ёшда борадиган бола 9 ёшда мактабга бордимиз? Ҳа! 2 йил ютқаздимиз? Ҳа! 2 йил ўқишга кира олмадимиз? Ҳа! Тағин 2 йил ютқаздимиз? Ҳа! Армияда 2 йил бўлдимиз? Ҳа! Тағин 2 йил ютқаздимиз? Ҳа! Бу 6 йил дегани! 6 йил ютқаздик... дегани!

Армиядан қайтиб... тағин бир қизиқ ҳолат.

Солдатликдан қайтдим. Икки чамадон икки қўлимда. Оғир-оғир. Онам бечора шовшган. Қўни-қўшнилар келган. Қариндош-уруғлар шу ерда. Мен юз ойдинликда-

ман. Жамулжам бўлганлар онамга Азимбойнинг чамадонларини очинг-чи, биз ҳам кўрайлик, нималар олиб келибди... Содда онам бечора икки чамадонни очган – иккаласи ҳам лик тўла ўрисча китоб!

АРМИЯДАН ҚАЙТИБ... хужжат топширишга улгурдим. Тагин ТошДУ. Журналистика! Тагин мандатдан ўтолмадим. Иншо ёзишимдан тўрт-беш кун олдин ўнг кўлимдан дахшатли оғрик берувчи кўм-кўк яра чиқди. Бош бармоғим остидан. Тирноғим ярим очилиб, осилиб қолди. Оғриқдан куну тун инграб йиғлардим.

Аммо имтиҳонга киришим шарт. Тагин денг, биринчи имтиҳон – иншога. Бу йил ўқишга кирмасам...

Кўлим оғригини унутган эканман, у яна бошланди. Не азобда иншо ёздим. На-тижа – “уч”. Шунга ҳам шукр қилдим. Оғзаки – “тўрт”. Домла “беш” кўяр эдим-у лекин иншонгиз “уч” экан-да, деди. Бу домла Мухтор Худойқулов экан. Тарихни “беш”га топширдим. Зухра опа исми аёл эди. Немис тилидан табиий “уч”. Хуллас, яна мандатдан ўта олмадим. Кимдир биров маслаҳат берди: солдатларни сиртки бўлимга қабул қилиши мумкин. Ниҳоят, сиртки бўлимга илиндим.

Биринчи курсдаги дарслардан бири. Серрайиб охирги партада ўтирибман. Дарс-парс билан ишим йўқ. Чунки домла Ясавийдан гапирётган эди. Холбуки, мен Ясавий “Хикмат”ининг кўп жойларини болалигимдаёқ ёд билар эдим. Отам ва бобом мулла Суён уни қайта-қайта овоз чиқариб ўқийверганидан... ёд олиб қўйган эдим.

Хуллас, олдимда бир даста шеър. Қўлёзма. Шу билан бандман. Сезмай қолибман, бир пайт дарс ўтаётган домла тепамда турибди. Бир оғиз ҳам сўз айтмай, қўлёзмаларимни олиб қўйди. Тамом, дедим, ўзимга-ўзим. Лаънати шеърлар... галва...

Дарс тугади. Ҳаммамиз чиқа бошладик. Домла менга, сиз қолинг, деди. Қолдим.

“Нега менинг дарсимга қулоқ солмадингиз? Ахир мен Ясавийдек таъқиқланган улуг шоир ҳақида тушунча бераётган эдим-ку”, – деди домла бир пайт. Мен хайрон бўлиб қолдим. Нимаси таъқиқланган? Менинг ота-боболарим фақат Ясавийни ўқишган-ку, ўқиганда ҳам йиглаб...

Мен “Хикмат”дан ўқий бошладим: “Муҳаббатнинг бўстонига булбул каби сахар чоғлар нола қилиб кўнгим келур...” Домла тек котиб қолди. Кўзлари ёшланди. “Сиз ўқийсиз!” – деди қатъий. Мен сизни Миртемир домлага олиб бораман. Мен ҳам тоғдан келганман...

Мени тақдир рўбарў қилган бу домла хокисор инсон Ботирхон Ақромов эди.

МЕН “МИТТИ ЮЛДУЗ”ДАН ЧИҚҚАНМАН... Айтганимдек, аскарлик сафига кеч кетдим. 1969 йил. Май ойи. Ўшанда 21 ёшда эдим. Қозоғистон чўлларининг бир нуктасига тушдим. Чўл, сахро, чўл, сахро. Бўй кўрсатиб турган на бир дов-дарахт, на кўзга ташлангучи йирикрок бирор нарса... Бепоён сахронинг хар жой – хар жойида қатор-қатор бараклар, ертўлалар... Яъни, аскарлар ётоғи.

Айтсам, тоғлар бағрида ўсган озод бир тоғ алқори сахрога тушиб қолса, ҳоли не кечарди? Ёки эркин бир тоғ бургутининг саҳрони ошён тутишга, ер бағирлаб учишга мажбур қилиниши тасаввурингизга сиадими? Қуларнинг бирида, ниҳоят, Ўзбекистондан менга хат, аниқроғи, дўстим Лутфулла Мамасолиевдан (Лутфулла оқибатли дўст-қариндош, яхши журналист эди. 2010 йил вафот этди. Охирати обод бўлсин!) қувончли мактуб ва бандерол келди. Хатдан олдин бандеролни очдим. Кўзларимга ишонмадим. Бу Абдулла Ориповнинг “Онажон” китоби эди. Хатни очишни унутдим – китобни ўқишга тушдим. Бу китоб менинг кўлимдан чиқиб кетди. Уни менинг ёнимдаги сафдошларим (уларнинг кўпчилиги ўзбек, козоқ, туркман ва тожик ўғлонлар эди) қўлма-қўл ўқидилар. Бу китоб оқ қоғозларга кўчди – тортилиб, йиртилиб, сочилиб кетди, аммо бир шеър юзлаб қоғозларга кўчди. Ён

дафтарларга тушди, тилларга кўчди, дилларга кўчди... Ҳатто зобитларга бориб етди, аммо улар тил билмасдилар. Мендан сўрашди:

– Бу қандай китоб? Бу нима китоб?

Мен уларга дедим:

– Абдулла Ориповнинг китоби. Биздан чиққан шоир Абдулла Ориповнинг китоби!

– Ўзбекларда ҳам шоир борми?

– Ҳа. Шоир бор!

АВВАЛРОҚ. 1965 йил эди. Камина саккизинчи синфда ўқир эдим. Ўқиш учун китоб излаб, Пайарик туманининг маркази – Наримонга (ҳозир Пайарик шаҳри) тушдим. Туман марказида каттагина китоб дўкони бўлгучи эди. Хуллас, чўнтагимдаги пулим “Гул ва кўнгли” деб ёзилган, ичида ўнга шоирнинг китоби жойлашган қоробка – тўпلامга етди. Ва бошим кўкка етди. Мана шу жилд ичида “Митти юлдуз” деган китобча ҳам бор эди.

Мен шеърлар машқ қилар эдим. Аммо улар шеър эдимиз ёки йўқ, бу – бошқа масала. Мен шу ёшимгача тоғ қишлоғида қандай китоб бўлмасин, қандай рисола бўлмасин, қандай газет-журнал етиб бормасин, қисқаси, кўлимга нима тушган бўлса, ўқиб чиққан эдим. Мен китоб излардим. Ўқиш учун нималардир излардим.

Китоб дўконидан чиқар эканман, автобус бекатигача китобни гоҳ тўхтаб, гоҳ суришиб варақлаб улгурдим. Ҳаяжон чўғи вужудимни куйдирарди. Бу китоб варақларида илоҳий бир тўлқин борлигини юрагимга жо қилдим. Ҳафтадан сўнг “Митти юлдуз” менга ёд бўлди.

...КЕЙИН НИМА БЎЛДИ, ДЕЯРСИЗ? Тошкент, 1972 йил. Бир кун не-не истихोलалар билан Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётига кириб бордим. Энди мен 2-босқич талабаси эдим. Бетиним шеърлар машқ қилардим. Кўнглимда бир алағдалик сезардим. Кимдир менга бир манзилни кўрсатиши керак эди. Ким у?

Нихоят, Абдулла Орипов ўтирадиган хона эшигини очдим. Унинг ўринидиги чап тарафда экан. Бир шоирона нигоҳ менга боқди. Жуда озғин, жуда хипча... Лекин кўзлари чакнок...

– Келинг, – деди.

– Абдулла ака, мен сизга шеър олиб келдим. Кўп эмас, биттагина.

Мен унга шеърни узатдим. Абдулла Ориповга қараганда мен анчагина йирикрок эдим, шекилли. Лекин унинг нигоҳида кишини титроққа солгучи бир ўт бор эди. У ҳеч нарсани билдирмасдан, гўёки оҳиста, енгил ҳаракат билан қаддини ростлаб, шеъримни ўқишга тушди. Бу “Қуёш афсонаси” деган шеърим эди. Ўқиб бўлди. Кўзларимга тикилди.

– Зинғитди, деган сўз сизларда ҳам борми? – деди.

– Ҳа, бор, – дедим.

– Яхши шеър экан. Ёзинг. Ёзаверинг.

– Устоз! Ёш авлодга сўзлаб бергудек, ибрат бўлгудек ҳаёт йўлингиз бор экан.

**Шу ерда уларга тилакларингиз, маслаҳатларингиз бўлса... дариг тутмасангиз...**

– Ёшларга тилакларим ҳам, маслаҳатларим ҳам бор. Улар, энг аввало ВАҚТнинг, ЁШЛИКнинг кадрига етсинлар! Қолаверса...

Ёш ижодкорларга 12 маслаҳат:

1. Қалбингизни ёзинг.
2. Севинг, севиласиз, севиб ёзинг, севиб ўқиласиз.
3. Табиатни донишманд устоз деб билинг.
4. Тилингизни шифокорга эмас, миллатингизга кўрсатинг.
5. Иштиёқсиз (илҳомсиз) ижодга ўтирманг. Ҳатто булбул ҳам иштиёқсиз, истаристамас томоқ булқиллатса эшитган кулоқни ланжлик қумига тўлдиради.

6. Таклиддан кўркманг, таклидгўй бўлиб қолишдан кўркинг.
7. Адабий ўғирликдан қочинг. Адабий ўғирлик мол ўғирлигидан ёмон: молни беркитса бўлади, аммо кўчирмани ҳам, кўчирмакашни ҳам беркитиб бўлмайди.
8. Гулларни яхши кўрасиз, ҳаммасини ўз номи билан атанг.
9. Сафарларга чикинг, юртлар, эллар кезинг. Китобларингиз ҳам сафарларга чиқади, юртлар, эллар кезади.
10. Адабиётга ҳукмдорлик даъвосини қилманг.
11. Чин адабиётни омма яратмайди, соврин-сарполар яратмайди. Адабиётни ШАХСлар яратади. ШАХСлар туғма истеъодлардан қора меҳнатлари, захматлари ўларок юзага чиқади. Давр эса уларни гоҳ муносиб, гоҳ номуносиб намоён этади. Меҳнатни шарафга айлантинг.
12. Дил ва Тил бирлиги, Истеъод ва Эътиқод бирлиги, Виждон ва Амал бирлиги Инсон комилигининг олий мақомларидир. Унутманг!

– Сухбатни давом эттирсак...

МЕН АДАБИЁТ УММОНИДА СУЗАР ЭДИМ.

Адабиёт қайнарди.

Шеърят қайнарди.

Бу микёс Ўзбекистон сарҳадида эмасди.

Евгений Евтушенко чегарани бузарди.

Вознесенский шеърят меъморчилигига янги ғиштлар кўярди.

Ўлжас Сулаймонов бепоён қозок даштларидан чиқиб кетган эди.

Юксак тоғларда улғайган Расул Ҳамзатов ўзга юксак тоғларни ҳам кезарди.

Қайсин Қулиев тиниқ-тиниқ чашмалар сувини ичиб, шаршара елларини сачратарди.

Давид Куфилтинов дашту ўрмонлар ёлкинида ёнарди.

Кўп ўқирдим... Тинмай ўқирдим.

Чингиз Айтматов олис элу элатлар, халку миллатлар тимсолида бетимсол бўй кўрсатарди. Ва ўзликни намоён қиларди. Мен уни прозанинг шоири, деб билардим.

Ўқирдим... Пушкин, Лермонтов, Байрон, Некрасов, Есенин, Рудакий, И Ли Бо, Умар Хайём, Шота Руставели, Саъдий Шерозий, Ҳофиз, Низомий Ганжавий, Роберт Бёрнс, Шиллер, Адам Мицкевич, Генри Лангфелло, Эдгар По, Тютчев, Шевченко, Бунин, Брюсов, Блок, Маяковский, Анна Ахматова, Пабло Неруда, Твардовский, Белла Ахмадулина, Ҳенрих Ҳейне, Данте, Шекспир, Петрарка, Лорка, Абдулла Тўқай, Абай, Шандор Петефи, Тҳокур, Нозим Ҳикмат, Махтумқули, Чўлпон, “Рамаяна”, турк шеърляти, гуржи, украин, арман, эстон, непал, латиш, литва, француз, инглиз, форс, македон, булғор, ўрис, тожик, кирғиз, туркман, қозок, қорақалпоқ, албан, озор, белорус, америка шеърляти... ўқирдим. Эҳ-хе, нималарни ўқимадим?!

Насрин жон-жон деб ўқирдим. Кундуз ўқирдим, тунлари ўқирдим, юриб ўқирдим, туриб ўқирдим, йиғлаб ўқирдим, қулиб ўқирдим, ўқирдим, ўқирдим... Толстой, Шолохов, Горький, Тургенов, Достоевский, Чехов, Гюго, Мопассан, Флобер, Эрнест Хемингуэй, Жек Лондон, Стендаль... нималарни ўқимас эдим! Сайлаб-сайлаб, сайлаб-сайламай, севиб-севиб, севиб-севмай ўқирдим!

Ўқирдим. Белинский, Чернишевский, Добролюбов... Ўқирдим. Ўзимизникиларнинг ҳам... ҳаммасини... Айниқса назми... Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи, Ҳалима Худойбердиева, Омон Матжон, тенгдошларим... ўқирдим...

– Бевосита шеърга қайтсак... Ижод аҳли шоирга, шеърга турлича таъриф беради. Сизнингча, шоиру шеър аслида киму нима?

– Илҳом билан меҳнат ялакатмағиз, бирга яратилган. Илҳом бўлса-ю, меҳнат бўлмаса, тағин денг, қора меҳнат бўлмаса, натижаси ёмон, палағда. Шеърят фидойилик талаб қилади. Албатта, аввал истеъдод. Истеъдодсиз шоир минг фидойилик қилсин – илк зинада депсиниб қолиб кетаверади. Истеъдод илҳоми ва меҳнати билан яратилган асарнинг каноти бўлади.

Кейинги йилларда мен бир нарсанинг гувоҳи бўлдим. Аёнки, мустақиллик хур фикр берди. Аммо бу хур фикр қайси бир шоирга насиб этди. Ўз тенгдошларим мисолида айтяпман бу гапни. Жуда озчиликка...

1976 йил Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида “Ёшлик баёзи” деган тўплам нашр этилган. Унда адабиётга энди кириб келаётган қирқ саккиз шоирнинг ижоди берилган. Ҳозир бу қирқ саккиз “қатта” шоир қаерда?..

Клеанф деган юнон файласуфи ўтган. Унинг бир машҳур гапи бор: “Юришни хоҳлаганни тақдир етаклайди, хоҳламаганни судрайди”.

Ижод аҳли шоирга, шеърга турлича таъриф беради.

Ҳақиқатан ҳам шоир киму шеър нима?

Азалий ва абадий савол.

Энг аввало, Қуръони Карим шеърӣ оҳангларда нозил бўлганлигини унутмаслик керак.

1988 йилнинг 31 майида Тошкентга қозокнинг машҳур шоири Ўлжас Сулаймонов келди. Мен Ёзувчилар уюшмасида ишлар эдим. Бодомзор чойхонасида ош қиладиган бўлдик. Етти-саккиз кишимиз. Ош зўр бўлди. Майи ноблар, булок суви... Сухбат қизигандан қизиди. Шеърлар ўқилди. Деярли ҳамманинг қайфи тарақ...

Ғира-шира қоронғи туша бошлади. Турдик. Кўчага йўналдик. Мен орқароқда қолдим – чойхоначи билан ҳисоб-китоб қилиш керак. Уюшманинг масъул ходими-ман, ахир. Оёқостида бир бўш пиша ётган экан. Унга суришиб кетдим, кейин жаҳл устида тепиб юбордим. Қарангки, бир четда сўрида қарта ўйнаб, ошхўрлик қилиб ўтирган тўданинг дастурхонига бориб тушди. Бари ёш-яланг. Сакраб туришди. Менга етиб келган биринчи йигит келасолиб қўлларимни орқага қайирди. Қолган саккиз йигит ҳам етиб келди. “Кечирасизлар, атайлаб қилганим йўқ, тасодиф...” – дедим шоша-пиша. Биттаси, тўхта, деди, қўлларимни қайириб турган йигитга, бу Азим Суюн-қу, Ўзбек, қачон халқ бўласан, деб ёзган шоирларимиздан. Қўлларимни бўшатди. Ҳамма жимиб қолди. Ҳалиги йигит шеъримни ўқий бошлади:

*Ўзбекнинг ўти бор, дерлар  
Ва лекин “чўп”и бор дерлар.  
Ҳайҳот, бундай эл кўрмадим,  
Бир-бирин қовлашиб ерлар.  
Ўҳ, ботириш, қайдасан?*

*Бири чиқса баланд тоққа,  
Бири тушар қулатмоққа...*

Тўғрими, деди, у менга юзланиб. Ҳа, дедим. Қучоқлаб кетди. Дастурхонга тортишди. Пиёлаларга қуйилди. Менинг шаънимга кўтаришди... Чойхоначи билан ҳисоб-китоб қиладганимда, у: “Худо сақлади, улар безорилар, нашавандлар... пичоқдан омон қолдингиз, қандай сақлади. Худо барҳак”, деб шивирлади...

Ҳа, бу ерда, қаранг, шеър жодули кучга айланди, шеър халоскор қудратга айланди. Менинг ҳаётимни сақлаб қолди.

Энди шеърнинг сеҳрига қаранг. Пушкин шеъриятига ошуфта бўлиб юрган кез-

ларим, “Бокчасарой фонтани” шеъри хотирамга ўрнашиб қолди. Кўнгил безовталиги бошланди. Пул йиғаман... кўриб келаман. 1985 йил “Қайдасан, Қрим? Қайдасан, Бокчасарой?.. дедиму кетдим. Бордим. Кўрдим. Ўша, Пушкин қандай тасвирлаган бўлса, ўшандай. Бокчасарой фаввораси. Оппок мрамор фаввора, қизил гул, кўзёшлар...

Мана, бир шеър сеҳри. Демак, шеър бу ерда сеҳр. Бу сеҳр мени йиғирма кун бутун Қримни кезишга чорлади. Пушкин юрган йўллар бўйлаб юрдим. Гўёки Пушкинга айланиб. Қора денгиз сохилларида денгизга қараб шеър ўқидим, шеър тўқидим.

Кейинроқ Лермонтов юрган йўллар бўйлаб ҳам шундай саёҳат қилганман.

“Шеър ёзаман зерикканимдан...” – дейди “Дон Жуан” асарида инглиз шоири лорд Байрон. Бу нима? Олифта гапми? Йўқ. Истеъдод қалбининг заруриятини, эҳтиёжини айтяпти у. Шеър ёзмасдан турулмаслигини, шеър ҳаёт эканини, дилини тўқмай яшай олмаслигини айтяпти.

Шарқда эса, “Шеър ёзади шоирларнинг фақири...” – дея бўзлайди баҳши Фозил Йўлдош ўғли.

Шеър захматида чидаган кимсагина шоир бўлиши мумкин, демоқда у. Шеър бойлик келтирмайди, моддий бойлик келтирмайди, маънавий бойлик манбаи, демоқда Фозил ота. Шоирлик номини олиб юришни чидаганга чиқарган, демоқда Фозил ота.

Шоир, шоир қалби олисдан кўринадиган тоққа ўхшайди. Тоғдан олисда туриб, унинг бағрида нима борлигини билиб бўлмайди. Унинг бағрида нима борлигини билиш учун тоғнинг бағрига бормоқ, у билан сирлашмоқ керак. Худди шунингдек, шоирнинг китобини бағрига босиб ўқиш керак. Унда қалб хазинасию меҳр-мухаббатини, сеҳру сирларини, ўзининг айтолмаётган, лекин айтмоқчи бўлган барча синоатларини топади инсон.

Бир дафтаримда шундай қайд бор экан:

“Жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида, рўй берадиган ҳар бир ходисага халқ адабиётдан жавоб излайди. Ўзи суйган, эътиқод қўйган шоирнинг фикрини билгиси келади. Айни чоғда, ижодкор ҳам фақат бадиий асарлари ёрдамида эмас, балки ўз ўқувчиси билан бевосита мулоқот орқали ҳам кўнглидаги гапларни ўртоқлашишга эҳтиёж сезади”.

Шоир: бу менинг Ўзим! Шеър – бу менинг ЎЗ СЎЗим!

Буюк Навоий ёзади:

*Аълоларидир нединки дерсен аъло,  
Аднолари ҳам барча аднодин адно.  
Авсатлариким, ҳеч нимага ярамас,  
Билким, нафас урмамак аладин авло.*

Қадимги мисрликларнинг ҳикмати бор: “Ким ҳаддан ташқари узокни кўрса, қалбан нотинчдир”.

Чин шоир қалби нотинч кишидир!

“Ким барча мавжудотларда ўзини ва ўзида барча мавжудотларни кўрса...” (хинд хикмати) асл шоирдир. Тагин бир хинд хикмати бор: “Агар сен доно бўлсанг, бойга, ҳукмдорга, ёш болага, кекса кишига, дарвешга, донишмандга, аёлга, тентакка ва устозга эътироз билдирма”. Аммо... уларга лозим бўлса, биргина эътироз билдиргучи тоифа бор, бу шоир.

Хуллас, Сулаймон пайғамбар айтмоқчи, “Бу – Куёш остида ҳеч қандай янги нарсанинг ўзи йўқ”.

Хуллас, “Одамнинг кимлигини ҳокимият кўрсатади...” (юнон донишманди Питтак), шоирнинг кимлигини шеъри, китоби кўрсатади.

Хуллас, “Латифа. Бир куни соф кўнгилли Амир фасоҳат ва зарофат бобида замон шоирларининг пешкадами хожа Осафийга насиҳат қилиш учун муборак тилини баёнга келтириб деди:

– Сенга ҳайронманки, ўткир зехнинг ва баланд таъбинг бўлатуриб, шеър айтиш билан кам шуғулланасан, бор вақтингни бефойда ишларга сарфлайсан.

– Шу кунларда кўпроқ шеър айтишга машғул бўлаётирман. Масалан, ўтган кеча икки пуллик шам ёниб битгунча икки юз байт айтдим.

Шунда олий ҳазрат дедилар:

– Демак, ёзган шеърларингнинг юз байти бир пул экан-да” (Хондамир, “Мақорим ул-ахлоқ”дан).

Хуллас, дўстим, уйғур шоири Азийий ёзгани каби: “Мен ҳеч ким эмасман ўзимдан бўлак!”

Хуллас, мен шеър дарахтининг шохларини эмас, илдиз-томирларини қўллари қонаб-қонаб, тирноқлари кўчиб-кўчиб излаётган шоирман!

**– Шеърларингизда Ватан кенгликлари, гўзалликлари, муҳаббат ҳайратлари устуворлик қилади...**

– Мен Ватаним – Ўзбекистоннинг энг баланд нуқтаси – Ҳисор чўққиларига, Ҳазрати Султон зирваларига чиққанман, энг ботик нуқтаси – Борса-келмас кенгликлариди кезганман. Сўхнинг марварид чашмалари сувини кўкрагимни ерга бериб, қониб-қониб ичганман. Зарафшон дарёсининг бошланиш нуқталарида “пешонамни Ойга уриб” олганман, Амударё ва Сирдарё қирғоқлари бўйлаб ов баҳона гашт-сайрларда бўлганман. Қизилдарё қаердан бошланар экан, деб арчазорлар оралаб, қорли чўққилар сари интилганман. Хўжайпоқ олтингугуртли Форбулоқларига кирганман. Сангардак шаршараси қошидаги бир ойгина қояларни қоқ ёриб отилиб чиқадиган “Жавзо суви”да чўмилганман. Кўли Куббондан юқориласангиз, Ойдинкўл бор. Шу Ойдинкўлдан ҳам ўтиб Олой тоғларига чиқиб борганман. Шундай Тошкент устидаги Фарбий Тиёншон тоғлари, кенгликларини кезишларимни айтмай қўяқолай.

Албатта, юракка босилган бу излар ижодда ўз акс-садосини бериши табиий. Муҳаббат ҳайратлари табиат гўзалликлари билан уйғунлашиб кетади. Мен гўзаллик олдидаги тилсиз қулман... Аммо ҳайратлардан кейин тили чиқиб кетадиган қулман!

**– Устоз, сиз бир қанча мамлакатларда ижодий сафарларда бўлгансиз. Улардаги адабиёт билан бизнинг адабиёт ўртасидаги тафовутни нимада кўрасиз?**

– Қайбир йили гўзал Бурса шаҳрида йигирма етти давлат вакиллари тўпландик. Ўзбекистонга қайтгандан сўнг Хуршид Даврон ёзаяпти: “Мен дўстим билан Туркия сафарида бирга бўлдим. Биз Эркин Воҳидов, Рауф Парфи билан баробар илк марта ўтказилган туркий халқлар шоирларининг анжуманларида қатнашдик. Жуда кўп давраларда шеър ўқидик, нутқ айтдик. Ана ўша кунлари Азим Суён давраларга оид шеърларини тинглаганлар, нутқларини эшитганлар нафақат шоирнинг салоҳиятига, шу билан баробар, ўзбек шеърятининг улуғворлигига тан бердилар. Турк шеърятининг оқсоқолларидан бири, “Ўзбек шеърятини туркий шеърят ичидан энг улуғи эканлигига яна бир бор ишондим”, деди.

Албатта, бундан мен фахрланаман. Менинг ўрнимда бошқа биров бўлса ҳам бу сўзлардан фахрланган бўларди. Хуршид Даврон – чин шоир. У, биринчидан, жуда нозиктаъб инсон, яхши дўст! Ҳамма давралар учун латиф шеърлари бирдек. Хуршиднинг “Тунги боғ” китобини севиб ўқийман.

Аввал ҳам, кейинчалик ҳам бир қанча давлатларда адабий анжуманларда, йиғилишларда катнашдим. Айтаверсанг гап кўп. Яна мавриди бўлар.

– **Таржимачилик соҳасидаги фикрларингизни ҳам билмоқчи эдим...**

– Хўп. Қисқагина айтаман. Навоий ўз асарларидан бутун туркий эллар, бутун мусулмон улуси, бутун жаҳон аҳли сабоқ олишини орзулаган бўлса, ажабланарли жойи йўқ!

Навоий қалб мулкининг бутун маърифий куч-қудратини билар эди. У адабиётни, хусусан, асл шеърятни, том маънода, “тарбиячи” макомида кўрган. Қолаверса, Ватанни танитиш, халқнинг бўй-бастини дунёга кўрсатиш... фақат қилич кўтарган жаҳонгирлар зиммасида эмас-ку?!

Демак, албатта, таржима керак. Фақат... манба арзиса! Манба ҳақида эса инглиз ёзувчиси Жон Драйден яхши ёзган экан: “Яхши ифодаланган фикр барча тилларда оқилона жаранглайди”.

– **Сўнги савол. Кексалик гаштини қандай сураяпсиз?**

– Бугуннинг қадри баланд. Буюк донишмандлар ҳам бугуни билан яшаб, “Эр-тага Худо пошшо!” дер экан. Ҳазрати дехкон эса: “Кетмоним кимирласа, жоним кимирлайди” демиш. Эл айтади: “Ёзнинг ювиндиси ҳам қишга ош-қатиқ”, “Энанг дўст, тананг дўст” демишлар. Бировдан олдин, бировдан кейин дегандек, ижод билан бандман. Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижод уйида етти жилдлик “Танланган асарлар”им нашр этилмоқда. Уч жилди – “Эй дўст!”, “Ўзбекюрт”, “Мен сизни севаман” – китобларим китобхон кўлига бориб етди. Тўртинчи жилди – “Тугдона” китобим нашр этилиш арафасида. “Невараларим учун ҳикоялар” китобим устида бир неча йиллардан буён ишламоқдаман. Шеърлар ёзаяпман. Менинг “гаштим” мана шу.

### *Эй дўст!*

*Йўлдан адашмадим – йўлсиз юрсам ҳам,*

*Йўлдан адашмадим – дўстсиз қолсам ҳам.*

*Оллоҳ ёзиқ қилган йўлим бор маним,*

*Ёзиқдан тонмадим – ёрдан тонсам ҳам!*

## ЙЎЛОВЧИ

Ҳикоя



Тоғаймурод  
ШОМУРОДОВ

Тракторчиларнинг бугун ҳам ишлари унмади. “Туф” деса тупук музлайди. Ер метин бўлиб қотган, ярим таноб хайдалмасдан лемех ё қайрилиб қолади, ё плуг синади. Темирга қўл урилса чиппа ёпишади. Тракторчилар тўрт киши – унча-бунча совукни писанд қилмайдиган чиниққан одамлар. Айримлари иссиқ пахталик шим, фуфайка, қалин пайтава ўраб, кирза этик кийиб олишганига қарамай, кабинада бир зумда дилдираб қолишади.

Бошпана – пахсадан қурилган, бийдек дашт ўртасидаги на туйнуги, на деразаси бўлган мана шу омонатгина уйча. Шишаси қорайиб кетган фонус хира нур сочади. Ўртадаги ерўчоқдан чиққан аччиқ тутун димокни ачиштириб, кўзни ёшлантиради. Хўжалик марказидан эллик километр узоқдаги бу тоғ участкасига тракторчилар амаллаб етиб келишганига бир ҳафта бўлди. Тоғ орасидаги кишлок ва отарлар олис бўлгани учун шу уйчада қўним топдилар. Бу участкада жамоанинг йилқилари, отарлари боқилади, тоғ этагига туташ минг гектарча паст-баланд лалми ерга ғалла экилади. Ёғин-сочин мўл бўлган йили нари борса гектаридан тўрт-беш центнер ғалла олинади. Қурғоқчилик йиллари шу ҳам йўқ. Хўжалик ер хайдаш, экиш, уруғлик, ўрим-йиғим харажатларига қуйиб қолаверади.

Тракторчилар ташвишланиб қолишди: озиқ-овқат, ёнилғи тугаяпти. Икки кун аввал хўжаликка кетган механикдан дарак йўқ. Увадаси чиқкан кўрпага ўраниб олган, ҳар хил воқеаларни кифтини келтириб айтишга уста Ғани яқинда тоғдаги кишлокда бўлган воқеани ҳикоя қилапти. Лекин бу ҳамкасбларининг қулоғига кирмайди. Уларнинг хаёли раиснинг шудгорни биринчи февралгача тугалланглар деган топшириғи билан банд. Ҳар бири камида икки юз эллик гектардан ер хайдашлари керак. Қахратон совуқ эса бунга йўл бермайди.

Ташқарига чиққан Эрназар уйча томон қоқиниб-суришиб келаётган кишини кўрди. “Механикмикан, машинаси қорга тиқилиб қолган бўлса, пиёда келаяпти-микан” деган ўй ўтди хаёлидан. Йўловчи Эрназар рўпарасига келиб қаддини ростлади, бегона киши экан. У қаршисида турган тракторчини кўриб, довдираб қолди.

– Кечирасиз! – у совқотиб қолганидан саломлашишга ҳам лаблари қовушмай гудранди.

*Тоғаймурод ШОМУРОДОВ – 1945 йилда туғилган. Самарқанд давлат педагогика институтини битирган. “Жоннинг ҳузур”, “Хотинидан қўрқмайдиган одам”, “Замин фарзанди”, “Осмон қулаган кун” каби китоблари нашр этилган. “Дўстлик” ордени соҳиби.*

Унинг аҳволини кўрган Эрناзар суриштириб ўтирмай ичкарига таклиф килди.

– Совқотиб қолибсиз, қани, ичкарига марҳамат!

Йигит бироз хавотир билан унинг ортидан уйчага кирди. Кўзи нимқоронғиликка кўникмай эшик ёнида туриб қолди. Тракторчилар “бу ким бўлди экан”, дейишгандай унга қарашди. Йигирма беш ёшлардаги истараси иссиқкина йигит, устидан қалин чопон, бошида дўппи, устидан қалин жун рўмол ўраб олган. Кўзларида аллақандай ҳадик зоҳир.

– Меҳмон, – деб қўйди Эрназар изоҳ бергандай.

– Бундай совуқда яхши хўжайин итини ташқарига чиқармайди, – деди тракторчилар бригадири Раҳмат ака. – Қандай шамол учирди, биз томонларга? Қани, ўтиринг!

– Тоғ орасидаги Тошқамар қишлоғиданман, – деди йигит хижолатомуз, ўчоқ ёнига чўқар экан. – Қўшни қишлоққа қариндошларникига борувдим, ҳали ёруғ-қу, етиб оларман, дегандим, бўрон кўзғалиб йўлдан адаштиради, даштга чиқиб кетибман...

– Ҳечқиси йўқ, омадингиз бор экан, бизга дуч келдингиз, Худо кўрсатмасин, қолдан тойиб музлаб қолишингиз, ё бўриларга ем бўлишингиз ҳеч гап эмасди, – деди Раҳмат ака.

– Мана, шоҳона бўлмаса-да, бошпана қулбамиз бор, биз билан тунайсиз, танишиб оламиз, гурунглашиб чиқамиз, эртага Худо пошшо, бир гап бўлар, – деди Эрназар.

Ҳикояси чала қолган Ғани ўчоқда қайнаб турган чойнакдан темир кружкага чой қуйиб узатди. Дастурхондаги синдирилган қотган нонни олдига суриб қўйди. Эндигина кўрпасига қирган Юсуф тракторчи меҳмон томонга ўтирилиб қараб: “Қизик!” деб қўйди. Қаттиқ совуқданми, аччиқ тугунданми йигитни йўтал тутиб қолди. Ўқчиб-ўқчиб йўталиб, анчагача ўзига келолмади.

– Мана бунга ўраниб олинг, исийсиз, – деди Эрназар унга тўнани узатиб.

– Раҳмат!

Орага жимлик чўқди. Тракторчилар унинг кимлигини суриштириб ўтиришмади. Ҳамма яна ўз ҳаёлларига берилди. Жимликни Эрназар бўлди.

– Ғани, ҳали тоғдаги қишлоқда нима бўлибди, деяётгандинг?

– Ҳа, тоғдаги қишлоқда сочи тақимини ўпадиган сулув қиз бор экан, – дея давом этди Ғани ҳикоясини эшитмокчи бўлишгандан руҳланиб. – Ой деса оғзи, қун деса кўзи бор экан, кўрган кишининг ақли шошаркан...

– Бахши бўлиб кет-е, – луқма ташлади вужуди қулоққа айланган Эрназар. – Бундай кўшиб-чатмай индаллосини айт, қўй-да!

Бошқалар ҳам қулоқларини динг қилишди. Фақат ўчоқдаги оловга кўксини тоблаб ўтирган меҳмон йигитнинг юзида ҳеч қандай ўзгариш сезилмади.

– Гапни белига тепма-да, – норози бўлган Ғани бироз жим қолди.

– Бўпти, бўпти, гапир!

– Ўша хурликнинг ошиқлари кўп экан, – давом этди Ғани. – Лекин у армияга кетган бир йигитга сўз берибди. Аммо совчилар эшик турумини бузиб келавергач, ота-онаси бошқа йигитга унаштириб қўйишибди. Қизнинг зор-зор йиғлагани ҳам отанинг аҳдидан қайтара олмабди. Энди буяғини эшитинг!

– Эшитаяпмиз, эшитаяпмиз!

– Яқинда қиз билан аҳду паймон қилган йигит армиядан қайтибди. Воқеани эшитиб ўзини қўярга жой тополмай қолибди, бечора ошиқ. Қанчалик уринмасин, севгилиси билан учрашишнинг иложи бўлмапти. Пайт пойлаб, ярим тунда девор ошиб қизнинг уйига кирибди, олиб қочмокчи бўлса керак-да.

– Офарин, жасур йигит экан, – Эрназар завқланиб гувраниб қўйди.

– Муҳаббат оташи кишини нима қўйга солмайди, – деди хўрсиниб Раҳмат ака. – Ўзингни ўтга ҳам, сувга ҳам уришдан тоймайсан.

- Бу дейман, сизни ҳам жигардан ургани бўлганми, ака, – кулди Эрназар.
- Жим бўл-ей, сен севгини тушунардидинг, – деди Раҳмат ака. – Фани, давом эт!
- Қиз ётган тўшак бошига келиб, секин... кулоғига “мен келдим, жоним”, деб шивирлабди. Кўрқиб уйғониб кетган қиз дод солиб юборибди. Бошқалар ҳам уйғониб қий-чув бўлиб кетибди. Отаси “ўғрини ушланг”, деб йигитга ташланибди. Воқеа бундай тус олишини кутмаган йигит саросимага тушиб нима қилишини билмай копти. Кейин ҳушини йигиб олгач, қизнинг отасини чангалидан юлқиниб чикибди-да, дағ-дағ титраб турган қизнинг елкасига ёйилиб тўлганиб турган сочларини тутамлаб шартта тубидан кесиб олибди. “Бу менга сендан ёдгорлик” деб уйдан отилиб чикиб, девордан ошиб ғойиб бўлибди. Ҳозир милиция кидириб юрганмиш. Унаштирилган йигит “қиз бадном бўлди”, – деб уйланишдан воз кечибди...
- Қиз мабодо сизнинг кишлоғингиздан эмасми? – Меҳмон йигитга ўтирилди Раҳмат ака. Лекин жавоб бўлмади. Йигит ўчоқ ёнида чопонга ўралиб ғужанак бўлиб ухлаб қолган эди.

– Роса холдан тойган эканми, – деб кўйди Эрназар. Кейин Фанига юзланиб китик патига тегди.

– Мабодо воқеа устида бўлмаганмидинг? Чўпчакни котириб кўйдинг-да ўзинг ҳам.

– Нима, мен ичимдан тўқибманми, одамлардан эшитганимни айтдим-да, – деди Фани ранжиб.

– Вақт ҳам алламаҳал бўлди, йигитлар, қани биз ҳам энди ётиб ухлайлик. Қайғули воқеа экан, бўлса бўлгандир, – деди Раҳмат ака ўрnidан кўзгалиб.

Йигит каттик чарчаган экан, котиб ухлабди. Тонг ғира-шира ёришганда теткиланиб уйғонди. Тракторчилар ҳали хуррак отиб ухлаб ётишарди. У шошиб ўрnidан турди-да, кўйнидаги соч ўрамини пайпаслаб кўрди. Жойида эканлигига ишонч ҳосил қилгач, оҳиста уйчадан чикиб кетди. Ташқарида совук забтига олган, изгиригн увуллаб, қор бўралаб ёғарди.



## Қи, чин ошиқни озори хатодур. Қин ошиққа жафо ҳеч нораводур.

ЗАВҚИЙ

## Нигоҳларингизда яшар нигоҳим



**Хумоюн  
ҚУВОНДИҚОВ**

\*\*\*

Сокин тун, паришон ошик хаёли,  
Қаро зулфингдайин осмонлар йирок.  
Ё Раббим, ердаги куёш мисоли,  
Кўксимни ёритар митти бир чирок.

Сокин тун, самода мохиваш ёлғиз,  
Лабимда шул ойга гуллар тутаман.  
Етти қароқчига термилиб сўзсиз,  
Мен тонгни кутаман, тонгни кутаман.

Сокин тун шивирлар, ненидир сўзлар,  
Кўкдаги малаклар чимира қошни.  
Кундузга интизор бу хумор кўзлар  
Тушида кўради олтин куёшни.

\*\*\*

Шошмагил ўйноқи шаббода,  
Ойдинларда сайр этамиз.  
Ям-яшил бедазор оралаб,  
Иккимиз пиёда кетамиз.

Юлдузли бу ойдин гўзал тун  
Бағрида синоат яширин.  
Куйлайлик мухаббат, ишк учун,  
Тинглайлик юлдузлар шивирин.

Бир гўзал ой чиккан онида,  
Уйларнинг чироғи ўчади.  
Хув, ўшал мажнунтол ёнида,  
Тунлари бўсалар учади.

Юр, энди, кетайлик иккимиз,  
Тегмайлик ошиқлар жонига.  
Шаббода олиб кет, мен – ёлғиз,  
Кўкдаги малаклар ёнига.

*Хумоюн ҚУВОНДИҚОВ – 1998 йилда туғилган. Самарқанд педагогика коллежини битирган.*



Камола  
МУСУЛМОҒОВА

## Туш

Олис уфқ. Мавжланар уммон,  
Қайлардандир таралади куй.  
Суқунатга чўмади ўрмон.  
Пайдо бўлар бир киз – парирўй.

Соҳил бўйлаб кезар жонсарак,  
Сир солланар кўзин қаърида.  
Етолмайди, югурар ҳалак,  
Кема сузар ундан нарида.

Лангарларин туширмас кема,  
Парво қилмас тўлқинлар бир бор.  
Юрагини ўртаб дард, гина,  
Кетиб борар маъюс, телбавор.

Ҳарир кўйлақ, бошда гулчамбар,  
Тушларимни кийнар ул ҳамон.  
Ҳали-хануз умидвор кетар,  
Оқ елканли кемалар томон.

\* \* \*

О, зулумот чўқар оламга,  
Юрагимга аста суқилар.  
Ёқмокликка чирок ахтарсам,  
Бўғзим узра недир тикилар.

Ўтираман беҳол сўрига,  
Тун тутади секин бўғзимдан.  
Ўзлигимга зинҳор бўйсунмай  
Отилади бир сас кўксимдан.

Қароғимга қадалиб қолган,  
Минг бир йиллик кора зулмат бор.  
Кўзларимдан сидириб уни,  
Тангрим, тонгни уйғотиб юбор.

Камола МУСУЛМОҒОВА – 1995 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетининг филология факультети талабаси.



**Баҳора  
ЭРГАШЕВА**

## Ҳануз

Ҳануз ҳаёлимда ўша табассум,  
Кўзим қорасида чакнаган олов.  
Ўтли хайрлашув бахт ила мамнун,  
Ёниб бораётган юраклар лов-лов.

Қайнок нафасдаги меҳрнинг тафти,  
Қирмиз лаблардаги кемтиккан титрок.  
Рангин ҳазонларнинг бузилмас аҳди,  
Бахтдан чапак чалган раҳмсиз фирок.

Фақат тушларимда кўрмоғим насиб,  
Балки ёнокларинг эркалар ўзга.  
Сенингдек топмадим оламини кезиб,  
Кўринмас ўзгаси беназир кўзга.

Соғинчдан дудокни яралар дурлар,  
Лойка ариқларда чўмилар киприк.  
Қайтмоғинг ғурурдан юрагим сўрар,  
Рухимни кийнагай хануз сенсизлик.

## Жасорат

Тун. Эшитилар кадам товуши,  
Бирда хорғин, бирида дадил.  
Онам топар эски ковушин,  
Қўллариди хув, кўхна қандил.

Ярим кеча. Қайнатар қозон,  
Тонгда ризким тайёр бўлсин деб.  
Атрофимда жимиралар ҳар он,  
Онагинам ором олсин деб.

Не хол, бунга бепарво онам,  
Тун багрида кимирлар тинмай.  
Деразаси синик тор хонам,  
Остонада турар эринмай.

Уйғокман ё уйку кўзимда,  
Ботар хатто юмшоқ, пар болиш.  
Сўзлар инграб борар бўғзимда,  
Лек, чиқмайди бир сас ё нолиш.

Онамдаги қаноат-сабр,  
Билсам, дўстлар, асли жасорат.  
Ярим кеча порлаган тандир,  
Олов эмас, аёл – матонат.

---

### АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

*Адабиётга бериладиган энг кўхна ва асосли таъриф – унинг адабга ошнолигидир. Шунинг учун ҳам ҳеч бир халқ адабиётдан, санъатдан айро яшолмаган.*

*Бизнинг кўхна Шарқда, айниқса, шоиру фузалолар, олиму уламолар қадимдан ҳамқору ҳамфикр бўлиб келишган. Халқ ҳам уларга эргашишган, ҳурмат қилган. Сабаби, зиё аҳли одоб ва тарбиянинг мағзини, қаймоғини халққа тутган.*

*Ўз навбатида устозу шоғирдлик адабий мактаблари яратиш аънаналари тараққий этган ва самарали фаолият кўрсатган. Ўтган асрнинг бошларини ёдга олайлик. Биргина Самарқандда Бехбудий, Ализода, Ажзийлар раҳбарлигидаги маърифатпарварлар бутун бошли бир адабиёт, маданият бешигини тебраттиди, миллий матбуот тамал тошини қўйишди. Уларнинг атрофида ўнлаб истеъдодлар жамланди, устозлар фаолиятини давом эттирди.*

*Бир муддат ўтиб Самарқанд Ҳамид Олимжону Гафур Ғуломларни, Душан Файзий, Барот Бойқобилов, Нормурод Нарзуллаев, Омон Матжонларни бағрига чорлади. Буларнинг ҳаммаси воҳада адабий муҳитнинг мавжудлиги, истеъдодли ижодкорларга ҳар доим бешик бўлганини исботлайди.*

*Масалан, бундан қирқ-эллик йил аввал, Самарқанд давлат университети қошидаги “Шалола” тўғараги қандай самарали фаолият олиб борган бўлса, бугун ҳам бу аънана давом этиб келмоқда. Академиклар Воҳид Абдуллаев, Ботирхон Валихўжаев, профессорлар Нуриддин Шукуров, Сайдулла Мирзаев каби адабиётшунос олимларнинг ҳар бири ўнлаб истеъдодларни тарбиялади. Уларнинг аксарияти бугун мамлакат танийдиган ижодкорларга айланган.*

*Қувонарлиси, бугун нафақат “Шалола” ижодий тўғараги, балки Самарқанд давлат чет тиллар институтининг “Парнас”, Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси вилоят бўлимининг “Садоқат”, Ургутдаги “Чаима”, Нурободдаги “Гулиан”, Жомбойдаги “Парвоз” тўғарақларида юзга яқин ёш ижодкорлар уюшган.*

*Ҳақиқатданам яхши аънаналар давом этиб бораверади. Бугун Самарқандда бу жараённинг натижаси сифатида жўйиқин адабий муҳитнинг мавжудлиги кўнгилга таскин беради.*

**Фармон ТОШЕВ,**

**Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган маданият ходими**



Дадахон  
МУҲАММАДИЕВ

## Кечиккан йўловчи

Поезд кетиб бўлди. Энди қайтамин,  
Кечиккан йўловчи, не кечар холинг?  
Битта чипгачию бир қоровулдан  
Бошка ҳеч кимсага келмас малолинг.

Кечиккан йўловчи, кел, мен билан юр,  
Иккиланияпсанми қайтишга ахир?  
Бир шунга қўл силтаб кетолмаяпсан,  
Поезд – тақдир эмас, пешонанг – тақдир.

Йўловчи кўнглингдан нималар кечди,  
Ҳар мусофир – меҳмон, бизнинг ақида.  
Қўшиқлар айтамин, шеърлар айтамин,  
Кечикиш ҳақида, кечиш ҳақида.

Кўнглингдан ўтганин мен ҳам сезганман,  
Зулматдан гўёки қочиб панага.  
Мен ҳам кетмасликка баҳона излаб,  
Бир ўзим қолганман чиптахонада.

Қаерга кетяпман – исмсиз манзил,  
Чиптага ёзиб ҳам булмайдиган жой.  
Кечикканинг, балки, фожиамасдир,  
Сен ҳам бебахтмассан қолиб, ҳойнаҳой!

Кечиккан йўловчи, нимани кутдинг,  
Бир маъсум боладек қулиб, жавдираб?  
Бир шарпа сезгандек сесканасан дам,  
Бир жуфт нигоҳ излар кўнглинг қовжираб.

Поезд кетиб бўлди. Энди қайтамин,  
Кел, энди, дўстимми, инимми, оғам.  
Ҳеч ким қузатгани келмади, тушун,  
Атай поездига кечиккан одам...

Дадахон МУҲАММАДИЕВ – 1989 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети магистранти.



**Наргиза  
ИСАЕВА**

## **Бегим**

Бегим, бегойимман сизга муносиб,  
 Нигоҳларингизда яшар нигоҳим.  
 Маъсума гулингиз бўлсам-да, илло,  
 Бир сизни қизғониб ортар гуноҳим.

Бегим, ранжимайман яшил боғимга,  
 Сарик япроғини тўшаган қуздан.  
 Совуқ нигоҳлардан йироқроқ бўлинг,  
 Қўрқаман дунёда юраги муздан.

Бегим, кўзларида ишқ хиром этган,  
 Сизга жони ҳадя бўлган гулман, мен.  
 Вафо, садоқатин этиб армуғон,  
 Меҳрингизга асир бўлган қулман, мен.

Бегим, юрагини қўшқўллаб тутиб,  
 Кўкдан ерга тушган хилолингизман.  
 Туйғулари булок сувидан тоза,  
 Ҳислари нурдан пок зилолингизман.

Бегим, бегойимман сизга муносиб,  
 Нигоҳларингизда яшар нигоҳим.  
 Маъсума гулингиз бўлсам-да, илло,  
 Бир сизни қизғониб ортар гуноҳим.



Муҳайё  
ХУДОЙҚУЛОВА

\* \* \*

Анхор шовиллайди. Кекса дарахтлар  
Жимгина тинглайди – умр оқади.  
Туйғулар гуллайди – қанотланади,  
Илҳом либосида кулиб боқади.

Олислар чорлайди, кетиб қолмайсан  
Куёшли диёрнинг кучокларидан.  
Кўзингни узмайсан, узаолмайсан  
Умид ва армоннинг чироқларидан.

Ҳаёт – ҳар ким ўзи чертсин торини,  
Яшамоқ завкидан узунроқ ўй йўқ.  
Турнакатор йиллар ичра баҳорни  
Йўқотиб қўймоқдан хазинроқ қуй йўқ.

\* \* \*

Оқшомда сайр этсанг, о, нақадар соз!  
Сен билан кезади кўкдаги ой ҳам.  
Қаршингда бош эгса гуллар сарафроз,  
Қалбингда қолмайди зарра ғубор, ғам.

Борлиққа боксангу кўзинг тўймаса,  
Дилда туғён урса гўзал туйғулар.  
Хиргойи қилмоққа кистаб қўймаса,  
Борлиғинг чулғаган дилрабо қуйлар.

Табиат ажойиб, сокин ва сўлим,  
Кўк узра парпираб юлдузлар ўйнар.  
Гўё майсалар ҳам бошин эгиб жим,  
Қандайдир латиф бир мусиқа тинглар.

Муҳайё ХУДОЙҚУЛОВА – 1993 йилда туғилган. Педагогика касб-ҳунар коллежсини тамомлаган. Унинг “Ватан ҳиди”, “Ҳаёт ранглари” китоблари нашр этилган.

## ЖИЛВАГАР ЗУМРАД КЎПРИК



Ойгул  
СУЙУНДИҚОВА

Таржимада сўзлар бир тилдан иккинчи тилга кўчаётганда жилоланади. Ҳар бир харф товушлари, тиниш белгилар жаранги эшитилади. Ўзгача олам яралади. Унда ижод аталмиш ҳаёт, йўллар, изтироблар, қувончлар туғилади. Тўлқинли, парку туйғулар гоҳ кўтарилиб, гоҳ сокинлашади. Юрак тубига шовуллаган чексизлик, кўзларга эса унинг мовий ранглари сингишади. Бу – бепоён само. Таржима жараёнида осмон қадар кўтарилиш юз бермаса, бариси – бекор. Ахир, бошқа тиллик шоир ёки адиб руҳияти, калби, сўзлари, дунёсини ўзиникидай юқорига кўтармоқ осонмас.

Таржима қилинаётган асарни ўз она тилида сайрата олиш учун, аввало, она тилини севиш, мукамал даражада ўзлаштириш лозим. Бу таржимондан ижодкорлик, маҳорат ва иқтидорни талаб этади. Қунлар – тунлар, ойлар – йиллар, соатлар – лаҳзаларга уланиб, асар ва муаллифни ҳис этиш, туйғулар, ташбехлар, ўхшатишлар, тасвирлар, қочиримлар, мазмун-моҳият оқими, сўзлар оҳанги билан яшаш марокли кечсагина, машаққатлар гўзал ҳосилга айланади.

2016 йилги шеърӣ таржималар қўлами ҳам ўзига хос, бой ва салмоқли бўлди. Уни бир сўз билан камраб олиш кийин. Сўзни хамиша устозлардан бошламоқ ўринлидир. Хусусан, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан Шекспирнинг Ғафур Ғулом таржимасидаги “Отелло”си, Гетёнинг Эркин Воҳидов таржимасидаги “Фауст”и, Пушкиннинг Ойбек таржимасидаги “Евгений Онегин”и, Ҳомернинг Қодир Мирмуҳамедов таржимасидаги “Одиссея”си, “Давр-пресс” нашриёти ҳам ажойиб таржима асарларини чоп этди. Булар Махтумқулининг Музаффар Аҳмад таржимасидаги “Севмишам сени”, Расул Ҳамзатовнинг Асрор Мўмин таржимасида “Аёллар кўп, она ягона” китобларидир. Уларда муҳаббат ва садоқат, Ватан ва онага меҳр, эҳтиром туйғулари баланд руҳда жаранглайди. Шу ва бошқа тўпламлар хусусида қанча гапирсак, шунча кам. Бундан ташқари, менинг кўзим тушмаган, ҳали қўлимга тегмаган қанчадан-қанча китоблар борлиги табиий. Чунки бу – ижод, қолаверса, ишлаб чиқариш ва нашр эттириш масалалари билан ҳам боғлиқ ҳолат.

Дунё таржимачилигининг бошидан келиб, охирига етиш мушқул. Негаки, бу – чексизлик. Унинг ибтидоси ҳам, интихоси ҳам – мутолаа. Қанча кўп китоб ўқилса, шунча кам.

*Ойгул СУЙУНДИҚОВА – 1957 йилда туғилган. Москвадаги М.Горький номи адабиёт институтини битирган. “Уфқлар ёнганда”, “Умр қуйлари”, “Эътиқод”, “Мен туғилган юрт”, “Зумрад томчилар” каби китоблар муаллифи.*

Йиллар ўтгани сайин мутолаа сирлари очилиб боради. Бу – энг маъқули, яъни қўлга нима тушса, шуни эмас, саралаб ўқиш зарурлигини ўргатади. Инсон умри коинот, борликда заррадай кўринар, билинар экан, унинг ҳар бир онини беҳудага учирмаслик – қобилиятдир. Бу оддий ҳақиқатда энг олий ҳикматни тушунган одамнинг қўлидан китоб тушмайди. Боси барча фазилатлар китобдандир. Шу ўринда етакчи адабий журналларимиздан бири “Жаҳон адабиёти”нинг ҳар бир сони бир китобга тенг эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Дарҳақиқат, “Жаҳон адабиёти” ўзбек таржима бойлигига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган журнал саналади. Унинг 2016 йилги ҳар бир сони “Навоний сабоқлари” билан бошланиб, ҳар бир журналхон қалбини мунаввар этди. Бунда ёш адабиётшунос олима Дилнавова Юсупова шарҳлари, Навоний ғазалларини рус ва инглиз тилларига ўтирган таржимонлар, хусусан, инглиз тили таржимонлари – Носиржон Қамбаров ва Аъзам Обид меҳнатлари қадрлидир. “Навоний сабоқлари” нафақат китобхонлар, балки ёш авлод, ўқитувчиларимиз учун ҳам бой ва беминнат қўлланмага айланмоқда.

Журнал ўтган йили ҳам бизни дунё мамлакатлари, адабиёти, шеърляти билан яқиндан таништирди. Хусусан, Куба шеърлятидаги руҳият кўлами (таржимонлар – Муҳаммадали Қўшмоқов, Ҳилола Рўзиева, Хосият Рустамовалар) ва Вьетнам шеърлятидаги нозиклик (таржимонлар – Турсун Али ва Гўзал Бегим) кўзга яққол ташланади.

Вьетнам шеърлятидан бир жуфт намуна келтирмоқчиман.

### Шафтоли гуллари

*Шафтоли ҳар баҳор бурканар гулга,  
Гўзаллигин сезиб уйғонадир Шарқ.  
Хуш ифорин илғаб чорлайди йўлга,  
Шамол, шамол бизни айлаб ёзга гарқ.*

*Ёз бўйи кетмасдир ўша хуш ифор,  
Барига “гуноҳкор” кўклам бир қуни.  
Айғоқчилик айлар қушлар-да такрор,  
Яратган-да кўкда баҳор мафтуну!*

(Турсун Али таржимаси)

### Осмон ва ер

*Самога узатар ер қўлларини,  
Осмон жуда олис  
Баландлай олмас.  
Жудалик қайғусига шўнғийди осмон  
Ер эса тебранмас –  
Олис йўллари.  
Юз йилларки ер билан осмон  
Бир-бирига ета олмайди.  
Сен билан яқинмиз: бу сенсан, бу мен –  
Қўлларингни бер.*

(Гўзал Бегим таржимаси)

Бундан ташқари, Покистон шеърляти (Азиз Саид), жаҳон шоирлари ижодидан (Дилором Абдурахмон), Сенегал шеърляти (Зулфия Мўминова, Сафар Оллоёр), Сербия шеърляти (Вафо Файзуллоҳ, Мухтасар Тожимамадова), жаҳон болалар

шеърятти (Турсунбой Адашбоев, Кавсар Турдиева, Нуруллоҳ Остон), Венесуэла шеърятти (Рустам Мусурмон), корейс шеърятти (Даврон Жаббор ўғли, Шермурод Субхон), арман шеърятти (Абдухамид Пардаев, Муҳиддин Омон, Нодира Абдуллаева), панама шеърятти (Яҳё Тоға, Хилола Рўзиева), Непал шеърятти (Сафар Оллоёр, Равшан Исоқов ва менинг таржималарим) ўқувчига ҳар бир таржимон даражасида етиб борди. Бу ерда ҳар таржимон номини келтириш шоирларимизнинг ижоди ва меҳнатига ҳурмат ифодаси, деб тушунишингизни истардим. Шу ўринда журналдаги устоз Абдулла Шернинг Михаил Светлов ижодидан, Тохир Қаххорнинг татар шеъряттини аслиятдан ўгирган таржималари ва Турсунбой Адашбоев таржимасидаги олмон халқ балладалари ўзининг энгиллиги, кўтаринки руҳ бағишлаши, маҳорат, сўз ва руҳ уйғунлиги билан ажиб таассурот уйғотади.

Михаил Светловнинг “Шеърятим” шеърдан тўрт мисра:

*Йўқ! Ҳаётим занглардан халос,  
Куним ўтмас қашиқоқлик аро...  
Мамлакатим – шеърят, холос,  
Мен – абадий унга фуқаро.*

Таржиманинг узун йўли ҳамиша китобдан бошланган, китоблар билан чароғон. Дунёда қанча халқ, миллат, элат, мамлакат, шаҳар, қишлоқлар бўлса, ҳар бирининг саноғи туганмас кўҳна ва замонавий, улуғвор ва мафтункор, бекиёс ва азиз китоблари, бетакрор кутубхоналари мавжуд. Қани энди барисини кўрсанг, ўқисанг, уксанг, бунинг учун умринг етса, қандай мўъжизаларга дуч келардинг!..

Денгизлар, уммонлар қаърида, қумликлар, барханлар, саҳролар бағрида, тоғлар, қуюқ ўрмонлар, чакалакзорларда сеҳрли, ё кўмилган, ё чўккан, ё ёниб кетган, ё яшириб қўйилган, бутунги кунда кимдир биладиган, кимдир билмай ўтиб кетадиган не-не жавахир кутубхоналар, ажойиб-ғаройиб китоблар борлигига шубҳа йўқ. Улар бутунги кунгача дунёга машҳур ва маълум кутубхоналар, китоблардан-да зиёдрокдир, эҳтимол...

Ҳар қандай шароит ва ҳолатда инсон нур – китобга талпинган, ўқиган. Дунёни таниб борган. Шу жараённинг ўзи қатта гап. Шу ердан чинакам ижод қад ростлайди, сўз, оҳанг, туйғу, фикрлар уйғунлашади, юракдан эниб, қалам учидан тўкилади. Азим китоблар адл дарахтлар монанд илдиз отади. Китоблар қайси тилда яратилмасин, тупроқдай майин, кўкдай адоқсиз, ҳаводай тоза, сувдай ҳаётбахш, қуёшдай оташин, ойдай нузли, юлдузлардай сирли...

Дунё тилларининг энг жозибали, бой, кўҳна ва ҳамиша ёшариб борувчи тилларидан бири – ўзбек тили. Ўзбек адабиётида таржиманинг бекиёс даражада асрлар бўйи юксалиб бориши, ҳозирги кунда ҳам бойлигига бойлик қўшилиб, ўзига хос жаранг сочаётганининг асоси шундан. Азиз она тилимизда яратилган дурдона асрлар нафакат халқимиз ва юртимиз, жаҳон халқлари, мамлакатларини-да ардоқли маданий мероси саналиши кўксимизни гурурга тўлдиради. Ижодда сўз бойлиги муҳим ўрин тутади. Хусусан, таржимачилик биз билгандан, ўқиб-ўргангандан-да қадимийроқлиги сир эмас.

Чунончи, сеvimлик ва ардоқли “Шарқ юлдузи” саҳифаларидаги жаҳон адабиёти дурдоналари билан танишиб бориш доимо завкли. Журнал 2016 йилда ҳам ўз саҳифаларини қатор янги таржималар билан бойитди. Улар ичида Поль Элюар, Афанасий Фет, Пабло Неруда, Иван Бунин, Пушкин, Уильям Йейтс, Мацуо Басё, Жон Китс каби бетакрор шоирларнинг янги кирралари очилган. Бу таржималарда ўзига хослик, руҳият кенглиги, нозиклик, аслиятга яқинлик сезилади. Айниқса, устоз Рауф Парфи таржимасидаги япон хоккуларида майинлик, ифода гўзаллиги, сўзни ҳис этиш, Ғулум Мирзо таржимасидаги Иван Бунин шеърятига хос табиий-

лик ва яхлитлик ўқувчига самимий туйғулар улашади. Рауф Субхон таржимасидаги Афанасий Фет шеърида эса мусикийлик аслиятдаги каби сақланиб қолган:

*Ухламагин, кун чиқар, қара,  
Келдим бир жуфт атиргул бирла.  
Шабнам – кумуш кўзёшлар аро  
Порлаб, ором беради нурлар.*

*Кўклам чоғи чақин – чақмоқлар,  
Соф ҳаво, илк япроқ, тугунлар.  
Жимгина кўзёши тўкмоқда  
Ёқимли бўй таратган гуллар.*

Аждодларимиз хамиша илм, ижод билан нафас олишган, билим даргоҳларини бунёд этишган, дунё билимлари, тилларини пухта эгаллаб, таржимачиликнинг тамал тошини қўйишган. Таржима қилинган асарлар ҳар икки тил, икки халқ, икки мамлакатнинг бебаҳо гавҳарлари саналган. Бу йўлда билимдон олимларимиз, ҳассос шоир ва ёзувчиларимизнинг санъати бекиёс. Улар нафақат тил, балки таржима қилинаётган асар муаллифи, эли, юрти, маданияти, ҳаёти, руҳиятидан хабардор бўлишган, кези келса, кўплаб ўлкаларни кезиб чиқишган. Бу жиҳат таржима асарини беҳад гўзаллаштиради, ўқувчини мафтун этади. Китобхонга шу ҳайрат ва ҳаяжон керак.

Она тилимиз шундай қудратли, жарангдор, бойки, адабиётимиз, ўзбек таржимончилиги бардавом ривожланишда, янгиланишда. Таржимада қаламини синаб кўрмаган ижодкорнинг ўзи йўқдек. Янги овозлар, янги қадамлар, янги замон тафти, янги дунёлар юз очмоқда. Улар билан нафақат китоблар, тўпламлар, сеvimли адабий нашрларимизда ҳам юзланмоқ нақадар қувончли!

“Китоб дунёси” 2016 йилги сонларини варақлаб, ўқиб, газета шеърий таржималарга насрдагига нисбатан кам эътибор бераётганини айтиб ўтиш жоиз. Шундай бўлса-да, шеърий таржималарда кўпроқ аслиятдан ўтиришга ургу бериш ва интилиш ўқувчини қувонтиради ва яқинлаштиради. Чунки бутунги кунда нашр этилаётган аксарият таржималарда хали ҳам дунё шеъриятини аслиятдан эмас, рус тилидан ўтиришнинг тоши оғир, босиб турибди. Ушбу газетада чоп этилган Иван Буниининг Ғулом Мирзо таржимасидаги Соҳибқирон Амир Темурга бағишланган туркумдан кичик манзара парчаси, назаримда, муваффақиятли чиққан, айнан самимият ўқувчига хушқайфият бағишлайди:

*...Тонг тил-тиник, дашт кузатиб қолар сокин,  
Қизаради шафақ, ҳаво қизиб борар...  
Ва самода аргимчоқлар аста-секин  
Бир маромда йироқларга сузиб борар.*

*Қандай олис, қанча юксак бу манзара!  
Боқсанг – тубсиз зангорликдан кўзинг тингай.  
Кузинг теран осмонига тийран қара –  
Худди эриб тушаётир нақ устинга.*

Кенг китобхонлар эътибори ва адабий жамоатчилик эътирофини қозонган, таржима оламини яратган устозлар ижодига эҳтиром, ҳавас қилмоқ эзгуликка олиб боради. Уларнинг ҳар бир таржима китоби ўзбек адабиёти, хусусан, шеъриятига қўшилган катта ҳиссадир. Биз бу ўзига хос мактаблар ярагаётган устозлардан хамиша ўрганишимиз даркор. Бу муҳим аҳамиятга эга. Ижодкор учун тил ўрганиш касб эмас, маънавий

эҳтиёж, улкан бойлигига айлансагина, бу бойлик ҳеч қачон тугамайди, аксинча, тўлиб, кўшилиб, кенгайиб, таржимонни ойдин кенгликларга олиб чиқади.

Таржима – ижод чўққиси. Бу бошқа тилдан она тилимизга таржима қилинаётгандагина эмас, ўзбек тилидан дунё тилларига ўгирилиш жараёнида янада ярқирайди, товланади. Бу мураккаб ва масъулиятли жараён. Она тилимиздаги ҳар бир сўз, тиниш белгилари, моҳият, ҳаяжон, ҳайрат, тугёнлар, теран кечинмалар ифодасини иккинчи тилга кўчириш – нозик ижод. Бунинг учун фақат тилни билиш кифоя қилмайди. Таржимон асар ва тилни ҳис этиши асносида янгидан туғилиши тақозо этилади. Сатрмасатр илҳом қуйилади, сўзлар кўкдан тушаётгандек туюлади. Бу ҳолат шундай синоатки, уни тасвирлаб бўлмайди. Чунки бу ҳар кимда ўзига хос кечади. Ҳа, илҳом – ижод қуввати, унга таъриф топиш қийин. Айнан илҳомгина таржимонни осмонга кўтарди, қаламига сайқал беради. Шеърин таржима ҳамшира нозик санъат саналган. Бу, айниқса, ўзбек шеърятини дунё тилларига ўгириш ва дунёга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этади. Бу масала бугунги кунда ҳам долзарб бўлиб қолмоқда.

Негаки, бугунги кун таржимачилигида кўзга ташланадиган энг муҳим зарурат ва жиҳат – она тилимиздан бевосита таржима. Бу тилни мукамал биладиганларнигина эмас, том маънодаги таржимонлар сафини кенгайтириш, эътибор ва рағбатни янада кучайтириш деганидир. Шунинг баробарида таржимон иштиёқи баландлиги, ижодий муҳити, қобилияти ва салоҳиятини сақлаб қолиши, ўстириши муҳим омилдир. Негаки, ҳаёт доимий ҳаракатда янада қайнок ва порлоқдир. Она тилимиздан дунё тилларига таржима қилинган асарлар адабиётимиз, маданиятимиз, халқимиз, юртимиз номини дунёга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётимизда олис йўлдан то бугунги мустақиллик йилларигача кўз илғамас уфқлар, кенгликлар товланиб турибди. Таржима – эллар, тиллар, мамлакатлараро жилвагар зумрад кўприқдир. Бу кўприқдан не-не шонли асрлар гулдурас солиб ўтишган, не-не янги асрлар мағрур одимламоқда. Устозлар каломидан жилоланиб, ўз оламини яратаётган ижодкор борки, асарлари бошқа тилларда ҳам янграшини орзулайди. Таржимон таржима қилинаётган асарнинг бирон-бир сўзи, тиниш белгилари, жаранги ва оҳангига ҳам хиёнат қилолмайди. Сўз ёки жумлани олиб ташлолмайди, қолдириб кетолмайди. Ўзидан бошқа мазмундаги сўз ва жумлаларни қўшиб, асар маъносини ўзгартириб юборолмайди. Бунга ҳақки йўқ. Асар ёки шеърни софлигича она тилимизда жаранглатолса, она тилимиздаги асарларни бошқа тилларда сайратолса, ўқувчи бу китобдан бир умр айрилмайди, адабиётимизда эса ажойиб ҳодиса рўй беради.

Шу маънода ёш таржимонлар сафини кенгайтириш, фаоллигини ошириш, иштиёқ ва масъулият хиссини сингдириш зарур. Улар устозлардан ҳозир ўрганиб, уларни ҳозир кўриб олишлари ўта қимматли заруратдир. Негаки, бу ёшлар ижодидаги бойликка бойлик қўшади. Айни пайтда эса қузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, ёш таржимонлар, айниқса, шеърин таржималарда суғ ҳаракат қилишмоқда. Уларни фаоллик сари олиб борадиган йўл эса самимийлик, табиийлик, ҳалоллик, изланувчанлик ва китобсеварликда. Бунда таржимон биринчи ўринда ўзбек адабиётини теран ва чуқур билиб бориши, тилни мукамал ўзлаштириши, сара асарларни танлаб олиши муҳимдир. Юртимизнинг турли олий юртларида дунё тилларини ўрганаётган ёш ижодкор, таржимонларга буни ҳамшира уқтириш ва сингдириш мақсадга мувофиқдир. Таржима – Сўз ичида сўз, шоирда – шоир, дунёда – дунё яшашидир. Ҳар бир ижодкор қалбида яшаётган шеърятга чексиз меҳр-муҳаббат туфайлигина чинакам таржима асарлари ва таржимонлар туғилади.

Таржима йўли – олис ва ёруғ, муқаддас. Унинг охири кўринмайди. Ўзликни англаш – тилни билишдир. Бу – изланиш, ҳаракат, интилиш ва зиё. Зеро, таржимон ўз она тили, эли, ватани, маданияти, адабиётига садоқатли, меҳрли, уни бойитувчи ва асрагучидир.



**Хуррам  
РАҲИМОВ**

## **ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИ ҚАЙ АҲВОЛДА?**

Бугунги кунда ўзбек таржимачилигининг забардаст вакиллари Жуманиёз Шарипов, Файбулла Саломов, Нинель Владимирова, Нажмиддин Комиловлар ва бошқа кўплаб забардаст таржимашунослар орамизда йўқ. Бироқ улар бошлаб берган залворли ишлар замон талаби асосида давом этмоғи лозим.

Бир оддий ҳақиқат барчага аёнки, ҳар қандай фан назарияси амалий жараён тажрибасини ўрганиш, натижаларни таҳлил қилиш замирида шаклланади, ривожланади. Файбулла Саломов таржима тарихи ва тажрибасида мавжуд асосий таржима антиномиялари сифатида ўнтадан ортиқ бир-бирига зид фикрлар жуфтлиги (бирлиги)ни қайд қилиб ўтганлар. Бу антиномияларнинг ҳар бир жуфтлиги маълум бир аниқ замон ва маконда устуворлик касб этади. Ҳозирги кун таржимачилигимизда асосан учта антиномия эътиборни ўзига тортмоқда, булар:

1. Шеърни таржима қилиб бўлади – Шеърни таржима қилиб бўлмайди.
2. Таржимон асар муаллифи даражасида бўлмоғи керак – Таржимон асар муаллифи даражасида бўлмоғи шарт эмас.
3. Таржима фақат она тилига қилиниши керак – Таржима чет тилига ҳам қилиниши мумкин.

Иммануэль Кант назария даражасига кўтарган, кейинчалик фалсафанинг уч асосий қонуларининг бирига айланган бу қарама-қаршиликлар, яъни антиномиялар ҳозирги ўзбек таржимачилигида тобора кескинлашаётган фикрлар курашига айланмоқда.

Биз кузатган 2016 йил республика нашрларида 600 дан ортиқ катта-кичик бадий таржималар эълон қилинган бўлса, назарий кўламда эса бор-йўғи иккита китоб, 3-4 та илмий анжуман материаллари чоп этилган. Газета ва журналларда босилган илмий-танқидий чиқишлар эса 10 тадан нари-бери атрофида. Бироқ бу илмий изланишларда биз юқорида қайд этган янги ёндашишнинг қуртаклари, дастлабки умумлашма ва хулосалар кўзга ташлана бошлагандай. Жумладан: таржима назарияси соҳасида 2016 йилда Ганишер Раҳимовнинг “Таржима назарияси ва амалиёти” номли дарслик-мажмуасидан бўлак бошқа бирорта монографик ўқув-услубий тадқиқот пайдо бўлмади. Бу китобда шу соҳага доир энг охириги илмий ва амалий тажрибалар таҳлил қилинган ва таржима илмининг асосий тушунча ва терминлари, таржима принцип ва тамойиллари талабаларга осон ва тушунарли тилда баён қилинган.

*Хуррам РАҲИМОВ – Фрайбург университети (Германия) ва ДПУ профессори. 1951 йилда туғилган. Тошкент давлат чет тиллар педагогика (ҳозирги ЎзДЖТУ) ва Москва чет тиллар институтларини тамомлаган. Германияда чиқадиган Ависеппа илмий журнали бош муҳаррири. Республика ва хорижий нашрларда 200 дан ортиқ мақолалари чоп этилган.*

2016 йилда Янглиш Эгамованинг “Муҳаббат фарзанди” номли китоби чоп этилди. Унда муаллифнинг таржимашуносликка оид илмий мақолалари, Гёте, Апитц ва Ремарк асарлари таржималари ҳақида тажрибалар ва кузатишлари, қолаверса ўзининг кичик жанрга оид янги таржималари ҳам берилган. Ушбу китоб маълум маънода бевосита олмон-ўзбек таржималарининг мухтасар тарихи сифатида ҳам талабаларга тавсия этилиши мумкин.

Ўтган йилда турли матбуот саҳифаларида ва республикамызда ўтказилаётган илмий-амалий анжуманлар материалларида янги илмий мақолалар чоп этилди. Хусусан, таржимашунос олим Иброҳим Гофуров газета ва журналларда, илмий тўпламларда босилган “Таржима эстетикаси”, “Сўздан мурод маънодир” каби мақолаларида бадиий таржима машаққатлари, сўз устида ишлаш масъулияти, бевосита таржима замони имкониятлари ҳақида қуйиниб фикрлар билдиради, жумладан: “Тарихий, ижтимоий шароит тақозоси билан ярим асрдан кўпроқ вақт жаҳон адабиёти намуналари билан рус тилидаги таржималар асосида танишиб бордик. Бу ўз вақтида ўзини оқлади, “сув йўғида та-яммум” деганларидай. Энди эса бадиий таржималар аслиятдан қилингандагина ўзини оқлайди. Асл таржима қиммати эга бўлади. Аммо яхши билиб олмак жоиздирким, бадиий таржима нусха кўчириш эмас”. Бу фикрга қўшилмай иложимиз йўқ, бироқ аслиятдан асл таржима қилишга даъвогар таржимонлар жуда кўп бўлса-да, бундай асл таржимани уддаловчи асл таржимонлар айни пайтда бармоқ билан санарли.

“Шарқ юлдузи” журнаlining 2016 йил 5-сонида Муҳаммадали Қўшмоқовнинг “Таржимоннинг мавқеи ва масъулияти” мақоласи босилган бўлиб, унда мустақиллик даврида таржимонларнинг асар танлашда ташаббус ва эркинлик имкониятлари ижобий омил сифатида баҳоланиб, шу эркинликка нисбатан масъулият билан ёндашиш лозимлига эътибор қаратилган бўлиб, бунга далил тариқасида Иброҳим Гофуров ва Муҳаммад Алининг оралиқ тил орқали бажарган таржималаридан мисоллар келтирилган, таниқли ҳуқуқшунос олим Акмал Саидовнинг ноширлик ва таржимачилик соҳасидаги саъй-ҳаракатлари эсга олинган.

“Шарқ юлдузи” журнаlining 2016 йил 9-сонида Адҳамбек Алимбековнинг “Машаққатли ва олийжаноб иш”, Олим Олтинбекнинг “Хоккунинг илк таржимони” мақоласи босилган. Адҳамбек Алимбеков “Машаққатли ва олийжаноб иш” мақоласида муҳим муаммолар каторида қуйидаги уч масалага эътиборни қаратади: ёш таржимонлар тайёрлаш, таржимага асар танлаш, ўзбек адабиётидан жаҳон тилларига таржима қилиш. Бу учала масала бўйича мунаққид мавжуд янги таржималарни кузатиб, улардаги ютуқ ва камчиликларга мисоллар келтиради. Амалий таржималар ривожидан мамнуният билдириш билан бирга, Адҳамбек Алимбеков таржима назарияси ва танқиди бўйича жуда кам ишлар қилинаётгани, таржима бўйича янги дарсликлар яратиш кераклигини, таржима танқиди эса умуман қониқарсиз аҳволда эканлигини уқтиради.

Олим Олтинбекнинг мақоласида япон мумтоз шеърятининг қатор жанрларини, айниқса, хокку жанрини рус тилидан таржималар орқали ўзбек адабиётига олиб кирган Рауф Парфи таржимачилик санъатидан мисоллар келтирилади. Хоккудан олдин Фарбнинг сонет жанри ҳам ўзбек шеърятига айнан таржима орқали кириб келган эди. Дарҳақиқат, таржима орқали ҳар қандай миллий адабиёт мазмунан ва шаклан бойиб боради. Мен Навоий ғазалларини олмон тилига таржимаси устида ишлаш жараёнида шарқона шеърый шакл ва аъғана бўлган ғазал жанрининг XVII-XVIII асрлардаёқ Европа адабиётига кириб боргани, хусусан, Шарқ шоирлари Ҳофиз, Саъдий, Румий, Хайёмларнинг Ҳаммер-Пургштал қилган олмонча таржималари таъсирида олмон адабиётига Август Платен, Фридрих Рюккерт, Готфрид Келлер, Теодор Шторм каби ғазалнавис шоирлар авлоди пайдо бўлганига гувоҳ бўлдим ва уларнинг ғазал таржимаси тажрибаларидан фойдаланишга ҳаракат қилиб Навоийнинг юзта ғазалини олмон тилига ўтирдим.

“Ёшлик” журналида эълон қилинган “Тўғри таржима – яхши таржима деган

ни эмас” сарлавҳали суҳбатда Низом Комиловнинг “Тўрт сатр шеърни таржима қилишдан кўра ўн саҳифали ҳикояни ўзбекчага ўгириш енгилроқ... Роман таржимаси жараёнида дуч келганим шеърини парчаларни бир гал Эркин Воҳидов, бир гал Муҳаммад Юсуф ўзбекчалаштириб берган”, деган ўта муҳим хулосасини эслатмоқчиман. Агар бу хулосада чет тилдан она тилига таржима ҳақида сўз бораётганига эътибор қилсак, она тилимиздан чет тилларга шеър, айниқса, ғазал таржима қилиш нафақат журъат ва машаққат, айни бир пайтда миллатпарварлик масъулияти ва мажбурияти эканини ҳам тасаввур қилмоқ лозим.

“Ёшлик” журналининг деярли ҳар бир сонида “Жаҳон ҳикояси” рукнида чет эл адибларининг кичик ҳажмли асарларидан бевосита ва билвосита таржималар эълон қилинган. Айниқса Санджалол Саидмуродов, Шаҳноза Раҳмонова, Қандилат Юсуповаларнинг таржималари худди ўзбекчада ёзилгандай ўқилишини таъкидламоқчиман.

2016 йилда республикамызда таржимашуносликка бағишланган учта илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Самарқанд чет тиллар институтида 2016 йил 16-17 ноябрда ўтказилган “Тил, маданият, таржима ва мулоқот” номи республика илмий-амалий конференциясида иштирок этган олимлар каторида профессор Ибодулло Мирзаев кўтарган масалалардан бири, чет тиллардаги атоқли номлар – антропонимларни ўзбекча таржималарда тилимиз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда тўғри ёзиш масаласидир. Жумладан, у шундай деб ёзади: “Бизга рус тили орқали кириб келган Ги де Мопассан, Оноре де Бальзак каби фамилияларни тўғри талаффуз қилиш ва ёзиш вақти етди. Руслар бу фамилияларни шундай ўқиш ва ёзишни хоҳлаганлари учун эмас, балки тилларида “ў” товуш-харфининг йўқлиги учун шу тахлит ёзиб келадилар. Бизнинг тилимызда эса бундай товуш, ҳарф бор. Бу имкониятдан фойдаланмай келинаётганини тушуниш кийин. Ги де Мопассан эмас, Ги дў Мопассан, де Бальзак эмас, дў Бальзак тарзида ёзиш ва ўқиш аслият руҳи ва моҳиятига мос. Бу бизнинг истагимиз эмас, балки она тилимызнинг бутун салоҳиятини намоён этиш ва шу билан бирга чет эл олим, адиб ва бошқаларнинг исм-фамилияларини ўзларида қандай бўлса, шундай ёзиш, ўқишга даъватдир, холос”.

Ўша тўпламда профессор Муҳаммаджон Холбеков ўзининг “Мустақиллик йилларида ўзбек таржима амалиёти” мақоласида шундай деб ёзади: “Китобхонлар бевосита аслиятдан қилинган таржималарни ўқиб, Вийон, Байрон, Эдгар По аслида шундай ёзган экан-да деган тушунча ҳосил қилишади. Бирок, бу таржималарни асл нусха ва русча таржима матилари билан солиштирганимызда, шоир-таржимонларимизнинг нечоғлик эркин ҳаракат қилганликларини, натижада асл нусхадан нақадар узоклашиб кетганликларини кўзатамиз”, деганда айни ҳақиқатни айтган, чунки амалий таржималар қанчалар кўп қилинмасин, уларнинг сифати деярли ўрганилмаяпти, бирор-бир асар таржимаси бошидан-охиригача танқидий таҳлил қилингани йўқ.

Шарқшунослик институтида ўтказилган “Шарқ таржимашунослиги тарихи, ҳозирги куни ва келажаги” номи республика илмий-амалий конференцияси материалларида ҳам таржимашуносликнинг назарий ва амалий масалаларига бағишланган кўплаб илмий мақолалар жой олган.

2016 йилнинг 11-12 ноябрида Умумий филологияга бағишланган “Ўзбекистонда филология илми ва таълими: натижа ва истиқбол” номи Республика филолог олимлари анжуманида ҳам таржима назарияси ва амалиётининг турли масалалари ҳақида чиқишлар бўлди.

2016 йилнинг 26 майида Ўзбекистон Миллий университетида “Илмий мунозара: муаммо, ечим ва ютуқ” мавзусида Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Унда умуммиллий масалалар билан бирга таржима назарияси ва амалиётига бағишланган чиқишлар ҳам бўлган. Айниқса, Иброҳим Ғофуровнинг “Таржима эстетикаси” мақоласи, Одилжон Сафаровнинг софистика тарихи ва намояндалари таълимотига бағишланган “Софистика ва таржима” номи маърузаси, Гулноза Одилованинг “Бадий таржимада глёттоник дискурс тадқиқи” эътиборга лойик.

Таржималарга муносабат билдириш масаласида мен юқорида қайд этган антиномиялар яна кўзга ташланмоқда. Таржима танкиди талабига кўра ҳар қандай таржимани асли билан қиёслаб, уни асосий таржима принциплари ва мезонлари асосида таҳлил қилиш керак. Бадий таржима танкидида қатга-кичик лисоний қусурларга эмас, асосан бадий образ ва муаллиф индивидуал услубининг қайта яратилишига эътибор қаратиш лозим. Танкид маданияти эса аввало таржима фазилатларини, сўнгра унинг айрим нуқсонларини мисоллар билан кўрсатишни такозо этади. Бугун муқобил таржималар билан бир қаторда аслият номи ифода этилган, турли коннотация-қўшимча маънолардан иборат семантик маънони ўзгартирган ва натижада сарлавҳанинг ўзидаёқ китобхонни аслиятдан чалқаштирувчи таржималар кўпайиб бормоқда.

“Шарқ юлдузи” журналининг 2016 йил 5-сонида профессор Муҳаммаджон Холбековнинг “Назария ва танкид” мақоласи босилиб, унда мунаққид 2015 йил таржималарга бой йил бўлганини таъкидлаш билан бирга шу таржималар назарий ва танкидий планда ўрганилмаётганини айтиб, шундай мунозарали фикрни илгари суради: “...назария бўлмаган жойда амалиёт ривожланмайди, улар бир-бири билан чамбарчас боғланган, бир-бирини тўлдириб боради. Таъбир жоиз бўлса, назария билан қуролланмаган таржимон мукамал таржима ярата олмайди. Буни биз Иброҳим Ғофуров, Амир Файзулла, Абдулла Шер, Мирзаали Акбаров, Янглиш Эгамова каби мохир таржимонларимиз ижоди мисолида кузатишимиз мумкин”. (170-б.) Бу кескин фикрга қўшилиш қийин, чунки ўзбек таржимачилик мактабининг туғма бадий истеъдодга эга бўлган, бироқ таржима назарияси билан махсус шуғулланмаган жуда кўп забардаст таржимонларнинг (Ваҳоб Рўзиматов, Мирқарим Осим, Қодир Мирмуҳамедов, Ойбек, Ғафур Фулом, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Мирзақалон Исмоилов ва б.) маҳоратли таржималари чоп этилган 1940-1970-йилларда Ўзбекистонда таржима назарияси деган фан ҳали шаклланмаган ва университетларда ўқитилмас ҳам эди.

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2016 йил сонларида таржима назарияси оид бир қанча мақолалар эълон қилинди. Айниқса Муҳаммад Алининг “Терманияда навоийхонлик” мақоласи, Иброҳим Ғофуровнинг “Сўздан мурод – маъно” суҳбати, Адҳамбек Алимбековнинг янги таржима нашрларига тақризлари, Зулхумор Мирзасавнинг “Оламшумул Навоий” ва “Жаҳонга улкан қадам” мақолалари, Дилбархон Аҳмедованинг “Алишер Навоий Америкада” каби мақолаларида адабий алоқалар ва таржима назариясига оид қатор муҳим назарий, амалий ва танкидий фикрлар баён қилинган.

Мен 2016 йил таржима назарияси ва амалиётига бағишланган материалларни кузатиб шундай хулосага келдимки, деярли ҳаммамиз чет эл адабиётини ўзбекчалаштириш билан машғул эканмиз. Аммо биз қачон ўзбек адабиётини тизимли равишда жаҳон адабиётига айлантириш билан шуғулланамиз? Шу маънода аввалги Москванинг “Радуга”, “Прогресс” каби махсус нашриётларига ўхшаш махсус таржима нашриётини ташкил қилиш вақти келди деб ўйлайман. Ҳозир қайси нашриётга хорижий тилга таржима қилинган асарни олиб борсангиз, “Чет тилдаги бу китобни ким сотиб олади?” деган савол қўйилади. Олувчи жуда кўп, энг аввал чет эллик сайёҳлар олади, аммо махсулотни хорижий элларда тарғиб қилиш ва сотишни йўлга қўйиш керак. Шу соҳа ҳозир жуда оксаяпти.

Умумий ҳисоб-китобда барча қатга-кичик янги таржималарнинг сони олти юздан ошадди. Демак миллий адабиётимиз шунча асарга бойиди, улар халқимизнинг маданият ва маънавият уфқларини албатта кенгайтирмай қолмайди, чет тилларга ўтирилган асарларимиз ва уларнинг муаллифлари эса айнан таржима туфайли жаҳон адабиётига айланиб бормоқда.

Таржималар орқали адабий таъсир жараёни содир бўлади ва ижодкорларимиз янги бадий образлар билан танишади ва уларнинг таъсирида янги ўзбекча асарлар пайдо бўлиши аниқ. Бунга мисол сифатида Гётеннинг “Фауст” таржимасидан сўнг “Рухлар исёни”ни ёзган, Дантенинг “Илохий комедия”сини таржима қилиб, “Жаннатга йўл” достонини ёзган Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлар ижодини эсга олсак, манзара янада ойдинлашади. Булар таржиманинг мўъжизакорлик кучини кўрсатувчи мисоллардандир.

Шавкат НИЗОМ

ИСТИФФОР

Кисса<sup>1</sup>

## ИККИНЧИ ҚИСМ

“...Уч кунки, буюк хокон безовта, олисдаги вассал вилоят кўзғолон кўтарган”. Бу хабарга дастлаб у ишонмади. Сабаби, исёнчилар йўлбошчиси ўзининг эски қадрдони. Улар ҳокимият илинжидаги қонли муҳорабаларда баҳамжихат от суришган. Барча муаммоларга бамаслаҳат чора топишган.

Аммо бир қинга икки қилич сиғмайди, мамлакатда хонлик тўла ўрнатилгач, Қарғахон жанговар сафдошини чекка вилоятни бошқаришга жўнатди. Талоғут эса ҳокимлик лавозимини аслида сургун эканини дарҳол тушунди...

Ҳозир нохуш хабардан тинчини йўқотган ҳукмдор аламдан тиши ғижирлаб, фаолиятини сарҳисоб этаркан, негадир бу хатоликка кўз юмди, бутун айбни кўрнамак саркардасига ағдарди. Сўнг кўзғолонни бостиришга ўзи бораё деса, рошпа-роса олти ҳафталик манзилга шарт кетиб, парти қолган даққиюнус вужуди дош беролмаслигини ўйлаб, вазирларини саркардаларини машваратга чорлади. Аҳли уламодан жўяли маслаҳат кутди.

Ўртадаги оғир сукунатни ўнг қўл вазир бузиб, тинчликни сақлаш йўлидаги қалтис фикрларини ўртага ташлади. “Кўзгалган вилоятнинг фойда-зарари баробар. Шу сабабли олис юртга лак-лак лашкар сафарбар этишдан воз кечиб, уруш харажатларидан иқтисод қилинган маблағни мамлакатдаги ободончилик ишларига сарф этган маъкул”.

Ўртага сукунат чўкди. Кутилмаган таклифдан хокон ўйга толди. Тахтнинг ёнтахта-сига тирсақларини тираб, уч-тўрт дақиқа мушоҳадага чўмди. Ниҳоят, томоқ қириб, чап томонига юзланди. Така соқолини озғин панжалари билан тараётган Соғлибой талмов-сиради, ҳукмдорнинг айёрлиги ҳеч кимга сир эмас, бундай вазиятларда аввал ўзи аниқ қарорга келади, сўнг ўзгалардан маслаҳат сўрайди. Маъкул гапирганларни муқофотлайди. Номаъқулларни жазолайди. Олдинги чап қўл вазирнинг ҳам боши шундан кетган.

Соғлибой кўз қирида хожасининг тиришган юзларидан керакли ифодани ўқий олмагач, ноилож, айтилган гапларни жўяли топди.

Бош саркарда Элбек нўён вазирларни қўллаб-қувватлади.

Кейинги маслаҳатгўйлар ҳам уларни маъқуллашди. Хон ҳаммани башараси “қилт” этмай эшитди. Кун пешинга яқинлашганда, сўнгги сўзни ўзининг энг ёш сардорига берди. Ўша – мен эдим. Навбатим етгунча, рости, машваратдан осонгина қутулганимдан хурсанд бўла бошловдим. Чунки таваккалчи фикрим тўғрилигини сезсам-да, бошқаларга ўхшамаслигидан ташвишдаман.

Ҳа, ҳозирги даврадошлар ичида энг думбули эканимга қарамай, бир нарсани яхши тушунаман. Давлат сиёсати фақат моддий манфаат билан ўлчанмайди. Бъ-

<sup>1</sup> Охири. Бошланиши ўтган сонда.

зида ўз нуфузини ошириш учун улуғ мамлакатлар камбағал вассалларини ҳам боқишлари лозим. Қолаверса, бугунги исёнчиларни вақтида жазоламасак, эртага бошқалари бош кўтармайди, деб ким кафолат беради?..

Турибок ушбу фикрларни баён этишим мумкин эди-ю, мажлисда ёлғизланиб қолишим эҳтимоли борлигидан иккиландим. Ахир куни кеча жанг майдонига кирган йигит ўлим дарёларида беҳато сузган ажал ғаввосларидан устун бўптими? Кейин ҳукмдорнинг қандай қарорга келганиям номаълум. Шуларни ўйларканман, бор-йўғи, ўн тўққиз ёшимда жаллод кундасига бош қўйишдан чўчиб, олампахоғга илтижоли термилдим. Хон хайрихоҳ тикилиб, оталарча далда берди.

– Гапиравер, ўғлон, гапиравер... Фақат дилингдагини гапир...

Улуғ машваратларда илк бор катнашаётганимдан хижолатда, тутила-тутила, сўзлай кетдим. Нутқим охирида эса ҳақлигимга ишончим орта бориб, айрим фикрларимни беихтиёр, икки-уч мартадан таъкидлаб юбордим.

Ўртага асрларга тенг сукунат чўқди. Гарчи айни дамда асаб торларим бирма-бир узилаётса-да, бу жимжитликни янада узоқроқ чўзилишини истаб қолдим. Чунки у туфайли ҳозир кимларнингдир умр йўллари ҳам узаяётганди.

Хокон ҳаммани залворли назаридан ўтказиб, охирида менга юзланди. Сўнг ўрнидан турди. Аъёнлар ҳам гурра кўзгалишди. У фавқулудда талотўпларга эътибор бермай, тўғрига юрди. Важоҳатидан оёғим калтираб, ўтириб қолдим. Кейин апил-тапил қад ростладим, ёнимга келган жондорга тик боқишдан қўриқиб, нигоҳимни яширдим. Унинг ёпишқоқ, озғин қўллари иягимдан ушлаб, ўзига қаратди. Бемажол назар ташладим. Менга тикилган сарғиш кўзлар совуқ йилтиради.

“Ажали етган шундай жон берса керак...”

Қарғaxon тахтга ўтирганидан бери бирор махрамини ёнига яқинлаштирган эмас. Ҳозир ўзи олдимга келди, ахир, жаллодни ўтирган жойидан чорласа ҳам бўлаверарди...

Қалбимнинг туб-тубида нажот учкунлари милтиради. Фикрларим маъқул келганидан умидвор бўлдим...

Адашмабган, ушбу кенгашдан кейин буюк хокон энг ёш саркардасини улуғ амир рутбасига кўтарди, кўшиннинг ихтиёрини унга топширди. Исёнчиларни ўз ҳолига қолдиришни тақлиф этганларни дорга торттирди. Ҳар қандай буюк салтанат калтабин арбоблар туфайли инкирозга юз тутишини яхши биларди у.

Мен кўшинга дарҳол йўл тадоригини кўришни амр этдим.

Кўшин роппа-роса олти ҳафталик сафарга тайёрланди. Ҳар бир жангчининг етовида тўрттадан от. Иккитасига бир ярим ойга етарли егуликлари юкланган, қолганлари навбатма-навбат алмашиб, эгасини манзилига элтиши лозим.

От устида овқатландик. Оёғимиз ерга тегмай, чарчаган аргумокларимизни бардамроғига алмаштирдик. Жониворларимиз ҳам илдам йўртиш давомида бўйинларига осилган емтўрвадан озикланишди. Фақат ҳар замонда сардобалар ёнида чанқоғимизни қондириш учунгина тин олардик, холос.

Мен қаро терга ботган бедовимни беаёв қамчилаб олға интиларканман буюк хоконнинг қасос найзасига айланаётганимдан фахрланар, шу туйғу тўхтамай от суришга, зиммамдаги вазифани мукамал бажариб, музаффар қайтишга ундарди. Гоҳ-гоҳ чарчаган тулпоримни бошқасига алмаштирар, лекин икки-уч соатда кўнглим тўлмай, яна ўзига қайтардим. Елиб учаётган жониворимнинг тиртилган бурун қавақларидан ўқтин-ўқтин олов пуркаларди. Олд оёқларини қўлтиғига туташтирган балиқ сузгичисимон митти канотлар унинг асл дудул зотидан нишона.

Миям бўлғуси уруш таассуротларидан чарчаганда, тенгсиз сафардошим борлигидан ғурурланиб, ширин хаёлларга берилардим. Оллоҳдан пешонамга ярашиқли

умр йўлдоши ҳам тилардим. Зеро, енгилмас кўшин, учқур тулпор, садокатли махбубаси бўлган саркарда буюк саркардадир.

...Ҳафтада бир кун дам олардик.

Бора-бора, баданимизни кир босиб, соч-соқолимиз битлади. Юз-кўзимизга урилган чанг терга коришиб, лойли ниқобга айланди, бижғиган танимизнинг сассигига ҳатто ўзимиз чидолмайдиган аҳволга келдик. Бироқ, мен ювинишга кетадиган вақтни кизганиб, тинмай манзил ошдим. Чунки, кечикканимиз сари исёнчилар кучайиб, хайрихоҳлари кўпаяди. Буни билганга ҳар лаҳза ғанимат.

Кўнглимдагиларни навкарларимга тушунтирдим. Улар бошда янги сардорни менсишмади. Рухиятимдаги буюк жангчиларга хос жасорат ва шитобни кўргач, адашганларини сезишди. Ёш кўмондонга ўзларига ишонгандек ихлос қўйишди. Буйруқларимни кўр-кўрона бажаришга ўрганишди.

Беш кўл баробар эмас, айримлари устимдан кулди. Мен ҳам бўш келмадим. Бундайларни йўл-йўлакай, от устида қатл эттирдим. Кўп ўтмай ҳаммаси изига тушди. Энди ишонган-ишонмаган, баб-баравар ортимдан эргашди. Атиги олти ҳафта ичда жангчиларим назарида ҳақиқий саркардага айландим.

...Манзилга ўн фарсах етмай тўхтадик. Атрофга соқчиларни жойлаштиргач, хос навкарларимдан элликтасини исёнчилар уясига жўнатдим. Вазифалари – обдан кузатиб, паст-баландни аниқлаш, кўзғолончилар кайфиятини ўрганиш.

Улар қайтгунча бошқалар ҳам тинч ўтиришмади, беш-олти соат дам олган издиҳомни машққа буюрдим, бўшашишларига йўл қўймадим. Чўмилишни такиқладим. Чунки қўланса ракибдан киши жирканади, ғазабланади. Ноўрин ғазаб эса муқаррар мағлубият гаровидир.

Индинига жосусларим қайтишди. Уларнинг айтишича, кальдадаги оми халк йўлбошчиларидан рози эмас. Негаки, ҳокимлик даврида Талоғут улусни кўп қийнаган, қақшатган. Энди озодлик ҳақида нақадар оғиз кўпиртирмасин, унга одамлар эргашмайди.

Тунда йўлга отландик. Тонггача кальда бўлдик. Эргалаб уйқудан уйғонган исёнчилар чор-теваракларини ўраган лак-лак аскардан саросимага тушдилар. Мен элчи жўнатдим. Дарвозани ихтиёрий равишда очишса, кўшинни шаҳарга киритмасликка ваъда бердим. Фақат йўлбошчинигина хоконга топширишимни айтдим.

Элчиларим рад жавобни етказишди. Биламан, бу бузғунчиларнинг хохиш-иродаси, оми халкнинг айби йўқ. От солишга буюрдим. Қальанинг осмонўпар тўсиқларидан ўтиш осонмас, қайта-қайта хужум уюшгирсак-да, ов бароридан келмади, не-не навкарлар баланд деворлар тагида бевақт ўлим топди. Ноилож, ёшуллиларни машваратга тўпладим. Тонггача чўзилган мунозарада қўрғонни камал ҳолатида сақлашга келишдик. Озиқ-овқати тугаган улус бир кунмас бир кун тавба қилиши аниқ. Бироқ, кунлар ўтгани сайин музаффарона орзуларим саробга айланаверди. Қўрғон ахли камалга пухта тайёрланганга ўхшайди, дарвозани очишларини кутсам, бегона юртларда йиллаб қолиб кетаман.

Ноилож энг тадбиркор маслаҳатгўйиларни йиғиб, мадад сўрадим. Улар чора излаб, тарқалишди. Уч кундан сўнг жангчиларимдан баттар кирга ботган ака-сингилни олиб келишди. Қизни аёллар ўтовига жўнатиб, йиғитни хузуримга чорладим. Сарой каптарбози экан, уруш бошланишидан сал олдин синглисини олиб қочибди. Сабаби, Талоғутнинг хотинбозлиги, ҳар ойда бир бокиранинг номусига тегишга ўрганган ишратпараст ҳоким хизматкорининг ҳамширасига ҳам кўз олайтирган, улар эса қочиб, шаҳар ташқарисидаги кишлоқларда яширинишга мажбур бўлишган...

Киприқларини пирпиратиб гапириши кишида ғайриихтиёрий хайрихоҳлик уйғотувчи бу йиғитнинг айтишича, Талоғут камалга роса тайёрланган, уч-тўрт йил-

лик озиқ-овқатини гамлаган. Боз устига, исёнчилар рақибларининг барча хатти-характларидан огоҳ, махсус жосуслар ташқаридаги аҳвол ҳақида нома битиб, каптарлар орқали қалъага йўллашаркан.

Бирдан калламга ажойиб фикр келди. Ўз услубларидан фойдалансак-чи?..

Каптарбоз ёрдам беришга онт ичди. Зудликда қўшни кишлоқдан номакаш қушлар солинган қафасларни топиб келтиришди. Тунда уларнинг оёқларига катронга ийдирилган бир қулочдан ип боғлаб, ёкиб юбордик. Сўнг бараварига қўйвордик. Осмони фалакка кўтарилган минг-минг каптар ўрганган маконига интилди. Улар қалъа марказига етгунча ермойига тўйинган чилвирлар тўлик ёниб, юлдузлар мисоли уча бошлади. Текин томошадан завқланган исёнчилар гап ни-мадалигини тушунишганда, атрофда ўт олмаган икки қарич ҳам ер қолмаганди. Оломон қай бирини ўчиришни билмай, зир югурди...

Қалъа аҳолиси ёнгин билан овора экан, кўзлари кизариб, ваҳшийлашган сарбозларим ҳужумга ўтишди. Ортиқча қаршиликсиз девор ошиб, дарвозаларни очишди. Мен бепоён алангалардан кундек ёришган мағлуб кўрғонга қора тулпоримда кириб бордим. Кўшин уч кун халқни талади. Гуноҳқор-гуноҳсизни баб-баравар киргин қилди. Кўпчилик уйлари-дан чиқишга улгурмай, жизганакка айланди. Оғилхона ва кўралардаги тамбаланган молларгача ёниб битди. Куйган эт ҳиди ана шундан димоғимга муҳрланган...

Ниҳоят, мукофот онлари яқинлашди. Далада дошқозонлар осилиб, қўйлар сўйилди. Етти кечаю, етти кундуз тўй бердим. Қалъа истилосига қўмаклашган каптарбоз халқига омонлик сўради. Ўтинчини рад этолмадим. Илло, мадақкорим улуснинг қарғишига учраганди.

У кундан-кунга мунгайиб, борлиғимни хижолат ва қарздорлик хисси қоплади. Охири, балки, кўриб чиройи очилар, деган ниятда сингисини келтиришни буюрдим. Шунда ҳаётимни остин-устун этиб, укубатларимни минг йилларга узайтирган асосий ҳодиса рўй берди. Ногаҳон, аёллар етовида кирган ажиб ҳурлиқодан кўзларим қамашди. Энагалар парваришида тиниқиб, ўзига келган қизалок гулобга чўмилтирилгач, шахзодалар орзусидаги паризодга айланганди. Пешонасига сочилган кокили, бодомқовок рухсори, тақимида тўлганган икки ўрим йўғон сочи тўсатдан ҳаёлимни ўғирлади. Айникса, ерга тикилиб, оҳиста энтиқиши адойи тамом қилди. Энди кўкрагимда гурлаган инжа хиссиётларни жиловлай олмаслигимни англаб, ёлғиз қолдиришларини буюрдим. Ниятимдан огоҳ киз бетоқатланиб, атрофга кўз ташлай кетди. Исмини сўровдим, қимтина-қимтина шивирлади.

– Ҳувайдо!..

– Ҳувайдо?..

Мен дудуқландим. Дунёдаги энг буюк кўшиннинг саркардаси ўн олти яшар но-зикойим олдида шундай аянчли аҳволга тушишини ким ўйлабди?..

– Ҳирсини куч билан қондириш ҳайвоннинг-да қўлидан келади...

Ҳувайдонинг истиҳолада титраб-қакшаб пичирлаган жумласи ёмон зарба берди. Аввал қазабландим, сўнг арзирли сабаб йўқлигидан жаҳлимни тийдим. Дарвоқе, бундан ортиқ назокатли аёлни тополмаслигим аниқ. Боз устига, бу – исёнчиларни бостириш мақсадида от сураётиб, йўл-йўлақай Оллоҳдан тилаган маликам бўлса-чи? Шундай экан, нега ҳайвоний хирс йўлида мурғак чечакни кунпаякун қилай? Ундан кўра, ҳар қандай ардоққа арзийдиган гунчанинг умр йўлдошимга айлангани маъқул эмасми? Ахир, тоқайгача бўйдоқ юраман?..

Шомга яқин ўтовим шохона безатилди. Ёшулли саркардаларим қўналғам тўридан жой эгаллашди. Даврага каптарбозни ҳам чорладим. Шу куни акаси гувоҳлигида никоҳ ўқилиб, Ҳувайдо менга хотин бўлди.

Қайтиш онлари маҳбубам “бошқа учрашмаймиз, кўнглим сезаяпти”, дея эзилди. Мен бисотимдаги энг тотли сўзларни айтиб, юпатмокка тутиндим. Тезда хукмдорнинг розилиги ила уни Ватанимга олиб кетишимни айтдим...

Хувайдо йиғлай-йиғлай хайрлашди. Кейин менга тамға босинг, бошим очик эмаслигини ҳамма кўрсин, Қаргахон лашкарбошисининг хасми-ҳалоли эканимга ишонсин, деб ёлборди. Аммо, менинг тамғам йўқ, бу ҳақда ҳалича ўйламаганман. Андак мушоҳада қилиб, чорасини топдим. Пойимдаги гулханга қилич тикдим. Ўн дақиқада дамашкий пўлат қизарди. Ҳароратидан хавотирланиб иккиланганим, у “қўркманг, ортиқроқ азобларга чидашгайм розиман, фақат сизни омон кўрсам бас!”, деди. Чўққа айланган шамшир учини ожизанинг ўнг қафтига босдим. Яна димоғимга жизғанақ эт ҳиди урилди. Хотиним, қафтида гуручнинг донасидек асорат колса-да, бўйнимга осилиб, шивирлади. “Ташаккур, саркардам! Сизга содик қолишга шу муҳрингиз ила қасам ичаман. Ой бориб, омон қайтинг!..”

Сўнг тулпорим жиловидан тутиб етакларкан, кўшиб кўйди.

– Қайтишингизни икки киши бўлиб кутамиз, сизга марду майдон фарзанд туғиб бераман!

...Қалъага қаптарбозни ҳокимликка тайинладим. Маслаҳатчи сифатида бир ёшулли саркардамни ва икки юз нафар сарбозимни қолдирдим.

Йўлга тушганимизнинг учинчи куни кўнглимга мавҳум ғашлик оралади. Сабабини билмадим, Хувайдони қайта кўрмайдигандайман. Аммо, бўлажақ ўғлоним ҳақидаги зафарёр ўйлардан хижил кўнглим таскин топди...”

\* \* \*

Айни саҳифалардан сўнг илҳомимга илҳом кўшилди. Энди ёлғиз ўзимнинг кимлигимни англаш учунгина эмас, балки ботиний ҳаётим тафсилотларидан иборат умрим китобини тезроқ ёзиш учун кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, ижодга берилдим. На куннинг, на туннинг фаркига бормай кўйдим. Бироқ шу ерда яна бошим деворга тегди, онам айтганидек, гул вақтида очиларкан. Мен эса, айни яшнайдиган давримни қоғоз-қаламга бой берибман. Даставвал буни сезмадим. Бир куни навбатдаги қораламаларни ўқитмокка адабиётчи дўстимнинг кулбасига отланаётиб, соқол-мўйловимни киртишлаш мақсадида ойнага боқдим-у, учиб тушдим. Пешонамдан менга юз-кўзини ажин босган, ўрта яшар одам тикилди. Шундагина орзуларим сари элтгучи сеҳрли поездга миниб, Қорасочбонунинг дипломати ва эски чамадонимни йўқотганимдан бери йиғирма йил ўтганини сезиб қолдим. Сездим-у, хўрлигим келиб, ўкириб юбордим. Қарийб чорак асрлик умримни бекор ўтказганимдан ўқиб, тўйиб-тўйиб йиғладим...

Куруқ оҳ-воҳдан не фойда, кеч бўлсаям, хатоларини тузатган ютади. Розилигимни айтдим. Қидира-қидира, чекка қишлоқдан камсукум бир қизни топишди. Меҳрибон волидам топган келинини алқай-алқай, тўйини бошлади. Чоғроққина базм уюштирдик. Гўшангага кирган куним ҳозиргидек ёдимда. Янғалик қилаётган кўшни жувоннинг кистовида чимилдик ҳатладим. Толеимдан айланайки, насибам онам айтганидек, гўзал ва фаросатли чиқди.

Осойиш ҳаётим бошланди. Аммо, биринчи муҳаббатни унутиб бўлмаскан. Мен ҳаёлимда бот-бот жонланадиган Қорасочбонунинг сийратини назаримдан ҳайдолмаган кезларим бизни вокзалда учраштирган ўша кунни қарғардим-у, бошқа таскин тополмай, аламимни қоғозга тўқардим...

Нихоят, орзуларим ушалди. Китобимнинг сўнгги сатрларини ёзиб тугатгач, Тошкентга жўнадим. Ҳаёт-мамотим солинган папкани қучоқлаганча, умумий вагоннинг тахта ўринидиган жой эгаллаб, пинакка кетдим. Фароғат онлари кўп чўзилмади. Қулоғим

тагида ёкимли оҳанг жаранглади. Кўзимни ишқалаб, мусиқа таралаётган тарафга назар ташласам, соқол-мўйлови роса киртишланган, оппоқ сочи елка барабар кимса дутор чалиб, нола қилмоқда. Танидим, эски қадрдоним. Айни дамда, хануз қарилиқни бўйнига олмаган олифта дўстим билан учрашишни кутмагандим. Бунда тақдиримга алоқадор сир бордай туюлди. Шу боис унинг умр дафтарига назар ташламоқ учун кўзимни юмдим. Наздимда ота-она меҳридан мосуво болалиқ гавдаланди...

\* \* \*

Иззат етимлигига қарамай, тиришқок бўлиб ўсди. Ҳарфни танибоқ, китоб мутолаасига берилди. Болани боқиб олган бефарзанд эр-хотин уни баҳоли қудрат тарбиялади. Яхши-ёмон ичида озода кийинтириб, нонга зориктирмади.

Мактабни аълога битиргач, чол-кампир оғилдаги яккаю ягона ғунажинни сотиб, асрандини Тошкентга жўнатишди. Асранди ҳам ишончини оқлади. Университетнинг фалсафа бўлимига ўқишга кирди. Кўп ўтмай, табиатидаги бекарорлик сабабми, барчасидан кўнгли совиди. Поездларда вагонма-вагон санқиб, кун кечиршига тушди. Йўқ, безорилиқ қилмади, касби – гитара чалиб, кўшиқ айтиш. Ўқиш тугар маҳали оиласига қайтди. Диплом ўрнига елкасига ғалати соз осиб келган ўғилдан ота-онанинг ҳафсаласи пишса-да, билса балиқ, билмаса Холиқ дея, уйлантириб қўйишди.

Қарияларнинг вафотидан кейин оила барбод бўлди, Иззат негадир вагонма-вагон санқиган дамларини қўмсай бошлади, ҳафталаб уйга келмайдиган одат чиқарди. Хотини ўйнаш орттирди. Воқеалардан хабар топган Иззат пайт пойлаб, хотинини ҳам, унинг ўйнашини ҳам сўйиб ташлади.

У турмада турли концерт ва маданий кечалар уюштириб юрди. Олти йил деганда, яхши хулқи туфайли амнистияга тушди. Озодликка чиққач, аввало ўн икки яшар ўғлини бориб кўрди. Фарзанди отани эслади, аммо хушламади. Ота уни қарамоғига олишга кўрқди. Бир кун меҳрибонини нега ўлдирганини сўраб қолса, қандай жавоб беради? Онанг бузук эди, дейдими? Яхшиси, бу ердан узоқроқ юради. Аммо яккаю ёлғизини тақдир измига шундоқ ташлаб кетавериш ҳам виждонига тўғри келмайди... Ўйлай-ўйлай, чорасини топди, қамқоқдалигида боласига қараган савобталаб ҳамсояси билан гаплашди. Бола вояга етгунча ҳовли сизники, ўзиниғ бoқиб, тарбияланг; мени сўраса, бегуноҳлигимни айтинг; деди. Ҳар ойда пул жўнағиб турди. Овози дўришлаб қолгач, ҳамсоя йигитни ўзининг ойдек қизига уйлантирди. Сих ҳам қуймади, кабоб ҳам...

Ҳозир у данғиллама ҳовлида гулдек хотини, беш фарзанди билан тинч-тотув яшамоқда. Иззат ҳар замон-ҳар замонда невараларидан хабар олгани боради. Икки-уч кеча ётиб, ҳалигача хушламайдиган ўғлига термила-термила, қадрдон вагонига қайтади.

Иззат қачонлардир университетнинг фалсафа кафедрасида ўқиганлигига қарамай, ҳаёт ҳақиқатни тушунишга ярим умрини сарфлади. Эҳтимол, “Ҳаёт йўлини” алоҳида меҳр билан, кўзларидан милдир-милдир ёш томиб, қуйлашига ҳам сабаб шудир. Зеро, кўшиқда ким овчи-ю, ким ўлжа эканлиги номаълум, қочаётганининг ҳам, қуваётганининг ҳам умиди ёлғиз ҳаёт йўлидан!

“...Қуймичлари ялтираб, қуйруғига жир битган оҳу олға интиларкан, изидаги йиртқичнинг дарду ҳолини тушунишни истамасди. Агар тушунганда, ҳозир таққа тўхтаб, ўзини қаттол жондорга топширган бўларди.

Охириги қувватини йиғиб олдинга йўртиши баробарида она қоплоннинг кўз ўнгидан кун кеча очликдан нобуд бўлган, айни пайтда, юз-кўзини қумурсқа босиб, уя четида тиришган икки норасидаси ўтди. Ҳозирги ўлжасини қўлдан чиқарса, қолганларининг бошига ҳам шу кун тушади. Унинг сариқ кўзларидан тарғил жағи томон оқаётган сидирға ёшлари сўнгги умидларининг эриб сувга айланган қолдиқларидир...”

Юракларни ўртовчи мусика тугади. Созанда чуқур тин олди. Кейин кўзини очди. Мен томон бурилиб, узр сўрагандек бош ирғади ва ёнидаги ўспиринга таъкидлади.

– Бу – ҳаёт қўшиғи!..

Биз учрашган чорак аср бурунги кунлар ёдимга тушди.

Гарчи, ўшанда талаба, “Бу – ҳаёт йўли!..” деса-да, мен барибир ҳар икки жумлада ягона маънони туйдим. Чунки шафқатсиз йиллар обод ҳаёт йўлини мунгли қўшиққа айлантиришга улгурганди. Ўша йўл бошида биз бутунлай бошқача эдик. Учаламизнинг ҳам олам-олам орзуларимиз бор эди. Энди эса йўқликка маҳкум холда, охирги хасга тирмашгандек, даста-даста қоғозларни бағримга босиб турарканман, беихтиёр Камолхонни эсладим. Дўст ҳам шундай бўладими ахир, сўнгги мактубини олганимдан буён неча ариқ сувлар окди. Мен жавоб ёзмадим. Икки энлик қоғозни коралаш шунчалар қийинмиди?..

Шу кетишда яна кўп нарсаларни ўйлашим мумкин эди-ю, фикрларимни дафъатан қаватимга чўккан қария алғов-далғов этди. Тўғриси, у ҳеч кимга халақит бермади, индамай келиб, бўш жойга ўтирди, холос. Аввалига парво қилмадим. Ҳатто, қайрилиб қарашга эриндим. Лекин, икки сония ўтар-ўтмас, димоғимга бадбўй ҳид урилди. Бошим айланди. Нигоҳим қоронғилашиб, кўнглим лоҳас тортди.

Жойимни ўзгартирмоқчийдим, Иззат чўзилиб, кулоғимга шивирлади.

– Бу – Бакир пиён...

Берпарво жумла таҳликали кўнглимга таскин берсаям, сал аввал пайдо бўлган хижиллики батамом йўқота олмади. Ич-ичимдан ҳамдардлик хисси уйғонди. Сўнг тўсатдан рўй берган ғалати воқеа барчани сергаклантирди. Пиённиста, энди уйку элита бошловдики, ўрнидан сакраб туриб, ҳе йўқ, бе йўқ, жонҳолатда хайқирди.

– Ҳеч бўлмаса, икки соатгина тинч қўй! Шунчалар ҳам тошбағирмисан?..

Бу аччиқ нидода кўпчиликка мавҳум сўнгги пушаймон аламлари мужассам.

Димоғимга куйган эт ҳиди урилиб, сесканиб кетдим. Кўзимни очганимда, жон ҳолатда типирчилаётган Бакир пиён кўйлагини ечиб, тутаётган баданини елишига тушганди. Биров ёрдам берай, демайди. Ҳамма бурнини жийриб, ўзини четга тортган. Фақат Иззатгина хиргойисига машғул. Мен фавқуллода ҳолатларга чи-долмадим. Кўнгли бўш одамман, йўқса, келиб-келиб, гўдаклик муҳаббатимга ўт кўйган қотилга хайрихоҳ бўлармидим?

Яна сал қолсам, олис мозийдаги ўн тўққиз яшар саркарданинг куйган гўшт ҳидига боғлиқ мудҳиш хотиралари қўзғалишидан хавотирланиб, ўрнимдан турдим. Бошқаларга сездирмай, тамбурга йўналдим. Амал-тақал етиб, эшикни очдим. Вагонни олам-олам тоза ҳаво тўлдирди. Ичкаридаги бадбўй ҳидлар салқин елвизакка араллашиб, ташқарига отилди. Беш дақиқаларда батамом ўзимга келсам-да, эшик ёнбошидаги дастаклардан маҳкам ушлаб, кўкрагимни ғоз тутганча, туравердим. Бу ҳам энгил нафас олишимга ёрдам берди, ҳам томирларимдаги қонни юриштириб юборди. Шу алфозда кетаверардим-у, диққатимни ортимдан эшитилган садо бўлди.

– Иним, менга ҳам озрок ҳаво бер, қийналиб кетдим...

Бакир пиён... Қарамасликка уриниб, ортга тисландим. Сал аввал қалбимда тугён урган ғалаёнларнинг қай томонига ён босишни билмай, шалвираганча келиб, жойимга ўтирдим.

Иззат қўшиғини тугатди. Чуқур тин олиб, менга юзланди.

- Тез кайтдингиз?..
- Тоза ҳаводан нафас олдим...
- Суйган бандасига Оллоҳнинг ўзи раҳнамо...
- Сухбатимизга учинчи киши аралашди.
- Анави алкашга ким эшикни очиб берди?..

Гап нимадалигини тушуниб, ўрнимдан сапчиб турдим. Шу суръатда Бакир пиёни кутқаришга отилмоқчийдим, ўша кимса йўлимни тўсди.

– Кеч бўлди...

Оёқларимдан мадор кетди. Шум хабарни етказган одам – йўғон бўйни нақ кулоклари остидан елкасига туташган чийиллоқ овозли проводник қўлимдан ушлашга улгурмади, ўтириб колдим. Агарда жонимга Иззат оро кирмаганда, кимнингдир ўлими учун айбдорлик хисси руҳиятимни умрбод тарк этмасди...

– Бакир пиён манзилида колди!..

“Хайрият!..”

...Сизларни билмадим-у, аммо мен ҳозир қисмат аталмиш ёзуқларнинг мавжудлигига яна бир қарра шоҳид бўлган, ўзим истамаган ҳолда, гўдаклик қасамимни бажариб, Садоқатимнинг котилига нариги дунё эшикларини очиб юборгандим. Балки бу Оллоҳнинг иродасидир. Ахир Бакир пиёнинг ёнимга келишини билмаганим ҳақиқат-ку! Қолаверса, уни хувиллаган тамбурда қолдираётганда, дафъатан пастга кулашини ҳам ўйламаганман. Шундай экан, қандайдир пиёнистаннинг тасодифий қазоси учун виждон азобида қийналишим шартми?..

\* \* \*

...Мени Қарғахон ноҳуш қарши олди. Кутишга чиққан аҳли уламо орқали шаҳристонга ёлғиз киришим буюрилди. Бундай буйруқнинг ўлим ҳукмига тенглигини ич-ичимдан ҳис қилсам-да, айтишга арзиғулик айбим йўқлигидан хотиржам тортидим. Шу боис ҳукмдорнинг тушунарсиз фармонини навбатдаги инжиқликка йўйиб, ўрдага отландим. Дарвоза олдида саккиз нафар хос соқчи пешвоз чиқди, сарой бўсағасигача қуршовда бордим. Сўнг бошқа навқарлар ихтиёрига ўтдим. Гуруҳ ўнбошиси яқинда жорий этилган қонун-қоидаларни рўқач қилиб, қуролларимни топиришимни сўради. Хавфсирашаётганларини сездим. Бироқ, қарши гапиролмадим. Негаки, орқага элтадиган йўллар така-так бекилганди.

Саройдаги қисқа сўроқ мавзуга аниқлик киритмади. Берилаётган саволлар тагидаги ғаразли ниятни дарҳол англадим. Аммо кеч англадим, сарқардасига мутаассибларча эргашган черик ташқарида бежавотир дам оларкан, ҳукмдор менинг қатлимга имзо чеқди.

Мен ғолибона сафарим давомида айрим хатоларга йўл қўйгандим. Улардан кечирилмаси Хувайдога уйланишим экан. Ҳа, Талоғутнинг ақлини шоширган гўзалнинг овозаси яшин тезлигида чор-атрофга таркаган, сарой жугарчилари тўй хабарини элдан бурун юртимга етказган ва ҳокон буни ўзбошимчаликка йўйганди. Тўғри, жанглардан тушган асосий ўлжа подшоники. Аммо мен Хувайдони ўлжа, деб ҳисобламаганман...

Жума куни пешин намози ўқилгач, мени қатл этишди...

Қундага элтишаётганда, ғалати синоатнинг гувоҳи бўлдим, кулогим остида табиш хитоб янгради, сизга марду майдон фарзанд туғиб бераман, сарқардам!

Атрофга аланглаб, ҳеч кимни кўрмасам ҳам кўнглим осойиш топди. Чунки хотиним онтига содик, менинг ўғлим ҳукмдор бўлади, жаҳонгир бўлади.

...Шахристон марказидаги майдонга жуфт кунда қўйилган. Тушунмадим, дахшатли азобни бирга тортадиган шеригим қайси бадбахт бўлди? Кўп ўтмай, ҳаммаси равшанлашди, иккинчи кундага мағлуб Талоғутни келтиришди...

У истехзоли жилмайди. Нигоҳимни олиб кочдим, тўғриси, хозир жангда мен эмас, исёнкор қалъа ҳокими голиб чиққанига амин эдим.

Мана, узун сочларимни юкорига қатлаб, бўғзимни яланғочлашди. Иккимиз ҳам бошимизни кундаги қия қўйганимиздан беихтиёр, бир-биримизга юзланиб қолдик. Кўтарилган ойболталар қуёшнинг заррин нурларида бирварақайига жилоланди. Очик кетмасин дедим шекилли, охириги дамда кўзларимни юмдим. Ўшанда ҳам Талоғутнинг мендан нигоҳ узмаганини илғашга улгурдим. Тамом! Оний лаҳзада бўйним жазиллади, баданимга дахшатли санчик югурди. Сўнг негадир, оёқларимни чўзишга уриниб типирчилардим. Тинка-мадорим борлигимни тарк этаркан, ногаҳон, жуссасидан нарироқда тупроққа қоришган ташландик қалламда ҳаётбахш фикр уйғонди. Ўша фикр туфайли қачонлардир ўғлим олажак интиком роҳатини туйдим. Қутилмаган қоникув руҳиятимга далда берди, яшашга иштиёқим жонланди. Дарҳол вужудимдан кетаётган дармонимни тизгинлаб, хушимга келдим. Кейин қўлларимни олға чўзганча беҳол судралиб, ниманидир кидирдим. Ниҳоят, икки қадам нарига думалаган қалламни топдим. Уни авайлаб, фавворадек қон отаётган елкамга кўндирдим.

Кўзларим элас-элас ёруғликни илғай бошлади. Даставвал ойболталарини артиб чекинаётган жаллодларни, сўнг ёнимда чўзилган чўлтоқ Талоғутни-ю, нарироқда шашқатор ёшини артиб, тарқалаётган оломонни кўрдим. Шунда бевақт қатлим сабабчиси Хувайдо эмаслигини англаб қолдим. Мен улуғ амир рутбасига эришганимдан буён ўтган қисқа вақт ичида ҳам қўшиннинг, ҳам улуснинг ҳурматини қозониб улгургандим. Табиийки, бундан чўчиган ҳокон ёш рақибини йўқотиш пайига тушган...

Ўрнимдан турдим. Ҳеч ким эътибор бермаяпти. Гандирақлаганча, олисдаги азим чинор панасига йўналдим. Ўша ерда тин олаётиб, баногоҳ, қалбимдан нимадир ажралиб чиқаётганини сезиб қолдим. Ва кўрганимдан ақлим шошди, не ажабки, менинг сийратим иккига бўлинаётганди. Бирини шу ондан эътиборан музаффарона юришларимга қарши бош кўтарган ватанпарварга айланган эса, иккинчиси шафқатсиз истилоларини давом эттириш ниятидаги ёвуз фотиҳ.

Мен иккига ажралган ўзлигимни қайта қовуштириш учун энди минг йиллар давомида макон ва замон чоррахаларида сарсон-саргардон тентирашимни тушуниб, белим букилди. Индамай ўлиб кетавермаганимга аччиқ пушаймон чекдим. Шунда Талоғутга ҳавасим келди, осонгина жон берди. Очик қолган кўзлари ҳамон истехзоли боқаётгандир...

Тўсатдан, хотинимни эсладим. Ахир тирик қолишимга сабабчи ўша-ку... Демак, ажалимни истаганларга қасдма-қасд яшашим даркор!.. Энди олдимда икки мақсад туради, биринчиси, қатлдан сўнг вужудини тарк этган ўзлигимга эришиш, иккинчиси, ватанига буюк ўғлон совға қиладиган Хувайдони топиш. Шу орзуларимга етишган куним энг армонсиз инсонга айланиб ўлажамкан!

...Оқаётган қон туфайли аста-секин мадорим қуриб, хушимни йўқотавердим. Эндиги заррача ҳаракат вужудимни батамом консизланишга олиб келади. Яхшиси, кутаман, жиндаққина ором аъзойи баданимга қувват бағишлайди.

Узоқ ухладим. Ниҳоят, бир куни қучга иниб, уйғондим. Дастлаб кипригимни кўтаришга эриндим. Бироз хаёл суриб ётдим. Кейин ниманидир узлуксиз тарақлаши бадимга ура бошлади. Беихтиёр, кўзларимни очиб, ўзимни галаги жойда кўрдим. Қичқина хоначада, тахта қатда чўзилганман. Атрофимда беш-олти нафар юз-кўзида номаълум ҳайрат қотган одамлар. Ичларидан Иззатни танигач, фикрим ойдинлашиб, ўзимга келдим.

Поездимиз ҳамон тарақа-туруқлаб, олға интиларди.

Кимдир шимимнинг чўнтагидан дастрўмолни олиб, кўлимга тутқазди. Нима гаплигини англадим, бўғзимдан сезилар-сезилмас кон сизаётганди. Асоратни яшириш мақсадида рўмолчани босдим. Сўнг ҳеч нима бўлмагандай, қаддимни ростладим. Шу алфоз ўзимга келаётганимда, боядан бери синчков тикилган Иззат илқис сесканиб олди. Ярим аср илғари худди шу вагонда кечган ғалати танишувни ким ҳам унутарди, ахир?

...Иззатнинг илк саволи Камолхон ҳақида бўлди. Билганларимни шошилмай сўйладим. Ҳикоям сўнггида охириги мактубини эсладим, ғалати рақам ҳақида гапирдим. Иззат қизиқиб қолди. Кўнғирок қилишни таклиф этиб, ёнидан қўл телефониини чиқарди. Сим қоқдик. Аввалига ҳеч ким жавоб бермади. Иккинчи сафар алоқанинг нариги учидан Камолхоннинг аянчли овози эшитилди. Мени таниб, шоша-пиша гапира кетди. Пойинтар-сойинтар жумлаларига қараганда, оғам ҳозир олис манзилларда азоб-укубатга гирифтор экан. Шу боис йиглаб-сиктаб, бузрукворининг олдига боришимни сўради. Ўғлининг ноҳақлиги учун тавалло қилишимни ўтгинди!..

Мен ёрдам беришни нақадар хоҳламай, ушбу илтимосни бажаролмасдим. Негаки, фарзандининг бутунги ҳалокати зинҳор-базинҳор Иноятхонга боғлиқ эмасди. Ўғил чексиз азобларга мустаҳиклиги учун падарини айбласа-да, асл сабаб нимадалигини ёлғиз мен билардим. Дунёда ота-она норозилигидан кўра мудхироқ қарғишлар бор. Жумладан, Камолхоннинг кечирилмас гуноҳи – ватанфурушлигида. Ватан яхшига ҳам ёмонга ҳам сотилмайди, бегараз мақсадда босқинчиларга кўмаклашиб, халқини кулга айлантирган қаптарбознинг бошқа хоинлардан фарқи йўқ...

Бечорани юпатишга роса уриндим. Суҳбатимиз охирида ёрдам беришимни айтдим. Шу орада унинг овози йироклашиб, ўрнини машум чинқириклар эгаллайверди. Ғайритабиий ҳиссиётлардан баданим музлаб хайрлашарканман, оғамнинг охириги жумласи хотирамга муҳрланди.

– Дийдор қиёматга қолди, иним!..

Тушунмай, яна сим қоқдим, жавоб бўлмади. Иззатнинг маъноли назаридан бу жумбоқни еча олишини сезиб, ўтинчли термидим. У аввал талмовсиради. Кейин кескин қўл силтаб, кичкириб юборди.

– Камолхон аллақачон бу дунёни тарк этган!..

Не ажабки, биз мўъжизага йўлиққандик. Оддийгина қўл телефони орқали боқий дунё билан боғлангандик. Шунга карамай, мен ҳозир ҳам, кейин ҳам ушбу илоҳий воқеликни рўёдан бўлакча тасаввур этолмадим, ишонолмадим...

Шу тариқа, Камолхондан бошланган ўйларим бора-бора, ўзимга боғланди. Бехитиёр, бебахт ҳаётимнинг ҳаддан ташқари чўзилиши сабабини изладим. Мавхум саволлар вужудимни тинмай кемираверди. Ростдан ҳам, нега оддий одамлардек эмасман, нега бошқалар сингари тинчгина ўлиб кетавермайман?.. Нега мозийнинг олис қатларига аллақандай кимсалар қобигида яшашим керак? Бўғзимдаги, юрагимдаги асоратлар суяк сурса, нима қиламан?..

Хотиржам, ҳамма қатори нафас олишимга нима халакит беради? Аввало шу жумбоқни ечишим керак. Бошимни чангаллаб ўйланарканман, кўз олдидан моғорли мозий сарҳадларини ортда қолдирган даққионус умрим ўтаверди ва яхши-ёмон амалларимни сарҳисоб этаётиб, даҳшатли ҳақиқатга йўлиқдим. Менинг ёмон амалларим тош босмоқда. Наҳотки, савобимдан уволим кўпроқ?

...Улуғ амир рутбасини эгаллаган куним таклифим Қарғохонга ёқиб, аксинча кенгаш берганларни қатл эттирганди. Ўнг қўл вазир, Соғлибой, Элбек нўён... Бу рўйхатда яна етти-саккиз бегуноҳнинг исм-шарифи бор. Агарда уларни ёқлаганимда, хоқоннинг қарори ўзгарармиди? Билмадим. Машваратда ёлғиз қолгач, у балки кўпчиликка эрга-шар, балки эргашмасди. Мен ҳам, эҳтимол, бошқалар қатори дорга тортилардим.

Хўш кейин-чи?.. Саркардаликнинг илк палласидаёк, муҳорабага чоғландим. Олти хафта от суриб, исёнкор кальани ер билан текисладим. Борлик ўт ичида қолди, гунохжору бегунох баб-баравар жазоланди...

Азим муҳораблар, аслида, Оллохнинг иродаси туфайли юз беради. Шундай экан, чекаётган азобларимга ўша конли жанг сабабчи бўлолмайди. Унда тагин қандай гуноҳим бор?

Каптарбознинг она-ватанига қарши чиқишими?.. Йўқ, бу ҳам қийналишимга арзимаиди. Ахир, у бизга ўз ихтиёри билан кўшилди-ку...

Кўнглимда уйғонган шу каби шубҳаларнинг қайсисини ёклашни билмай, гаранг-сиб турганимда бошимда чакнаган фикр барча муаммоларга ойдинлик киритди, му-сибатларим сабабини осонгина тушундим. Қарангки, қарздорлик туфайли сўнгсиз азобларга мустаҳиқ эканман. Бунинг исботи учун Бакир пиён поезддан қулагандан сўнг руҳиятимга кўчган осойишталикни эслашнинг ўзи кифоя. Демак, зиммамдаги мажбуриятларни бажармай, ҳисоб-китобларимни тўғриламай, хотиржам яшолмайман. Наинки, хотиржам яшаш, эл қатори ўлиб кетишга ҳақим йўқ ҳатто!..

Шуларни ўйлаётиб, бирдан инсониятнинг келиш ва кетиш сабабини ҳам англа-гандек бўлдим. Киши боқийликка ўтишдан аввал Қодир Эгам елкасига юклаган ва-зифаларини уддалаб, фанонинг синовидан ўтмоғи лозим. Зеро, асл дунёда бандасининг шу амалларига қараб, дўзахий ёхуд жаннатий даражалар белгиланса не ажаб?..

Менинг қарзларим эса анча-мунча. Каптарбознинг гуноҳини зиммамга олишим керак. Қарғахоннинг тақдирини, ўғлимнинг келажагини билишим, ўнг қафтида холи бор аёлимни топишим даркор. Ана шунда дарбадар юрган паллаларим қайта бирлашадми. Охириг кунларимни хотиржам ўтказаман. Булар кўлимдан келади, чунки Садоқатимга берган қасамимни билиб-билмай бажарганим – Оллох мен томондалигига ишора.

Кейин туғма белгиларим ҳам бежиз эмас. Ўйинқарок болаликда ёрилган бош дўппи тагида сезилмай кетади. Душман қиличи қолдирган яранинг ўрни битади. Аммо хоинликнинг асорати абадий. Уни даволашнинг ягона йўли – қасос!.. Буни аввалроқ тушунганимда, ҳозиргача қийналмасдим.

Нимадан бошламоқ лозим?..

Қодирқулнинг хиёрати кечирилмас гуноҳ. Аввало, ўшандан ўч оламан.

Зудлик билан проводникни қидирдим, менга ҳозир йўғон бўйни нақ қулоғи остидан елкасига туташган чийиллоқ кимсадан ўзга нажот йўқ. Тараддудимни сез-ган Иззат имо қилиб мўлжалимга йўллади. Ўша томон юрдим. Кўп ўтмай, излаганимни топдим. Гапни нимадан бошлашни билмай каловланарканман, у хос хона-сига таклиф қилди. Дам олишга бўш жой сўрашимни кутди шекилли, ялтоқланиб термилди. Сазасини ўлдирмадим, киссамдан пул чиқариб, олдига ташладим. Икки пиёла чой ичдим. Қайтимини олмадим. Бундан шодланган проводник илҳоми жўшиб, гурунглаша кетди. Пайт пойлаб, мавзуни муддаога бурдим, қайси шеригига қизикаётганимни англамади. Қиёфасини тасвирлагач, Қодирбой ҳақида сўраярсиз, чоғи, деди. Бош иргадим. У кўлларини жуфтлаб, юзига фотиҳа тортди. Тарвузим кўлтигимдан тушди. Ахир, хиёнаткорни мен ўлдиришим керак эди-да...

Нега бундай бўлганлигини англаш учун бир лаҳза ўйга чўмдим, беихтиёр титраб-қакшайвердим, вужудимда талваса бошланди. Оёғимдан мадор кетди. Бо-шим елкамга қийшайиб, хаёлларим чувалашди...

\* \* \*

...Ўқишни тугатгач, ҳарбий хизматга бориш орзусига тушдим. Мен юксак ни-ятларда йўлга отландим, аммо, хизматим Россиянинг бепоён ўрмонларида ўтмади. Афғонистонга жўнадим.

Икки юзга яқин аскарни олган улкан самолёт пешинда Кобул аэродромига кўнди. Сафланиб, бегона тупрокка кадам босган онимдаёқ димоғимга ғалати ҳид урилди. Бегона юрт ҳавоси... Ўлим иси келмоқда. Кўпчилик тушкунликка тушди. Мен эса ўзимни йўқотмадим. Азалий жангчилгим туфайли паймонага юзма-юз келишдан ҳайиқмадим, ажал қочганинг изидан кувади.

Хизматим давомида айтишга арзигулик воқеа содир бўлмади ҳисоб. Яъни, бегона элни босишга отланганларнинг кўргиликларидан ортигига учрамадим. Қайтар онлари совга-салом харидига яқин-ўртадаги дўконга отландим. Биз – тўрт нафар йигит, қароргоҳдан чиқиб, кичиккина кент рўпарасидаги қўриқлов пунктига келдик. У ердан танк командири билан биргаликда бозорга жўнадик. Танкчига чор-агроф беш қўлдай аён. Шу сабаб, ҳеч ким қурол олмади. Фақат мен, тарки одат – амримахол, автоматимни ташламадим. Ҳатто, йўлбошловчи айтсаям, қуролим ёнимда қолди...

Расталарни айланарканмиз, ортимиздан эргашган баланд бўйли мужоҳидга эътибор бердим. Бошига салла ўраган, узун чакмондаги афғон изимиздан барча дўконларга кирди. Ниҳоят, оларимизни олиб, ўрғаликка чиққандик, тўсатдан танкчининг юзи оқариб, елкадаги кадрдонимга ишора қилди. Тушунарли. Эпчиллик билан аввалдан ўқлаб қўйилган қуролимни қўлга олдим. Энди мўлжалга уришим учун икки сония кифоя. Тўғрилайсолиб, тепкини боссам бас, биттани қулатишимга кафолот бор. Аммо, танкчини нима безовта қилди?... Мен охишта ортимга ўғириларканман, боятдан бери эргашган кимсанинг ридоси кўкраги баравар кўтарилганини сезиб қолдим. Бу – кийим остидан ўқталган автомат стволи. Ҳамма тош қотди. Бугун бозор аҳли бизга термилган. Ғолиб шўравининг тўрт аскари ҳам ожизона титраб, ғойибдан мадад кутмоқда. Биз ҳайкалдек қотиб, бир-биримизга тикилдик. Тилларимиз сукут сақласаям, нигоҳларимиз сўзлашди. Рақибим, тепкини босган тақдирда, мен ҳам ўт очишга улгуришимни тушунганга ўхшади. Ҳар ҳолда, жон ширин, бекорга ўлиб кетишни истамаяпти. Тўсатдан, у бошқа томонга юз бурди. Шунда ғалати чакнаган кўзларини таниб қолдим. Бу ўшанда ўзини шўролар ўлдириб, хотинини зўрлаган, болаларини қиличдан ўтказган босмачи кулбасидаги сўнгги кўрбошининг нигоҳи. Қисмат қайтадан такрорланмоқда. Беихтиёр, рақибим ишора қилган тарафга қайрилдим. Не кўз билан кўрайки, қаршимда яна Қодирқул. Танкчилар кийимидаги оғам аллақачон тўшпончасини чиқариб, ҳам шўравини, ҳам “душман”ни махв этишга шайланган. Кўр хассасини бир марта йўқотади, кўксимдаги тешик ҳалигача ўқтин-ўқтин оғриши старли эмасми?..

Мен мужоҳидга кўз қиримни солдим. Ўша заҳоти бир-биримизни тушундик. Бараварига тепкини босдик. Танкчи улгурмади, ихраганча қулади. Оломон саросимада. Ҳатто, бирга келган аскарлар ҳам ҳайрон. Нима гапчилигини фақат ўзимиз биламиз.

Умумий душманимиз йиқилиб, рўпарама-рўпара юзландик. Қуролларимиз тагин олов пуркашга тайёр. Бармоқларимиз тепкига михланиб, салгина химога интиқ...

Иккаламиз ҳам вазиятни қўлга олишга интиларканмиз, унинг кўзларида хайрихоҳликни кўрдим. Бирданига ўзимда ҳам аини туйғу уйғонди. Бироқ, бармоғимни тепкидан ажратолмадим. Бу асабий ҳолат нимага олиб келиши номаълум. Охириги дамда, ўртамизда бош-адоқ пуштиранг матога ўранган сарвкомат аёл қад ростлади. Чодра тагидан чакнаган ўтли нигоҳи катта ишга азму ихтиёр этганидан дарак бермоқда...

Мана, у огоҳлантиргандек, қўлларини баланд кўтарди. Ҳозир душманни назардан қочириб ҳалокатли оқибатга дучор қилишини яхши тушунсам ҳам қизиқувчанлигим устун чиқди, синчков кўз югуртираётди, аёлнинг кафтидаги қора холини илғаб қолдим...

Ҳайҳот!.. Қачонлардир бизни макон ва замон ўнгирларининг қарама-қарши томонларига йўналтирган қисмат айнан бугун учраштиришини ким ўйлабди? Ўшанда жаллод

болтаси жудо этган бошимни елкамга қўндиртириб, қайтадан яшашга рағбатлантирган Хувайдо, энди бошқа оламшумул вазифани бажариш мақсадида қаршимда турарди. Бехосдан у, нафақат менга, балки, рўпарамдаги “душман”га ҳам бирдек кадрлилигини англаб қолдим. Зеро, бугун юзма-юз турган ракиблар аслан дунёқарашлари адашиб, иккига ажралган ягона хилқат эканлигини Хувайдо билмасе, ким биларди?

...Ўртамиздаги ожизага назар ташлаб, менга ўгирилган мағрур мужоҳиднинг жанговар нигоҳида фавқуллода сулҳ илинжи кўринди. Демак, отишга ҳақим йўқ, ўзим билмаган ҳолда, қуролимни туширдим. Хувайдо ғойиб бўлди. Биз олға юрдик, масофа қисқараверди. Ниҳоят нафасимизни-да аниқ эшитдик. Яна икки лаҳза ўтиб, минг йилларга чўзилган айрилиқ яқун топди. Неча юз йиллар бурун номард ҳокон ажратиб юборган икки дунё қайта бирлашди. Вужудимга жаннатий ором дўнди. Ҳаёлим равшанлашиб, руҳимни илоҳий бир эпкин аллалай кетди. Ўзимни тавбаси қабул бўлган осий мисоли сездим. Энди мен умрини азим муҳорабаларга бағишлаган жасур саркарда эмасдим. Ракиби билан уйғунлашгач, Қарғaxonнинг шавкатли саркардаси Оллоҳнинг ожиз бандасига айлангани, холос...

Энди қаптарбозни ҳисобга олмаганда, зиммамда мажбуриятлар қолмади. Шунинг ҳам бажарсам, озодман... Тиз чўқдим. Ибодатга чоғланиб, қўлларимни кўтардим. Чин дилдан ўқириб, тавалло қилдим. “Эй, Қодир Эгам! Бечоранинг гуноҳидан кеча қол! Бунинг учун кимнингдир иқрори керак бўлса, мана – мен, ватанфурушга аталган қисматнинг ярмига шу бандангни шерик қил!..”

Тўсатдан, нима деяётганимни тушуниб қолдим. Апил-тапил, тавба этмоққа чоғландим. Аммо, кечиккандим. Қалбимда жаҳаннам тушқунлигига етакловчи ғалаён уйғонди. Бемаврид шошма-шошарлигимдан энди афсуслана бошловдимки, тўсатдан шуурим ёришаверди. Рухиятимга равшанлик кириб, қушдек енгиллашдим. Бандасининг тазаруси етган Эгамга, таваллоси ҳам етиб борганига шубҳам қолмади.

– Шукр, Оллоҳим, шукр!..

Кимдир авайлаб туртди. Қараб, кўзларимга ишонмадим. Ахир, манави хушқомат аёл умр бўйи излаганим эмасми? Унинг чакноқ нигоҳидаги мамнуният эса сингилнинг қаптарбоз оға тақдирдан хотиржам тортганлиги ифодаси-ку...

Ҳа, мен ҳозир умумий вагоннинг деразаси оққа бўялган бўлмасидаман. Бир томонимда жуда-жуда таниш аёл. Иккинчи томонимда сиёғи ўзимга ўхшаш ўн етти-ўн саккиз ёшлардаги йигит.

– Дадаси, ўзингизга келдингизми?..

Аёл юз-кўзларимни силаб-сыйпади. Қўллари бетимга илик ҳарорат бахш этаркан, ҳаммаси ўтиб кетганига қайта-қайта шукроналар ўқидим. Сўнг атрофимдагилардан ҳам тортинмай, юмшоққина кафтларини ўпа бошладим. Чалими менга ўхшаш йигитча уялмасин деди чоғи, нигоҳини оққа бўялган дерезага қадади. Ўзимга келгач, ўпкамни босиб, аёлга бошдан-оёқ назар ташладим. Бу ўша, минг йиллик умримнинг олис манзилларида гоҳ Мушарраф, гоҳ Садоқат, гоҳ Қорасочбону қиёфасида шавкатли саркардасига ҳамроҳ бўлган Хувайдо ҳозир ёнимда жуфти ҳалолим Интизорга айланганча, қимтиниб турибди. Ерга бокиб, энтикишлари ҳам ўша-ўша...

Шу пайт нарирокдан ҳазин қўшиқ янгради. Йигитча ўша томонга йўналди. Биз бир-биримизга термилиб қолдик. Ичимдагиларни тушунган аёлим далда берди.

– Мен доимо ёнингизда эдим, саркардам. Бу олис йўлда сизни ёлғиз ташлаб кетолмасдим. Талоғутни асир олиб, пойтахтга қайтган кунни эслайсизми? Ўшандаги муҳрингизга содиқлигимга Тангри гувоҳ.

У кафтини ёзди, неча аср муқаддам оёқ остидаги гулханда чўққа айланган қиличим қолдирган доғдан хийла хижолат тортдим. Қизарганимни яшириш учун

атрофимга алангладим. Қаршимдаги ўриндик бўш. Кейин... навбатдаги тилсимотга дуч келгандим... Интизор нега донг қотганимга тушунмай, ўзича изох берди.

– Бир чол кампири билан кетаётганди. Сал олдинроқ тушиб қолишди...

Менга чол-кампирининг қизиғи йўқ. Ҳозир нариги ўриндикда ўзимнинг эски чамадоним ва Қорасочбонунинг кўнғир дипломатини илғаб қолдим. Уларни сафарим бошида, эллик йил бурун қандай қолдирган эсам, ўшандайлигича турибди... Тилим калимага келмай, гулдирарканман, чалими ўхшаш йигитча қайтди. Жойинга ўтириб, эшитган кўшиғини мақташга тушди.

– Сочи елкасига тушган олифта бобой гитарада ҳаёт кўшиғини куйламоқда...

Эндигина кўрганларим узундан-узук туш эканлигига иқдор бўлаётгандим. Бу гаплар хаёлларимни пучга чиқарди. Дахшатли ўнгимга қайтсам, эсим оғиб қолишидан чўчиб, титрайвердим. Аянчи ҳолатимга эътиборсиз йигитча яна менга юзланди.

– Дада, ўша чол сизга салом айтди. Китобингизни сўради. Кўшиқ қилиб куйларкан...

“– Дада, дедими?..”

Дод дейишдан зўрга тийилиб, хотинимга термилдим. У маъноли назар ташлаб, Қорасочбонунинг кўнғир дипломатига чўзилди. Ичидан сарғайган сурат олди. Вожаб, унда мен, Интизор ва шу йигитча кучоклашиб турибмиз. Демак, битта оиламиз! Кўнглим ёришиб, иккалалариниям бағримга босдим. Сўнг негадир, яна бир боқишни истаб қолдим, ундаги қайсидир чизги менга бегона туюлганди. Ҳа, расмда ростдан ҳам бўғзимдаги қизил чизик йўқ!..

Интизор бежирим ойначасини юзимга тутди. Адашмабман, буюк хоқоннинг бемаъни қасосидан эсдалик чандик исзис йўқолган. Апил-тапил кўйлагим тугмаларини ечиб, кўрагимни пайпасладим. Юрагим устидаги Қодиркул оғамнинг бешотаридан қолган тирноқдек тешик ҳам сезилмайди. Яраларимни батамом битиши учун нақадар машаққатли синовлардан ўтганим энди ҳеч кимга сир эмаслигини билсам-да, ўзга нарсдан таажубландим. Қодиркулда ҳақим қолмагани аниқ. Аммо, бўйнимдаги чандикнинг йўқолишини қандай тушунай? Ахир, Қарғaxonнинг асорати ўз-ўзидан битмайди-ку...

Фикрим бўлинди. Ўғлим чамадонимнинг копқоғини кўтарди. Унда нима борлигини аввалроқ айтгандим. Бир сидра янги кийим-бош олис йиллар бурун қандай тахланган бўлса, шундай ётибди. Уларни олиб, нуридийдам қайгадир чиқди. Зум ўтмай, почаси кенг оқ шимим ва баданига маҳкам ёпишган ёқаси катта кўйлагимни кийиб қайтди. Шу туриши ўша ўн етти яшарлигимнинг худди ўзи. Кўзим қувониб, уни кучокладим. Қўлларим бақувват яғринини сийпаларкан, ногоҳ, курагининг тагидаги ғалати чуқурчани пайпаслади. Бу – нима? Наҳотки, орқадан санчилган найза асорати бўлса?..

Фикру хаёлим яна хоинлик аталмиш сирли жумбоққа, сўнг маккор хоқонга қайтди. Чувалашган ўйларимни аниқлаштириш учун хотинимга юзландим ва сирли жилмайишидан сўзининг устидан чиққанини сездим. Зеро, ёнимдаги йигит ҳали бутун ўтмиши-ю келажаги олға чорлаётган буюк ўғлон эди. У ишончимни мустаҳкамлаш ниятида деразага туташ столдаги қўлёмаларимни олиб, белгиланган саҳифасини очди. Мен ўқий бошладим.

“...Оқаётган қонни тўхтатолмаганим сабабли, аста-секин мадорим қуриб, ҳушимни йўқотдим. Эндиги сал ҳаракат вужудимни батамом консизланишига олиб келади. Яхшиси, кутишим керак. Зора, мўъжиза юз берса...”

Жиндай ором аъзойи баданимга қувват бағишлайди, кўзларимни юмдим...

Тўсатдан хаёлимда қасос ўти чўғланди. Шунда ҳозир уйқудан ҳам муҳимроқ юмушларим борлигини, хусусан, Қарғaxonнинг шум тақдирига аралашмоғим лозимлигини ўйладим. Охирги қувватимни йиғиб саройга учдим, хизматларим қадрига етмаган ношукур банданинг шармандали ўлимини кўриш мақсадида қутавердим, қутавердим...

Орадан йиллар ўтди. Бир кун Қарғохон давлатига номаълум саркарда кўшин тортди. Шахристон ташқарисидаги ҳоворликда ўтган шафқатсиз муҳорабада дарё-дарё кон тўкилди. Беҳисоб каллалар сапчадек узилди. Хоқондан омад кетди. Шунда у илк бор шарафли кўмондонини ноҳақ ўлдирганига пушаймон чекди. Негаки, бугунги ёш жангчиға фақат ўзим бас кела олардим. Аммо, ўша маккорона ҳукмини амалга оширмаганда, ушбу уруш ҳам бўлмаслигини бечора Қарғохон каердан билсин? Ахир, улкан кўшинни тор-мор этган ғолиб лашкарбоши менинг ўғлим эди-да.

Мен оламини зир титратган ҳукмдор мағлубиятини ўз кўзим билан кўрдим. Уни аёллар кийимида қочаётиб, қўлга тушганига ҳам гувоҳ бўлдим. Беш-олти кун ўтиб, чолни Талоғут иккимизнинг бошимиз кесилган ўша муқаддас жойда катл этишди. Бу жазо ота қасоси эди. Ниҳоят, конга қон олинганидан кўнглим ҳаловат топди...

Қасоскор жаҳонгирим шавкатли юришлари дебчасига айланган ғалабасини узок нишонламади. Янги сафарларга отланди. Бу машаққатли йўлда уни улуг ишлар, замондан-замонларга ҳатлайдиган чексиз шон-шарафлар ила изма-из манфурлик ва олчоқлик ва хонлик кутаётганини фақат мен ва Яратган Эгам билардик, холос..."

Бу сатрларни қачон ёзганман? Яна жумбоқ? Яна тилсим?..

Аммо, охириги қарзимдан қутулганим, бўғзимдаги айлана чандиқнинг битиш сабаблари аён бўлди. Тўғрироғи, энди жисму жонимни бетиним азоблайдиган мажбуриятнинг ўзи йўқ. Зиммамдаги барча масъулиятлардан озодман. Ҳеч кимда ҳақим қолмаган. Шу сабаб, неча юз йилда биринчи марта қониб-қониб, эркинлик ҳавосидан ютдим. Сўнг миннатдорлик аралаш меҳр-ла ўғлимнинг елкасидан кучиб, китобимни қўлига тутқаздим. У қўшиқ садоси таралаётган бўлмага йўналди. Зум ўтмай, ўша томондан маънос оҳанг, изидан ширали овоз янгради. Иззат умрим китобини куйлай бошлади...

Аввалига унчалик ёпишмаган куй ва сўз бора-бора, шунчалар уйғунлашиб кетдики, беихтиёр барчанинг диққати кўшиққа миҳланди. Мен китоб эгасига етганидан кўнглим таскин топиб, ўғлимни кутдим. У янгича оҳанг таъсирида хаёл суриб, жойига қайтар-қайтмас, диққати кимгадир қадалганини сездим. Ўша томонга юзланиб эса навбатдаги синоатга йўлиқдим, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ёнимиздан думбул ёшлигимдаги Муҳаббат ўтмоқда эди. Қиз қарашмали нигоҳи-ла бизга жилмайди. Аниқроғи, навқирон шеригимни мўлжаллаб, ишваланди. Навқирон шеригим озрок тараддудланди-да, унинг изидан жўнаб қолди. Саросимада қотган чолига Интизор далда берди.

– Эътибор берманг дадаси, ўзингизнинг ёшлигингиз...

Мен ўғлим қизнинг қўлидан тутганини, кафтини ўгириб, узок тикилганини илғаб, яна бир бор “йўқ”, дея хайқирмоқчи эдим, тилимни тишладим. Бу дунёда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Бунга ўзимнинг чувалашган тақдирим гувоҳ. Энди эса ота қисмати фарзандга илашганидан жисми жонимни аламли армон эгаллади. Чунки улуг ишга отланганларнинг тоши оғир келади. Бу юкни кўтарган зот, боз устига, нимасидандир воз кечади. Ўша кечадиганинг пешонангдаги тақдиринг бўлса, бундан ёмони йўқ. Илло, киши ўз ёздиғи ила келиб, ўз ёздиғи ила кетгани яхши. Менинг зурриёдимга эса силсилаларга тўла ҳақиқий умр насиб этган экан, нега фахрланмай?..

...Ўғлим кўнгли тўлиб, Муҳаббатни қўлтиқлаб олди. Шунда мудом ўн саккизда яшаган сирли хилқат балоғат ёшидаги бўй қизга айланди-қўйди.

Юқоридан белгиланган тақдирларга аралашиб бандасига ножоиз. Шу боис улардан диққатимни узиб, анчайин қартайиб улгурган кампиримга юзландим. Унинг мавҳум нуктага муттасил тикилишдан ёшланган нигоҳини кўриб, икки томчи қон қотган ўша дастрўмолимни узатдим. Интизор рўмолчини олиб, чарчоқдан қизарган

кўзларини эмас, ок бўёқдан хиралашган ойнани артувди, не ажабки, дераза аслига кайтди, атроф ёришди. Ногаҳоний чароғонликдан дилим равшанлашиб, энгил рухият ила узокларга термиларканман, поездимиз навбахорнинг қийғос гуллаган чаманзорларини ортда колдираверди. Йирок-йироклардан ёзнинг ҳосилдор дарахтлари бўй кўрсатди. Сўнг яшил боғлар сарғайди. Аста-секин теваракнинг ҳазонрезги ранги қуюқлашиб, қалбимга осойишта ҳиссиёт тўкилди. Ғойибдан янграган наво кўнгилни орзиктирувчи оҳангда аллалай кетди. Кўзларим сузилиб, наздимда олис-олислардан оппоқ нурга ўралган ажиб бир сиймо гавдаланди. Фариштадек чараклаган меҳрибон волидамни дарҳол танидим. Онам розилик аломати барқ урган киёфада асрий азоблардан халос бўлган фарзандини қошига имлаётганиди...

Вужудимга минг йиллаб кутилган ҳузурли ҳаловат ёйилди...

Ташқаридан кўз узмай келаётган Интизорим кайфиятимдаги ўзгаришларни англаб, мамнун жилмайди. Айни дамда, фанонинг омонат лаҳзалари нақадар ганимат туюлмасин, иккимиз ҳам салкам абадият қадар чўзилган укубатли умргузаронлигимиз якунланаётганидан бахтиёр эдик, поездимиз табиатнинг увол-савобини сарҳисоб қилаётган донишманд кузак майдонларига кириб бораётганиди...

### ТАМОМ



**Ҳаёт бировга узок ўйдни яқин қилса,  
бировага яқин ўйдни узок қилди.**

**Саид АХМАД**



Абдурахмон  
ПИРИМҚУЛОВ

## МУҲАРРИРДА АЛАМИМ МАНИМ

*Ўз шоирин танимади шеър.*  
Анвар ОБИДЖОН

Таҳрир – бу бадий асарга шакл ва мазмун жиҳатдан сайқал бериш, муаллиф назаридан четда қолган жузъий камчиликларни бартараф этиш, шунингдек, имловий нуксонларнинг олдини олиш, хуллас, ижод маҳсулини нашр қилишдан аввал ҳар жиҳатдан маромга етказиш, пардозлаш санъатидир. Хўш, бу масъулиятли вазифани ким амалга оширади? Албатта, муҳаррир-да! Қандай муҳаррир? Ана бу саволга жавоб бериш бироз қийин. Сабаби, муаллиф ўзи тан олган муҳаррирагина ўз асарини, дейлик, шеърини тўпламини топшироғи лозим. Шундай экан, муҳаррир шеър техникасини муаллифдан-да пухтароқ биладиган зукко мунаққид – таҳрир устасидир. Бошқача айтганда, шоир актёр бўлса, муҳаррир режиссёрдир. Шу маънода эълон қилинган ҳар қандай асарнинг гуноҳ-савоби дастлаб муаллифга, сўнг эса муҳаррирга бориб такаладики, буни таҳрир хайъати доим ёдда тутмоғи лозим.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг “Ўзбекистон” қасидаси 1965 йилдан бери даврий матбуот нашрларида ва муаллифлик тўпламларида бир неча марта нашр этилган. У миллий шеърятда Ҳамид Олимжон ва Ойбекнинг шу номдаги, Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим” қасидаси сингари нодир ҳодиса сифатида қайд этилган. Аммо асар шоирнинг 2000 йилда Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган тўрт томлик “Танланган асарлар”нинг биринчи жилдида таҳрирга йўлиққани китобхонлар эътирозига сабаб бўлаётир. Умуман, тўрт жилдлик таркибидаги асарларни аввалги нашрлар билан қиёсланса, мутлақо қутилмаган манзаралар ҳосил бўлади. Ростки, бу мақола оддий шеър ихлосмандларидан бирининг “Буни қандай изоҳлайсиз?” деган саволи оқибатида қоғозга тушмоқда.

Академик Бахтиёр Назаров бир пайтлар ушбу қасида ҳақида “Ўзбек поэзиясида Ўзбекистон образи яхлит ва муфассал, бутун салобати ва қиёфаси билан мукаммал

---

*Абдурахмон ПИРИМҚУЛОВ – филология фанлари номзоди. 1969 йилда тугилган. Тошкент вилоят давлат педагогика институтини тамомлаган. “Етти довои хайрати” номли китоби чоп этилган.*

яратилган асарлардан биридир”<sup>1</sup>, деб ёзган. Шунга ўхшаш ижобий баҳолар академик Матёкуб Қўшжонов, профессор Озод Шарафиддинов, тадқиқотчи Менглибой Холёров ва Дониёр Бегимқулов мақолаларида ҳам берилган. Ана шундай бекаму кўст асарни таҳрир қилиш эҳтиёжи қандай пайдо бўлдийкин?! Юқоридаги иктибос асарнинг танқидчиликда юқори баҳоланганини кўрсатяпти-ку! Қизик, кўпчиликка манзур қасидани ким, нега таҳрир қилди? Ахир, унда миллий истиқлол мафқураси тамойилларига зид бирор бир жиҳат бўй кўрсатмайди. Ундаги “совет” ёхуд “коммунизм” сўзлари ҳам таҳрир заруратини тугдирмайди. Негаки, бугунги ёш китобхонлар ҳам бадий асарга баҳо беришда у яратилган давр билан ҳисоблашиш лозимлигини жуда яхши англайдилар. Таҳрир ўзини оқламаганлигини баъзи мисолларда исботлашга ҳаракат қиламиз.

Аввалги нашрларда:

*Ва Ҳамзанинг қатра қонида  
Ўзбекистон номин олдинг сен.*

Сўнги нашрда:

*Ўғлонларинг қатра қонида  
Ўзбекистон номин олдинг сен.*

Авалло мисранинг “ва” билан бошланиши ифодаланаётган ғоянинг юқоридаги мисралар билан шакл ва маъно жиҳатдан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатади. Қолаверса, Ҳамза XX аср биринчи чорагининг ноёб сиймосидир. У хотин-қизлар озодлиги, илм-маърифат, санъат ва маданият ривожини учун тинимсиз кураш олиб борган. Унинг инқилоб мавзусидаги шеърлари ўша давр мафқурасининг таъсири ўлароқ яратилган бўлиб, улар янгилик тарафдорининг Миллат ва Ватан тараққиётига қўшган ўзига хос ҳиссасига зиён сололмайди. Боз устига шўро сиёсатига мадхия ўқиш ўша давр адабий мухитининг ягона шиори бўлиб, ўтган асрнинг дастлабки чорагида ижод қилган барча шоирлар рус инқилобини буюк тарихий ҳодиса сифатида улуғлашлари шарт эди. Машғум ҳодисанинг байроқдори бўлиш Ҳамзанинг хатоси бўлиши мумкин, зинҳор айби эмас. Эҳтимол, бу мажбурият унинг чекига тушгани ҳам Ҳамзанинг қисматини белгилагандир. Собиқ Шўро ҳукумати амалдорлари томонидан хуфиёна ўлдирилгани бу сиймонинг шўролар мафқураси таърифлаб бергандек, “оташнафас большевик шоир” бўлмаганлигини кўрсатиб турибди. Унинг “Девони Ниҳоний”дан ўрин олган қатор ғазал, рубоий, қитъа ва мухаммаслари миллий уйғониш даври адабиётини ўтмиш мумтоз шеърини анъаналари билан узвий боғловчи ришталар сирасига қиради. Унинг ўз даврида хурофот ва жаҳолатга қарши маърифат билан майдонга чиққани эътирофга лойиқ ва чинакам ибрат намунаси бўла олади. Шеърини да муайян шахс номини бадий ғояга йўналтириш талмех санъати дейиладики, юқоридаги таҳрир мисрани ана шундай бадий таҳрирдан ҳам маҳрум этган.

Абдулла Ориповнинг “Ва Ҳамзанинг қатра қонида / Ўзбекистон номин олдинг сен” дегани тарихий шахснинг ижтимоий-сиёсий фаолиятдан ташқари, унинг “Ҳамза монолоғи”, “Ҳамза нидоси” шеърларини ва умуман, ўзбек адабиётида Ҳамза ҳақида яратилган асарларни ўқувчи кўз ўнгида бирма-бир пайдо қилиш кудратига эга. Шу ўринда бир савол туғилади: “Ҳамза”ни “ўғлонлар” деб ўзгартирган “зукко” муҳаррири у ҳақдаги мустақил икки асар – “Ҳамза монолоғи” ва “Ҳамза

<sup>1</sup> Назаров Б. ва бошқалар. Ўзбек совет адабиёти тарихи. Тошкент: Ўқитувчи, 1990. Б.446.

нидоси”ни “Танланган асарлар” мундарижасидан нега тушириб қолдирмади?! Ё эътиборсизлик рўй бердимикан?!

Тахрирга йўлиққан сўздан сўнг “қатра қон” бежиз ишлатилмаган. Афтидан, муаллиф миллат фидойисининг халқ озодлиги йўлида шахид кетганини назарда тутган. Аммо мақсад жадидлар ҳаракати намояндасининг қандай ўлдирилгани ҳақида эмас. Қатра қон – бир кишига нисбатан айтилади. “Ўғлонлар”ники бир неча қатра бўлса, мумкин. Қатранинг ўзи бўлмас-ов! Қатра қон – қаҳрамон танасидаги суюқликни билдираётгани йўқ. Шоир поэтик ифода воситасида 1930-йилларда шахид кетган миллат фидойиларининг умумлашма образини тасвирлашга эришган. Ҳамза шахсиятига бўлаётган баъзи бирёқлама муносабат халқимизни нодир шахс ва унинг маърифатидан маҳрум этиш демакдир. Бу ҳодисага сеvimли шоиримиз “Ҳамза нидоси” шеърида шу иллат бошланган йилларнинг ўзидаёқ муносабат билдирган эди:

*Ҳамзадирман боқмагайсиз  
Сиз маломатлар билан.  
Байтларим айтдим элу юртга  
Мен ибодатлар билан.*

Махфий қолмасинки, тадқиқотчи Менглибой Холёров шоирнинг сўз қўллаш маҳорати ҳақидаги мақоласида юқоридаги сатрни “Абдулланинг қатра қониди” деб ўқийди. Унингча, “Абдулла” ҳам Абдулла Набиевнинг инқилобий кураш йўлидаги тарихий фаолиятини, ҳам мазкур шеър муаллифи номини, “Ўзбекистон” эса ҳам юрт, ҳам ушбу шеър номини бирварақайига ифодалай олади. “Қатра қон” эса Абдулла Набиевнинг миллий озодлиқ ҳаракати йўлида шахид кетганига ишора қилиш билан бирга, Абдулла Ориповнинг ўша қасидани битаётган пайтдаги рухий тўлғоғи – изтиробларини намоён этар экан<sup>2</sup>. Яхши гап. Жуда яхши. Таҳлил бизни қониқтиради. Тадқиқотчи мулоҳазаларида илмий ҳақиқат мужассам. Аммо мунозарага сабаб бошқа жойда. Негаки мисрадаги ўша сўз “Абдулла” эмас. Афтидан, тадқиқотчи ёд олган қасидаси сеҳридан бироз чалғиган кўринади. Чунки биздаги мавжуд нашрларнинг бирортасида ҳам “Абдулла” учрамайди. Энди бошқа байтни ўқиймиз:

*Икки аср ярим дунёни  
Зир қақшатди оқсоқ жаҳонгир.*

Иқтибосдаги “оқсоқ” сўнгги нашрларда “буюқ” деб ўзгартирилади. Хўш, айтинг-чи, муҳаррир “оқсоқ” сўзида қандай айб кўряпти? Ахир шоир буюқ сулола асосчисининг жисмоний заифлигига таъна қилмаяпти-ку! Ғарб олимлари Соҳибқиронни Тамерлан, яъни Темур ланг деб айтадилар. Шоир уни оқсоқ бўла туриб дунёнинг ярмини ларзага солганини ифтихор билан айтаяпти. Боз устига тахрир бадий мантикка жиддий путур етказган. Амир Темур дунёнинг ярмини буюқлиги учун зир қақшатмаган, аксинча зир қақшатгани учун буюқлик маснадига эришган. Худди шу бандда “демам”ни “айтгум” деб ифоданинг мутлақ ақсини қўллаш ҳам бизга хато туюлади. Шоир бу ҳодисага нисбатан “биринчи нашрда юз берган жиндай тахрир оқибати, аслида “дейман” эди” деган изоҳни берган<sup>3</sup>. Ўша тахрирни йирик шоира Зулфия амалга оширган ва у банд ғоясига жуда мос тушган. Мантик “демам”ни тақозо қилаётир. Сабаби, бу ўринда шу сўз замирида тамом

<sup>2</sup> Холёров М. Бадийлик – асосий мезон. //Ўзбек тили ва адабиёти.1993. 1-сон.Б.59.

<sup>3</sup> А.Орипов. Танланган асарлар. 4 томлик, 4-жилд, Б. 222.

инкор эмас, балки тамом эътироф мужассам. Яъни, мисрада “Амир Темурнинг кенг Осиёни забтга олганини айтишга эҳтиёж йўқ, чунки буни ҳамма билади” деган ғурур туйғуси ифодаланган. Бу ифода миллий ифтихор даражасига кўтарилганки, айнан “демам” сўзи буюк шахснинг тарихий-сиёсий фаолиятига нисбатан ифтихордир. Бундан ташқари, банднинг учинчи мисрасида “Мақтамасман мозийни бирок” деб таъкидланадики, ана шу мақтамаслик ҳам “айтгум”ни инкор этади. “Бирок” боғловчиси макташга йўл очади, бинобарин, бадий ғоя “айтгум”ни тақозо қилади, дерсиз. Йўқ. Шоир “бирок”дан кейинги даъвои аниқ айтган: “Ўтмишингни ўйлайман бир зум”.

Хуллас, банд мисралари аввалги нашрларда жуда мустаҳкам боғланган, унинг “чоки”ни алмаштиришга ҳеч қандай зарурат йўқ эди. Шунга ўхшаш мулоҳазаларни таҳрирга йўлиққан бошқа сўзларга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Назаримда, шеър таҳрири муаллиф юрагини турли жойларидан чимчиб қўйгандек бўлган.

Ижод ахли бадий асарни фарзандга киёслайдилар. Қирқ ёшли навқиронни пластик жарроҳга топширишга қандай зарурат туғилди экан?! Шеърда, фикри ожизимча, бирор-бир таҳрир ўзини оқламаган. Ундаги номақбул сўзлар шеър яратилган пайтдаги машъум мафқуранинг садоси сифатида жаранглайди. Уни қандай қабул қилиш энди ўқувчи салоҳиятига боғлиқ. Таҳрир ҳайъатида ижод табиатини яхши англайдиган этти муҳаррирнинг фамилияси бўлгани ҳолда улардан бирортаси “Абдулла Орипов мисралари таҳрирга муҳтож эмас”, деган фикрни ўртага қўймагани жуда ажабланарли. Шоир ижодида, бизнингча, таҳрирга муҳтож бирор-бир мисра йўқ. Абдулла Орипов ижодининг бошқа жонқуяр тадқиқотчиси, зукко мунаққид Сувои Мели айтганидек, бадий асарда ҳам “айтилган сўз – отилган ўқ. Ўқ тепки босилгунча овчининг ихтиёрида, сўнг ўқнинг ихтиёри ўзида. Шеър ҳам худди шундай...”<sup>4</sup>

“Ўзбекистон” қасидасидаги “совет” ёки “коммунизм” сўзлари матн остида изоҳни тақозо этади. Таъби баланд шеърхон учун изоҳ ҳам шарт эмас. Зукко мухлислар муаллиф ҳуқуқи жиҳатдан шеърни Абдулла Ориповнинг ўзи таҳрир қилган бўлса-чи, деган ўйга борган бўлишлари ҳам мумкин. Бунга эътироз йўқ. Аммо ҳозир гап қасидани ким таҳрир қилгани ҳақида эмас, қандай таҳрир қилгани ҳақида кетмоқда. Камина шоир ижодига болаликдан меҳр қўйганим боисидан уни турфа шаклларда ўқиш истагидан жуда узоқдаман.

Бахт ва шодлик куйчиси Ҳамид Олимжон Ўзбекистонни “Чиройлидир гўё ёш келин” дея эъзозлаган эди. Абдулла Орипов қасидасининг таҳрири, таъбир жоиз топилса, ўша келин қулоғидаги тилла ҳалқани олиб, ўрнига бироз эски, андак занг босган ҳалқани тақиб қўйгандек хунук таассурот пайдо қилади. Алқисса, таҳрир пардоз демакдир, аксинча эмас.

<sup>4</sup> Мели С. Тилла балиқча фожиаси. Академик М.Қўшонов билан бирга ёзилган “Абдулла Орипов” номли тўпламда. Т.: Маънавият, 2000. Б.83-84.



Умида  
СУЛТОНОВА

## ОНА ҲИСЛАРИНИНГ ИФОДАСИ

Алла кўшиклари дунёдаги барча халқларда мавжуд. Бу кўшиқда ҳар бир халқнинг бой тарихий тажрибаси, маданияти, меҳнати ва маиший фаолияти билан боғлиқ тасаввурлари мужассам этилган.

Бу кўшиқнинг асосий функцияси болани ухлатиш, бироқ унинг вазифаси бу билан чегараланмайди. Алла кўшиғи тарбияловчи ва соғломлантирувчи хусусиятга ҳам эга.

Алла жараёнида гўдак такрорланувчи сокин оҳанг воситасида тинчлантирилади, бунда сўзлар, такрорланувчи радиф катта роль ўйнайди. Шубҳасиз, алла кўшиқларида энгил гипнотик таъсир этувчи элементлар ҳам мавжуд. Вербал такрорга тебранма ҳаракат ҳам кўшилади. Баъзан силаш, укалаш ҳаракатлари ҳам кўшиқ оҳангига мос равишда қайта-қайта амалга оширилади.

Фольклоршунос олима Мунаввара Ёқуббекованинг кўрсатишича: “Оналар неча минг йиллар давомида ўзларининг тажрибалари асосида мурғак гўдак ҳаётидаги уйқунинг ролини англаб етганлар. Болани ўз вақтида ухлатиш уни вақтида овқатлантириш сингари гўдакнинг ҳаёти ва саломатлиги учун муҳим омил ҳисобланган. Ана шу зарурий ҳаёт эҳтиёжи натижасида, халқ амалий педагогикасининг воситаси сифатида болани ухлатиш учун айтиладиган кўшиқ пайдо бўлган ва шаклланган”<sup>1</sup>.

Абу Али ибн Сино ўзининг “Тиб қонуллари” асарида: “Боланинг миждозини кучайтирмоқ учун унга икки нарсани қўлламоқ керак. Бири болани секин-секин тебратиш, иккинчиси уни ухлатиш учун одат бўлган мусиқа ва аллалашдир. Шу иккисини қабул қилиш миқдорига қараб, боланинг танаси билан бадантарбияга ва руҳи билан мусиқага бўлган истеъдоди ҳосил бўлади”<sup>2</sup>, – деб ёзган эди.

Уйқу олдидан гўдакнинг онаси, бувиси ёки сеvimли энагаси билан жонли мулоқот қилиши, алла тинглаб, ёқимли оҳанг ва ширин сўзлар таъсирида чуқур уйқуга кетиши, тиникиб ухлаши мурғак болакай учун жуда фойда ҳисобланади. Кўшиқда “ухла”, “кўзингни юм”, “ором ол” каби сўзларнинг мавжудлиги ҳам ухлатиш мақсадини ифодалайди.

<sup>1</sup> Ёқуббекова М. Аллаларда онанинг оппоқ орзуи. – Т.: РОИАМ, 2009. – 9-6.

<sup>2</sup> Абу Али Ибн Сино. Тиб қонуллари. – 1-китоб. – Т.: А.Қодирӣ, 1992. – 304-6

Умида СУЛТОНОВА – 1973 йилда туғилган. Термиз давлат университетининг филология факультетини тамомлаган. Бир неча илмий-услубий мақолалар муаллифи.

Оналар алла куйлаганда, болага чакалоқликдан бошлаб тарбия беришни ҳам на- зардан кочирмайдилар. Фақат эркалаш, суйишга қаратилган сўзларни эмас, балки уни тарбияловчи насихатларни ҳам куйга солиб айтадилар.

*Алла десам, боқармисан, алла,  
Тол таёгин тоқармисан, алла.  
Элнинг қўйини қоқиб, алла,  
Элатингга ёқармисан, алла.*

Бу жигаргўшасининг ўсиб-униши, ўз ҳаёт йўлини топиши, эл-юрт, қавму қариндошига маъқул келадиган етук инсон бўлиб етишиши онанинг энг эзгу тила- ги эканлигини билдиради.

Минг афсуски, ҳозир аксарият замонавий оналар болага алла айтиб, уни силаб- сийпаб, меҳр беришга вақт топмайдилар ёки ҳафсала қилмайдилар. Кейинчалик бола кўрс, кўпол бўлиб улғайса, сабабини билолмай хайрон бўладилар. Бу бола- га чакалоқлигидан маънавий озуқа, тарбия ва меҳр берилмаганидан эмасмикин? Чунки алла куйланганда болага бир вақтнинг ўзида меҳру оқибат ва одамийлик сабоғи ҳам берилади. Халқимиз "Меҳр берсанг, меҳр топасан" деб бежиз айтмаган. Шу маънода оналар куйлаган аллалар фарзандлар маънавиятини шакллантирувчи илк тарбиявий сабоқлардир. Бу ҳақда мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ис- лом Каримовнинг куйидаги фикрларини эслаш жоиз: "Она алласи фақат чакалоқ ором олиши учун айтилмайди, балки, унинг воситасида боланинг кўнгил дунёси- га миллий рух киради. Она тилидаги меҳр-муҳаббат, наслий туйғулар ва орзулар гўдакнинг жисму жонида илдиз қолдиради".

Шифокорларнинг қайд этишларича, алла куйлаганда онанинг нафас олиши бир текис бўлиб, қон босими нормалашар экан. Тиббиётчи олимлар бу пайтда юрак ритми 4/4,1 бўлиб, бир дақиқада 68-72 марта уришини таъкидлайдилар. Бу юракнинг тинч, хотиржам ураётганини билдиради. Бола дастлаб она сўзларини тушунмаса-да, онанинг ўзига бўлган муҳаббатини ҳис қилгандай тинчланади, руҳияти она руҳияти билан боғланиб, ўзини онаси муҳофазасида эканлигини англайди. Бу унинг асаб тизимига, жисмоний ривожига, мия фаолиятига иж- бий таъсир кўрсатади. Алла кўшиқлари орқали болага она тилининг биринчи сабоқлари ҳам берилади. Она кўшиғи бола нутқининг бенуксон ривожланиши- га таъсир кўрсатувчи муҳим воситадир. Олимлар томонидан изланиш, кузатув- лар натижасида, чакалоқлигидан алла эшитиб катта бўлган болалар, келажак- да алла эшитмаган болаларга нисбатан омадлироқ, ўзига ишонган, руҳан тетик бўлишлари исботланган.

Ўзбек аллаларида оналар болаларни "оппоғим", "асалим", "тойчоғим" каби сўзлар билан эркалаганларини кўп учратамиз. Бу ўзбек аллаларига хос хусусият- дир. Она суюмли фарзандига энг чиройли, ёқимли нарсаларни инъом қилмоқчи бўлади.

*Ойни олиб берайми, алла,  
Кунни олиб берайми, алла.  
Беланчагинг бошига, алла,  
Сара гуллар терайми, алла.*

Жаҳон микёсида мафқуравий курашлар авж олаётган ҳозирги кунларда маъ- навий меросимиз кишиларимизда, айниқса, оиладаги маънавий муҳитнинг пос- сонлари бўлган хотин-қизларда мафқуравий иммунитетни кучайтириши алоҳида

аҳамиятга молик. Оналар куйлаган аллалар эса фарзандлар маънавиятини шакллантирувчи илк тарбиявий сабоқлардир. Жаҳон халқлари, хусусан, немис аллалари (виегенлиед) матнида ҳам она боласига ўйинчоқ айиқча, капалак, узукча, гулча, кушча ва ширинликлар ваъда қилади. Немис олими Ҳердер алла кўшиғи ҳақида: “Алла кўшиғи бу – миллатнинг ўзига хос куйлари ва уларда инсонларнинг этик хусусиятлари акс эттирилган”, деб ёзади.

*Die Mami kauft dir einen Teddybär  
Und wenn der Täddybär nicht mehr springt  
kauft dir die Mami einen Schmetterling  
Sie fliegen wohl über Laub und Gras  
und bringen meinem Kindchen was.  
Was solln sie ihm denn bringen?  
Zuckerplätzchen und Ringeln  
schöne Rosin und Mandelkern  
die isst mein kleines Kindchen gern<sup>3</sup>.*

Мазмуни:

*Олиб бергум сенга баҳмал айиқча,  
Гар ёқмаса келтираман капалакча.  
Ўтлоқлар устидан учиб капалак  
Сенга бир нималар келтирса керак.  
Нима келтирарди ошиққанича?  
Шакаркулча, бодом, майизлар анча.  
Капалак келтирган совгалар бари  
Кичкинтойим суйган ширинликлари.*

Немис аллаларида яна кум одам, ойдаги одам, худо, фаришталар асосий персонажлар ҳисобланади. Масалан:

*Nur der Mann im Mond schaut zu  
Wenn die kleinen Babys schlafen  
darum schlaf auch du.*

Мазмуни:

*Ойдаги одам сенга қараб турибди,  
Қачон кичкинтой ухлашини кутиб турибди.*

Ўзбек аллаларида болани қўрқитиш йўли билан ухлашга ундаш мотиви учрамагани ҳолда, Европа, хусусан, немис аллаларида қўрқитмачоқ аллалар мавжуд. Асосан қўрқитувчи персонаж сифатида чўпоннинг қора ити, кум одамча келтирилади. Масалан:

*Schlaf, Kindlein, sch  
Schlaf, Kindlein, schlaf  
und schrei nicht wie ein Schaf  
Sonst kommt des Schafers Hundelein  
und beisst mein böses Kindelein.*

<sup>3</sup> Wiegenlieder. Printed music by Carus. Carus Verlag Stuttgart, 2009.

Мазмуни:

Ухла, болажон, ухла,  
Ухла, болажон, ухла.  
Қўйга ўхшаб бақирма  
Ҳозир чўпон ити келар,  
Қайсар боламни тишлаб олар.

Ёки “Кум одамча” деразадан мўралаб, ухламаган боланинг кўзига кум тўлдириб кетмаслиги учун, ухлаш кераклиги уқдирилади:

*Sandmännchen kommt geschlichen  
und guckt durchs Fensterlein,  
ob irgend noch ein Liebchen  
nicht mag zu Bette sein.  
Und wo er nur ein Kindchen fand,  
streut er ihm in die Augen Sand.  
Schlafe, schlafe,  
schlaf du, mein Kindlein!<sup>4</sup>*

Мазмуни:

Кум одамча келар судралиб  
Деразадан боқар ҳойнаҳой  
Билмоқчидай, бугун жойига  
Ётмоқчимас қай бир эркатой.  
Тополса гар шундай жужуқни,  
Кўзларига тўлдиргайдир кум.  
Шунинг учун ухла, болакай,  
Ухлай қолгин, кўзларингни юм.

Хуллас, алла қўшиғи барча халқлар фольклорига мустакил жанр сифатида шаклланган бўлиб, ўхшаш ва фаркли томонларига қарамай, улар бир мақсадга хизмат қиладилар. Уларни бир туйғу бирлаштириб туради. Бу онанинг фарзандига бўлган мухаббатидир.



**Оналар башариятнинг  
тарбиячиларидир.**

**ФИТРАТ**

<sup>4</sup>Schlaf Kindlein, schlaf. Schummerlieder für Klein und Groß, 2006.



Тўлқин ЭШБЕК

## УСТОЗНИНГ УЧ САБОФИ

Портрет очерк



Талабаларга дарс берганларнинг ҳаммаси ҳам устоз деган номга муносиб бўла олмас экан. Буни шу даргоҳда тахсил олганларнинг гап-сўзларидан ҳам илғаб олиш мумкин. Очил Тоғаев шундай эътирофга сазовор бўлган домлаларимиздан бирidir. Мен у кишини кўп хислатлари билан ажралиб турадиган олиймаком Устоз дея таърифлагим келади.

Умрини журналист-кадрлар тайёрлашга бағишлаган ва кўплаб ижодкорлар калбиди ўчмас из қолдирган бу улуғ устозга уч хил рақурсда назар ташлаб, ул сиймонинг уч хислатини кашф этдим. Талаба, ижодкор, ўқитувчи сифатида хулосалар чиқардим.

Бизга сабоқ берган устозларга бир пайтлар талаба, сўнг журналист кўзи билан боққан ва ўзимизча “баҳолаган” бўлсак, энди уларга издош – ҳамкасб сифатида қараб, қайбир жиҳатларини ўрганишга, андоза олишга интиляпмиз.

Қишлоқ мактабини тамомлаб келган соддадил, гўр бола Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетиди қандай ўқитувчилар дарс беришини тасаввуримга сиғдира олмаган эдим. Профессор Очил Тоғаев дарсини тинглаб, университет домласи қандай бўлиши керак, деган саволимга жавоб топдим!

Ўрта бўйли, чўзинчоқроқ юзига яраша кенг пешонаси, бургутсифат кўзларидан талабчан домлалиги кўриниб турган устоз дарсни аввало столга “Публицистика жанрлари”, “Ўзбек бадий публицистикаси” деган китобларини кўйишдан бошлади.

Очиғи, ўшанда китоби чиққан кишини биринчи кўришим эди!

Қишлоқда бирор ёзувчи ёки олимни кўрмагандим. Китоби чиққан одам – энг улуғ ва буюк сиймо бўлади, деган тасаввурда юрардим.

Мана шу қалин китобларни ёзган домлаимизга ҳайрат ва ҳавас ила қарардим. Ўзи ёзган китобларини очиб кўйиб дарс ўтиш – университет домласининг ажиб хислати бўлиб кўринган. Китоби чиққан домла дарс бeryаптими, демак, бизга ижод қилиш, қалам тебратиш сирларини ҳам ўргатади, деган умид пайдо бўлган!

---

Тўлқин ЭШБЕК – филология фанлари номзоди, доцент. 1963 йилда тузилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини битирган. “Жигарбандлар”, “Шабада эсан кун”, “Қишлоқлик бола қиссаси”, “Жайдари ҳангомалар”, “Адашган қиз қисмати” тўпламлари муаллифи. “Ҳаёт карвонлари”, “Қутлуғ қадамлар” деб номланган эссе ва бадиалар тўпламлари чоп этилган.

Орзуим росмана амалга ошди. Домла публицистика назарияси, айникса, очерк жанрини мукамал ўргатгач, ёзиш сирларидан сабоқ берди. Мавзу қандай танланади, қай тариқа қоғозга туширилади, ҳар бир ибора, жумла устида изланиш ва ишлаш жараёни қанақа бўлади – ҳаммасини миридан сиригача ўргатди. Кўп адабларнинг очерклари ҳақида таҳлилий фикр юритар экан, улардан тўғри хулоса чиқаришга ва андоза олишга ундарди. Йўл очерки, портрет очерк қанақа бўлиши, ёзувчи нималарга эътибор қаратиши зарурлигини назарий жиҳатдан ўргатган устоз айна пайтда фикрларини амалиёт билан боғларди. Очерклар таҳлили талабаларни сеҳрлаб кўярди.

Биз адабиёт дарсларида номинигина эшитган Алишер Навоийнинг “Муншаот”идаги ноёб битикларнинг мазмун-моҳиятини домламиз шу қадар чиройли тушунтирар эдики, гўё ўша хатлар қалбимизга жо бўлиб қоларди!

Очил Тоғаевнинг ҳар бир дарси санъат асарига ўхшарди. Бирор дарсини қолдирган талаба кўп нарса йўқотишини яхши билардик. Шу боис, айрим домларимиз дарсига “прогул” бўлмаслик учунгина келсак, профессор Очил Тоғаевдан фақат сабоқ олиш учун келардик. Аудитория мудом тўлиб турар, домламиз вақтини “йўқлама” қилишга кеткизмасди!

Амалий машғулотлар бошланганида устоз бизга очерк ёзиб келиш вазифасини берди. Талабалар кўлидан келганча нималарнидир қоралаб топширишди.

Домламиз уйига бир сумка кўлёмаларни кўтариб кетди.

Биринчи партада ўтирганим боис навбатдаги машғулотда домла ҳар бир кўлёмма устида қанчалик ишлаганини кузатиб, қойил қолдим. Дарс мобайнида домламиз ҳар бир талабага ўз баҳосини берарди:

– Кўчирмақашлик ҳам зўр “санъат”, – деди бир тенгдошимизга киноя қилиб. – Фақат, эплаб кўчиролмаганинг чаток бўлибди. Мана, сен ўғирлик қилган журналдаги мақола, қара, бир жумлани қанча имловий хато билан кўчиргансан...

Ўша машғулотда мактовдан кўра дашном эшитганлар кўп бўлди.

Менинг пилла етиштирган бир аёл ҳақидаги “портрет очерк”имни роса чиғиб, таҳрир қилибди. Тепасига “Қишлоқ ҳақиқати” газетасига, деб ёзиб қўйибди. Кўлёммани қайтариб бераркан, Норбобо Шакаровга олиб бор-чи, деди.

Уни машинкада қайта кўчириб, Норбобо акага етказдим, устознинг гапларини айта туриб, “домламиз мақтади” деб қўшиб қўйдим...

Норбобо ака бошини сарак-сарак қилиб қуларкан, бошлаб нишонга урди:

– Очил Тоғаев домла бунақа мақолаларни мактамайди, – деди у сарлавҳа тагидаги “портрет очерк” деган сўзни ўчириб. – Мақоланинг мазмуни ёмонмас, фақат, ҳар бир жумлани қайта-қайта кўчириб, таҳрир қилишдан эринманг...

Бир куни домламиз “Қишлоқ ҳақиқати”да ўша мақолани ўқиганини айтиб, тинмай машқ қилишим, изланишим зарурлигини қайта-қайта уқтирди.

Бу панд-насихат мен учун профессор Очил Тоғаевнинг “ок йўл тилаши” билан баробар эди!

Қайси талабанинг бирор мақоласи газета ё журналда чиқса, албатта, Очил Тоғаевнинг назарига тушарди. Ўша кезларда “Гулистон” журналида босилган бир мақолам ҳақида домламиз айтган танқидий гап ҳам қатта сабоқ бўлган: “Ҳаётга оёғингнинг панжалари орасидан қарама...”

Бу гапнинг мағзини анча вақтгача чақа олмай юрдим.

Кейинчалик тушунганим шу бўлди: ҳаётга юзаки қарамаслик керак!

– Ҳақиқий ижодкор ҳар қандай шароитда ҳам ҳақиқатнинг юзига тик қараши

керак! Абдулла Қодирий, Чўлпонлар ўлимдан қўрқмади. “Юлдузли тунлар”дек ажойиб роман ёзгани учун республиканинг ўша пайтдаги биринчи раҳбаридан дашном эшитганига қарамай жасоратли адиб Пиримқул Қодиров ижоддан тўхтаб қолгани йўқ! Бу ёзувчининг публицистикаси ҳам бир олам. Сен улардан ибрат ол!..

Ижодкор учун энг муҳими – фикрлаш, тафаккур қилиш эканлигини шу домламиздан ўргандик. Тафаккур қилмасдан, таҳлилий мушоҳада юритмасдан ёзганларинг – юзаки, олди-қочди бўлиб қолиши мумкинлигини устоз кўплаб адиблар ижоди мисолида тушунтирдик.

Устоз – отангдан улуғ, деган мақол бор. Отадан улуғ деган мақом олганига яраша ҳақиқий устоз чинакам улуғлигини кўрсатиши керак! Очил Тоғаев домламиз юриш-туриши, муомала маданиятида ҳам том маънода улуғворлигини намойиш этарди, десам муболаға бўлмайди. Оилада отамизнинг олдидан кесиб ўтишга ё дастурхонда у кишидан илгари қўл чўзишга журъат этмаганимиз каби Очил Тоғаев домламиз келаётганини кўрсак, ўзимизни четга олиб турардик. У кишининг кўзига тик қарашга, баҳо талашиб-тортишга, гап қайтаришга ҳеч қачон журъат эта олмасдик. Устознинг салобати ўзига яраша эди. Ота-онамизнинг ҳар бир гапи, панд-насихатини қандоқ қабул қилган бўлсак, домламиз таълими ҳам худди шундай қалбга жо бўлган. Устоз айтган ҳар бир сўзнинг салмоғи ўзгача бўларди!

Кейинчалик Очил Тоғаевнинг “Адиблар ва жанрлар”, “Ижод ва идрок” деб номланган салмоқли китобларини ҳам катта қизиқиш билан ўқидик. Афсуски, бу китобларни ҳозир топиш амримахол. Сотувда умуман йўқ, кутубхоналарда қайбир йили “тозалаш” ишлари амалга оширилиб, собиқ мустабид тузум йиллари чоп этилган кўплаб китоблар “ўша давр мафқурасига хизмат қилган” деган тамга остида йўқ қилиб ташланди...

\* \* \*

Очил Тоғаев сўзи ўткир, фикри теран, жасоратли қалам соҳиби эди. Устознинг асосий мавзулари: ҲАЛОЛЛИК, ТЎҒРИЛИК, ВИЖДОН ҳақида бўлар, шул боис, вақти-вақти билан бирор газета ё журналда ёритилган мақоласи шов-шув бўлиб кетарди.

Домланинг “Ёш ленинчи” (ҳозирги “Туркистон”) газетаси 1988 йил 5 март соҳида ёритилган “Ифтихор” сарлавҳали мақоласини бугун ҳам бўлғуси журналистларга ибрат қилиб кўрсатаман.

Мана, ўша мақоладан айрим жумлаларни ўқиймиз:

“Тошкентда Навоий даҳосини улуғлайдиган бир қанча ёдгорликлар мавжуд. Йирик марказий кўчалардан бири Навоий номи билан аталади. Кўчанинг нақ кўкрагида жойлашган шоирлар хиёбонида Навоийнинг салобатли ҳайкали қад кўтарган. Бутун бир халқ дардини юрагида жо қилган, унинг истикболи ҳақида изтироб билан ўй сураётган даҳо шоирнинг нуроний сиймоси ҳар бир ташна қалбни гурунгда тортади. Шодлик-бахтиёр онларимда ҳам, руҳимда ноҳуш изтиробли кечинмалар рўй берганда ҳам Навоий асарларини варақлайман, шоирлар хиёбонини кезиб, соатлаб ўй сураман. Навоийнинг маъно ва туйғуларга бой олами руҳий чигалларимга ёғду бахш этади. Нопок майдақашлар мухитидан юксакрок кўтарилишга ундайди, руҳий бардамлик бағишлайди. Навоий сиймоси ишонч ва қудрат, кураш ва саодат, вафо ва садокат, дўстлик ва ҳамкорлик олами бўлиб, шууримизни забт этади. Буюк шоир бамисоли маърифат ва гўзаллик қуёши. Унинг киёфасида ҳар биримиз ўзлимизни кўрамыз, ўзимизни таниймиз. Ўз моддий-маънавий қудратимизни ҳис

этамиз. Халкка унинг буюк фарзандлари оркали баҳо берадилар, деган эди Расул Ҳамзатов. Навоий – халқ маънавияти кўзгуси, халқ буюклиги тимсоли”.

Мустабид тузум мафқураси ҳукмрон бўлган даврда Мир Алишер Навоий ҳақида шунчалик пурмаъно, таҳлилий мақола ёзиш ва буюк аждодимизнинг ибратли жиҳатларини маҳорат билан кўрсатиш Очил Тоғаевнинг ўзига хос услуби эди. Навоийни англаган киши “Нопок майдакашлар муҳитидан юксакроқ кўтарилишга” интилишини муаллиф ғоят таъсирчан ифода этади. У бир ўринда шундай ёзади: “Идеал олис юлдузлар шуъласи бўлиб, инсонни ўзига чорлайверади. Майса куёш нурига интилганидек, инсон ҳам ҳамиша юксак туйғулар оғушига интилади”. Бу куйма фикрлар атоқли адиб Пиримқул Қодировнинг “инсон ҳамиша юксакликлар сари интилиши, ҳеч қачон пастга қараб тўн бичмаслик лозим” деган ҳикматли битикларига ҳамохангдир.

Ифтихор ҳақида сўз юритган домламиз шундай ғояни илгари суради: “Шахс ижтимоий ифтихор туйғусини ҳис этмок учун эл, Ватан бойлигига ўз меҳнат улущини кўшмоғи лозим. Биринчи маошини ота-она кўлига тутказган ўспиринда шу рўзгорга нисбатан янги туйғу пайдо бўлади. У оилада узок давом этган истеъмолчидан моддий бойлик яратувчига айланди. Ўспиринни ўз меҳнат маҳсулотидан ифтихор туйғуси, ўз-ўзини янгидан ҳис этиш, етуклик туйғуси ҳаракатга келтиради. Меҳнат маҳсулотининг эл-юрт, халқ манфаати учун аҳамиятини чуқурроқ ҳис этган сари бу туйғу кўлами тобора кенгайиб боради”.

Қаранг, ушбу сатрлар газетада ёритилганида хозирги талабалар ҳали дунёга келмагандилар. Бироқ, унинг замирида бугунги ёшлар учун ҳам ғоят ибратли фикрлар мўжассам. Касб ифтихори ҳақида сўз юритган муаллиф шундай ёзади:

“Касбга садоқат инсонийликка садоқатдир. Уйимиз пешайвонига дераза роми ясаб ўрнатаётган уста ҳар бир майда-чуйдаларигача эринмай ҳафсала билан ишлар эди. Кекса дурадгор ўз ишини кузатиб турган кишининг сўзига жавобан деди: “Мен енгил-елпи кўл учида иш бажариб ўрганган эмасман. Кўлинг синсин, деган қарғиш эмас, кўлинг дард кўрмасин, деган олқиш олган меҳнат бахт келтиради”. Кекса дурадгор – уста сўзлари ота-боболаримиз касбга эътикод удумини нақадар юксак кадрлаганликларини кўрсатади”.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида дунёга бўй кўрсатганига чорак асрдан ошди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг дадил саъй-ҳаракатлари билан мамлакатда коррупцияга қарши кураш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. 2017 йил 3 январь куни Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди.

Аслида жамият кушандаси саналмиш коррупция деган жиноятнинг илдизи нақадар чуқур. У ўтган асрда ҳам урчигандан урчиб ётарди. Бу мавзуда ҳамиша дангал сўз юрита олган домламиз шундай ёзади:

“Текин мол-дунё, пул ифтихори касб ифтихорининг кушандасидир. Ифтихор сотилса, инсонийлик таназзулга юз ўгиради. Порахўрликка қарши шафқатсиз курашмай туриб, касбнинг ифтихори, инсонпарварлиги ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Даҳшатли томони шундаки, воқелигимизда таъмагирлик иснод келтирувчи иллатдан рағбат уйғотувчи “фазилат”га айланди. Ёлғончи, порахўр, хийлакор, умуман давлатга хиёнаткор одамлар иззат-икром тожиги эга бўлдилар, қўша-қўша орденлар, лавозимлар соҳиби бўлдилар, депутатликнинг юмшоқ курсиларига ўтирдилар. Пора билан қўлга тушган олий мактаб домласи битта хайфсан билан оппоқ бўлиб,

яна минбардан ахлоқ ҳақида лекция ўқийди. Ёки ўтрилиги ошкор бўлган шахс ташвиқот ва тарғибот соҳасига етакчилик қилиб, ҳалолликдан сабоқ беради. Ундан ҳазар қилган, норозилик билдирган шахсларнинг хатти-ҳаракати ноахлоқий иш ҳисобланади”.

Қарийб ўттиз йил илгари газетада ёритилган мақолада бугунги кун учун ҳам аҳамиятли муаммоларни илғаб олиш қийинмас:

“Шаҳарнинг маданий сифати ҳам, илллати ҳам қишлоққа ўз таъсирини кўрсатади. Дехқон маҳсулотининг илгариги сифати йўқолиб бораётганлиги қаттиқ ташвиш туғдирмоқда. Ранги заҳилроқ касалманд бир йигит бозорнинг четроғида қорнини чангаллаб азоб чекарди. “Тез ёрдам” чакириб, шифохонага жўнатишди. Маълум бўлишича, йигит қовун еб шу аҳволга тушибди. Нарироқда савдо қилаётган қовунчининг парвойи палак. Сирти ялтироқ обдан этилган қовунларни пуллаш билан банд. Марказий шаҳарлардан келган меҳмонларимиз қовун-тарвузни кўрса, қовоқаридан чўчигандай ўзларини четга оладилар. Заҳарланиш хавфи уларнинг руҳиятига ўрнашиб қолган. Хоразм, Бухоро қовуни, умуман ўзбек қовунининг шухрати, ифтихори қани? Бошқа мевалар – Дашнобод анори, Самарқанд майизи, Қашқадарё анжирининг илгариги шухрати қаерга кетди?

Азалдан муқаддас касб бўлган дехқон меҳнатига нопоклик қандай дахл қилди? Буни мешчанлик, истеъмолчилик иллатининг таъсири билангина изоҳлаш камлик қилади. Дехқон меҳнатининг моддий ва маънавий айнишида бюрократизмнинг гуноҳи қатта. Қишлоқ хўжалигида ҳамма диққат-эътибор монокультурага айланган пахтага қаратилди. Бошқа экинлар қатта ижтимоий манфаат доирасидан четга суриб қўйилди. Илмий-иктисодий қаровсизлик балосига дучор қилинди. Инсон меҳридан маҳрум этилган бу экинлар қундан-қунга қамайиб, қашшоқлашиб, яроқсиз ҳолга туша бошлади.

Маълумки, бюрократизм ҳамиша мансаб, вазифа негизида вужудга келади. Мансаб ифтихори халққа, умум манфаатига ҳалол, беғараз хизмат қилишдир. Халқ фаолиятидан рози бўлган раҳбарни боши узра байроқ қилиб кўтаради, улуғлайди, у билан фахрланади. Халқ орзу ниятларининг амалга ошувига хизмат қилган раҳбар охир-оқибатда халқ идеалига айланиб, ёрқин юлдуз бўлиб қолади.

Бюрократизм нақ халқ юрагини нишонга олади”.

Мақоладаги ушбу жумлаларга ҳам алоҳида эътибор қаратамиз:

“Қонун ва ёлғон ўт билан сувдек азалдан бир-бирига зид. Қонун дурбинлик кўз бўлса, алдов никобли башара. Ёлғон расмий қиёфага эга бўлганда тесқари мўъжиза рўй берди. Қонун ва ёлғон бир-бирлари билан оғиз-бурун ўпишиб, никоҳдан ўтиб, ягона оилага айландилар. Муқимий айтганидек, “Ош есалар ўртада сарсон илик, Хўжа чироғ ёғи, Ҳақимжон – пилик”.

Гап асосан собиқ мустабид тузум даври иллатлари ҳақида кетаётган бўлса-да, бу мақоланинг сизу биз ўрганишимиз зарур бўлган жиҳатлари кўп.

Жамиятни маънан поклаш мақсадида ёзилган бу дангал гапларни изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак. Фақат, бу иқтибосларни келтиришдан мақсад – бўлғуси журналистларни ҳам ана шундай фикрлашга ва маҳорат билан ёзишга ўргатишдир.

\* \* \*

Устоз-мураббийларимизга бутун энди издош сифатида боқаман. Талабалик давримиз Очил Тоғаев каби салмоқли китоблари билан дарс ўтган Ориф Саидов, Мухтор Худойқулов, Абдуғафур Расулов, Ғайбуллоҳ ас-Салом, Нажмиддин Комилов,

Махмуджон Нурматов, Абдулла Аюпов, Раҳбархон Муртазаева, Ҳамидулла Акбаров, Қудрат Эрназаров, Файзулла Мўминов каби фан доктори ва профессорлар, Анвар Шомаксудов, Ирисали Тошалиев, Омонулла Мадаев, Юсуф Ҳамдамов, Сайди Умиров, Анвар Каримов, Сайёра Низомиддинова, Тохир Пидаев, Абдулла Сайфиддинов, Воҳид Абдуллаев каби фан номзоди ва доцентлар, сиёсий шарҳловчи Қобилбек Каримбеков каби домлаларимнинг бетакрор сабоқлари маънавий қанот бахш этгани учун тоабад таъзимдаман.

Уларнинг ҳар бири ўзига хос – ШАХС эдилар. Ҳар биридан жуда кўп хислатларини ўрганса арзийди.

Уларнинг орқаворатдан ёки талабалар ўртасида бир-бирларини ёмонлаганини эшитмаганман. Юриш-туришлари салобатли, муомала маданиятлари ҳавас қилса ва ибрат олса арзигулик эди.

Устозларимнинг ҳалоллиги ҳақида алоҳида сўз юритсам арзийди. Ота-онанинг фарзандлари, устозларнинг шогирдлари олдида юзлари ёруғ бўлиши канчалик улкан бахтлигини тушунганлар ҳаром-ҳаришдан йироқ юрадилар. Беш йил талабалик давримда, кейинчалик ҳам бирор кимсадан ана шу устозларимнинг бирор талабага таъмагирлик қилганлари, бошқа кинғирликлари ҳақида хабар топмадим.

Улар дарсларда, ҳатто иш фаолиятида ҳам бирор марта шевада сўзлаганларини эшитмаганман. Тошкент шаҳрида туғилиб вояга етган Анвар Шомаксудов ёки Шавкат Миралимов домлаларимиз уйларида ҳам адабий тилда сўзлаган гурунгларида кўп бахраманд бўлганман.

Бугун журналистика факультети доценти сифатида фаолият кўрсатаётган эканман, қайси устозимдан қандай андоза олганларимни ўзимча чўтга соламан:

Талабаларга дарсни аввало столга ўқув кўлланмаларимни ва ҳаммуаллифликда чиқарган дарсликларни намойиш қилиб қўйишдан бошлаш – Очил Тоғаевдан андоза!

Бўлғуси журналистларга ижодий маҳорат сирларини ўргатишда мақола ёздириш, уларни таҳлил қилиб, ютуқ-камчиликларини ўзларига тушунтириш ва ёритишга муносибларини бирор газетага тавсия этиш – Очил Тоғаевдан андоза!

Журналист ҳалол бўлиши, ҳаром-ҳариш ишлардан нафақат йироқ юриши, айтиш вақтда унга қарши беаёв курашиши лозимлиги ҳақида бонг уриб туриш – Очил Тоғаевдан андоза!

Бўлғуси журналистларнинг қалбига Ватан ва миллат туйғусини жо этиш – Очил Тоғаевдан андоза!

Ижод майдонида ёшларга ибрат кўрсатиш, долзарб мавзуларда мақолалар, бадилалар ёзиш – Очил Тоғаевдан андоза!

Ҳар бир талаба билан дўстона муносабатда бўлиш, уларни ижод қилишга ундаш, матбуотда ёритилган мақолаларига эътибор билан қараб, ўз баҳосини бериш – Очил Тоғаевдан андоза!

Бугун биз факультет профессор-ўқитувчилари устозларнинг энг макбул, яхши анъаналарини қўлдан келганча давом эттиришга ҳаракат қилияпмиз.

Кўнгилни тоғдек кўтарадиган ишлар ҳақида ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Журналистика факультети профессор-ўқитувчилари сафига дадил қадамлар билан кириб келишган шогирдларимиз – айти пайтда докторлик диссертациялари устида ишлаётган Нозима Муродова (у фан номзоди даражаси ва доцент илмий унвонига эга бўлган!), Шохрух Қосимов, Отабек Тиллаев, Дилмурод Усмонов, Равшан Омонов, Соҳиба Солиевалар том маънода профессор Очил Тоғаевнинг

муносиб ворислари бўлиб етишмоқдалар. Улар бўлғуси журналистларга дарс бериш билан бирга албатта мақола ёзиш, ижодий маҳорат сирларини ўргатмоқдалар. Талабалар ёзган хабар ва мақолаларини компьютерда биратўла макет қилиб, газета, ҳатто журнал шаклида чиқармоқдалар. Бу бўлғуси журналистларни ижод бўстониغا янада дадилроқ қадамлар билан кириб келишларида муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади, ёш қаламкашларга маънавий қанот бахш этади.

Журналистикада ўзига хос илмий мактаб яратган профессор Очил Тоғаев шу тариқа шоғирдлари, ёш авлодлар қалбида барҳаёт сиймо бўлиб қолаверади.

\* \* \*

Устоз Очил Тоғаев ҳаёти ва фаолиятига бағишланган битикларим жанрини “портрет очерк” деб кўрсатдим. Домламиз ўргатган ва талаб қилган даражада шу жанрда ёза олдими-йўқми, унга ўқувчиларимиз баҳо қўйишар...



**Таълим фақат сўз ва  
ўргатиш билангина бўлади.  
Тарбия эса амалий иш, тажри-  
ба билан бўлади.**

**Абу Наср ФОРОБИЙ**

## Майсаларга алла айтади сабо



Машраб БОБОЕВ

\*\*\*

*Миртемир домлага*

– Киприкларим! – дейди, кўз хар дам,  
– Киприкларим! – дейди, у такрор.  
Асрар мени деб балолардан:  
– Киприкларим! – дея, миннатдор.

Ундан меҳр эмиб, нур эмиб,  
Киприклари ростлар кадрини.  
Унинг ёшларида чўмилиб,  
Кўз-кўз килар малоҳатини.

Осмонда юлдузлар тўладир,  
Сочилгандир бодрокдай кийғоч.  
Уларнинг холи не бўладир,  
Ёғдирмаса нуруни куёш.

Куёшдай буюк ва беминнат  
Кўз бўлмаса киприklar қайда?  
У ёғар хаёт ва ҳарорат  
Киприklarга олқишлар айта.

...Киприklarнинг бахти зиёда –  
Умри боқий бўлса унинг, бас!  
Бу сирларга тўла дунёда  
Киприксиз кўзлар ҳам оз эмас.

*Машраб БОБОЕВ – 1941 йилда туғилган. Тошкент давлат театр ва рассомлик давлат санъати институтининг (ҳозирги ТДСМИ) актёрлик факультетида таҳсил олган. Ижодкорнинг “Онамга хат”, “Сўз”, “Мен билган сир”, “Олисдаги чироқ” каби шеърӣй китоблари нашр этилаган. Шоир 2003 йилда вафот этган.*

\* \* \*

Ҳаёт турли жойда турлича кечар,  
Турли шаклларда бўлар намоён.  
Ҳаёт – қишни ёриб чиққан бойчечак,  
Ҳаёт – ушалмаган, ушалган армон.

У қайдадир меҳр-муҳаббат, ихлос,  
Қайдадир ёзилмай қолган бир варақ.  
У қайдадир руҳан ва жисман парвоз,  
Қайдадир руҳан ва жисман жасорат.

Ҳаёт – чол юзида ажин ва қайғу,  
Зулумот бағрини тилка қилган нур.  
Бола чехрасида мусаффо кулгу,  
Ватан тақдирига жойланган умр.

\* \* \*

Бу окшом кўзларинг сингари теран,  
Сочларинг сингари мулойим.  
Бу окшом ўзингдай эрка ва беғам,  
Ҳам ўзингдай оромга мойил.

Бу окшом нафасинг сингари илик,  
Бўсангдай оловли, табаррук.  
Бу окшом ўзингдай суйгулик,  
Симириб қўйгулик, тасаддук!

Бу окшом васлингдай ҳаётбахш, қиска,  
Ҳажрингдай беадоқ, беадад.  
Бу окшом ўзингдай оромижон ва  
Ўзингдай беаёв, бешафқат.

Бу окшом – кўчангда илк бор тентираб  
Юрган кунимданок муқаррар.  
Бу окшом – ҳар окшом каби сен билан,  
Сенинг ёдинг билан мунаввар.

\* \* \*

Гулзорларда сайрайди булбул тун бўйи,  
Тун бўйи оқади бир дардли хониш.  
Мудроқ туйғуларни уйғотар қуйи,  
Оҳанги танишу тили нотаниш.

Бошларни ирғаймиз, бир тасвир излаб:  
– Мунчалар ёқимли бу наво? – деймиз.  
Кейин катталарнинг гапини эслаб:  
– Гулдан-гулга қўнган бевафо! – деймиз.

Гулдан-гулга кўниб, бардош тилайди,  
Туннинг йироқлигин сўйлайди булбул.  
Она бўлиб гуллар бошин силайди,  
Буюк тонг кўшигин куйлайди булбул.

Тун борки, бечора сайрайди тинмай,  
Тонг дея, нолада ўтказар тунни.  
Биз эса тилини таржима қилмай –  
Нелар деб, гуноҳкор қилмаймиз уни.

\* \* \*

Ором оғушида дилрабо бу тун:  
Ойдин зулумотда жилмаяр баҳор.  
Гул бўлиб очилар баргдаги тутун,  
Анҳорда салқин бир эҳтирос оқар.

Ором оғушида дилрабо бу тун:  
Юсакда юлдузлар ваъда қилар бахт.  
Бировга қоқилиб кетмаслик учун  
Авайлаб эгасин излар муҳаббат.

Ором оғушида дилрабо бу тун:  
Майсаларга алла айтади сабо.  
Сохилда мажнунтол, қомаги дуркун,  
Бир боққил дегандай қилар илтижо.

Ором оғушида дилрабо бу тун:  
Ўзи ҳам билмайди, бу не ажиб сир?  
Уни эҳтиётсиз шарпадан ўқтин  
Чўчитиб қўймаса бўлгани кимдир.

\* \* \*

Кўнглим чорбоғига куз ҳоким бутун,  
Умид япроқларин ерга тўшаган.  
Шодлигим қайдадир тентирар юпун,  
Шодлигимни излаб йўлга тушаман.

Ўйлардай эшилиб ётади йўллар,  
Йўллар қамраб олган бутун дунёни.  
Мени қайларгадир элтмоқчи улар,  
Мен-чи, шодлигимни излайман ёниб.

Бугун анҳорда ҳам ҳасрат тошқини,  
Куйлайди сохилда бир киз паришон.  
У балки... У балки ўйлайди мени,  
Мен-чи, шодлигимни излайман ҳамон.

Қайдадир кулгуга самовот тангдир,  
Қайдадир соғинчдан ингранади най?  
Қайдадир тўликиб йиғлайди танбур,  
Мен-чи, шодлигимни излайман тинмай.

Юксакдан юлдузлар мўлтирар унсиз,  
Пастроқда томчи ёш турар муаллак.  
Ой нурида музлаб қолибди, эссиз,  
Мен эса, шодликни кидириб ҳалак.

Кипригин кўтарар мудраган уфқ,  
Менинг киприкларим юмилар секин.  
Япроқлар тўкилиб тугагани йўқ,  
Шодлигимни излаб тинганим йўқ мен.

\* \* \*

Тушларимга кирар бир чаман,  
Яшнар унда фасли муҳаббат.  
Шу чаманда мен ҳам етаман  
Суйганимнинг васлига, албат.

Тушларимга кирар бир гўша –  
Бахтга тўла сирли бир олам.  
Бахтим менга тутади бўса,  
Дудогидан ўпаман мен ҳам.

Тушларимга кирар бир гулхан,  
Унда кулга айланар риё.  
Унинг захри ва тутунидан  
Қора чодир кияди само.

Тушларимга кирар бир уфқ,  
Орзум бўлиб имлайди мени.  
Инъомини қўлимга тутиб,  
Пойим узра қўяр бошини.

Тушларимга кирар бир баҳор,  
Минг бир рангда товланиб, ёниб.  
Шу баҳорга чулганиб ётар  
Менинг она Ўзбекистоним.

# ГУЛ КЎТАРИБ КЕТАЁТГАН ЭРКАК

Хикоя



Ахмад АЪЗАМ

Гулдаста кўтарган эркак шаҳарнинг гавжум кўчасидан ўтиб борапти.

Каттакон ва кўркам, гул бозоридagi энг чиройли, шу чиройига яраша энг киммат гулдаста. Балки киммат сотиш учун махсус парваришланган гуллардан терилгандир.

Агар гулдаста кичикрок, кўрксизрок, арзонрок бўлганда, кўзга унча ташланмас, биз ҳам у ҳақда ёзмас эдик, чунки айнаи гул фаслида гул кўтариб юриш жуда ҳам диққатни тортадиган, алоҳида тавсифга арзийдиган ҳодиса эмас; гул кўпайгандан кейин гул кўтарган ҳам кўпаяди, бунга кўз ҳам ўрганади, гул фасли.

Лекин бу каттакон ва кўркам гулдаста биринчи қарашдаёқ уни сотиб олган одамнинг сахийлигини кўрсатар эди. Гулдастага қараган одам беихтиёр уни сотиб олган одамга ҳам қараб, “Қара, дунёда шунақа гулдасталарни қиммат демай сотиб оладиган сахийлар ҳам бор-да, а, менда шунақа имконият йўқ-да, а,” деган хаёлга борар эди.

Гулдаста яна нимаси биландир ўзини сотиб олган одамга диққатни тортарди, негадир гулдаста эркакка эмас, балки эркак гулдастага ярашмаётгандек кўринар эди. Ҳа, шунақа, тикилиб, разм солиб қарасангиз, гулдаста эркакни ёшидан улуғроқ кўрсатарди, бошқа пайтлари, масалан, каттакон китоб кўтариб кетаётган бўлсангиз, бу китоб сизнинг ёшингизни улуғ кўрсатса, нур устига аъло нур, лекин ҳозир шундоқ гавжум серҳаракат кўчада эркак куппа-қундуз қуни гулдаста кўтариб эмас, балки чиройли, чиройи энди очилган бокира сулув қизнинг белидан тутамлаб кетаётганга ўхшар эди. “Эй, оғайни, катта кўчада, ошим ҳалол деб, бу нима юриш?” дегинг келади-ю, гулдастага қараб... Гулдаста ҳам анойи эмас, ҳашаматли, қандайдир барқ урган, яшнаб турган чиройли, ўзини кўтариб кетаётган эркакни камситиб борарди: гўё шунақа гулдаста кўтариб юриш учун одамнинг нимасидир ҳамманикидан ортиқча, нимасидир ҳамманикидан кам бўлиши керакдек...

Хуллас, гулдастани уни кўтариб кетаётган одамга қиёсласангиз, хаёлингизга минг хил бир-бирига қарама-қарши фикрлар, ўхшатишлар келаверади. Агар гул кўтариб кетаётган одамнинг ўрнида ўзингизни тасаввур қилсангиз, йўқ, мен катта шаҳарнинг кўчасида бунақа гулдастани ҳеч қачон кўтариб юрмайман, деган қатъий фикрга борасиз.

*Ахмад АЪЗАМ – 1949 йилда тугилган. Самарқанд давлат университетининг ўзбек ва тожик филологияси факультетини битирган. “Ойнинг гардиши”, “Бу қулнинг давоми”, “Асқартоғ томонларда”, “Соясини йўқотган одам”, “Ҳали ҳаёт бор” каби насрий асарлар тўпламлари, “Ўзи уйланмаган совчи”, “Рўё ёхуд Гулистонга сафар” романлари чоп этилган. 2014 йилда вафот этган.*

Ўзи эркак бу гулдастани нега сотиб олган? Кимга олган бўлса?

Дейлик, бугун дўстининг туғилган куни. Гулдастани шунга олган. Аммо дўстга бунақа каттакон ва кўркам гулдаста олиш шарт эмас, дўстга кичикроғи, умуман номига олинса ҳам бас, деб ўйлай бошлаймиз. Дўстнинг туғилган кунига гулдастасиз, гулсиз ва ҳатто курук ҳам бориш мумкин, бундай кунда дўстнинг кўнглини кўтарадиган яхши-яхши гаплардан гапириб ўтиришнинг ўзи катта совға. Дўст одам туғилган кунда меҳмонларнинг кўлига қарамайди, балки, ишқилиб, дўстларимнинг ҳаммаси, жилла курса, энг яқинлари, ҳеч бўлмаса, бирортаси келса, ёлғиз қолмасам эди, деб йўлга қарайди.

Йўк, эркак гулдастани дўстига атаб олмаган, дўстига атаганда гулдастани бунақа авайламас эди, дўстга олинган гулдастани киши одатий, кундалик бир заруратдек, бир оддий буюмдек, масалан, шамсиядек бамайлихотир кўтариб юради.

Дейлик, гулдастани эркак онасига атаб олган. Дейлик, бугун онасининг ҳаётида қувончли бир кун. Аммо эркак бундай қиммат гулдаста билан онасини қувонтирармикан? Билмадик-да. Оналар, шу жумладан мазкур эркакнинг онаси ҳам бозорни, нарх-навони, фарзандларининг чўнтагини яхши билди, туғилган куни тугул, ундан каттароқ ҳодиса бўлса ҳам, масалан, боя китобни гапирганимиз учун айтяпман – ўғли академикликка сайланса ҳам, бунақа қиммат совғадан – исрофдан кўнгиллари оғрийди. Эркак шу гулдастани “Она, мана, шу гулдастани фалон муносабат билан сизга олиб келдим”, деб тақдим қилса, она: “Бунинг ўрнига ўзингга бир нарсга олсанг бўлмайди, шунча ёшга кирдинг, қачон болалигинг қолади”, деб қойиши турган гап. Агар эркак бирон-бир сабаб билан онасини йўқламоқчи бўлса, албатта биз совғага муҳтожлиги йўк, топгани ўзига ҳам, болаларига ҳам етиб, яна ортиб қоладиган оналарни назарда тутмаяпмиз, совғадан кўнгли кўтариладиган волидасига бир жуфт калиш ё маҳсими, иккаласини ҳамми, одмигина кийимликми, арзонбаҳо рўмолми олар, онаси буни кўриб чин дилдан кўзига ёш олар, ўғлини кийнаб қўймаганидан қувонар эди.

Аслини олганда-ку, оналарга энг яхши совға – уларни ҳеч бир сабабсиз, ҳеч қандай мақсадсиз, касал бўлиши ё қувончли кунини кутиб ўтирмай, ё уларнинг ташвиши ё ўзингизнинг ташвишингизни ўйламай, шунчаки, тўппа-тўғри йўқлаб бориш. Сиз уйни укангизга қолдириб, янги ҳовли солиб чиқиб кетган бўлсангиз, агар манови гул кўтариб кетаётган эркакнинг ёшида бўлсангиз, унда хотинингиз, уч-тўрт болангиз билан турасиз, укангизнинг эшигини ланг очиб: “Она! (“Ойи!”, “Бийи!”, “Ая!”, “Эна!”, “Опа!”, “Буви!”, “Анна! “Ача!” – фарқи йўк!) Хў, уйдасиз? Сизни бир кўргим келди-да! Йўк, ҳавотир олманг, тинчлик, айтяпман-ку, бир кўргим келди!”, десангиз, бас, онангизга бундан катта мартаба йўк. Агар бунга қўшимча қилиб яна: “Невараларингиз, келинингиз ҳам сизни жуда соғинибди-да, бир кўриб келмайсизми деб бошни қотирворишди!”, десангиз, онангиз қувонганидан...

Йўк, эркак гулдастани онасига олмаган, бу аник.

Дейлик, эркак гулдастани отасига атаган. Лекин... оталарга болалар ҳеч вақт гул совға қилармикан? Сиз отангизга гул берганмисиз? Билмадигу, лекин отага гул бериш эриш туюладиганга ўхшайди. Чунки, ҳар қалай, ҳалиги, ишқилиб, гул онангиз билан отангиз ўртасидаги, айтганимиздек, сизнинг дунёга келишингизга тааллуқли муносабатларга дахли бор. Яна ҳам ким билди, отасига ҳазиллашадиганлар ҳам топилса керак. Билмадик, биллолмадик, бизнинг оталаримиз райҳон хидлаганига димоғи чоғ бўлиб юрадиган одамлар эди, гулни боғи билан ўриб келарди. Ҳар қалай, ота дегани гулдан жуда баланд турадим, ишқилиб, биз бирорта ёши улғу эркакнинг отасига атоқлаб гул тақдим қилганини билмаймиз. Аёлларнинг йўли бошқа, кейин... охирига пайтлари янги одатлар ҳам келиб чиқяпти, яна ҳам билмадик.

Эркак гулдастани хотинига олганмикан? Йўқ, ундай эмас – хотинига атаб гул кўтариб кетаётган эркак яшнаб, ёшариб кетади. Агар у гулдастани хотинига деб олганда одамлар унга ажабсиниб эмас, ҳавас билан қарар эди. Бундай каттакон ва кўркам гулдастани хотинига совға қиладиган киши хали ҳаваси ўлмаган, бахтиёр бўлур эди ва кейин, гулдастани ўзи олмас, бўй етаётган ўғли ё кизига олдирирар, ўғли ё кизининг қўлига бир даста пул бериб: “Ма, бозордаги энг чиройли, энг катта гулдастани ол, ҳаммамизнинг номимиздан онангга совға қиламиз. Бунақа ишларни ўрганиб кўйгин”, деб валломатлик қилган бўлур эди.

Бу эркакнинг гулдастасидан кўриниб турибдики, хали у бунақа бахтиёр эмас, шу хариди билан бахтини топмоқчи. Шу гулдаста унинг бахтини ё бу ёқли, ё у ёқли қиладигандек... Йўқ, биз билагонлик қилаётганимиз йўқ, эркакнинг гулдастани тутиши шунақа. Кейин, эркак гулдастани кимга олиб кетаётганини билдирмоқчи эмас, лекин гулдаста уни фош қилиб гуллаб кетяпти.

Ким бўлса у? Эркакнинг севганими? Билолмадик-да, бу ерда хали кўп гап борга ўхшайди. Ҳар қалай, эркак аллақачон ўн саккиз ёшда эмас, севганининг ҳам бу ёшдан ўтиб кетгани аниқ. Чунки гулдаста жуда катта, қиммат, ҳамманинг диққатини тортади. Эркак-ку уни севар, аммо унинг эркакни севиш-севмаслиги номаълум. Акс ҳолда, эркак гулдастани мағрур кўтариб кетаётган бўларди. Ҳозир гулдастанинг ўзи мағрур, кийғоч, ёниқ, эркак эса гулдастани ўзи эмас, бошқа эркак кўтариб кетаётгандек хижолатда ҳам эди.

Балки гулдаста эркакнинг маҳбубасини қувонтирар. Балки ўша маҳбуба, агар у чиндан ҳам бор бўлса, эркакнинг атоқлаб гулдаста олиб келишини олдиндан билиб, интизор кутаётгандир, ёки... хафсаласи пир ўтиргандир. Ҳар қалай, муҳаббат учун гулдан бошқа нарсалар ҳам керак-ку.

Эркак шундоқ катта, кўркам, қиммат гулдаста олганидан ўзини ноқулай ҳис қилар, кўчадаги одамлардан уялар, гулдастани яширишга илож тополмай, иситмаси чиқиб борар эди, аммо гулдаста нимаси биландир унга шафқатсиз эди. Балки кўзимизга шундай кўринар, эҳтимол, унинг хаёли кўлидаги гулдастада эмас, бошқа нарсалардадир.

Хуллас, шаҳарнинг катта кўчаси, тумонатнинг ичида бир эркак каттакон ва чиройли гулдаста кўтариб кетяпти экан.

Унга қараган одам, ҳей оғайни, кўтар бошингни, ҳеч биримизда сеникидақа каттакон ва кўркам гулдаста йўқ, яшавор деб хитоб қилгиси келади-ю, лекин хитоб қилишидан олдин, аввал билай-чи, нега бу эркак шаҳарнинг энг гавжум жойида шундоқ каттакон ва кўркам гулдаста кўтариб юрибди, бошига қанақа яхши қун тушган экан ё эси сал анақароқмикан, бўлмаса, нега бунча гулдастасини кўз-кўз қилади, деган хаёлларга боради.

Гулдаста кўтариб кетаётган эркакка қараган одам ўзининг шундай гулдаста кўтариб кетаётганини ўйлаб қолади, ўзида шундай каттакон ва кўркам гулдаста йўқлиги учун ҳар хил тахминларга боради, эркакни жиндай яниб ҳам кўяди.

Рост-да, нега кўчада намоёнлигига гулдаста кўтариб юради, бошқалар гулдаста олиб, кўчада юролмайдими? Нима, шаҳар шу гулдаста кўтарган эркакнинг маҳрига тушганми? Қуппа-қундуз қуни, одамларнинг хаёлига ҳар хил нарсалар келишини ўйламай, шундай каттакон ва кўркам, чиройли ва яшноқ гулдаста кўтариб кетаётган эркакни кўрганда одамнинг хаёлига ҳамма нарса келар экан.

Қаранг, бир эркак тумонатнинг ичида ўзининг каттакон ва чиройли гулдастасини кўтариб кетяпти! Одамнинг тинчи бузилмайдими?..



Рэй БРЭДБЕРИ

## МАЙИН ЁМҒИР ШИВАЛАР...

Ҳикоя



Меҳмонхонадаги сўзловчи соат гўё уни ҳеч ким эшитмаётгандек тинмай қуйларди:

– Чик, чик...  
Миллар етди еттига,  
Яқун ясанг уйкуга!

Тонги сукунат оғушидаги уй бўм-бўш эди. Соат тинмай чиқиллар ва бўшлиққа укдиришда давом этарди: “Саккиздан тўккиз дақиқа ўтди, нонушта вақти етди! Саккиздан тўккиз дақиқа ўтди...”

Ошхонадаги ўчоқ бўғиқ хўрсинди ва қайноқ корнидан саккизта чиройли ковурилган нон бўлаги, тўртта тухумли куймоқ, ўн олти бўлак бекон, икки финжон қахва ва иккита идишда совуқ сут чиқарди.

– Бугун Калифорния штатидаги Эллендейл шахрида икки минг йигирма олтинчи йилнинг тўртинчи августи, – деди ошхона шифтидан бошқа овоз. У яхшироқ эсда қолиши учун санани уч марта қайтарди. – Бугун жаноб Фезерстоуннинг таваллуд тошган, Тилитанинг тўйи бўлган кун. Сув, газ, чирок, шунингдек, суғурта тўловларини топшириш вақти келди.

– Соат саккиз-у бир, мактаб-у ишнинг вақтидир! Тезроқ, тезроқ! Саккиз-у бир...

Аммо эшиклар тарақламади, резина пошналарнинг гиламларга шипиллаб урилиши эшитилмади.

Кўчада ёмғир ёғарди. Ташқари эшикдаги об-ҳавони хабар килувчи қутича тинмай қуйларди: “Илик ёмғир ёғади, ёмғирпўш кийилади...” Ёмғир сукунатга чўмган уйнинг томини дўмбира қилиб чаларди.

Ҳовлида қўнғироқ товуши жаранглади, гараж эшиги кўтарилиб, ичкаридаги юришга тайёр машина кўринди... Бир дақиқа ўтди, иккинчиси ўтди, кейин эшик жойига тушди.

Саккиздан ўттиз дақиқа ўтганида куймоқ буришиб, ковурилган нонлар тошдек қотиб қолди. Алюмин куракча уларни раковинага ташлади. Қайноқ сув оқими егуликларни темир ҳалқум сари суриб кетди. Бу ерда ҳамма нарса майдаланиб, эриб,

*Рэй БРЭДБЕРИ – Америка ёзувчиси, О'Генри, Прометей, Пулитцер халқаро мукофотлари соҳиби. 1920 йилда туғилган. “Миррих солномаси”, “Фаренгейт бўйича 451 даража”, “Момоқаймоқ вивноси” романилари, юзлаб ҳикоялар муаллифи. Асарлари жаҳоннинг ўттиздан ортиқ тилларига таржима қилинган. Ёзувчи 2012 йилда вафот этган. Халқаро Астрономия иттифоқи фазода топилган астероидлардан бирига ва Миррих сайёраси юзасидаги кратерга ёзувчи номини берган.*

темир кувурлар оркали узоқдаги денгиз томон оқиб кетди. Овқатдан бўшаган ликопчалар кўпикли сувга шўнғиши ва ундан тозаланиб, яраклаганча ирғиб чиқишди.

– Тўккиз-у ўн беш! – куйларди соат. – Керакдир уйни тозалаш!

Девордаги тешикчалардан митти робот-сичконлар ғилдираб чиқишди. Пўлат ва резинадан иборат митти тозаловчилар барча хоналарда гизиллаб югура бошлашди. Улар ўриндикларга урилар, тукдор роликларини айлантиришар, гилам тукларини титкилашар ва кўзга кўринмас чангларни топиб, сўриб олишарди. Кўп вақт ўтмай, тозаловчилар яна маконларига кириб кетишди, уларнинг пуштиранг чирокча-кўзлари ўчди. Уй топ-тоза бўлиб қолди.

Соат ўн бўлди. Ёмғир пардаси орасидан қуёш мўралади. Уй вайрона ва куллар орасида ёлғиз ўзи сўппайиб турарди. Бутун шаҳарда фақат шу уйгина омон қолганди. Тунда вайрона шаҳарнинг радиоактив шуъласи ўнлаб чакирим масофадан кўринарди.

Ўндан ўн беш дақиқа ўтди. Боғдаги сув сепувчи ускуналардан заррин фавворалар отилиб, майин тонг ҳавосини ярқирок сув мунчокларига тўлдирди. Сув деразаларга урилар, оқ бўёғи қовжираб кетган, қоп-қора дуд билан қопланган ғарбий деворни ювиб тушарди. Ғарбий девор томдан то ергача қоп-қорайиб кетган бўлиб, фақат бештагина оқ доғ бор эди, холос. Оқ доғларнинг бирида ўт ўрувчи ускунани итариб кетаётган эркакнинг шамойили сезилиб турарди. Иккинчисида эса гул узра энгашган аёлнинг сурати кўринади. Қолган учта доғ ўғил бола, копток ва кизчани ифодалайди. Боланинг кўллари кўтарилган, сал тепароқда у отган копток учиб кетяпти. Қизчанинг ҳам кўллари кўтарилган – у коптокни тутиб олмоқчи...

Фақат бешта оқ доғ – эркак, аёл, болалар, копток. Қолган ҳамма нарсани қоп-қора дуд қоплаган.

Сув сепувчи ускуналардан отилаётган майин ёмғир боғни шуълаларга тўлдирди...

Уй шу пайтгача ўз тинчлигини жудаям пухта кўриқлаб келарди. Ёнида салгина шитирлаш эшитилдими, “Кимсиз? Махсус сўзни айтинг!” деб талаб қиларди. Дайди тулкилар ва аянчли миёвлайдиган мушуклардан жавоб ололмаганидан кейин эса, қариқизларга хос бўлган қатъият билан эшикларни кулфлар ва пардаларни тушириб қўярди. Худди механизмлар ўз-ўзини химоя қилиш васвасасига учрагандек эди.

Уй тик этган товушдан ҳам титраб кетарди. Деразаларга чумчуқнинг қаноти тегиб кетса ҳам пардалар шаҳд билан силкиниб, шатур-шутур овоз чиқарар, ўтақаси ёрилган кушча эса хавфли жойдан узоқроқда бўлишни маъқул билиб, дарров учиб кетарди. Шунинг учун чумчуқлар уйга яқинлашишни ўйлашмасди ҳам.

Уй гўё ўн минглаб катта-кичик хизматчилар тиним билмай ишлайдиган ва жўр овозда ифтихор қўшиғини куйлайдиган эҳромга ўхшарди. Аммо маъбудлар ғойиб бўлишган, узлуксиз амалга оширилувчи маросимлардан фойда ҳам, маъно ҳам қолмаганди.

Соат ўн икки бўлди.

Кириш эшиги олдида ёмғирда ивиб кетган ит ингиллай бошлади.

Эшик итнинг овозини дарров таниди ва аста очилди. Бир вақтлар гавдали, кучли бўлган, ҳозир эса озиб-тўзиб, қуруқ териси-ю суяклари қолган, туклари тўкилиб битган ит панжаларининг лой изларини қолдирганча уйга югуриб кирди. Яқиндагина саранжом қилинган уйни яна тозалашга тўғри келишидан газабланган тозаловчи сичқон-роботлар итнинг ортида ғириллаб айлана бошлашди.

Уйга чанг зарраси кирса ҳам деворнинг пастадаги махсус тешикчаларнинг копкағи очилар ва пўлат тозаловчилар сакраб чиқишарди. Уйни ивирситувчи қоғоз

бўлаги, чанг зарраси ёки тук шу захотиёк тозаловчиларнинг бакувват жағлари орасида кўздан йўқоларди. У ердан эса кувурлар бўйлаб бурчакдаги девор ортига яширилган чиқиндиларни ёқувчи ускунанинг “қорни”га тушарди...

Ит тепага чошиб чиқди ва уйда анчадан бери ҳеч ким йўқлиги, бу ерда фақатгина ўлик сукунат ҳукмрон эканлигини тушунгунига қадар ҳар бир эшик олдида жонжаҳди билан ҳуравверди.

Ит ҳавони хидлай-хидлай, ошхона эшиги олдига етиб келди ва уни тирнай бошлади. Эшик очилмагач, унинг ёнига ётиб олди ва бошини кўтариб, ҳавони хидлашда давом этди. Эшик ортида пишаётган қуймоқлар ва қуюқ шиннининг иштаҳоочар хиди бутун уйга тараларди.

Итнинг сўлакайи оқа бошлади, кўзлари чакнаб кетди. У ўрнидан сакраб турди, у ёқдан-бу ёққа югурди, кейин ўзининг думини тишлаб олди ва жон-жаҳди билан чирллаб айлана бошлади. Обдан айлангач, силласи қуриган ит ерга қулаб тушди-ю, қайтиб бошини кўтармади, кўзини ҳам очмади. Шу ётган кўйи бир соатга яқин ўрнидан турмади.

– Соат икки бўлди! – эълон килди овоз.

Очликдан жон таслим қилган ит танасининг айний бошлаганини билдирувчи сезилар-сезилмас хидни пайқаган сон-саноксиз сичқонлар ковақларидан отилиб чиқишди. Улар куз шамолида чирпирак бўлиб учган олтиранг барглардек енгил ва унсизгина ёпирилиб келиб, эшик ёнида мук тушиб ётган итни ўраб олишди.

Иккидан ўн беш дақиқа ўтди.

Ит ғойиб бўлди.

Ертўладаги чиқиндиларни ёқадиган ўчоқда тўсатдан олов ёнди ва мўридан ҳавога бир тўп учқунлар сачради.

Иккидан ўттиз беш дақиқа ўтди.

Ички ҳовли деворидан қарта ўйналадиган столлар отилиб чиқди. Ўйин қарталари шувуллаганча учиб келиб, стол устидаги жойларини эгаллашди. Эман ёғочидан ясалган пештахтада коктейль ва тухумли сэндвичлар пайдо бўлди. Сокин мусика овози янгради.

Аммо стол атрофида сукунат ҳукмрон, қарталарни ҳеч ким олмасди.

Соат тўрт бўлганида, қарта столлари худди улкан капалаклардек тахланди ва яна девор орасига кириб кетишди.

Тўрт ярим бўлди.

Болалар хонасининг деворлари ёришди.

Деворларда намоён бўлган биллур тоғлар устида сарик жирафалар, зангори шерлар, пуштиранг охулар, бинафшаранг коплонлар сайр қилиб юришарди. Деворлар бўёк ва тасаввурга таъсирчан шишадан ясалганди. Яширин кинотасмалар тишчалар бўйлаб ҳаракатланиб, бир ғалтақдан иккинчисига ўралар, оқибатда девор тирилганга ўхшаб туюларди. Болалар хонасининг пастидидаги тўшама худди далада силкинаётган ўт-ўланлардек хилпирар, унда алюмин сувараклар ва темир чирилдоқлар ўрмалаб юришарди. Тик ётган шабада йўқ жазирама ҳавода ҳайвонларнинг ўткир хидлари анқир, юпка пуштиранг газламадан ясалган капалаклар учиб юришарди! Қорни тўқ шернинг эринибгина ўқириши худди асалари уясидаги гўнғиллашдек ғўлдираб эшитилди. Охулар туёғининг тақиллаши ва сарғайган ўт-ўланларга шитирлаб урилаётган илик ўрмон ёмғирининг шовқини эшитилди. Мана, куёш жазирамасида қуйиб кетган ўсимликлар ва иссиқдан ранги ўнгиб кетган тубсиз осмон акс ётган деворлар гўё эриб кетгандек бўлди, ҳайвонлар тиканли ўтлар орасида ва сув ҳавзасида кўздан ғойиб бўлишди.

Болалар кўрсатуви бошланди.

Соат беш. Ваннага кайноқ шаффоф сув тўлди.

Соат олти, етти, саккиз бўлди. Кечки овқат солинган идишлар ғаройиб тарзда дастурхонга тизилди, муайян вақтдан кейин бари ғойиб бўлди. Кейин дам олиш хонасида нимадир шикирлади ва илик тафт берувчи олов ёниб турган камин ёнидаги темир мослама устида туташтирилган сигарадан буркисиб оппоқ тутун кўтарилди бошлади.

Соат тўққиз. Кўринмас ўтказувчи симлар чойшабларни иситди, чунки бу ернинг тунлари жуда совук бўлади.

Тўққиздан беш дақиқа ўтди. Хона шифтидан майин овоз эшитилди:

– Маклеллан хоним, бугун қандай шеър тинглашни истайсиз?

Уй сукунатини ҳеч нарса бузмади.

Нихоят, овоз деди:

– Ўзингиз истак билдирмаганингиз учун ҳам биронта шеър танлашга мажбурман.

Сокин мусика шеърга жўр бўлди:

– Сара Тисдейл. Янглишмасам, у сизнинг сеvimли шонрангиз...

*Майин ёмгир шивалар, тупроқ ҳидин таратар,  
Жарқалдирғоч вижири тонларни жаранглатар.  
Тунги кўлда бақалар хониши авж чоғларда  
Олхўрилар гуллайди оқ оқарган боғларда.  
Кўкси олов қушчалар зов устига кўнганча,  
Чугурлашиб тўқийди қўшиқларини анча.  
Ва ҳеч кимса ёдига олмагайдир урушини,  
Бошдан кечди, унутдик, эсламадик урушини.  
На бир қушча, на бир тол тўкмагай ёш кўзидан  
Инсон зоти агарда йўқ бўлса ер юзидан.  
Яна янги тонларни кутаверади баҳор  
Сезмайин бу дунёда энди бизнинг йўғимиз!*

Тутай-тутай, кулга айланиб бўлган сигаранинг охириги тутуни хилпиради. Унсиз деворлар ёнида ўриндиклар бир-бирига яқинлаштириб қўйилган, ҳамон сокин мусика янгради.

Соат ўнда тўс-тўполон бошланди.

Қаттиқ шамол эсаётганди. Дарахтнинг синиб тушган шохи ошхона деразасига урилиб, уни синдириб юборди. Токчада турган доғ кетказувчи восита идиши ерга учиб тушиб, ичидаги суюклик ўчокка сачради. Кўз очиб-юмгунча ошхонани олов камраб олди!

Шифт остида қаттиқ овоз янгради:

– Ёнғин!

Чироқлар милтиллади, шифтдан сув шариллаб отилди. Аммо синган шиша идиш ичидаги суюкликни атрофига сачратганча тез думалаб, эшик ёнига етиб борди ва унинг тагидан йўлакка ўтиб кетди. Зум ўтмай, ҳар томондан овозлар янгради бошлади:

– Ёнғин! Ёнғин! Ёнғин!

Уй қутулиш учун жон-жаҳди билан уринарди. Эшиклар гипс ёпилди, бироқ дераза ойналари исикдан чирсиллаб сингани туфайли шамол ичкарига кириб, оловни янада кучайтирди.

<sup>1</sup> Рус тилидан Икром Отамурод таржимаси.

Олов ва тап тортмай хонадан-хонага сачраб ўтаётган миллиардлаб жahlдор учқунларнинг зўрига бас келолмаган уй таслим бўла бошлади.

Девордан сон-саноксиз сув каламушлари югуриб чиқишар, оловга сув сепишар, кейин яна сув келтириш учун ғизиллаганча ортга қайтишарди. Деворга ўрнатилган сув сепувчи усқуналар ишга тушиб, сунъий ёмғир ёғдира бошлади. Аммо бу вақтда кеч бўлганди. Қаердадир сув тортувчи насос бўғиқ товуш чиқарди-ю, гурсиллаганча ишлашдан тўхтади. Ёнғинга қарши курашаётган ёмғир тўхтади. Ҳаммом ва ошхонадаги идиш ювадиган мосламаларни сув билан таъминловчи улкан идиш бутунлай бўшаганди.

Олов чирсиллаганча зиналар бўйлаб тепага кўтарилар ва юкоридаги хоналарни ямлаш учун кучини ошириб борарди. Тепа хоналарга етган олов Пикассо ва Матиснинг суратларини худди шинаванда сингари маза қилиб чайнар, ёғли қобиғини ялар, сурат чизилган матони аста бураганча, ямламай ютарди.

Мана, олов болаларнинг хонасига ҳам етиб келди ва тоқчаларга ўтиб, пардаларни домига торта бошлади!

Аммо шу пайт таслим бўлаёзган уйга ёрдам келди.

Чордоқдаги митти дарчалардан роботларнинг кўзсиз юзи пастга қараб, тешикоғизларидан яшил кимёвий модда уфура бошлашди.

Олов ортига тисарилди: ахир ўлик илонни кўрганида, фил ҳам ортга чекинади-ку! Бу ерда эса бирданига йигирмата илон ўрмалаб, оловга қарата яшил кўпикли заҳар сочяпти!

Аммо олов маккор эди, у аланга-тиллари ташки девор бўйлаб тепага, насослар турган чордоқ томон узатди. Портлаш! Насосларни бошқарувчи электрон мия жойидан учиб кетиб, том тўсинларига санчилиб қолди.

Энди олов орқага тисарилди ва барча бурчакларни айланиб, осиглик турган кийимларнинг таъмини татиб чиқди.

Уй эман суяқларини шақирлатганча титраб кетди, унинг яланғочланиб қолган скелети иссиқдан қийшайган, асаб томирлари – ўтказгич симлар яланғочланиб қолган, худди жарроҳ терисини шилиб олган-у, томирлар ва килтомирлар яланғочланиб, осилиб ётгандек туюларди.

Ҳой, ким бор?! Ёнғин! Қочинг, жонингизни қутқаринг!

Олов кўзгуларни худди кишдаги мўрт муздек майдалаб, сочарди. Ҳар томондан янграётган овозлар “Қочинг! Жонингизни қутқаринг!” деб илтижо қиларди уй. Худди ўрмонга ташлаб кетилган ўн икки нафар бола жон аччиғида бири баландрок, бири пастрок қуйлайдиган қўшиққа ўхшарди. Аммо ўтказгич симларнинг қобиклари худди ковурилаётган каштан ёнғоклари сингари бирин-кетин покиллаб ёриларкан, овозлар аста-секин тина бошлади. Икки, уч, тўрт, бешта овоз тинди.

Болалар хонасидаги жунгли чангалзорини олов камраб олди. Зангори шерлар ўқирар, алвонранг жирафалар зир югуришарди. Ўзини ҳар томонга отаётган қоплонлар лаҳза сари рангини ўзгартиришарди. Ўн миллионлаб жониворлар оловдан қутулиш учун узокдаги қайнаётган дарё томон югуришарди...

Яна ўнта овоз ўлди. Гуриллаган олов шовқини кучаяётган охириги лаҳзаларда саросимага тушган, аралаш-куралаш овозлар ичида вақтни эълон қилаётган овоз ва мусиқа товуши аниқ янгар, телебошқарилувчи ўт ўриш мосламаси майсазорда зир югурар, гоҳ очилиб, гоҳ ёпилаётган ташқари эшик олдидаги соябон ақлдан озгандек олдинга-орқага сакрар, хуллас, одатда тартиб билан бажарилувчи барча ишлар бир вақтда ва ўта бетартиблик билан амалга ошириларди. Олов қахридан омон қолган охириги тозаловчи сичқонлар дадиллик билан ковакларидан сакраб

чиқишди – бу даҳшатли, жирканч кулни тезрок йўқотиш керак! Дам олиш хонасида янграётган овоз эса атрофдаги тала-тўпга эътибор ҳам бермай, барча тасмалар ёниб тугаб, ўтказгичлар эриб, барча схемалар сочилиб кетмагунича хотиржам овозда шеър ўқишини тўхтатмади.

Ва, ниҳоят, олов уйни портлатиб юборди. Тутунга кўмилган уй учкунлар сочганча ер билан битта бўлди.

Шифтидан ёнаётган тўсинлар сочилиб тушаётган ошхонада эса ўчоқ ақл бовар килмас тезликда нонушта тайёрларди: юзта тухумдан тайёрланган қуймоқ, бўлаклар ковурилган олгита нон, икки юзта бекон бўлаги... Буларнинг барини олов ямламай ютаётгани эса ўчоқни яна ва яна нонушта тайёрлашга мажбур қиларди!

Гумбураш овози янгради. Чордоқ ошхона ва меҳмонхонага, меҳмонхона биринчи қаватга, биринчи қават эса ертўлага босиб тушди. Қорайиб, кўмирга айланган музлатгичлар, ўриндиқлар, фильмлар ёзилган ғалтаклар, ўрин-кўрпалар, электр жиҳозлар – бари-бари ертўлага сочилиб кетди.

Тутун ва сукунат. Бурқираган тутун.

Шарқ тарафда тонг ёришиб кела бошлади. Култпепа ичида биттагина девор сўппайиб турарди. Бу деворда омон қолган якка-ю ягона овоз ҳамон гапиришда давом этарди. Куёш кўтарилиб, тутун бурксиётган уй колдикларини ёритди ҳамки, овоз ҳамон таъкидларди:

– Бугун 2026 йилнинг 5 августи. Бугун 2026 йилнинг 5 августи. Бугун...

*Рус тилидан Муҳаббат Йўлдошева таржимаси*



### Муҳаббат Йўлдошева

1964 йилда туғилган. Тошкент Политехника институтининг (ҳозирги ТДТУ) тоғ металлургияси факультетини тамомлаган. “Кентар”, “Хиёнат тули”, “Буюк сун дарёси” ҳикоялар тўпламлари чоп этилган. Ҳикоя ва эртаклари инглиз, рус, қozoқ, украин, белорус тилларига таржима қилинган. “Белая скрижаль” (Россия) I Халқаро Кичик проза танлови, “Ўрта Осиё мамлакатлари халқларининг мифлари, эртаклари ва афсоналари асосидаги сценарийлар” Халқаро танлови (Жанубий Корея) гoлиби. 15 та сериал, 300га яқин бадиий фильмини ўзбек тилига таржима қилган.



**Хуршид НУРУЛЛАЕВ**

## МУТАХАССИС ФИКРИ

*Ҳажвия*



– Илгари биноларни окка бўяшарди. Ҳозир кулранг мода бўлган, – тумандаги филиалига ташриф буюрган шаҳар корхонасининг раҳбари янги тайинланган директорга маслаҳат берди. – Ишни ободонлаштиришдан бошлаганингиз яхши, албатта, лекин бинони кулрангга бўяган маъқулроқ, чангни сездирмайди.

Филиалнинг янги директори бинони яқинда таъмирлатган эди. Ёллаган устаси узок бир жойдан махсус ранг олиб келганди. Бино оппоқ кўриниши билан кўчадаги бошқа иморатлардан ажралиб турарди.

Шаҳардан келган бошлиқ бинони кулрангга бўянг деб айтмади. Лекин гапининг оҳангидан унинг шу рангга мойиллиги сезилиб турарди.

Директор ўйга ботди. Бино рангини шу кўринишда қолдирса, раҳбар хафа бўлиши мумкин. Шу боис, ортиқча харажат бўлса-да, бир ҳафта ичида бинони кулрангга бўятди.

Бироз вақт ўтиб, филиалга ташриф буюрган корхоналар уюшмасининг раиси илк эътирозини бино кўринишидан бошлади.

– Бинони ҳам ҳеч вақт кулрангга бўяйдиларми?

Корхона раҳбари ўзининг бошлиғи ҳисобланган уюшма раиси билан бирга келганди. Филиал директори унга нажот кутиб қаради. Лекин, турган гап, у кулрангга бўяш фикри ўзидан чиққанини айтиб ўтирмади. Аксинча, раиснинг гапини маъқуллаб, бош қимирлатди.

– Ҳозир яшил ранг расм бўлган, – эътирозини давом эттирди уюшма раиси. – Ўйлаб кўринглар.

Корхона раҳбари филиал директорига аста шипшиди:

– Бинони дарҳол яшилга бўятинг.

Филиал директори ўйланиб қолди. Бир ой ичида бинони уч марта бўяш қандай бўларкин? Харажат-чи? Йўқ, нима бўлса ҳам раҳбарнинг гапини эътиборсиз қолдириш мумкин эмас.

Қуйи корхоналар фаолияти билан танишиб юрган бирлашма бошлиғи филиал биносини кўздан кечириб туриб, таассуротини яшириб ўтирмади.

– Ким бинони яшилга бўяйди, дид борми ўзи?

---

*Хуршид НУРУЛЛАЕВ – 1959 йилда туғилган. Самарқанд давлат меъморчилик-қурилиш институтини битирган. “Ёмғир ҳиди” “Тугён”, “Муҳаббат мулки”, “Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир”, “Ҳаммаси асабдан” каби китоблари чоп этилган.*

У шундай дея уюшма раисига намойишкорона қовоқ уйди. Уюшма раиси ўз навбатида корхона раҳбарига хўмрайди. Филиал директорининг айби бўлмаса-да, у гуноҳкорлик билан бошини эгди.

– Бизнинг ташкилот ёнида қўшма корхонанинг биноси бор, – сўзини давом эттирди бирлашма бошлиғи. – Бинони кизғиш рангга бўяшган. Антика кўринишга эга. Маблағ бўлганда биз ҳам биномизни шу рангга бўярдик.

Филиал директорининг энсаси қотди. Чунки катталарнинг таширидан бир кун ўтиб корхона раҳбари ундан бирлашма бошлиғи берган топшириқ қандай бажарилаётганини сўради. Ҳатто уюшма раиси бинони кизғиш рангга бўяшни бошладигизми, дея сим қоқиб, танбех берди.

Филиал директори нима қилишини билмай, ахийри ходимларни маслаҳатга чақирди. Ўзаро музокарадан сўнг ишни мутахассисга беришга келишилди.

Туман бош меъмори бинони бўяш лойиҳасини филиал директорига кўрсата туриб, изох берди:

– Бино тўрт хил рангга бўлади. Эшик ва ромлар оққа бўялади. Бинонинг ост ва уст қисмига эни бир метр қилиб узунасига қизғиш ранг берилади. Девор эса яшил ва кулранг бўлади. Маъкулми?

Филиал директори меъмورнинг ранг танлаганига, танлаганда ҳам тўртта раҳбарнинг дидига мос ранг топганига қойил қоларкан, келгусида ҳар қандай ишни фақат мутахассисга беришни ўйлади ва бу фикрдан фавкулотда кайфияти кўтарилди.



**Хато қилса ногон унча билинмас.  
Ўғодмайсан хато кўрсанг донодан.**

**ЧУСТИЙ**

## АДАБИЙ ҲАЁТ

Пойтахтимизда Захириддин Муҳаммад Бобур номидаги Тошкент марказий эко боғининг очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда ёзувчилар, шоирлар, журналистлар, давлат ва жамоат арбоблари, маҳалла фаоллари шахримиз болажонлари ва отаналар иштирок этдилар.

Тадбирни Тошкент шаҳар ҳоқими ўринбосари Шухрат Турдиқулов табрик сўзи билан очди. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири ўринбосари Камола Оқилова, Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо, Ўзбекистон халқ шоирлари Сирожиддин Саййид, Анвар Обиджон, шоира Шарифа Салимова, Халқаро Бобур жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Абдурасул Жумақулов ва бошқалар сўзга чиқиб, Соҳибқирон Амир Темур, теурийзода давлат арбоблари Мир Алишер Навоий ва Захириддин Муҳаммад Бобур яратган боғлар, халқимизнинг боғ яратиш анъаналари, мустақиллик йилларида юртимизда шаҳарсозлик маданияти, меъморчилик, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш соҳаларида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида гапирдилар.

\*\*\*

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”нинг ўтган олти ойи давомида Уюшма томонида амалга оширилган ишлар ҳисоботиغا бағишланган фаоллар йиғини бўлиб ўтди.

Фаоллар йиғини аъзолари, ижодий кенгашларнинг раислари, марказий аппарат, “Ижод” жамоат фонди ва уюшма муассислигидаги газета-журналлар ходимлари иштирокида ўтган мазкур тадбирда ўтган ярим йилда амалга оширилган ишлар юзасидан Уюшма раиси, халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг ҳисобот маърузаси тингланди.

Тадбирда сўзга чиккан Уюшма раисининг биринчи ўринбосари, халқ шоири Сирожиддин Саййид, Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон, “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири Шухрат Ризаев, Халқаро адабий алоқалар ва бадий таржима кенгаши раиси Мирпўлат Мирзо, “Ижод” жамоат фондининг ижрочи директори Шерзод Ирзоев, адилбар Мирзапўлат Тошпўлатов, Мурод Абдуллаев ва бошқалар Президентимизнинг жорий йилининг биринчи ярим йиллигига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

\*\*\*

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида адабиётшунос олим, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Абдуғафур Расуловнинг 80 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди. Университет ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, адабий танқидчилар, университет ўқитувчилари ҳамда талабалари иштирок этишди.

Тадбирда иштирок этган адабиётшунос олим Иброҳим Ғофуров Абдуғафур Расуловнинг “Истеъдод ва эътиқод”, “Бадийлик – безавол янгилик”, “Бетакрор ўзлик”, “Танқид. Талқин. Баҳодлаш” каби китоблари ҳақида ўз мулоҳазаларини билдираркан, улар адабиётшунослигимизнинг бебаҳо мулки эканини алоҳида таъкидлади. Шунингдек Умарали Норматов, Сувон Мели, Баҳодир Карим, Омонулла Мадаев, Абдулла Улуғ, Исажон Султон, Ахтамқули каби таниқли адабиётшунос олимлар ва ижодкорлар Абдуғафур Расуловнинг адабиётимиз ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилган тадқиқотлари ҳақида гапиришди.

\*\*\*

Мамлакатимиз бўйлаб “Буюк келажакни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз” шиори остида маърифий тарғибот тадбирлари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Маданият вазирилиги, Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва тарғибот маркази, “Ўзбектеатр”, “Ўзбеккино” ва “Ўзбекнаво” бирлашмалари ҳамкорлигида давом этаётган бу тадбирлардан кўзланган мақсад халқимиз, айниқса, ёшлар орасида ватанпарварлик, фидойилик, эл ишига камарбасталик

хисларини тарбиялашдан иборат бўлиб, улар доирасида олий ва ўрта махсус ўқув юрғларида, харбий қисмлар ҳамда маҳаллаларда маърифий ва адабий учрашувлар ташкил этилмоқда.

\* \* \*

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наср кенгашининг навбатдаги йиғилишида ёш ижодкор Жумагул Холмирзаеванинг “Буюк Қушон салтанати” номли тарихий романи муҳокамаси бўлиб ўтди. Унда кенгаш аъзолари, ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, уюшма муассислигидаги адабий нашрлар таҳририятларининг ижодий ходимлари иштирок этишди.

Тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи Абдуқаюм Йўлдошев, адабиётшунос олимлар Маҳкам Маҳмудов, Қозокбой Йўлдошев, ёзувчилар Тўлқин Ҳайит, Рисолат Ҳайдарова ва бошқа ижодкорлар ёш адибанинг мазкур романи ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. “Буюк Қушон салтанати” романи қайта кўриб чиқишга тавсия этилди.

\* \* \*

Алишер Навоий номидаги Республика Миллий кутубхонасида ўзбек ва венгер ижодкорлари иштирокида XIX асрда яшаб ижод этган венгер шоири Янош Араннинг асли хоразмлик бўлган Мулла Содик (Исоқ) томонидан ўзбек тилига таржима қилинган, венгер халқининг тарихий воқеалари, шахслари ва урф-одатлари ҳақида хикоя қилувчи “Ажойиб Суйғун хикояти” достонининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Венгрия, Руминия, Польша, Чехия, Туркменистон, Қирғизистон, Озарбайжон каби давлатларнинг мамлакатимиздаги элчилари ва ижодкорлар иштирок этишди. Венгриянинг мамлакатимиздаги элчиси Санто Петер сўзга чиқиб йиғилганларни Янош Аран ёжоди билан таништирди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси халқаро алоқалар ва бадний таржималар бўлимининг масъул котиби Адҳамбек Алимбеков, адабиётшунос олима Манзура Отажоновалар венгер ва ўзбек адабий алоқалари ҳамда Мулла Содикнинг ҳаёти, ижоди ҳақида гапирдилар.

\* \* \*

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси ижодий жамоаси мамлакатимиз адабий, маънавий-маданий ҳаётини кенг ёритиш баробарида долзарб ижтимоий-сиёсий хабар ва аңгилликларни оммага етказиш борасида ҳам пешқадам бўлиб келмоқда. Газетанинг 9 июнь сониди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг “Халқ ичига бораЙлик” сарлавҳали мақоласида “Халқ билан мулоқот ва инсон мафаатлари йили”да юртимиз бўйлаб жадал олиб борилаётган ҳаётбахш ислохотлар кўлами, шунингдек, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг элнинг қувончу ташвишлари, орзу-хаваслари билан яқиндан танишгани вилоятларга қилаётган сафарлари ҳақида боради. Нашрнинг 23 июнь сониди эса, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиқдин Саййид имзоси билан “Соғинч ва хаяжонлар” рукни остида “Зомин семинарлари” номли мақола эълон қилинди. Унда юртимиз истиклолга эришганига эндигина олти йил тўлаётган, мамлакат бўйлаб ислохотлар оғир кечаётган бир паллада Зомин семинарига асос солинган адиб ва шоирларимиз, айниқса ёш ижодкорларга нихоятда юксак рухий мадад бўлгани ёдга олинади. Газетанинг 30 июнь сониди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг шу йил 5-7 июль кунлари жаннатмонанд Зомин бағрида ўтказилажак ана шу семинарга бағишланган “Хуш келибсиз, навқирон авлод!” сарлавҳали дил изхори ўрин эгаллаган. Устоз адиб 1997 йил – юртимизда ислохотлар оғир кечаётган кезлар, Уюшманинг иқтисодий аҳволи бирор ижодкорнинг сафар харажатларини ҳам қоплашга қодир бўлмаган бир паллада Жиззах вилояти ҳокими вазифасида ишлаб турган Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ижодкорлар дардига малҳам бўлиб, Зомин семинарини ўтказиш ташаббуси билан чиққанини ёдга олади. Айни пайтда ижодкор ёшларга яратилаётган шарт-шароитларни юксак бир ҳавас ила тилга олиб, уларга ижодий муваффақиятлар тилайди.

МУНДАРИЖА

ДУРДОНА

ШАВҚИЙ. Агар юз минг жафо кўрсам манга мақсад висолингдур. ....4

**ПУБЛИЦИСТИКА**

Туробжон ЖҶРАЕВ. Маърифатга йўл очган замин. ....7

**НАЗМ**

Саъдулла ҲАКИМ. Изимда из колмас изингдан ўзга. ....11

Хосият БОБОМУРОВОВА. ...Самарқанднинг ардокли булбулиман. ....32

Тошнўлат ҶРХУН. Минорлар оламини қилур томоша. ....37

Жумагул СУВОНОВА. Ниғоҳимда унган ҳақиқат. ....57

Нуруллоҳ ОСТОН. Сени уйғотдими чақинлар зарби? ....61

ОЙДИННИСО. Сен қайларда эдинг, бахт қуши?.....72

Зухра БЕГИМ. Ногаҳон топишдик ушбу очунда. ....76

**НАСР**

Асад ДИЛМУРОД. Бронза бўри. Эссе. ....18

Абдуқаюм ЙЎЛДОШ. Бозор. Ҳикоя. ....41

Тоғаймурод ШОМУРОДОВ. Йўловчи. Ҳикоя. ....109

Шавкат НИЗОМ. Истиғфор. Қисса (охир). ....128

**ЁШЛАР ДАФТАРИДАН**

Ниғоҳларингизда яшар ниғоҳим. ....112

**БУ БЎСТОН САҲНИДА**

Фармон ТОШЕВ. Асл ошиқ суруп тоғай синовлардан сафо истаб. ....90

**АДАБИЁТШУНОСЛИК**

Дилором САЛОҲИЙ. Навоий шеърятнда муҳаббат мақоми. ....80

Исмат САНАЕВ. Зарафшон водийси адабий муҳитидан лавҳалар. ....84

**ЭҶТИРОМ**

Дамин ТЎРАЕВ. Тинчлик, бунёдкорлик ва халқлар дўстлиги куйчиси. ....65

**МУЛОКОТ**

Азим СУЮН, Башорат ОТАЖОНОВА. “Мен ҳеч ким эмасман ўзимдан бўлак...” .....94

**ТАҲЛИЛ**

Абдурахмон ПИРИМҚУЛОВ. Муҳаррирда аламин маним. ....144

**ХАЛҚ ОГЗАКИ ИЖОДИ**

Умида СУЛТОНОВА. Она хисларининг ифодаси. ....148

**ИЖОДИЙ КЕНГАШЛАР**

Ойгул СУЮНДИКОВА. Жилвагар зумрад кўприк. ....119

Хуррам РАҲИМОВ. Таржима назарияси қай аҳволда? .....124

**УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ**

Машраб БОБОЕВ. Майсаларга алла айтади сабо. ....159

Аҳмад АЪЗАМ. Гул кўтариб кетаётган эркак. Ҳикоя. ....163

**ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХОТИРАЛАР**

Тўлкин ЭШБЕК. Устознинг уч сабоғи. ....152

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ**

Рэй БРЭДБЕРИ. Майин ёмғир шивалар. Ҳикоя. ....166

**ГУЛҚАЙЧИ**

Хуршид НУРУЛЛАЕВ. Мутахассис фикри. Ҳажвия. ....172

Адабий ҳаёт. ....174

# Шарқ юлдузи

2017

6-сон

Муассис:  
**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ**

\* Муаллифлар фикри тахририят ижодий жамоаси нуқтан назардан фаркланиши мумкин. Тахририятта юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 “Ўзбек адабиёти” ихтисослиги бўйича рўйхатиға киритилган.

\* Журналға обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шугуullanувчи барча ташкилотлар орқали амалға оширилади.

Обуна индекси – 911

**Манзилимиз:**

100127, Тошкент шаҳри,  
Ислон Каримов кўчаси, 16-а уй.  
Телефонлар:  
227-00-81, 245-22-99, 245-27-87  
www.sharqyulduzi.uz  
e-mail: sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишға рухсат этилди  
14.07.2017 йил.

Қоғоз бичими 70x108 1/16  
Офсет босма усулида офсет қозғизда босилди.  
Босма табағи 11,0.  
Шартли босма табағи 15,4.  
Нашриёт ҳисоб табағи 17,2.  
Алади 3320 нухса.  
Буюртма № 332

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиғида 05.02.2016 й.  
0562-рақам

билан рўйхатға олинган.  
Ғафур Гулом номидағи НМИУ босмаҳонасида чоп этилди.

**Қорхона манзили:**

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,  
Лабзак кўчаси, 86-уй.  
Журнал ойда бир марта чоп этилади.

Мусахҳҳх:

*Дилфуза Маҳмудова*

Саҳифаловчи-дизайнер:

*Мадина Абдуллаева*

Copyright © “Шарқ юлдузи”

# Унутилмас лаҳзалар



*Шоир устозлар ва ҳамкасблари билан бирга*

рeкламa



Китоб миллиатнинг ақл кўзини ёритувчи офтобдир!

## ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ



*Сизга танқид эмилаётган ўзбек  
ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналаридан  
Бахраманг бўлинг.*

Мурожаат учун манзил: 100128, Тошкент ш., Лабзак кўчаси., 86 уй.  
Телефонлар: (+99871) 241-83-29. Моб.: (+99895) 144-41-82, (+99893) 791-00-70, (+99895) 195-42-42  
[www.gglit.uz](http://www.gglit.uz) E-mail: [info@gglit.uz](mailto:info@gglit.uz)

Маҳсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.